


86.33  
Р 75

КАХОН БЕСТСЕЛЛЕРЛАРИ



# ЖИМ РОН

## ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

1

АҚАЛ ВИТАМИНЛАРИ

2

БОЙЛИК ВА БАХТГА  
ЭРИШИШНИНГ 7 СТРАТЕГИЯСИ

3

МУВАФФАҚИЯТНИНГ  
БЕШ КАЛИТИ

**Жим Рон**

---

*Энг сара асарлари*



Бугунги фикр ва ҳисларимиз узвий тарзда эртанги күн билан боғлиқ. Бугун ҳаётга қандай муносабатда бўлишимиз ва фалсафамиз келажак кўзгусида ўз аксини топади.

Жим Рон

# ЖИМ РОН

Энг сара асарлари



АҚЛ ВИТАМИНЛАРИ



БОЙЛИК ВА БАХТГА  
ЭРИШИШНИНГ 7 СТРАТЕГИЯСИ



МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

«Adabiyot uchqunlari»  
Тошкент–2018

УДК: 811.515

ББК: 82.3

Р-65

Масъул мұхаррир  
Шұхрат ГУЛОМОВ

Таржимон  
Шахноза АСАД

Джим РОН (энг сара асарлари) / – Т.: «Adabiyot uchqunlari». 2018 йил. – 400 б.

Натижалар ва турмуш даражамиз – бу ҳаралатларимиз оқибатидир, бироқ буларнинг бошида юқорида келтирганимдай, дунёқарааш, шахсий фалсафа, ҳаётга муносабат ва бизнинг фаолиятимиз турибди. Биз оқибатни ўзгартирмоқчи бўлсак, унинг сабабига таъсир қилишимиз керак. Лекин кўпчилик одамлар оқибатдан нолишади, шикоят қилишади, сабабни эса ё эслашмайди, ё ундан айб қидиришмайди.

Китобни шундай мутолаа қилингки, унинг фикрлари, ғоялари сизни ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириш мақсадида рухлантира олсин.

Сиз китобни ўқиб илгари пайқамаган ўз имкониятларингизни кўра бошлайсиз!

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyet AKM  
INV № 168140 - 2019/4

УДК: 811.515

ББК: 82.3

ISBN: 978-9943-5098-2-5

© И. Нуриллох, 2018  
© «Adabiyot uchqunlari», 2018

## МУҚАДДИМА

“Муваффақият ортидан қувманг, шундай инсон бўлингки, муваффақият ортингиздан қувсин” деб ёзади ўз замонасингининг энг кучли нотиги, мутафаккири, бизнес-тренер ва психологияга оид кўплаб китоблар музалифи Жим Рон. У 70 йиллик умрининг 39 йилини муваффақият психологияси, ўз шахсини камол топтириш ва самарали бизнес юритиш борасида маъruzалари ва семинарлари билан дунё бўйлаб чиқишилар қиласи. Хисоб-китобга кўра, у 5 миллион кишига 6 минг мартадан кўп маъруза ўқиган.

Жим Рон мижозлар билан ишлаш, улар билан мулоқот олиб бориш психологиясини чуқур тадқиқ қилгани билан машҳур. Унинг “Бойлик ва баҳтга эришишнинг 7 стратегияси” китоби шахсий ҳаёт ва бизнесда муваффақиятга эришиш йўллари, ҳаётни бошқариш, уни мақсад томон йўналтиришни ўргатиш билан бирга потенциал мижозларни жалб этиш ва улар билан алоқани ушлаб туриш ҳақида ҳам баён этилган.

Жим Рон инсоннинг муваффақиятга етказувчи хатти-ҳаракатлари принципларини атрофлича ўргангандан бўлиб, “Муваффақиятнинг беш калити” асарида бу тамойилларни таърифлаб ўтади. “Ақл витаминлари” асарида эса миямиз бизнинг фойдамизга ишлаши, муваффақиятли фикрлаш учун қоидалар тўпламини келтириб ўтади. Охирги китоб ўз вақтида тадбиркорлар учун энг яхши қўлланма деб тан олинган.

Мазкур тўпламда Жим Роннинг энг машҳур ва энг кўп сотилган китоблари киритилган. Бу кито-

бларни мутолаа қилишда ён дафтарчага асосий қоидаларни қайд этиб боришиңгиз ва уларни ўз ҳаётингиз ва бизнесингизда бевосита қўллашиңгизни маслаҳат берамиз. Жим Рон фикрича, китобларни шунчаки ўқиш керак эмас, уларни уқиш керак, яъни уларни амалда синаш ва натижасидан баҳраманд бўлиш зарур. Акс ҳолда, китоб мутолааси ёки маърузаларни эшитиш учун кеткизган вақтингиз бекор бўлиб қолади. Коидалар амалда қўлланилиши билан кучлидир.

Шу ўринда Жим Роннинг бошқа муаллифлардан фарқи нима деб сўрашиңгиз мумкин. Унинг бизнес ва шахсий камол топиш фалсафаси қуруқ сафсата ва хаёл қилишдан кўра, амалда аниқ ва тўғри ҳаракат қилиш, ақл билан иш юритиш, ҳамда қатъий тартиб-интизомли бўлишни афзал кўришидадир. Гарчи унинг китоблари бир нафасда ўқиладиган тарзда енгил ва равон ёзилган бўлса-да, у келтирган ҳаёт ва бизнес қонунлари узоқ йиллик изланишлари асосида келтирилгандир.

---



# **АҚЛ**

# **ВИТАМИНЛАРИ**

---



*Эңг яхши натижалар сари  
биринчи қадам...*

## ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

“Эл қатори” бұлманг. Одамлар үзини оқладайверсін, сиз улар каби иш тутманг.

Үз ҳаётингиз учун үзингиз жавоб беринг. Ҳақиқий интизом үз вақтида ҳаракат қилиш қобилиятыни талаб қилади. Зарур бүлмаса, шошмаган маңқул. Лекин вақт йүқтотмаслик ҳам зарур. Фоя пишиб етилған ва ҳиссиётлар кучайғанда - ҳаракат қилиш вақти етған бүләди.

Мисол учун, үз кутубхонангизни яратишни истаяпсиз. Агар истак ҳақиқатан ҳам буюк бүлса, қиладиган бор-йүқ ишиңгиз, биринчи китобни олиш, холос. Кейин ёнига иккінчисини құшасиз. Ҳиссиётлар сұниб қолмасидан, иложи борича тезроқ ҳаракат қилиш керак.

Агар вақтида ҳаракат қылмасанғиз, кейин қуидаги ҳолат рүй беради.

## СИЗ СҰНИБ БОРАЁТГАН НИЯТ ҚОНУНИНИНГ ҚУРБОНИ БҮЛДИНГИЗ

Одатда, ғоя бизни чулғаб олғанда, бирор ҳаракатни ният қиласыз. Ҳиссиётлар чулғаб олғанда, ҳеч бүлмаганда бирор нарса қилиш мүлжалланади. Агар биз режаларни үз вақтида ҳаракатларга айлантирмасак, ҳаракатларимизни кечиктириб бүлмаслигини яқында анлаганимиз үз кучини йүқтодади.

Бир ойдан сұнг иштиёқ сұнади, бир йилдан кейин эса уни топиб бүлмай қолади.

Шундай экан, ҳаракат қилинг! Токи ҳиссиётлар кучли, ғоя эса ишончли, аниқ ва тиним бермас бўлар экан, интизом яратинг. Агар кимdir мустаҳкам соғлиқ ҳақида сухбатлашар ва бу сизни нимагадир ундар экан, овқатланиш ҳақида китоб сотиб олишингиз лозим бўлади. Бу ҳақдаги фикр сизни тарк этмасидан, ҳиссиётлар сўнмасидан туриб, қўлингизга китобни олинг. Жараённи бошланг! Полга ётинг ва бир неча марта қўлларга таяниб, ердан кўтарилинг. Ҳаракат қилишингиз керак, акс ҳолда мулоҳазакорлик йўқолади. Агар ҳиссиётларни амалда қўлламасангиз, улар тезда йўқолади. Интизом ўз ҳиссиётларингиз ва соғлом ақлингизни жиловлашга ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга имкон беради.

Масаланинг моҳияти - тез ишга солинган интизом, ўзига хос ички тартиб орқали сизнинг хоҳишингиз, интилишишингизни оширишдан иборат. Шундай қилсангиз, ўзингиз учун бутун бир янги ҳаётий жараённи бошлайсиз.

Ўз қадрини билиш ҳисси номи билан ҳам маълум бўлган, ўзини ҳурмат қилишнинг борлиги – интизомнинг асосий мақсадидир. Ҳозирги куни мизда бизни ўзини ҳурмат қилишни ривожлантиришга ўргатаётган одамларнинг кўпчилиги буни ҳеч ҳам интизом билан боғламайдилар. Йўлдан оздирадиган энг катта нарсалардан бири – ўзининг рапъига қараш, бушашишдир. Барча иложи бор нарсаларни қилиш ўрнига, сиз барибир ўзингиз қодир бўлган нарсалардан камроғини бажаришга йўл кўясиз. Демак, сиз ҳеч шубҳасиз, ўз қадрини билиш ҳиссини камайтиришнинг энг осон йўлига ўтиб олибсиз.

Озгина беписандлик пайдо бўлиши биланоқ, муаммо юзага келади. Йўл қўйилган менсимаслик худди инфекция каби иш бошлайди.

Агар энди у ҳақда қайғурмасангиз, у касаллика айланади. Бир марта беписандлик ортидан эса, албатта кейингиси келади. Энг ёмони писанд қилмаслик туғилиши биланоқ бизнинг ўзимизни хурмат қилиш ҳиссимишни ўтмаслаштиради.

Агар барибир бу ҳолат рўй берган бўлса, қандай қилиб яна ўз қадрини билиш ҳиссига эга бўлишингиз мумкин?

Сиздан талаб қилинадиган бор-йўқ нарса, бу – зудлик билан ҳаракат қилиш! Ўз фалсафангизга мос келадиган энг оддий интизомдан бошланг. Ўзингизга мажбурият юкланг: «Мен ўзимнинг барча мақсадларимга етишиш, яқин келажакда ўз муваффакиятимни нишонлаш учун ўзимни интизомга соламан».

### ИНТИЗОМ

Интизом бу – қўйилган мақсадлар ва уларга эришишни боғловчидир.

Ҳаммамиз, қай бир даражада, беихтиёр икки “оғриқ”дан бири билан оғришимиз зарур: ё интизом туғдирган оғриқ ёки кейинчалик афсусланиш, тавба қилиш оғриғи. Фақат фарқи шундаки, интизом оғриғи граммлаб ўлчанса, афсуслар оғриғи тонналаб ўлчанади.

Барча интизомлар ўзаро боғланган ва бир-бирига таъсири қиласиди. Одам “Бу ўзимга сусткашлик имконини берганим ягона ҳолатдир”, деганда хато қиласиди. Бу тўғри эмас.

Хар бир сусткашлик бутун жараёнга салбий таъсири қиласиди. Шундай деб ўйламаслик - соддалиkdir.

Интизом бу – бутун муваффакият пойдевори. Интизомнинг йўклиги мағлубиятга олиб келиши, шубҳасиз. Интизом ўзида келгусидаги мўъжизалар яратиш салоҳиятини мужассамлаштирган.

Интизом үрнатишнинг энг яхши вақти ғоя ҳали “янгигина” бўлган пайтидир. Бир интизом ҳар доим бошқасига “оқиб” ўтади. Интизомдан воз кечиш – орзулар ушалмай қолишига олиб келадиган адашишнинг бошланишидир.

Ҳеч бўлмагандан бирор фарқини билиш учун сиз кўп ишилишингиз керак эмас.

Бир нечта оддий интизомлар кейинги 90 кундаги ҳаётингиз қандай натижалар келтиришига сезиларли таъсир қилиши мумкин. 12 ой ёки кейинги уч йил ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Озгина интизом етишмаслиги бизнинг ўз қадрини билиш ҳиссимиизни емиради.

## КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### **Суров.**

Мистер Рон, ишда ажойиб мавқеим бор, ўзимга ёқадиган ишни қилиб ва бутун вужудим билан ишлаб, мен ҳақиқатан ҳам яхши одамларга ишлаб бераяпман. Мен ёзаман. Шунга қарамай, ўз фаолиятимни кенгайтиришни хоҳлайман ва аллақачон бир нечта лойиҳалар устида иш бошлаганман; ўз қобилиятларимни рӯёбга чиқариш борасида зўр ғояларим бор. Муаммом шундаки, мен, афтидан, бир нуқтадан ҳеч олдга силжий олмаяпман. Ўз орзуимни амалга оширишда менга ёрдам бериши мумкин бўлган, ноширлик фаолияти, муаллифлик ва батафсил ахборотларга ихтисослашган китоблар буюрдим. Фақат ўзимга иштиёқимни ҳаётга жорий қиласидиган туртки беролмаяпман. Мен сизнинг руҳлантирадиган нутқларингизни деярли ҳар куни қайта-қайта ўқиб чиқаяпман, уларни кўплаб бошқа материаллар билан мустаҳкамляяпман. Лекин мени эскитдан қолган сусткашлик муаммоим

хеч тарк этмаяпти. Үз орзумни қай тарзда ҳара-  
катга келтирсам бүлади?.

### Жавоб.

Мен ҳар доим старт олиш, ҳаракатни бошлашни мақсадга эришиш учун асосий рағбатлантирувчи (мотивация) ва илҳомлантирувчилардан бири деб хисоблаганман. Бир гал қадам ташлаб ва маънавий-рухий ҳолат келтириб чиқарган чарчок, зерикиш, турли хил түсиқлар ва сусткашликни ортда қолдиргач, сиз үзингизда тикланган қувватни хис қиласиз ва ҳаммасига бошқача қарай бошлайсиз.

Мен үз сусткашлыгини оқлаётгандек бұлаётган күп одамларни учратғанман. Бу одамлар – ҳақиқатан ҳам мангу талабадирлар. Улар ҳар доим үқиша-ди, үрганишади, лекин ҳеч қаңон реал ҳаракат қи-лишмайды. Мен үқиши тарафдориман, албатта, бироқ маслахатим: үқи, үрган, лекин кейин ҳаракат қил. Сүнгяна бир оз үрганиш ва яна ҳаракат қилиш лозим.

Шунингдек, “бир нечта лойихангизни” айни пайтда энг муҳим ва ҳақиқатан ҳам эътибор талаб қи-ладиган бир ёки икки лойихага бирлаштиришин-гизни таклиф қиласман. Баъзан ҳаддан ортиқ танлов қилиш – ҳеч нарсани танлаб олмасликни англата-ди. Албатта, үз “орзулар рўйхатингиз”га эга бўлинг. Аммо вақти-вақти билан рўйхат миқёсини торай-тилинг, ҳеч бўлмаганда, ҳақиқатан ҳам ҳаракатлар-га ундовчи қандайдир туртки вақти етиб келгани-ни сезмагунингизча. Охир-оқибат, болаларча қадам билан илгарилаш ҳам унчалик ёмон эмас. Бир ҳик-матли гап бор: «Юз миллаб масофага саёҳат қилиш, ҳар доим биринчи қадамдан бошланади».

Кўпинча, айнан кичик, шошмасдан босилган қа-  
дамлар энг буюк нарсага олиб келади.

Омад ёр бўлсин!

Иш берувчингиз сизнинг иш ҳақингиз учун масъул эмас, бу сизнинг масъулиятингиздир. Чунки иш берувчингиз сизнинг қадрияларингиз ўлчови устидан ҳукмронлик қилмайди. Ўзингиз эса бунинг ҳукмдорисиз!

Сиз ўзингиз учун жавобгар бўла билишингиз зарур. Сиз ҳолатларни, йил фаслларини ёки шамол йўналишини ўзгартиришга қодир эмассиз, бироқ ўзингизни ўзгартира оласиз. Сиз чиндан жавобгар бўлган нарса мана шудир. Сиз юлдузлар туркуми учун жавобгар эмассиз, бироқ нима ўқишингиз, қандай янги кўникмаларга эга бўлишингиз, қандай машғулотларга қатнашингиз учун жавобгарсиз.

## ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАР САРИ БИРИНЧИ ҚАДАМ

Омадни қўлда тутиб бўлмайди.Faқат ўзингизни яхшилай бориб, омадни жалб қилишингиз мумкин.

Натижаларимизни қанчалик кучли ўзгартира олишимиз, асосан, тасаввуримиз билан ўлчанади. 1960 йилда фазо кенглигига сайр қилиш инсон учун техник жиҳатдан иложи йўқ нарса эди. Ўн йил ўтди ва биринчи марта инсон комосга учди, ой сатҳига қадам қўйди. Одамлардан бири илмий жамоатчиликни “шу ўн йилликнинг охирига қадар Америка ойга одам чиқариши учун ҳамма ишни қилиши кераклиги”га чақирганда, орзуни воқеликка айлантиришнинг мўъжизали жараёни бошланди. Тасаввурнинг сермаҳсул тупроғига эҳтимол тутилган келажак уруғини қадар экан, бу чақириқ миллатнинг рухини уйғотди. Шундай қилиб, бир чақириқ иложи йўқ нарсани воқеликка айлантириди.

Шу пинципларни ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига қўллашимиз мумкин!

Камбағал одам бойга айланиши мүмкінми? Ал-батта! Истак, режалаشتариш, күч-ғайрат ва қағыят ҳамиша мұжиза яратишиң қодир. Масала муваффакият формуласи ишлаб кетиш-кетмаслигіда әмас, балки одам уни ишлашга мажбур қила олиш-олмаслигидар. Инсон – номағлум үзгарувчидир. Бу ҳаммамизға аталған чақириқ. Ҳаммамиз ҳам үзимиз турған ердан үзимиз истаётған жойға кела оламиз. Агар ишона билсак, ҳар қандай орзу воқеликка айланади.

### САБОТ/ҚАТЪИЯТ

Санъат асари яратиши учун вақт керак. Ҳаётни йүлға қўйиш учун вақт керак. Үсиш ва ривожланиш учун ҳам вақт зарур. Шундай экан, үзингизга, үз бизнесингизга, оилангизга улар муносиб ва мұхтож бўлған вақт ажратинг.

Қанча вақт уриниш керак? Токи муваффакиятга эришмагунча.

Баъзи одамлар баҳорда экин экиб, ёзда кетадилар. Агар сиз бир мавсумга иш олган бўлсангиз, уни охиригача етказинг. Сиз бир умр шу иш билан қолиб кетишга мажбур эмассиз, лекин ҳеч бўлмагандা, бошлиган ишни охирига етказмагунингизча қолинг.

### КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

#### Савол.

Мен китобларингиз, ёзганларингизни кўп ўқидим, улардан катта қониқиши олдим ва фалсафанингизга қўшиламан. Бироқ бир савол бермоқчиман: ҳаётингиз давомида энди үзингиз истаган одам бўлолмаслигиниз, ёш ҳал қилувчи омил эканлигини анлаганингизда, үзингизга нималар дейсиз? Менимча, қанчалик ёшимиз улғайгани сари, үзимиз учун рағбат топиши-

миз шунчалар қийин бұлади. Ҳали ҳам муваффақият-  
та эришишга уринаётган ёши катта одамни олайлик  
(айтайлик 50 ёш) – унинг реал имкониятлари борми?  
Китобларингиздан бирида, мана, мен нимани үқиб  
қолдим ва кассеталарингздан бирида нимани эши-  
тиб қолдим: агар 50 ёшгача сиз моддий таъминлан-  
ган одамга айланмаган бұлсанғиз, демек буни үзин-  
гиз хоҳламагансиз. Ёшим билан олишаяпман ва ҳали  
үз мақсадларимга эришмаганимни ҳис қилаяпман,  
вақт тугаб бораётган бұлиши мумкин, дейишингиз  
мумкин. Ҳар қандай изоҳингиз учун миннатдорчи-  
лик билдираман. Ҳамма яхши тилаклар билан, Марк.

### Жавоб:

Мен ҳақиқатан ҳам муваффақият сари ҳар қан-  
дай ёшда ҳаракат бошлаш мумкинлигига ишона-  
ман. Баъзан биз катта миқдордаги пул ёки пен-  
сияга чиқиш вақти ҳақида шунчалик күп үйлай-  
мизки, ҳеч қачон бунга етолмаймиз, деган хаёлга  
ҳам борамиз. Лекин ҳақиқат шундаки, үзингизни  
таққослайдиган бундай сумма ёки одам аслида йүқ.  
Сиз шунчаки түғри қарор қабул қилишингиз учун  
бу ҳаракатлар сизни үзингизни такомиллаштириш  
учун керак бұлған соҳадаги муваффақиятларга олиб  
келади. Энг қизиғи, муваффақият муваффақиятни  
туғдиради. Худди үз боғингизда ажриқларни құпо-  
риб олиб, үрнига янги фойдалы экинлар экаётган  
ва уларни парваришлий туриб, оддий қоидаларни  
құллаш, агар улар маълум вақт давомида доимий  
құлланса, қандай қилиб бир неча кун, ой ёки йил  
давомида ажойиб мевалар бераётганини сезганин-  
гиздек, сиз кундан-кунга күпайиб бораётган ижо-  
бий одатлар, қоидалар ва қарорларнинг захираси-  
ни ҳис қила бошлайсиз.

Мен баъзан ҳаётда тула муваффақиятга эришиш учун жуда кеч бўлган бўлади, деб ўйлайманми? Йўк, албатта! Биз ҳаётда татиб кўрадиган баҳт ва қувончнинг асосий манбаларидан бири, аслида, Яратувчи бизнинг ихтиёrimизга берган барча нарсаларни бошқаришдир. Ҳамма гап шундаки, сиз токи шу асосий принципларни ҳар кунлик ҳаётингизда шунчаки қўллар экансиз, илгари шунчаки сезмай ўтказиб юборганингиз - ўзингизга келажақдаги имкониятлардан фойдаланишга имкон бераётган бўласиз.

Бир пайтлар ўқитувчимга шундай деганим эсимда: «Агар кўп пулим бўлганида, энг яхши режани ўйлаб топардим». У тез жавоб берганди: «Менимча, энг яхши режани ўйлаб топганингда, сенинг пулинг кўпроқ бўларди».

Кўрдингизми, миқдор эмас, режа аҳамиятга эга. Сиз нимани истаётганингиз ва уни етарлича кучли истаётганингизни билсангиз, шу нарсани қўлга киритиш усулини ҳам топасиз.

Шундай экан, келажакда сизники бўлиб қоладиган тарихни ёза бошланг. Қирқ, эллик, олтмиш ва ҳатто етмиш ёшдан кейин иш бошлаган бошқа юзлаб одамларга қўшилинг: сиз мўъжизали жараённи ишга туширасиз, у сизни ҳақиқий муваффақиятга ва ўзингизнинг бетакрор ҳаётингизга олиб келади.

Бахт бу – сиз кейинга қолдираётган нарса эмас, балки ҳозир яратаетган нарсангиздир.

Омадсизлик – бир марта бўладиган ҳалокатли ҳодиса эмас. Сиз бир кечадаёқ омадсизликка учрамайсиз. Аксинча, муваффақиятсизлик бу – кундан-кунга такрорланиб келган бир қатор хато мулоҳазалардир.

Муваффақиятнинг 20% маҳоратдан ва 80% стратегиядан ташкил топади.

Сиз ўқишни билишингиз мумкин, лекин нимани ўқишни режалашишингиз анча муҳим.

## ЎЗГАРИШЛАР ТАНЛОВДАН БОШЛАНАДИ

\*  
Ўзингиздан сўнг учта нарса қолдиришиңгиз лозим: расмларингиз, кутубхонангиз ва шахсий кундайликларингиз.

Улар мебелларингиздан күра күпроқ қадриятга  
эгалиги, шубҳасиз!

Истак бўлган ҳар қандай кунда, биз бунинг ҳам-  
масини ўзгартиришимиз мумкин. Истак бўлган  
ҳар қандай кунда, биз онгимизни янги билимлар  
сари етаклайдиган китобни очишимиш мумкин. Ис-  
так бўлган ҳар қандай кунда, биз янги фаолият бо-  
шлашимиз мумкин. Истак бўлган ҳар қандай кун-  
да, биз ҳаётни ўзгартириш жараёнини бошлаши-  
миз мумкин. Биз буни дарҳол ёки кейинги ҳафтада  
ёхуд кейинги ойда ё кейинги йили амалга ошири-  
шимиз мумкин

Биз ҳеч нарса қилмаслигимиз ҳам мумкин. Биз бирор иш қилишдан күра, күпроқ үзимизни шу ишни қилаётгандек тутишимиз мумкин. Борди-ю, үзимизни үзгартыриш ҳақидағи фикр нокулайлик туғдирса, ҳаммасини аввалгидек қолдиришимиз мумкин. Биз ишни әмас, дам олишни, таълим олишни әмас, күнгилхушлик қилишни, ҳақиқатни әмас, тасаввурни, ишончни әмас, шубҳаланишни танлашимиз мумкин. Бу - бизнинг танловимиз. Лекин натижани лаънатлар эканмиз, биз сабабни ҳимоя қилаётган бўламиз. Шекспир ўрнини топиб айтган: «Юлдузлар әмас, үзимиз айбормиз». Бизда бугундан бошлаб, энг яхши танловни амалга оширишга имконият ҳам, масъулият ҳам бор. Яхши ҳаёт излаётгандарга бошқа жавоблар ёки яхшироқ натижаларга эришиш ҳақида үйлесілә күп вақт жерак ҳам әмас

Уларга ҳақиқат зарур. Бутун ҳақиқат. Ҳақиқатдан бошқа нарса керак эмас.

Ҳар куни тақрорланадиган хато фикрларимизга бизни ёлғон йўлдан бошлаб кетишига имкон бера олмаймиз. Биз ҳаётимиз шаклланишига кўмаклашадиган, ёрқин усулларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз зарур. Шундагина айнан кундалик умримизга ҳаётий куч, баҳт ва қувонч олиб кела-диган танловни амалга ошира оламиз.

Сўзим якунида ҳаётда ўзгариш излаётган ва улар жуда зарур бўлган одамларга маслаҳат беришга жазм қилдим – агар сизга нимадир ёқмаётган бўлса, уни ўзгариринг! Сиз ўсимлик эмассиз. Ўз ҳаётингизнинг хоҳлаган соҳасини тўлалигича қайта қуришингиз мумкин - ва бу сизнинг танлов кучингиз билан амалга ошади.

### ЎЗГАРИШЛАР/ТАНЛОВ/ҚАРОР

Ўз ҳаётингиздаги эврилишни “Мен бажаришим шарт” деб тасаввур қилинадиган рўйхатга киритилиши керак бўлган ҳаракатларни бажаришдан бошлаган маъқул.

Журъатсизлик – мана нима, бизни имкониятлардан маҳрум қиласди.

Ҳаётнинг Инсон деб аталмиш мавжудотидан бошқа барча кўринишлари ўзининг максимумига эришишга интилади. Даражат қанчалик баланд ўсиши мумкин? Иложи борича. Бошқа томондан эса инсонга танлов деган шараф берилган. Ё барча нарса бўлишингиз ёки ҳеч нарса бўлмаслигинизни ўзингиз танлашингиз мумкин. Нега энди юқорига, ўзингиз қодир бўлган имкониятларингизнинг сўнгги чегарасигача интилмаслигиниз керак?

Тұғри, бир кечада үзингизнинг бош мақсадин-гизни үзгартира олмайсиз, лекин үзингиз ҳаракат қилаётган йұналишни үзгартира оласиз.

Бирор нарса қилиш қарорига келиш, худди ичингиз-да фуқаролар уруши бұлаётганидек гап.

Қачонлардир: «Албатта, мен үзимда бирор нарсаны үзгартира оламан» дегандим. Кейинроқ бирор нарсаны үзгаришига мажбур қилишининг ягона усули – үзим үзгаришим кераклигини тушундым. Ҳеч қачон: «Агар әплаганимда, шу ишни қылган бұлардим», деманг. Яхиси: «Агар шу ишни қыладиган бұлсам, ҳаммадан яхшироқ бажараман», деб айтинг .

Бағынан менга сиз тұсыңынға қай тарафидан келишиңгизнің ақамиятий түркімі. Энг асосийси, уни енгіб үтишиңгиздір. Қарор қабул қылмай туриб, олға силжиш мүмкін әмас.

Мана үзингизни үзгартышига сизни мажбур қыла оладиган иккита сабаб: илхом ва тушкунлик.

## КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Жим, яқында бир дүстім мени сизнинг фалса-фангиз билан таништирди. Сиздан иқтиbos келтира туриб, муваффакияттаға эришиш осон, дейишади. Бунда сиз нимани назарда тутасиз?

### Жавоб.

Икки оғиз гап билан айтганда, ҳатто энг катта ютуқ ҳам бажариш осон бұлған майда бұлакларға бұлинishi мүмкін. Умуман лойиха мураккаб ёки бажарып бұлмайдиган бўлиб кўриниши мүмкін, лекин бирин-кетин кичик натижаларга эриша бориб, аслида ҳаммаси осон эканини тушуниб оламиз. Масалан: 50 фунтга озиш. Бу бир йил давомида ҳар ҳафта

бор-йүғи бир фунт дегани. Бир ҳафтада бир фунтга ориқлаш шунчалик қийинми (фунт – бор-йүғи 450 г.)?

Йўқ, ҳатто моддалар алмашуви секинлашганда ҳам, одамларнинг кўпчилиги ҳафтада бир фунт ориқлай олади.

Ёки 50 та китоб ўқиш. Кейинги бир йил давомида ҳафтасига биттадан китоб ўқиш.

Янги имкониятлар юзасидан 500 одам билан учрашиш. Бу ҳафтасига атиги 2 киши, йил давомида бир ҳафтада беш кун деганидир.

Янги тил ўрганиш? Ҳар куни 5-10 тадан сўз ўрганинг. Йил охирига бориб, янги тилнинг 1500-3000 сўзини ёдлаб оласиз.

Молиявий мустақил булишми? Пулингизнинг 5-10 % ини 8-12 % дан олиб қўйиб, 20-40 йилда, пенсия ёшингизгача ўзингизнинг молиявий мустақиллигингизни таъминлайсиз, ҳойнаҳой (агар бундан ҳам олдинроқ бўлмаса).

Яна савол туғилади: ростдан ҳам, ҳаммаси шунчалик осонми? Менинг жавобим: «Шубҳасиз, айникса, дунёнинг бошқа кўп жойлари билан таққосланганда». Шундай экан, муаммо нимада?

Муаммо шундаки, худди шу тарзда ютқазиб қўйиш ҳам жуда осон. Муваффақиятга эришиш осон, бироқ мағлубиятга учраш ҳам шунчалик осон. Биз ҳаётда иккита осондан бирини танлашга мажбурмиз – амалга ошириш осон ёки ҳеч нарса қилмаслик осон.

250 000 доллар турадиган уйларнинг кўпида кутубхона бор. Бу ниманидир англатади.

Китобларни топиш ва сотиб олиш осон. Қоғоз муқовали китоб атиги олти ёки етти доллар туради. Бу суммани ўз болаларингиздан қарзга олишингиз мумкин!

Бўрттириб кўрсатгандан кўра, камайтириб айтган мъяқул. Одамлар натижа сиз ваъда қилганинг

гиздан күра каттароқ, унга эришиш сиз айтгандан осонроқ эканидан ҳайратта түшсін.

Бошқа киши ҳақида ғамхұрлық қилаёттан бир одам әнг катта қадриятни намоён қилаёттан бүлади.

## ТАШАББУС ҲАРАКАТСИЗЛИКДАН КҮРА ЯХШИРОҚ

Инсон деган мавжудотлар йүк нарсадан бирор нараса ясашдек ажойиб қобилиятига эга. Улар ажриқларни боққа, чақаны бойликка айлантира олади.

Агар биз лойиҳада иштирок этаёттан бүлсак, унинг устида қанчалик ғайрат билан ишлашимиз керак? Унга қанча вакт сарфлашимиз зарур?

Бизнинг фаолиятта ёндашувимиз ва оғир ишга муносабатимиз ҳаётимизнинг сифатига таъсир қиласы. Бизнинг меҳнат ва дам олишга муносабатимиз қандайдир меҳнат этикасини белгилаб беради. Бу меҳнат этикаси – бизнинг келажак учун амалга оширишни истаёттан иш миқдорига, бу муваффакият қанчалик катта ёки билинмас бүлишини аниқлаб олишга нисбатан муносабатимиздир.

Ташаббус ҳамиша ҳаракатсизликдан күра яхшироқ. Ҳар гал қодир бүлганимиздан күра камроқ иш қилаётганимизда, бу хато бизнинг үзимизга бүлган ишончимизга таъсир күрсатади. Буни кун сайин тақрорлар эканмиз, тез орада, бажара оладиганимиздан күра камроқ иш қилаётганимизни англабгина қолмай, үзимиз ҳам аслида кимлигимиздан күра кичикроқ одамга айланиб борамиз. Бундай хатонинг умумий самараси бузғунчи бүлиши мүмкін.

## ЯХШИЯМКИ, ЖАРАЁННИ ТҮХТАТИШ ОСОН

Ҳаракатларнинг янги тартибини ўрнатиш учун ҳар қандай кунни танлаб олишимиз мумкин.

Ҳар гал, ҳаракатни ҳаракатсизликдан, меҳнатни ҳордикдан афзал кўраётганимизда ўзимизни баҳолаш, ҳурмат қилиш ва ўзимизга ишонч даражасини оширамиз. Охир-оқибатда, ўзимизни қандай ҳис қилишимиз ҳар қандай фаолиятдан энг кўп самара олишимизни таъминлайди. Бизни эришган нарсаларимиз эмас, балки ҳаракат жараёнида кимга айланганимиз қадрли қиласиди. Инсон орзуларини воқеликка айлантирадиган фаолият ва шу тарзда ғоядан уни амалга оширишга ўтиш бизга ўз муҳимлигимизни ҳис қилишнинг бошқа манбадан олиш иложи бўлмаган аҳамиятини беради.

Шундай экан, корхонада шунчаки иштирок этиб қолмай, бундан тез орада пайдо бўладиган моддий фаровонликлар билан бирга, тўла қоникиш олишдан ҳам уялманг!

## ТАШАББУС

Инсон ҳеч нарсадан бир нарса яратадан билишдек ажойиб қобилиятга эга мавжудот.

Одамлар ўт босган далаларни боғларга айлантириши ва бир тийиндан миллионлар қилиши мумкин.

Ташаббус ҳаракатсизликдан яхшироқ.

Даромад келтириш бу нимага қўлимиз тегса, ўшани яхшироқ қилиш, демакдир. Ташаббус – бизнинг келажакдан умидимиздир.

Иш ҳақи олгандан күра, даромад олган яхши. Иш ҳақи кун күришимизга восита бўлади; даромадлар эса бизни бой қилади.

Ҳаммамиз кун күриш учун пул топишнинг кўп усуларини биламиз. Лекин бойиш усуларининг ҳисобини чиқариш жараёни анча жозибали.

Болалар иккита велосипедга эга бўлса, яхши бўлармиди – бири миниш учун, иккинчиси – ижарага бериш учун.

## **КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР**

### **Савол.**

Қарзлардан қандай қутулиш мумкин, агар қарздор бўлса, ўз молиявий муаммоларини қандай ҳал қилишни маслаҳат берсангиз?

### **Жавоб.**

Бир куни мистер Шоафф менга ғаройиб бир иқтибос келтирди. У: «Миқдор режадек мухим эмас», деди. Гап шундаки мен «70/ 30» принципини ўқитаман. Унга кўра, соф фойдангизнинг 10% ини олиб қўйиш, 10% ини бирор жойга қўйилма сифатида киритиш, инвестиция қилиш ва яна 10% ини тарқатиш лозим..

Менимча, бу сиз жамғариб қўядиган, сармоя қилиб киритадиган ва тарқатадиган маблағларнинг яшашингиз учун қолдирадиганингизга нисбатан яхши нисбатидир.

Агар қарзлардан қутулишингиз зарур бўлса, сизга шундай принципга амал қилишингизни маслаҳат берардим. Фақат бунда рақамларни мувофиқлаштириб олишингиз зарур. Масалан: 70% га яшаб, 20% ни қарздан қутулишга тўлаб, қолган 10 % ни жамғариш, инвестиция ва хайрияга қолдириш. Ёки бу жуда

кам бұлса, 80% га яшанды, 14% ни қарздан қутулиш-  
га беринг үзіншеге 2% дан жамғариш, қўйилма қилиш ва  
тарқатишига ажратинг. Яна гап пулда эмас, сизнинг  
режангиз борлигига. Шунчаки, үз қарзларингизни  
тўлашни бошлаганингиздан сўнг, фоизлар миқдо-  
рини камайтириш харажатларни қисқартириши-  
га, қарзлар, қўйилмалар ва хайрия бўйича тўлов-  
лар суммасининг нисбатини мувофиқлаштириши-  
га ишонч ҳосил қилинг.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, үзим аввал жамғарма-  
лар ва қўйилмалар бўйича тўловлар қилишга урин-  
ган бўлардим. Ҳатто бу арзимас пул бўлганида ҳам.  
Кейин эса, биринчи навбатда, үзимнинг энг юқори  
фоизли қарзларимни тўлардим, айни пайтда барча  
муҳим бўлмаган харажатларимни камайтириб бо-  
радим. Бу учта қоида сизга молиявий эркинликдан  
кувониш ва фахрланишга туртки бўлиб хизмат қи-  
лади. Тез орада сиз аста-секин ҳаражат қилмаётга-  
нингиз балки жамғариб бораётганингиз, қарз олма-  
ётганингиз, балки қарз бераётганингизни кўрасиз.

Бир үзингиз ютуққа эриша олмайсиз. Узлатдаги  
бой одамни топиш қийин.

Бирорга совға қила оладиган энг яхши нарсангиз,  
бу – сизнинг шахсий ривожланингиздир. Қачон-  
лардир айтганман: «Агар сиз мен ҳақимда ғамхўр-  
лик қилсангиз, сиз ҳақингизда қайфурман». Энди:  
«Агар сиз мен туфайли үзингиз ҳақингизда ғамхўр-  
лик қилсангиз, мен сиз учун үзим ҳақимда қайфу-  
раман» деяпман.

Агар сиз болаларингиз билан гаплашсангиз, улар-  
га ҳаётини тартибга солишларида ёрдам беришин-  
гиз мумкин. Агар сиз улар билан моҳирона гаплаш-  
сангиз, уларга келажак ҳақида орзулар қуришига  
ёрдам берасиз.

## БИЗ ТҮҚНАШ КЕЛАДИГАН ИККИ МУҚОБИЛЛИК

Хаётда, шубҳасиз, икки нарсадан бирини қилишини үрганишимизга түғри келади: ёки баҳорда урuf қадаш ёхуд кузда тиланчилик қилиш.

Хар биримиз үз ҳаётини қандай сарфлашнинг осон фарқланадиган иккита усулига эгамиз. Биринчиси - үз қобилиятимиздан кам нарсаларга эришиш. Камроқ пул ишлаш. Камроқ нарсага эга бўлиш. Кам ўқиш ва кам ўйлаш. Камроқ синааб кўриш ва үз устида кам ишлаш. Бу йўл бизни бўшлиқдан иборат ҳаётга бошлайди. Бир марта шундай танлов қилсақ, оқибатда мўъжизалар кутиб яшаш ўрнига, доимий кўркувга тўла ҳаётга дуч келамиш.

Иккинчи йўл-чи? Ҳамма нарсага улгуриш! Ўзимиз бўла оладиган барча нарсага айланиш. Иложимиз бўлган ҳар бир китобни ўқиб чиқиш. Қўлимиздан келгунича пул ишлаш. Имконимиз бўлганича бериш ва иложимиз бўлганича бошқалар билан бўлишиш. Имконимиз борича ишлаб чиқариш ва бажариш.

Ҳаммамиизда танлаш имкони бор.

Қилиш ёки қилмаслик. Бўлиш ёки бўлмаслик. Ҳаммасига айланиш, муҳим бўлмаслик ёки ҳеч кимга айланиш. Дараҳтлар каби, биз учун бу муносиб чақириув бўлади – имконимиз борича баландга ва ташқи оламга интилиш. Нега энди ўзимиз қила оладиган, қачон истасак қила оладиган, қўлимиздан келганча қила оладиган, иложи борича яхши қила оладиган, имонимиз борича узоқ қила оладиган нарсаларни қилмаслигимиз керак экан?

Бизнинг асосий мақсадимиз истеъодидимиз ва истакларимиз бизга имкон бергани қадар кўпроқ

нарса яратиш бўлмоги зарур. Бундан камроқ иш қилишга мўлжал олсак, бу муносиб вазифани бажармадик, демакдир.

Натижалар – инсон ривожининг энг яхши ўлчами. Гаплар эмас. Изоҳлар эмас. Ўзини оқлашлар эмас. Натижалар! Агар натижаларингиз салоҳиятингизга қараганда, керагидан камроқ бўлса, сиз бугун кечагидан кўра кўпроқ нарсага эришишга уринишингиз зарур. Энг яхши мукофотлар ҳамиша ким ва nimaga айланганлишнинг натижаси сифатида ўзи ва атроф оламни яхшироқ қиласиганлар учун захиракилиб қўйилган.

## ҚАДРИЯТЛАР

Ҳаётдаги асосий қадрият сиз эришган нарсалар эмас. Ҳаётдаги асосий қадрият – сиз кимга айланганингиз. Шунинг учун ҳам, мен ҳар бир қадрият учун ҳалод тўлов қилмоқчиман. Агар мен бунинг учун тўлашим ёки ишлаб уни қўлга киритишим керак бўлсагина, кимгадир айланаман. Агар бу қадрият менга текинга тушса, мен ҳеч ким бўлмай қоламан.

Барча қадриятлар мусобақада қўлга киритилиши керак. Қўлга киритгач, уларни албатта ҳимоя қилиш керак. Эзгу ишларингиз ва қадриятларингизни сизга гўёки ўзингиз истаётгандек туюлган нарса учун сотиб юборманг. Агар улар арзимас бўлганида, балки биз уларни қадрият сифатида қабул қилмаган бўлармидик.

Аввал бу қанча туришини ҳисоблаб олинг. Арзимас қадриятлар учун ўта кўп пул тўламанг.

## ЯХШИ КУЗАТУВЧИГА АЙЛАНИНГ

Шошқалоқлик ва хасислик муваффақиятни бирдай үлдиради.

Биз ҳеч қачон бир қатор мұхим саволларга жағовб топмасдан, кунни бекор үтказмаслигимиз кепрек. Бундай саволлар қуидагилардир: Саноатимизда нималар бұлаяпты? Ҳукуматимизга қандай янги чақириқлар ташланган? Жамиятимизга-чи? Мавземизга-чи? Охирги пайтда қандай илгор воситалар, янги имкониятлар, асбоб-ускуналар ва технологиялар пайдо бўлди? Дунё ва маҳаллий жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатаётган янги шахслар кимлар?

Биз яхши кузатувчи ва атрофимизда рўй берадётган ҳамма воқеаларнинг яхши эксперти бўлишимиз зарур. Ҳамма воқеалар бизга таъсир үтказади ва қачонлардир ким бўлишимизда ўз изини қолдиради.

Одамлар муваффақиятларга эришмайдиган асосий сабаблардан бири улар куним ўтса бўлди, дейишлариidir. Ҳар бир кундан кўпроқ нарса олиш, атрофимизда нималар бўлаётганини кузатиш ва тафаккур юритиш учун биз етарлича сезгир бўлишимиз зарур.

Сезгир бўлинг. Ҳушёр бўлинг. Токи, умр ва унинг сезилар-сезилмас белгилари сизгача етиб келсин.

Кўпинча энг ноодатий имкониятлар билинар-билинмас бўлиб кўринган воқеалар силсиласида яши-ринган бўлади. Агар бу воқеаларга эътибор бермасак, ўз имкониятимизни осонгина қўлдан чиқарishimiz mумkin.

Шундай қилиб, ҳаёт ва атроф оламнинг яхши кузатувчиси бўлинг.

## **ЗАВҚЛАНИШ**

Завқланиш қизиқишдан бир поғона юқори туралди. Қизиққан одамлар бу ишлаш-ишламаслигини билишни исташади. Завқланган одамлар бу қандай ишлашини билишни хоҳлайди.

Умидсизликни завқланишга айлантиришни ўрганинг. Сиз ҳаётдан умидсизланиб эмас, завқланиб кўпроқ нарсага эришасиз.

Мен 45 дақиқадан сўнг учеб кетадиган самолётга ўтириш учун аэропортга машинада кетаяпман. Машиналар оқими бир дюйм ҳам илгари силжима-япти. Мен завқланаяпман – умидсизликка тушмаяпман, завқланаяпман. Лекин тан олишим керак, бу ҳар доим ҳам иш беравермайди.

Ўзингизда ҳаётдан ва одамлардан болаларча завқланишни ўрганинг.

## **КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР**

### **Савол.**

Жим, сиз интизом - муваффақият калити де-япсиз. Бироқ, сотув бўлимидағи лавозимимда озиш ва кўпроқ пул ишлашга бўлган барча уринишларимга қарамай, интизом ҳали ҳам мен учун энг катта муаммо бўлиб қолмоқда. Бу тўсиқни қандай енгиб ўтишим мумкин?

### **Жавоб.**

Менимча, сиз бир ёки иккита кичик, осон машқлардан бошлишингиз, кейин уларни бириттиришни бошлишингиз лозим.

Кунига битта құшимча құнғироқ ва уй атрофида сайр қилишдан бошланг. Беш марта үтириб туринг. Десерт үрнига бир бұлак мева енг. Кейин үз муваффақиятларингизни ҳар куни оз-оздан күпайтириб боринг.

Күрдингизми, ҳар бир нарса ҳамма нарсага таъсир қиласы. Интизомни ҳар бир машқ қилиш ёки унинг бұлмаслиги қолган ҳамма нарсага таъсир қиласы. Ишончим комилки, ҳар куни осон машқларни бажара туриб, дархол рүй берадиган натижаларни күрасиз ва бундан рухланиб, үзингизга керак бұлған ҳаракатта келтирүвчи күч ва илхомланишга әга бұласиз. Улар сизга яна олға боришга ва күпроқ иш қилишга янада интизомли ва сермахсул ҳаёт сари қадам ташлашингизга күмаклашади.

Омад тилайман!

## ШАХСАН РИВОЖЛАНИШ МҮҢЖИЗАСИ

Интизомга риоя қилмай ваъда бериш бу – ёлғоннинг, адашишнинг бошланишидир.

Бир куни мистер Шоафф: «Жим, агар бой ва баҳтли бүлишни истасаңг, манави сабоқни яхшилаб ёдлаб ол: Үз ишинг устида ишлагандан күра үз устингда күпроқ ишлашни үрган», - деди.

Шундан бери мен шахсан ривожланишим устида ишляпман. Тан олишим керакки, бу күрсатма менден бошқа ҳамма нарсага қараганда, күпроқ ғайрат ва дикқат талаб қилди. Бу шахсан ривожланиш жарёни бир умр давом этади.

Күрдингизми, кимга айланишингиз нимани құлға киритишиңгиздан күра анча муҳимроқ. Ишга кирайтганда “Нимага әга бұламан?” деб эмас, “Ким бұламан?” деб сүраш муҳим.

“Кўлга кириитмоқ” ва “бўлмоқ” деган бу икки тушунча худди сиам эгизакларидек: ким бўлишингиз нимани қўлга киритишингизга бевосита таъсир қилади. Бунга шундай назар ташланг: ҳозир сиз эга бўлган нарсаларнинг кўпини кимга айланганингиз туфайли жалб қилгансиз.

Мен даромад камдан кам ҳолларда шахсан ривожланиш даражасини оширади, деган хulosага ҳам келганман. Баъзан даромадлар кескин кўпаяди, лекин агар сиз бу билан бирга келадиган жавобгарликни муносаб хис қилишни ўрганмасангиз, улар одатда сиз қайтадан эплай оладиган даражагача тушиб кетади.

Агар сизга кимдир бир миллион берса, дарҳол миллионерга айланишга шошилишингиз лозим.

Бир бой одам бир куни менга шундай деганди: «Агар бутун дунёнинг пулларини йиғсангиз ва ҳамма одамлар ўртасида тенг тақсимласангиз, улар тез орада яна аввалги чўнтакларга бориб тушган бўларди».

Шахсий ривожланиш орқали қўлга киритилмаган нарсаларни сақлаб қолиш оғир. Бу буюк ҳаётий ҳақиқат: **ЎЗИНГИЗДА БОРИДАН КЎРА КЎПРОҚ НАРСАГА ЭГА БЎЛИШ УЧУН, ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНГИЗДАН КЎРА КЎПРОҚ НАРСАГА АЙЛАННИГ.**

Асосий эътибориннингизни мана шунга жамлашингиз зарур. Акс ҳолда, сиз қуидаги ўзгармаслик аксиомаси билан баҳслашишингизга тўғри келади: **АГАР ЎЗИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРМАСАНГИЗ, ҲАР ДОИМ ҲОЗИРЧА ҚЎЛГА КИРИТГАН НАРСАНГИЗГА ЭГА БЎЛАСИЗ, ХОЛОС.**

## ШАХСАН РИВОЖЛАНИШ

Жозибали одамларни жалб қилиш учун ўзингиз жозибали бўлишингиз керак. Таъсири бор одамларга ёқишиングиз учун, ўзингиз таъсири бор шахс бўлишингиз зарур. Ишонч уйғотадиган одамларга ёқишиングиз учун, ўзингиз ишонч уйғотишиングиз керак. Улар устида ишлаш ўрнига, ўз устингизда ишланг. Агар шуни эпласангиз, уларга ёқа оласиз.

Ҳозиргидан кўпрогига эга бўлишимиз мумкин, чунки ҳозиргидан кўра аҳамиятлироқ одам бўла оламиз.

Ўзингиз айланишингиз лозим бўлган одамга айланишингизда катта даъват бор. Сизнинг инсоний салоҳиятингиз сарҳадлари ва энг сўнгти нуқтага этишга интилиш инсон руҳига қанчалик таъсир этишини тасаввур қила олмайсиз. Миллион доллар меросга эга бўлган, лекин миллионерга айлана олмаган одам ачинарлидир. Даромадларингиз ортган бўлса-ю, сиз ўсмаган бўлсангиз, мана шуниси аламлидир.

Ишга киришда “Қанча оламан?” деб эмас, “Кимга айланаман?” деб сўраш муҳимдир.

Шахсий ривожланиш орқали олинмаган нарсани сақлаб қолиш оғир.

Миллионер бўлганингиздан кейин, ўзингизнинг ҳамма пулларингизни bemalol бера оласиз, чунки миллион доллар эмас, шу миллионни қўлга киритиш жараёнида кимга айланганингиз муҳим. Даромад камдан-кам ҳолларда шахсий ривожланганлик даражасидан ортиқ бўлади.

Кимга айланганингиз нимани қўлга киритишингизга бевосита таъсир қиласи.

Тажрибалилик бу – майда-чуйдалар ва қиммат-баҳо нарсалар ўртасидаги фарқни тушунишdir.

Агар сиз яхши ғоя ҳақида бошқаларга узоқ вақт гапираверсангиз, охир-оқибатда у яхши одамларнинг қулоғига етиб боради.

Интизом – мақсадлар ва эришилган ютуқлар ўртасидаги кўприкчадир.

Интизом – бутун муваффақият қуриладиган пой-девор. Интизом йўқлиги, албатта, барбод бўлишга олиб келади.

Мулоқотда боадабликни кўнгилчанлик билан адаштирманг.

Сиз ўзингиз учун жавобгар бўлишингиз шарт. Сиз ҳолатларни, йил фаслларини ёки шамол йўналишини ўзгартиришга қодир эмассиз, бироқ ўзингизни ўзгартира оласиз. Сиз чиндан жавобгар бўлган нарса мана шудир. Сиз юлдузлар туркуми учун жавобгар эмассиз, бироқ нима ўқишингиз, қандай янги кўникмаларга эга бўлишингиз, қандай машғулотларга қатнашингиз учун жавобгарсиз..

### ҚАЕРДА БЎЛСАНГИЗ ҲАМ, ШУ ЕРДА БЎЛИНГ

Ўз эҳтиёжларингизни яшириш ва маҳоратингизни кўрсатишни ўрганинг.

Биз баҳт излашда ёки ноёб ҳаёт тарзини яратишда муваффақиятсизликка учрайдиган асосий сабаблардан бири, биз ҳалигача тириклик санъатини эгаллаб олмаганимиздадир.

Биз уйда бўлганимизда, фикрларимиз ишда дуч келадиган вазифаларни ҳал қилиш билан банд. Ишда эса ҳали ҳам уйдаги муаммолар устида бош қотираётганимизни бирдан англаб қоламиз.

Бутун кунни бошқалар бизга нималар деяётганига қулоқ солмай ўтказамиз. Балки биз сўзларни эшишиб, маъносини қабул қилмаётгандирмиз. Бир

кунни яшай туриб, ўтмиш тажрибаларига ёки кела-жак имкониятларига бутун диққатимизни жамла-ётганимизни тушуниб қоламиз. Биз кечаги ёки эртанги кунга шунчалар маҳлиёмизки, бугунги куни-мизни қай тарзда бой берәётганимизни шунчаки ҳис қилмаймиз.

Биз күпинча кундан бирор нарса олиш ўрнига уни шунчаки яшаб ўтамиз. Вақтнинг ҳар қандай пайтида биз қаерлардадир бўламиз, аммо ҳеч қа-чон ҳозирги замонда бўлмаймиз.

Яшаш қаерда бўлсак, ўша ерда бўла олиш, истис-носиз тарзда, ўтаётган лаҳзага диққатни жам қи-лиш, у бизга таклиф қилиши мумкин бўлган бутун моҳиятни ва тажриба бойлигини олиш демакдир. Яшаш бу - қуёш ботишидан завқланиш учун вақт топа билиш. Яшаш – сукунатни тинглаш. Яшаш – ҳар бир лаҳзадан ўзимиз кимлигимиз ва кимга ай-ланишимизнинг бир зарраси бўлиши учун фойда-ланишдир. Ҳаёт бу – биз қилаётган нарсалар эмас, бошимиздан кечираётганларимиздир.

Токи шу ерда бўлишни ўрганмас эканмиз, ҳеч қа-чон яхши яшаш санъатини эгаллай олмаймиз.

### ВАҚТНИ БОШҚАРИШ

Кимдир раҳбарлик қиласи, кимдир хизмат қила-ди. Ё сиз кунни бошқарасиз ёки у сизни бошқаради. Ё сиз бизнесни бошқарасиз ёки у сизни бошқаради.

Мухимроқ нарсани номуҳимроғидан ажратиш-ни ўрганинг. Кўп одамлар номуҳим нарсаларга кат-та аҳамият бергани учун ҳам муваффақиятга эри-ша олмайди.

Ҳаракатни мақсадга эришганлик билан адаш-тирманг. Бирор нарса билан бандман дея ўзини ал-даш осон. Савол нима билан машғулмиз?

## ЖИМ РОН

Кунлар қиммат туралди. Кунни сарфлаб бўлганингизда, сизда келгусида сарфлаш учун бир кун камайган бўлади. Шундай экан, ҳар бир кунингизни оқилона сарфлаётганингизга ишонч ҳосил қилинг.

Баъзан яқин, лекин қўл етмас жойда бўлишингизга тўғри келади.

Вақт – энг қиммат бойлигимиз, лекин шунга қарамай, биз уни исроф қилишга, уни ўлдиришга ва фойдали сарфлаш ўрнига, маънисиз йўқотишга интиламиз.

Биз майда-чуйдаларга кўп вақт сарфлаб, жиддий ишларга кам вақт ажратишга ўзимизга имкон бера олмаймиз.

Вақт пулдан қимматроқ. Сиз кўп пул ишлашингиз мумкин, лекин қўпроқ вақт ололмайсиз. Ҳеч қачон ишни охиригача режалаштириб олмасдан бошламанг.

“Йўқ” дейишни ўрганинг. Тилингиз бўйнингизни қайиришига йўл қўйманг.

Вақт – бойларнинг энг яширин бойлигидир.

**МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ ОСОН, ЛЕКИН УНИ МЕНСИМАСЛИК ҲАМ ШУНЧАЛИК ОСОН.**

Кўпроқ нарсага эришиш учун, борини қадрлашдан яхшироқ восита йўқ.

Миннатдорлик имкониятлар учун дарича очади ва ғоялар сиз сари сузуб келишига имкон беради.

Одамлар мендан кўпинча бошқа кўплар олти йилда қила олмаган нарсани, яъни қандай қилиб муваффакиятга эришганимни сўрашади. Жавоби оддий: мен бажаришим осон бўлган нарса, уларга бажармаслик осон бўлган нарсадир.

Мен бажара олишим мумкин мақсадларни қўйиш осон эканлигини англадим. Улар мақсад қўймасликни осон деб қарор қилишган. Мен фикрлашим ва мақсадларимга таъсир қилиши мумкин бўлган китоблар ўқиш осон эканлигини тушундим.

Улар ўқимасликни осон деб билган. Мен машғұ-  
лоттар ва семинарларга қатнаш ва мұваффақият-  
таға эришган бошқа одамлар атрофида үралашишни  
осон деб билдім. Улар бу ҳеч нарса бермайды, деб  
таъкидлашарди.

Бунинг ҳамmasига якун ясаб, менга қилиш осон,  
уларға қилmasлик осон бұлған нарсаларни айтib бе-  
ришим мумкин. Мана шу олти йил давомида мен  
миллионерга айландым, улар эса ҳали ҳам иқтисо-  
диётни, ҳукumatни, компания сиёсатини сұкиша-  
япти, бунда ҳатто әнг оддий нарсаларни қилишга  
ҳам құл урмаяптилар.

Аслида күп одамлар үzlари ишлашлари шарт  
бұлғанидек яхши ишламаслигининг дастлабки са-  
баби битта сўз – менсимаслик билан ифодалани-  
ши мумкин.

Гап пул етишмаслигида эмас – банкларда пуллар  
тұлиб ётибди. Имкониятлар йүқлигига ҳам эмас -  
Америка, худди әркін дунёning аксарият қисми  
каби, ҳали ҳам, инсоният тарихининг охирги олти  
минг йиллиги давомида бұлмаган имкониятлар-  
ни тұлық тақдим этмоқда. Китоблар етишмаслиги-  
да ҳам эмас. Ҳамма кутубхоналар китобларга тұла  
ва уларни ҳамма олиши мумкин! Гап мактабларда  
эмас – синфлар яхши ўқитувчилар билан тұлған.  
Бизда вазирлар, етакчилар, маслахатчилар ва кон-  
сультантлар истаганча топилади.

Бизга керак бұлғанларининг бори - бойлик, ҳоки-  
мият ва ҳаёттій тажриба – ҳамmasига эришса бўлади.

Бизда мавжуд бўлған афазлликлардан орамиздан  
камчилик фойдаланишининг асосий сабаби оддий  
– менсимаслик.

Менсимаслик юқумли нарса. У назоратсиз қолди-  
рилса, бизнинг қоидаларимизнинг бутун тизимиға  
тарқалади ва пировардида, тўла баҳтли ҳамда фа-

ровон инсон ҳаётининг тўла издан чиқишига олиб келади.

Қила олишимиз мумкин бўлган нарсани қилмай туриб, ўзимизни айбдор ҳис қиласиз. Айбдорлик хисси эса ўзимизга ишончни парчалайди. Ўзимизга ишонч камайгани боис, у билан бирга фаоллигимиз даражаси ҳам пасаяди. Фаолликнинг пасайиши эса, албатта, натижаларнинг ёмонлашишига олиб келади. Натижалар жабр кўргани боис, муносабатимиз заифлашиб боради. У аста-секин ижобийдан салбийга қараб ўзгаради. Оқибатда ўзимизга ишонч камаяди ва ... узлуксиз шундай давом этиши мумкин.

Мана менинг маслаҳатим: “осон” ва “қилмаслик осон” ўртасида танлов қила туриб, оддий, таянч бўлувчи, лекин ҳаётингизни ўзгартириб юборишга тўла қодир бўлган “осон”ларга менсимаслик билан қараманг.

### АСОСЛАР/АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Муваффакият бу – бу мўъжиза ҳам, афсона ҳам эмас. Муваффакият – таянч бўлувчи асосларни доимиий қўллашнинг табиий оқибатидир.

Дунёда ҳеч қандай янги асосий қоидалар йўқ. Сиз “Мен янги асос кашф қилдим”, дегувчиларга шубҳа билан қарашингиз лозим. Бу худди сизни қадимий нарсалар ишлаб чиқарувчи заводга таклиф қилишганидек, бир гап.

Баъзи нарсаларни ҳар куни қилиш зарур. Ҳар куни биттадан олма ейиш ўрнига, шанба куни кечқурун еттита олма ейиш вазиятдан чиқиш эмас.

Муваффакият бу – бор-йўғи ҳар куни тажриба қилинадиган бир нечта қоида, холос; айни пайтда мағлубият – бор-йўғи мулоҳазаларда ҳар куни қай-

тариладиган бир неча хатолар, холос. Қоидалари-  
миз ва мулоҳазаларимизнинг йифиндиси ҳажми эса  
бизни муваффақиятга ёки мағлубиятга олиб келади.

## КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Мен МЛМ компанияда иштирок этаман. Мен ҳақиқатан ҳам, бу компания ва унинг маҳсулотла-  
рига бор диққатимни жалб қилганман. Нима бўл-  
ганда ҳам, мен курашаяпман. Сизнинг кассетала-  
рингиздан бир қаторини сотиб олганман; одатда  
мен кассеталарни ёқтирумас эдим. Лекин сизнинг  
кассеталарингиз ажойиб. Муаммоим шундаки, мен-  
га УСТОЗ КЕРАК.

Илтимос, қаерга мурожаат қилишимни маслаҳат  
беринг. Худо сизни ва алоҳида хизматингизни ёр-  
лақасин.

### Жавоб.

Илик сўзларингиз учун раҳмат. Қачонлардир ми-  
стер Шоаффга шогирд тушиш менга насиб қилган-  
ди. Лекин ундан кам даражада кучли ва таъсири  
бўлмаган бошқа устозларим ҳам бор эди. Наполе-  
он Хилл, Эрл Найтингейл ва Жеймс Аллен кабилар.  
Гарчи ўша пайтда бу жентльменларни шахсан тани-  
масам-да, улар ёзган китоблардан олишим мумкин  
бўлган энг яхши нарсаларни билардим. Аниқ айта  
оламан, бу дунёда бошқаларга қараганда, ишингиз  
жойида, берган саволингиз ва шахсий ривожланиш  
ҳақидаги ахборотларни ўқиш ва эшитишингизни бо-  
шлагандан буён сиз ҳақингизда билган озгина нар-  
саларимга асосланиб, фойдали ахборот қидириш ва  
уларга мувофиқ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИНГИЗНИ давом с

эттиришни маслаҳат берган бўлардим. Ҳаётингизда устозингиз бўладиган реал одам пайдо бўлмагунича ғоялар ва рағбатларнинг ҳар бир манбаи устозингиз бўлсин. Ҳатто устозингиз бўлганидан кейин ҳам, у сизнинг ҳаётингиз бошқарувчисига айланмасин. Омадингизни берсин!

Ҳаммаси нима билан тугашини ёлғиз Худо билади. Уруғ қадаш ўрнига, дараҳт ясашингизга тўғри келганида нима бўларди. Бу сизни тунгача ўтириб, бу ишни қандай амалга оширишни ўйлашга мажбур қилган бўларди.

Фоялар – шаклга кирган ахборотдир. Фояларни ва ахборот тўплашдан бошқа бирор нарса сизнинг келажагингиз учун бу қадар фойдали бўлмайди.

## МУНОСАБАТ – ҲАММА НАРСА

Бирорга совға қила оладиган энг яхши нарсангиз, бу – сизнинг шахсий ривожланишингиздир. Қачонлардир айтганман: «Агар сиз мен ҳақимда ғамхўрлик қилсангиз, сиз ҳақингизда қайғураман». Энди: «Агар сиз мен туфайли ўзингиз ҳақингизда ғамхўрлик қилсангиз, мен сиз учун ўзим ҳақимда қайғураман» деяпман.

Одамнинг ўзгариши унинг ичидаги бошланади. Ҳаммамиз юксак салоҳиятга эгамиз.

Ҳаммамиз куч-ғайратларимиздан энг яхши нағижалар олишни хоҳлаймиз. Кўпчилигимиз ғайрат билан ишлашга ҳамда баҳт ва муваффақият талаб қиласидиган нархни тўлашга тайёрмиз.

Ҳар биримиз ўз ноёб салоҳиятимизни ҳаракатга келтириш ва исталган нағижага эришишни истаймиз.

Лекин салоҳиятимиз даражасини ва фаолиятимиз жадаллигини белгилайдиган ва келгуси нағижани

олдиндан айтиб берадиган ягона нарса – бизнинг муносабатимиздир. У келажакнинг қайси қисмини кўриш имконини белгилаб беради. Айнан у орзулаrimiz ҳажмини аниқлайди, бизга янги даъватлар бўлганда, қатъиятимизга таъсир қиласди.

Ҳар қандай нарсага муносабатимизга таъсир қила оладиган дунёда бошқа бирор киши йўқ. Нотўғри фикр юритишга ўргата туриб ёки бизга атайлаб нотўғри ахборот бериб ёхуд бизни салбий манба таъсирига тушириб, одамлар бизга таъсир қилиши мумкин, бироқ агар ўз ихтиёrimiz билан шунга йўл қўймасак, ҳеч ким бизнинг муносабатаримизни назорат қила олмайди.

Бошқа ҳеч ким бизни “аччиғлантира олмайди”. Кимгадир хулқ-авторимизни назорат қилишга имкон беради туриб, ўзимиз ўзимизнинг жаҳлимиизни чиқарамиз. Бошқа бирор нимадир қила олиши аҳамиятга эга эмас. Ўзимиз танлаймиз, улар эмас. Улар фақат мавқеимизнинг мустаҳкамлигини текширади. Агар биз душманона кайфиятда, тажовузкор, ҳасадгўй ва сершубҳа булиб, масъулиятсиз муносабатни танлар эканмиз, демак бу текширувдан ўта олмабмиз. Токи муносабат экасман, деб ҳамма нарсада ўзимизни айбдор хисоблар эканмиз, бу ҳам синовдан ўта олмаганимизни англатади.

Агар биз билан рўй берадиган нарсаларнинг ҳаммаси бизга барибир бўлмаса, ўз хиссиётларимиз учун бутун жавобгарлик юкини ўз зиммамиизга олишимизга тўғри келади. Бизни ёлғон йўлларга бошловчи туйғуларга қарши турда олишимиз ва бизни яхшироқ келажакка бошлаш эҳтимоли бўлган туйғуларни кучайтиришимиз шарт.

Агар келажак биз учун тайёрлаётган мукофотларни олмоқчи бўлсак, бизга инсон ирқининг вақили сифатида берилган, танлаш ҳуқуқидек муҳим

хуқуқдан фойдаланишимиз шарт. Бу ўз хулқ-автоворига, бошқа ҳамма нарсаларга муносабат устидан мутако ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидир. Бизнинг муносабатимиз – зарур даражада қўриқланиши лозим бўлган маблағ, улкан қимматга эга бойлигимиздир.

Орамиздаги ўзимизнинг ижобий муносабатимизга зарар келтирадиган ёки уни биздан ўғирлаб олишга уринадиган ваҳшийлар ва ўғрилардан эҳтиёт бўлинг.

Ҳаётга, бўлиб ўтаётган ҳамма нарсаларга тўғри муносабат – муваффақиятга эришиш учун асосий талаблардан биридир.

Соғлом шахсий фалсафа ва ўзига ҳамда атроф оламга нисбатан ижобий муносабат бизга ички куч ва қатъият беради. Булар тириклигимизнинг қолган барча соҳаларига таъсир кўрсатади.

### ҲАҚИҚАТ

Орамизда баъзиларгина ҳақиқатга яқинлаши мумкин. Биз умид қилаётган ёки ўйлаётган, олишимиз мумкин бўлган энг катта нарса бу – ҳақиқат ҳисобланади. Мана нима учун, ҳақиқатга эҳтимол тутилган энг яхши ёндашув «менинг фикримча, бу...» дейишdir.

Агар сиз тасдиқлаётган нарса ҳақиқат бўлса, уни таъкидлашнинг ҳеч ёмон томони йўқ.

Масалан, сизнинг ишингиз барбод бўлган бўлса, энг яхиси бу тан олиб, “Мен касодга учрадим！”, деб айтиш энг яхши усулдир.

Самимилик – ҳақиқат учун тест эмас. Биз қуйидагига ўхшаҳ хатолардан қочишимиз зарур: «у ҳақиқатни гапираётганга ўхшайди, чунки у шунчалик самимилик гапирайтики». Биз улардан қочи-

шимиң керак, чунки одам самимий бүлгани ҳолда, нохақ бўлиши мумкин. Ҳақиқатнинг ўлчови фақат ҳақиқат, самимиликники эса самимилик бўлиши мумкин.

Сиз билан ҳақиқатни бўлиша оладиган бирор кишини топинг.

## **КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР**

### **Савол.**

Сизнингча савдони қандай келажак кутаяпти? Менинг дипломим йўқ, ёшим 29 да ва ўз хизмат мавқеимни яратишм керак. Хотиним ўз хизмат мавқеини яратиб олгунича, охирги 7 йил давомида мен болалар билан шуғулландим. Мен ўз даромадларимни назорат қилишни хоҳлайман. Мен савдо-да олий маълумот талаб қилмайдиган ва менга даромад олишнинг чексиз имкониятларини берадиган бирор лавозимга эга бўлишни истардим. Агар бирор ғояларингиз бўлса, улар ҳақида айтиб беринг, илтимос.

### **Жавоб.**

Аслида, саволингизга керакли тарзда жавоб бериш учун, мен шахс сифатида сиз ва сизнинг мотивларингиз ҳақида жуда кам биламан. Лекин назаримда, савдони буюк келажак кутаяпти.

Калит сиз нима қилишни исташингиздадир. Кейинги 10-30 йил ичида ва ундан сўнг нима қилишни истаётганингизга бутун дикқатингизни жамланг. Кейин эса танланган йўналишда ҳаракат қилинг. Бунда дикқатни жамлаш, эътиқод, тиришқоқлик ва сабот билан ишлаш принципларини қўллаб, танланган йўналишда ҳаракат қилинг.

Даромаднинг чексиз имкониятларига келганда эса, бунинг икки йўли борлигини айтишим мумкин: ўз ишини бошлаш ва МЛМ да қатнашиш. Улардан ҳеч бири тез ва осон эмас.

Кимdir бунинг тескарисини айтаётган бўлса, эҳтиёт бўлинг. Иккала йўл ҳам пул ва вақтга нисбатан хавфли бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам сиз ҳаммасини батафсил ўйлаб олишингиз ва мен ўз мақоламда эслатган принципларни қўллашингиз зарур. Токи тажриба орттиргунингизча, аввалига сиз бу ишлардан ҳар бири билан вақтингизнинг фақат бир қисмида шуғулланишингиз мумкин. Менинг фикримча, улардан ҳеч бирига дарҳол катта пул тикиш зарурати йўқ. Айниқса, сиз тажрибасиз, янги киши бўлсангиз. Тўғри ва шошмасдан, ҳаммасини узоқ ўйлаб, қуинг.

Муваффақиятнинг 20% маҳорат ва 80% стратегиядан иборат. Сиз ўқишини билишингиз мумкин, лекин нимани ва қандай ўқишини режалаштиришингиз анча муҳим.

Инсон деган мавжудотлар айнан нимага эга бўлиши керак бўлса шуни олишдек ажойиб қобилиятга эга. Лекин “қилишим керак” ва “хоҳлайман” ўртасида фарқ бор. Сарфлагандан кўра, қарзга берган маъқул.

### Савол.

Жим, сизнинг веб-сайтингизда “Буюклика учкалит” деб номланган, ўсмирларга мўлжалланган видео борлигини пайқадим. Бу қандай калитлар?

### Жавоб.

Мана, менинг қисқа жавобим: агар ёш йигит ёки бу ҳолатда катта киши, бу учта оддий нарсани узоқ вақт давомида бажаришга бутун диққатини жам-

ласа, менинг фикримча, у албатта муваффақият-  
га эришади.

### **1. Мақсадларни аниқлаб олиш.**

Мен буни келажакни тасаввур қилиш, деб атайман. Одамларнинг кўпчилиги, жумладан, болалар ҳам кўп нарса ваъда қилувчи келажакни кўриш учун зарур нарх тўлашга тайёр. Демак бизнинг вазифамиз болаларга аниқ тасвиrlанган келажакни кўришга ёрдам беришдир. Шунда уларда эртага мукофот олиш учун бугун зарур нарх тўлашга сабаб пайдо бўлади. Бунда уларга мақсадлар ёрдам беради.

### **2. Шахсий ривожланиш.**

Ўзимизнинг саводимизни ошириш учун оддий кетма-кетликда қўйилмалар киритиш ва билимлар банки бутун умримиз давомида энг яхши дивиденdlар тўланишини таъминлайди. Мен китоб ўкиш, аудиокассеталар эшитиш, семинарларга бориш, кундалик юритиш ва бошқа муваффақиятга эришган одамлар билан мулоқотга энг кам вақт ажратишни таклиф қиласман. Чарли Тремендос Жонс сиз беш йилдан сўнг ўзингиз ўқиб чиққан ва атрофингизда бўлган одамларнинг йигиндисига айланишингизни таъдиқлайди.

### **3. Молиявий режалаштириш.**

Мен буни «70/30» режаси дейман. Агар маълум миқдордаги пулни қўлга киритгандан кейин шунчаки 10 % ини бир четга жамғариш учун, 10% ини инвестиция учун ва 10%ини хайрияга деб олиб қўйилса, бу бир қанча вақтдан сўнг ўспиринга молиявий мустақилликни таъминлаб беради.

Яна шу фикримда қоламан: бу учта банд – нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам ажойиб маслаҳатdir!

Пули бор, лекин қувончи йўқ отани кўриш на-  
қадар аянчли. Бундай одам иқтисодиётни ўқиб ўр-  
ганган, лекин ҳеч қачон баҳтни ўрганмаган.

## ЎЗИНИ АЛДАШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ

Молиявий қарам бўлмаслигингиз учун, сиз ўз да-  
ромадингизнинг бир қисмини капиталга, корхона-  
га киритиладиган капиталга, корхонани даромад-  
га, даромадларни инвестицияга, инвестицияни эса – ўзингизнинг молиявий мустақиллигингизга ай-  
лантиришингиз керак.

Ҳиссиёт билан суғорилган билим ҳаракатга тенг.  
Ҳаракат – натижалар мавжудлигини таъминлай-  
диган таркибий қисмдир. Фақат ҳаракат акс-таъ-  
сир уйғотиши мумкин. Бунинг устига, фақат ижо-  
бий ҳаракат ижобий акс-таъсир уйғотиши мумкин.

Ҳаракат. Бутун дунё рўй берадиган воқеаларга  
таъсир ўтказа оладиганларни кузатишни ёқтира-  
ди. Бу улар сермаҳсул тадбиркорлик тўлқйнлари-  
ни яратгани учун мукофот.

Нега бу жихатга ургу бераяпман? Чунки бугун-  
ги кунда чиройли таъкидларга ишонувчилар кўп-  
лигини кўриб турибман. Ахир, “Ҳаракатсиз ишонч  
эзгу ниятларга хизмат қилмайди”, деган ибора ҳали  
ҳам бор-ку. Бу қанчалар тўғри!

Мен таъкидлар ҳаракатга келтириш воситаси  
эканлигига қарши эмасман. Барча қоидаларга риоя  
қилиниб тузилган режани мустаҳкамлаш учун та-  
крорланадиган таъкидлар яхши натижаларга эри-  
шишда ёрдам бериши мумкин.

Лекин ишонч ва аҳмоқлик ўртасидаги чега-  
ра жуда нозик. Кўрдингизми, ҳаракат билан мут-  
саҳкамланмаган таъкидлар ўз-ўзини алдашнинг

бошланиши бўлиши мумкин. Сизнинг фаровон-  
лигингиз учун ўз-ўзини алдашдан ортиқ заарали  
нарса борми?

Фаровонлик ҳақида ўйлаётган ва бунинг устига  
хар куни маълум бир молиявий қашшоқлик сари бо-  
раётган эркак ҳам, баҳтга интилаётган, лекин шун-  
га қарамай, унинг фикрлари ва қиликлари умидсиз-  
ликка бошлаётган аёл ҳам ҳаракатга асосланмаган  
таъкидлар келтирган ёлғон умиднинг қурбони бў-  
лиши мумкин. Нега? Чунки сўзлар одамни нарко-  
тик каби тинчлантиради ва қониқиш ҳолатига со-  
либ қўяди. Эсингизда туting: тараққиётга эришиш  
учун сиз ҳақиқатан ҳам ҳаракат қилишни бошла-  
шингиз зарур! Калит бугуннинг ўзидаёқ поғонага  
қадам қўйишингиздадир. Лойиҳангиз қандай бў-  
лишидан қатъи назар, уни буғуноқ бошланг. Янгича  
тарзда ташкил қилинганд иш столингиздаги қутини  
тозалашни ... буғуноқ бошланг. Биринчи мақсадин-  
гизни буғуноқ белгилаб олинг. Ҳаракатга ундовчи  
дискларни буғуноқ эшитинг. Ортиқча вазнни йўқо-  
тиш режасини шу бугун тузинг. Ҳар куни битта қий-  
ин мижозга телефон қилишни шу бугун бошланг.  
Ўзингизнинг янги, “Омадга инвестиция киритиш”  
ҳисобингизга пул қўйишини шу бугун бошланг. Ан-  
чадан бери ортга суриб келаётган хатни ёзишни бу-  
гуноқ бошланг. **БУНИ ҲАР БИР КИШИ ҚИЛА ОЛА-  
ДИ!** Ҳатто илҳоми йўқ киши ҳам илҳомбахш кито-  
бларни ўқиши мумкин.

Ўзингизнинг янги ҳаётингиз сари йўналишга  
турткини илғаб олинг.

Қаранг, унинг меҳробига қанчалар янги хатти-ҳа-  
ракатлар қўя оласиз.

Ҳаммасини амалга оширинг! Ерга тортишнинг  
бузук таъсиридан кутулинг. Ўз фазовий ҳаракат-  
ларингизни бошланг. Пайт пойлашлар тугагани ва

умидлар ортда қолгани, энди ишонч ва ҳаракат қу-  
ролингиз эканини ўзингизга исботлаб беринг.

Бу янги кун, янги ҳаётнинг янги ибтидосидир. Интизомга риоя қилсангиз, қандай ривожланиш-  
га эришганингизни кўриб, ҳайрон қоласиз. Айб-  
дорлик ва ўтмишдаги кўркувлар хиссидан бошқа  
нимани ҳам йўқотардингиз?

Мен сизни даъват қиласяпман: қаранг, қанча нар-  
сани бошлашингиз ва буни янги бошланган бирин-  
чи куниёқ давом эттиришингиз мумкин.

### ФАОЛЛИК/ МЕҲНАТ

Сиз донолик ва кучли ҳиссиётларни меҳнатга ай-  
лантиришни ўрганишингиз керак.

Уруғ ва тупроқ мӯъжизаси ваъдалар билан рўй  
бермайди, у фақат меҳнатда самара беради.

Дам олиш мақсад эмас, заруратингиз бўлсин.  
Фақат куч тўплашингиз учун зарур бўлган даража-  
дагина дам олинг.

Доимий фаоллик бўлмаганда, ҳаётга таҳдидлар  
тез орада қадриятларни еб битиради.

Иши фақат кузатишдан иборат бўлганларга кам-  
дан-кам одам ҳавас қиласи.

Ҳар бир ваъданинг ўз тўлови бор.

Маслаҳатларга қулоқ солинг, лекин буйруқларга  
эмас. Фақат ўзингизга ўзингиз буйруқ беринг. Авра-  
ам Линкольн бир куни шундай деганди: «Токи мен  
ҳеч кимнинг қули эмас эканман, ҳеч кимга хўжай-  
ин ҳам бўлмайман».

“Эл қатори” бўлманг. Одамлар ўзини оқлайвер-  
син, сиз улар каби иш тутманг. Ҳаётингиз учун ўзин-  
гиз жавоб беринг.

## ХАЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРА ОЛАДИГАН ТҮРТ ТУЙФУ

“Эл қатори” бўлманг. Одамлар ўзини оқлайверсин, сиз улар каби иш тутманг.

ИНСОН ДЕГАН МАВЖУДОЛAR ҲЕЧ НАРСАДАН БИРОР НАРСА ЯСАШДЕК АЖОЙИБ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА. УЛАР АЖРИҚЛАРНИ БОҚҚА, ЧАҚАНИ БОЙЛИККА АЙЛАНТИРА ОЛАДИ.

Ҳислар – ичимиздаги энг қудратли кучлар. Инсон деган мавжудот туйғулар таъсири остида энг қаҳрамонона (шунингдек, энг ваҳшиёна) хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Кўп жиҳатдан тамаддун (цивилизация) инсон ҳиссиётларини керакли ўзангаНАЛТИРИШ СИФАТИДА БАҲОЛАНИШИ МУМКИН.

Туйғулар - ёнилғи, онг эса – башарият тараққиёти кемасини ҳаракатга келтирадиган бошқарувчиидир.

Қандай туйғулар инсонни ҳаракат қилишга undайди? Тұртта асосий туйғу бор.

Улардан ҳар бири ёки бир нечтасининг уйғулашуви ақл бовар қилмас ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бу ҳиссиётларингизни истакларингиз билан мустаҳкамлаган кунингиз ўз ҳаёtingизни бутунлай бошқача бошлайсиз.

### 1) Нафрат

Биз одатда «нафрат» сўзини позитив ҳаракат билан боғламаймиз. Бироқ, шунга қарамасдан, у тегишли тарзда йўналтирилган бўлса, нафрат инсон ҳаётини ўзгартириши мумкин.

Нафратни нима келитириб чиқарганини хис қиласидиган инсон, охирги нуқтасига етган ҳисобланади, у жойдан қайтиш йўқ.

У (эркак) ёки у (аёл) «Бас, етарли бўлди!» деб айтшишга, ҳаётга чақириқ ташлашга тайёр.

Мен айнан шундай қилғанман, 25 ёшимда күплад камситишиларни бошдан кечирдим. Мен үзимга: «Бундай яшашни мен бошқа истамайман» дедим. Мен қулогимгача қарзга боттан эдим.

Ха, сернатижа нафрат түйгүси инсон: «Етарли дедимми, етарли» деб айтганида келади. У «Йигит» охирида қобилиятысиз, истеъдодсиз, ўртача бўлишдан чарчаган. У куйиниб даҳшатли қўркув түйғуларидан, оғриқ ва камситишилардан чарчаган. Ва, шунда у, энди бундай бошқа яшамасликни ҳал қилган. Атрофингизга назар солинг! Ушбу кун сизнинг ҳаётингизни бутунлай ўзгартириши мумкин эди. Уни турлича таърифласангиз бўлади: «Бас, етарли бўлди!» куни, «Энди ҳеч қачон» куни, «Етарли дедим энди, етарли» куни. Сиз уни қандай аташингиздан қатъи назар, у катта кучга эга! Ҳеч нима инсон ҳаётини бутунлай ўзгартирувчи - нафратдан кўпроқ ўзгартира олмайди.

### 2) Қарор

Қарор қабул қилишга мажбур қилиш учун, Бизнинг кўпчилигимизни деворга қисиб, тираш керак. Фақат шу нуқтага етганимиздан кейингина, биз шу захотиёқ бунга ҳамроҳ бўладиган қарама-қарши түйғуларга дуч келамиз. Биз йўлнинг айрилиш жойигача етиб келдик. Ҳозир у икки, уч, ҳатто-ки тўрт томонлама бўлиши мумкин. Қарор қабул қилиш жараёни ошқозон муаммоларини келтириб чиқишида, туннинг ўртасида уйқу бермаслигида ёки муз терга ботишимиизда ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

Ҳаётий муҳим қарорларни қабул қилишни бизнинг ичимиздаги фуқаролар урушига тенглаштириш мумкин.

Курашадиган түйғулар қўшинлари, уларнинг ҳар қайсиси қатор далилларга эга бўлган ҳолда, биз-

нинг онгимииздан устунлик қилиш учун бир бири билан курашади.

Бизнинг якуний қарорларимиз, жасур ёки заиф, яхши ўйланган ёки жizzаки бўлишидан қатъи назар, улар ҳаракатга ундовчи ёки ҳаракатдан тўхтатувчидир.

Мен сизга қарорлар қабул қилиш бўйича қўп маслаҳатлар бериб ўтирмайман, қуидагилари эса бундан мустасно:

Нима қилаётганингиздан қатъи назар, ярим йўлда туриб қолманг. Қатъиятли бўлинг. Баъзан ҳеч қандай қарор қабул қилмагандан кўра, нотўғри қарор қабул қилган яхшироқ. Ҳар биримиз ўзимизнинг ҳиссий иккиланишларимизга қарши курашишимиз ва туйғуларимизни танлаб ола билишимиз шарт.

### 3) Истак

Истак қаердан келади? Бу саволга аниқ жавоб беришим мумкин деб айта олмайман, чунки бунинг йўллари қўп. Аммо мен истак ҳақида икки нарсани биламан:

- У ташқаридан келмайди, ичимизда пайдо бўлади.
- У ташқи кучлар таъсирида пайдо бўлади.

Деярли ҳамма нарса истак пайдо қилиши мумкин. Бу вақт ва тайёргарликка боғлик. Бу қалбга яқин кўшиқ бўлиши мумкин. Бу эсда қолар дуолар бўлиши мумкни. Бу фильм, дўст билан сухбат, душман билан юзма-юз учрашув ёки аччиқ тажриба бўлиши мумкин. Ҳатто қўлингиздаги мана шу каби бирор китоб ёки мақола одамни “Мен ҳозироқ шуни хоҳлайман” деб айтишга мажбур қилувчи механизми ишга тушириши мумкин.

Шунинг учун ўз истагингизнинг соф, ишлов берилмаган “қизғин тугма”сини қидириб, ҳаётингизга ҳар қандай ижобий тажрибани олиб киринг. Ҳаёт тажрибасидан “химояланаман” деган ўйда ўр-

тага девор тиклаб олманг. Сизни ҳафсалангиз пир бўлишидан сақлайди деб ўйлаётганингиз ўша девор, сизни худди шу тарзда ҳаёт тажрибасининг бой қуёши нуридан тўсиб қўйиши ҳам мумкин. Шундай экан, келинг ҳаёт аталмиш мўъжизадан баҳраманд бўлинг. Балки бу галги баҳраманд бўлишингиз давомида, ҳаётингизни буткул ўзгартириб юборадиган нарсага дуч келарсиз.

### 4) Қатъият

Қатъият: «Мен қиласман», дейди. Бу сўзлар энг қудратли сўзлар сирасига киради. МЕН ҚИЛАМАН

Британиялик буюк давлат арбоби Бенжамен Дизраэли бир куни: «Ҳеч нарса одам ҳаётини қўйилган мақсадга эриши учун ҳатто ўз ҳаётини тикишга мажбур қиласдиган инсон иродаси олдида дош беролмайди» деганди.

Бошқача қилиб айтганда, кимдир бирор ишни “қиласман ё ўласман” деса, энди уни ҳеч нарса тұхтата олмайди.

Чўққини забт этувчи шундай дейди: “Бу тоғни забт этаман. Айтишларича, у жуда баланд, жуда тикка, жуда тойғоқ ва унга тирманиш жуда мушкул. Лекин у – менинг тоғым. Мен унинг чўққисига чиқаман. Тез орада шу тоғнинг чўққисида қўл силтаётганимни ёки этагида жонсиз ётганимни кўрасизлар”. Бундай қатъиятга ким ҳам қарши чиқарди?

Бундай метин иродага дуч келган Вақт, Тақдир ва Ҳолатни тасаввур қиласяпман. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, шундай дейди: «Келинглар, унга ўз орзуисига эришишга имкон берайлик. У ё бу ишни қиласман ёки шу йўлда ўласман деяпти».

“Қатъият” деган тушунчага берилган, қачонларидир мен эшитган энг яхши таъриф, бу Калифорния штатидаги Фостерлик ўкувчи қизча берган таъриф бўлган. Мен ўрта мактабда бир гурӯҳ болаларга му-

ваффақият ҳақида маъруза ўқиётган эдим. “Ким менга “Қатъият” нима эканлигини айтиб беради?” деб сўрадим. Бир неч қўл кўтарилиди ва мен бир неча анча яхши таърифни эшитдим. Лекин энг охиргиси энг яхши таъриф эди.

Орқадаги партада ўтирган тортинчоқ қиз ўрнидан туриб жавоб берди: «Менимча, қатъият ўзингизга ҳеч қачон таслим бўлмайман, деб ваъда беришингизни англатади». Мана у! Мана у мен қачонлардир эшитган энг яхши таъриф:

**ЎЗ ЎЗИГА “ҲЕЧ ҚАЧОН ТАСЛИМ БЎЛМАЙМАН” ДЕБ ВАЪДА БЕРИШ.**

Бу ҳақда ўйлаб кўринг! Гўдак қанча вақт давомида юришни ўрганиши керак? Сиз гўдакка “Бас, сен ўз имконингдан фойдаланиб бўлдинг” деб айтишингиздан олдин, унга қанча вақт берган бўлардингиз? Бу – беъманилик, дейсизми? Албатта. Ҳар қандай она «Болам токи юришни ўрганмагунича, уриниб кўраверади!» деган бўларди. Шу боис, ҳамма юришни билиши ажабланарли эмас.

Мана шунда ҳаёт сабоғи бор. Ўзингиздан “Ўз орзумни рўёбга чиқариш учун қанча ишламоқчиман?” деб сўраб кўринг. Мен сизга бундай деб жавоб беришни малсаҳат берган бўлардим: «Қанча зарур бўлса шунча». Бу тўрт туйғу ҳақидаги бор гап мана шу.

## ҲИССИЁТЛАР

Ҳиссиётларимиз ё бизга хизмат қилади ёки бизни бошқаради. Бу эса ўзимизга боғлиқ.

Ҳиссиётлар худди интеллект каби таълим олишга муҳтож. Айнан қандай ҳис қилишни, ҳаёт ич-ичизга кириб олишига имкон бериш ва туйғуларимизга таъсир қилишига қай тарзда жавоб беришни хис қилишни билиш муҳим.

Ўз ҳиссиётларингизни ўлчай билинг. Ҳар бир арзимас нарса учун атом бомбаси каби портлашингиш шарт эмас.

Аёллар ҳиссий сигналларни қабул қилишдек ажиг хислатга эга.

Масалан баъзи бўрилар шунчалик ақллики, ҳатто қўйдек кўринишни ўрганиб олишган. Эркак киши “Кўйдай экан”, дейди. Аёл: «Қани, қанақа қўй экан!» дейди.

### КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

#### Савол.

Жим, мен тармоқ маркетинги компаниясида қуий бўғин гуруҳининг раҳбариман. Доим ўз гуруҳимни шахсий ривожланишга чақираман.

Улар бу ишни қилишаётганда, уларнинг натижалари деярли ҳамиша бизнесда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам бир-бирлариникидан кескин фарқ қиласди. Лекин шуни сезиб қолдимки, улар кўпинча бирор машғулотда ютуқقا эришгач, жуда банд бўлиб қолишади ва яна ўрганишни давом эттиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаб, ўз билимларини чархлашни тўхташибади. Нима маслаҳат берасиз?

#### Жавоб.

«Усутворлик» - буюк нарса. Биринчи марта мактабга борган кунимиздан бошлаб, умримиз охиригача нима муҳим, нима муҳим эмаслигини ажратишимизга тўғри келади. Менинг фикримча, таълим олишнинг ўсиш чизиги танқидий ўрганишга муҳтоҷ ва янги билимлар олишни ҳеч қачон бас қилмаслик керак..

Одамларни ўрганиш тартибида сақлаб туришнинг энг яхши усулларидан бири – уларни доимий

равищда семинарлар, салобатли тадбирлар, тренинглар, китоблар, аудиоёзувлар ва ш.к. нарсалар тизимиға йўналтириб туришдир. Бу ерларда ҳар доим билимлар бўлади ва улар ана шу ерларда доим бўлишлари зарур. Шахсий ривожланишга йўналтириш худди радиоприёмник шкаласидаги зарур тўлқинларни созлашга ўхшайди.

Сиз бутун кунни хотиржам ўтказасиз, кейин эса тўсатдан сизга рағбат бўлиб хизмат қиласидиган бирор иқтибос, поэма, тарих ёки ҳангомани эшишиб қоласиз. Шу заҳоти ўз мақсадларингиз, қадриятларингиз, нафсониятингиз ҳақида ўйлаб қоласиз.

Ниҳоят, эслаб қолинг, ўрганиш тўпланиб борадиган бол мисолидир. Бу худди учта рақамини биладиган, тўрт рақамли кодга эга қулфни очаётганингиздагига ўхшайди. Фақат учта рақамни биласиз, кейин тўсатдан тўртинчисига эга бўласиз. Бироқ биз айнан қайси китоб ёки воқеа ўша тўртинчи қалит бўлишинию балки ҳаётимизни ўзгартиришнинг катализатори бўлишини олдиндан аниқ билмаймиз. Ҳа, баъзан одамлар шахсий ривожланишнинг бир маромдаги жараёнидан бир қадам четга чиқади, лекин унда қатнашишда давом этаверсангиз, уни йўналтириб турсангиз ва ҳаммасидан муҳими шу билан яшасангиз, улар сизни яна ҳеч қачон йўқолиб кетмайдиган бу истак ва ривожланишга интилиш сари етаклайди.

Даромад олиш – биз қўл текизадиган нарсаларни яхшироқ қилишдир.

Агар сиз гапираётган нарсалар, сиз билган нарсаларга нифатан муз тоғининг фақат кўзга кўриниб турган қисмигина бўлса, бу ҳақиқий қудрат демакдир.

## КИТОБЛАР ЎҚИНГ

Муваффақиятнинг қотиллари – сабрсизлик ва хасислик. Биз бой, соғлом, баҳти, кучли, омадли бўлиш учун ўқиб чиқиш зарур бўлган ҳамма китоблар ёзиб бўлинган.

Ҳар хил ҳаёт йўлларини ўтган, ақл бовар қилмас ҳаётий муваффақиятларга эришган, чўнтағида чақалар билан иш бошлаб, бойликка эришган, омадсизликлардан муваффақиятга етиб борган одамлар ўз ҳаётини тасвирлаб бўлган. Биз уларнинг билимлари чукурлиги ва кучидан илҳомланиб, ўз муваффақиятимиз фалсафасини ишлаб чиқишимиз мумкин. Биз уларнинг йўлини айнан такрорлай олмаймиз, лекин уларнинг синчковлиги ва интуициясидан фойдаланиб, ўз режаларимизни тузатиб ўтишимиз мумкин. Уларнинг хатоларини четлаб ўтишимиз мумкин. Уларнинг доно маслаҳатидан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин.

Бу ҳаётда бизга керак бўладиган барча инсоний донишмандлик аллақачон бошқа одамлар томонидан китобларда жамланган. Бизнинг ҳаётимизни, болаларимизнинг фаровонлиги, ўзаро муносабатлар ёки хизмат мавқеини яхши томонга ўзгартирадиган қимматли маълумотлар уларда жамланган. Шу ерда савол туғилади: Охирги тўқсон кун ичида нечта китоб ўқидингиз?

Нега биз ҳаётимизни ўзгартириш мумкин бўлган китобларни менсимаймиз? Нега шикоят қиласизу аввалгидек давом эттираверамиз?

Нега кўпчилигимиз натижани лаънатлаймиз, лекин сабабни рағбатлантирамиз? Нима учун аҳолининг фақат уч фоизи кутубхонага бориш учун абонементга – омад ва баҳт ҳақидаги ҳамма саволларга

жавоб берадиган абонементга эга, холос? Ўз ҳаёти-  
ни ўзгартиришга интилаётган одам унинг ҳаётини  
тубдан ўзгартирадиган турткى мавжуд бўлган кито-  
бларни назардан қочирмаслиги лозим. Биз ўтказиб  
юборган китоб энди ёрдам бера олмайди!

Муаммо китоблар жуда қимматлигиде эмас! Агар  
одам китоб жуда қиммат экан, деб ҳисобласа, у қачон-  
лардир бу китобни сотиб олмагани учун бадал тўлай-  
ди. У қачонлардир бу нодонлиги учун ҳақ тўлайди.

Ўқиши билмайдиган ва ўқиши хоҳламайдиган  
одамлар орасида унчалик катта фарқ йўқ. Иккала  
ҳолатда ҳам натижа битта - нодонлик. Ўзини тако-  
миллаштириш билан шуғулланишга қарор қилган  
одам ўзининг китобхонлик маҳорати ва кўникма-  
ларини жиддий ривожлантириши керак. Яхши ки-  
тобхон бўлишга ўргатадиган кўплаб курслар мав-  
жуд, кутубхоналар жавонларидағи минглаб кито-  
блар эса уларни ўқишини кутиб ётибди. Ўқиш ноёб  
хислатга эга бўлишни истовчилар учун зарур нар-  
са. Биз ва ҳаётимизни ўзгартириб юбора оладиган  
китоб ўртасида ҳеч нарса тўсиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳар куни китоб ўқир экансиз, сиз қисқа вақт ичи-  
да кўп янги ва фойдали нарсаларни билиб оласиз.  
Лекин агар сиз китобни қўлга олишга вақт топол-  
масангиз, ўзингизни мажбур қила олмасангиз, иро-  
дангизни намоён қила олмасангиз, у ҳолда нодон-  
лик бу бўшлиқни дарров тўлдиради.

Яхши ҳаёт ҳақида орзу қиласидиган одам аввало  
шахсга айланиши керак. У ўзини такомиллаштириш  
билан сидқидилдан шуғулланиши, ўз ҳаёт фалса-  
фасини ривожлантириши ва такомиллаштириши,  
ҳамда бу фалсафа талабларига мувофиқ яшаши за-  
рур. Ўқишига одатланиш – бундай ҳаёт фалсафасини  
яратиш учун пойдевор ва менинг назаримда, му-  
ваффақият ва бахта сари энг қисқа йўлдир.

## КИТОБЛАР/КУТУБХОНА/МУТОЛАА

Агар зарур бўлса, тушликдан воз кечинг, лекин китоб ўқишдан эмас.

Баъзилар ёмон романларни ҳам ўқиш лозим, чунки ҳатто ёмон китобда ҳам бирор қимматли нарса топса бўлади, деб тасдиқлашади. Шу мантиққа амал қилинса, агар яхшилаб қидирса, ахлат қутисидан ҳам нон ушоғи топса бўлади. Лекин шу ишни қилиш керакми?

250.000\$ турадиган уйларга эга, муваффакиятли одамларнинг ўз кутубхонаси бор. Бу кўп нарсадан далолат беради.

Сиз мухтоҷ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қўлга киритса бўлади. Фақат кутубхонага боришингиз керак. Америкада одамларнинг фақат уч фоизигина кутубхона абонементига эгалигини ақлга сифдирб бўладими? Балки бу жуда қимматдир? Йўқ, бу бир чақа ҳам турмайди. Уйингизга яқин жойда кутубхона бордир, эҳтимол.

Фақат уч фоиз!

Баъзи одамлар шунчалик кам ўқишадики, уларнинг мияси қотиб қолади.

Ҳозир мен энг яхши кутубхоналардан бирига эгаман. Тан оламан, кутубхонамдаги ҳамма китобларни ўқиб чиқмаганман. Лекин у ерга киришим билан, ўзимни ақллироқ ҳис қилиб бошлайман.

Ёмон адабиётларни ўқиманг. Бу вақтингизни чоғ қилиши мумкин, лекин ҳеч қандай фойда келтирмайди.

Ўқиб чиқмаган китобингиз сизга ёрдам бера олмайди. Ҳозир китоблар арzon, уларни топиш ва сотиб олиш осон. Юмшоқ муқовали китоб олти ёки етти доллар туради. Сиз бу пулларни болаларингиздан қарз қилиб олишингиз мумкин!

Гап китобнинг нархи ҳақида эмас, гап бу китобни ўқиб чиқмасангиз, қанчага тушишингизда.

## ЧУМОЛИ ФАЛСАФАСИ

Иккисидан бирини танлаб олишимиз керак: ё баҳорда уруғ қадаш ёки кузда тиланчилик қилиш.

Мен ҳар доим болаларга чумоли фалсафаси, деб аташ мумкин бўлган оддий, лекин амалий қоидаларни сингдиришга ҳаракат қилганман. Ҳар биримиз чумолиларни ўрганишимиз керак, деб ҳисоблайман. Улар тўртта концепциядан иборат бўлган ажойиб фалсафага эга.

Мана - биринчиси: чумолилар ҳеч қачон таслим бўлмайди. Бу – яхши фалсафа. Агар улар бирор томонга йўл олган бўлса ва уларни тўхтатишга уринсангиз, улар бошқа йўл топишади. Улар тепага чиқиб кетади. Пастга тушади, айланиб ўтади. Улар бошқа йўл қидиришади. Ҳеч қачон таслим бўлмаслик ва белгиланган жойга етиб боришнинг ҳар қандай йўлларини излаш қанчалик ажойиб фалсафа..

Иккинчиси: чумолилар бутун ёз бўйи қишиш ҳақида ўйлашади. Ёз мангу эмас. Шундай экан, чумолилар ёзнинг ўртасида қишиш ғамини еб бошлайди. Қадимдан қолган ҳикмат бор: «Ёзда, кумда уй қурма». Бу насиҳат биз учун нега муҳим? Чунки одам реалист бўлиши керак. Ёзда соҳиб бўйида ҳузур қилиб ётганингизда, кузги довул ҳақида ўйлашингиз керак. Келажак ҳақида фикрланг.

Чумоли фалсафасининг учинчи концепцияси: чумолилар бутун қишиш давомида ёз ҳақида ўйлайди. Бу жуда муҳим. Қишиш давомида чумолилар қуйидагини ўзларига эслатиб туришади: «Қишиш мангу давом этмайди, биз яқинда бу ердан чиқамиз».

Дастлабки илиқ кунлардаёқ чумолилар ташқари-

га чиқишади. Агар яна совук бўлса, улар яна яшириниб олишади ва илиқ бўлганда, тағин ташқарига чиқишади. Улар ҳамиша яхши кунлар томон ўзгаришларни кутиб яшашади.

Чумоли фалсафасининг охирги концепцияси. Қишига тайёрланиш учун ёз давомида чумоли қанча ишлайди? Қанчасини эпласа, шунча. Қандай ажойиб фалсафа: «кучинг етган ҳамма нарсани қилиш».

Хеч қачон таслим бўлманг, олдинга қаранг, ўзингизга ишонинг ва кучингиз етган ҳамма ишни қилинг.

## ШАХСИЙ ФАЛСАФА

Иқтисодий муаммолар кам ишлаб, кўп пул олишини хоҳлашдан бошланади.

Агар ўз хатоларингизни тўғрилашни истасангиз, ўз ҳаёт фалсафангизни ўзгартиришингиз керак.

Агар охирги тўқсон кун мобайнида бирорта ҳам китоб ўқимаган бўлсангиз, бу ёмон, лекин агар бу унчалик мухим ҳам эмас деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, бу жуда ҳам ёмон.

Сизнинг ҳаёт фалсафангиз – умрингизнинг белгиловчи омилидир. Одамлар ўз ҳаёт фалсафасини ўзгартириб бориб, ўз ҳаётини ўзгартиришлари мумкин. Молиявий келажагингизни пул эмас, ҳаёт фалсафангиз ўзгартиради.

Ўзгалар фикрини ўзлаштириб олманг. Ўз фалсафангизни яратинг, бу сизни муваффақиятга олиб келади.

Агар тўғри йўналиш олсангиз, шамол сизни ҳар доим орзуга эришишга олиб келади.

Фалсафангиз тўғри йўлдан боришингиз ёки хатолар қилишда давом этишингиздан бирини танлаб беради.

Фалсафа бу – билимларингиз ва қадриятларингиз йиғиндисидир.

## КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Мистер Рон, менинг ажойиб ишим бор, яхши одамлар билан ишлайман, ўзим севган ва ўзим яхши қила оладиган иш билан шуғулланаяпман, яъни мен ёзаман. Менинг яхши ғояларим бор ва ўз лойихаларимни ривожлантириш истагидаман. Муаммол шундан иборатки, бир нұқтадан силжий олмаётгандайман. Мен ёзувилик касби ва ноширлик иши ҳақида жуда күп нарсаларни ўқиб чиқдим. Булар менга ўз орзумни амалга оширишга ёрдам беради, деб ўйлагандим. Лекин ўз орзумни воқе-лика айлантиришга менда туртки етишмаётгандек. Сизнинг илхомбахш сўзларингизни ҳар ҳафта ўқидим, лекин ҳеч қандай ривожланишни кўрмаяпман. Ўлик нұқтадан қандай қўзғалсам бўлади? Менга бера оладиган ҳар қандай ёрдамингиз учун раҳмат

### Жавоб.

Мен ишни бошлаш фактининг ўзида жуда кучли рағбат борлигини аниқладим. Биринчи қадамни қўйишингиз биланоқ, чарчоқ, зерикиш ўтиб кетади, онгдаги тўсиқлар ва хотирани йўқотишлар барҳам топади. Сизга қувват ва куч келади.

Шунга ўхшашиб муаммоси бор жуда күп одамларни учратганман. Улар мангу талабаларга ўхшайди. Улар доим ўқишида, лекин ҳеч қачон ўз билимларни амалиётда қўллашмайди. Мен – ўқиш тарафдориман, лекин маслаҳатим шуки – аввал ўқинг, кейин иш бошланг. Яна ўқинг ва яна амалда қўлланг.

Мен сизнинг дикқатингизни бир нечта лойиҳа ўрнига ўзингиз учун энг муҳим бўлган энг асосий нарсада жамлашингизни таклиф қиласман. Ҳа, сизда лойиҳалар рўйхати бўлиши лозим, лекин ҳеч бўлмаганда биринчи қадамингизни қўйгунингизча уларни бир ёки иккитагача қисқартиришингиз шарт.

Нихоят, аввалига кичик одимлар отишингиз етарли бўлади. “Минг чақирим йўлга саёҳат, биринчи қадамдан бошланади”, деган доно гап бор. Кўпинча бу дастлабки қадамлар жуда кўп нарсани англатади. Омадингизни берсин!

Яхши ғояларни тўпланг, лекин хотирангиз зўрлигига ишониб қолманг. Барча ғоялар ва фойдали ахборот учун энг яхши жой – сизнинг кундалигингиз.

Дангал бўлинг. Эҳтимол сиз автомобиль ҳакида кўп нарсаларни биларсиз, лекин унда бирор жойга бориш учун, озгина нарсани билсангиз, кифоя.

Ўзингизга шундай денг: “Бу тоғни забт этаман. Айтишларича, у жуда баланд, жуда тикка, жуда тойғоқ ва унга тирмашиш жуда мушкул. Лекин у – менинг тоғим. Мен унинг чўққисига чиқаман. Тез орада шу тоғнинг чўққисида қўл силтаётганимни ёки этагида жонсиз ётганимни кўрасизлар”.

## ИМКОНИЯТЛАРНИ СЕВИНГ

Даромад маошдан яхшироқ. Маош омон қолишингизга ёрдам беради, даромад эса сизни бойга айлантиради.

Кимdir сиз қилаётган ишингизни яхши кўришингиз керак, деган эди, лекин бу мажбурий шарт эмас.

Сиз имкониятни яхши кўришингиз муҳим. Ҳаётни, келажакни, соғлиқ, муваффақият ва фаровонликни йўлга қўйиш имконияти. Ҳозир тақиллаётган эшигингиз сизга ёқмаслиги мумкин, лекин бу

ЭШИК ОРТИДА СИЗНИ НИМАЛАР КУТАЁТГАНИНИ ТАСАВВУР  
ҚИЛИБ КҮРИНГ.

Масалан, бир йигит “Мен канал қазийман. Демак мен канал қазишиң севишим керакми?», деб сүрайди.

Жавоби бундай: «Йұқ, сиз канал қазишиң севмас-лигингиз мүмкін, бироқ борди-ю, бу муваффақиятингиз сари биринчи қадам бұлса, у ҳолда үз-үзингизга “Кимдир менға канал қазишиң имконини бергани учун миннатдорман ва бу ерда узоқ вақт ушланиб қолмаслик учун, бу ишни яхшилаб бажармоқчиман”, дейишиңгиз шарт.

Хатто энг кичик омад ҳам сизни рухлантирсын. Балки аввалига күп хатолар қиласыз, балки аввал ҳеч қачон қилмаган ишиңгизни бажаришга тұғри келар. Аввал қилмаган ишиңгизни қилиш сизга оғир бұлади. Бу ҳақда үйламанг. Миннатдор бұлишингиз, имкониятни ва сизга яхши хабар келтирған одамни қадрлашингиз зарур.

Сиз үзингизга ишонишиңгиздан олдин, сизге ишона билған одамни қадрланг, “Эй, буни мен қила олаёттан эканман, демек сиз ҳам эплайсиз!” деган одамни қадрланг.

Тез орада үзингизга ишонч ортаётганини тушушиб оласыз. Тушкун кимсадан оптимистга айланасыз. Энг күп нарсаларни вайда қыладыған имконияттар одамлар билан мұлоқотда эканини тушушиб оласыз. Сиз учратған ҳар бир одам – ким у?

Балки бу бир умрга дүстингиз бұлиб қолар. Балки анави киши кетар, буниси эса күп йиллар ҳам-касбингиз бұлиб қолар. Буни вақт күрсатади. Йүлнинг бошида сиз олдингизда турған одам кимлигини тушушиб олишиңгиз учун қанча вақт кетишини билмайсиз. Демек ҳаммасини ташлаб кетишиңгиздан олдин, муваффақият узоқ муддатли мажбури-

яларга, ишонч, интизом ва муносабатларга асосланнишини эсда тутинг.

Сиз ҳозир шуғулланаётган ишингизни ёқтирмаслигинги мумкин, лекин у келажакда катта имкониятларга олиб келади.

### ИСТАК/РАҒБАТ

Инсон деган мавжудотлар айнан нимага эга бўлиши керак бўлса, шуни олишдек ажойиб қобилиятга эга. Лекин “қилишим керак” ва “хоҳлайман” ўргасида фарқ бор.

Энг яххиси – ўзини ўзи рағбатлантиришdir. Бир йигит: «Кимdir келиб, мени чин йўлга солишини истайман», дейиши мумкин. Хўш, ўша одам келмай қолса-чи? Шунга тайёр туришингиз керак.

Нимани истаётганингизни билсангиз, шу нарсани дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳланг. Шунда ўша нарсани олиш усулини топасиз.

Рағбат (мотивация) ўз ўзича, ҳеч нарсани англатмайди. Агар ичингизда аҳмоқ яшириниб олган бўлса ва сиз уни рағбатлантириб турсангиз, унда сизда важ-корсонга эга аҳмоқ бор экан.

Эсда тутинг, истак вақт ўтиб, ўз кучини йўқотиши мумкин.

### МОТИВАЦИЯ ВА МАНИПУЛЯЦИЯ (БОШҚАРИШ)

Зиг Зигларнинг фикрига кўра, «мотивация» (рағбат) сўзини, кўпинча, манипуляция қилиш (бошқариш) билан адаштиришади.

Мотивация, бу – бошқа одамларни ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга ундашdir.

Ҳамма нарса – уй вазифасини бажариш, ўз қил-мишлари учун жавоб бериш, таълимни тугатиш – рағбат, яъни мотивация натижасидир. Бошқариш, бу – бошқаларни авваламбор сизнинг манфаатингиз, сизнинг фойдангиз йўлида хизмат қилишга ундаш. Сифати паст буюмларни юқори нархларда сотиш ва қўшимча ҳақ тўламасдан меъёрдан ортиқ ишлашга мажбурлаш каби ҳаракатлар манипуляция қилиш, яъни бошқаларни бошқаришга мисолдир.

Бошқаларни бошқариш шу иш билан шуғулла-наётган одамни бузиб боради.

Манипуляторлар кўпинча одамларга катта таъ-сир ўтказади ва одамлар уларга қарши керакли жа-воб бера олмайдилар

Етакчилик, бу – одамни ўзаро ҳамкорлигингиз йўлида ҳаракат қилишга ундашдир.

Мотивацияни манипуляция билан таққослаш, эз-гуликни ёлғон билан қиёслагандек бир гап.

Фарқ одамнинг ниятларида. Рағбат одамларни ўз танлови ва истаги бўйича ҳаракат қилишга мажбур қиласди, бошқаларни бошқариш эса кўпинча мажбу-ран рози бўлишга олиб келади. Биринчиси ахлоқан мос келади ва узоқ вақт давом этади; иккинчиси ноахлоқий бўлиб, вақтинча давом этади.

Етакчилар ва рағбатлантирувчилар - ғолиблар; манипуляторлар эса – англашилмовчилик ва ке-лишмовчиликларни келтириб чиқарадиган, мағлу-блардир. Рағбатлантирувчига айланинг, ўз одамла-рингизни бошланг, лекин уларни ўз йўрифингизга юритувчт бошқарувчи бўлманг.

Ёқимли одамлар ўзгармайди. Яқинда бир сарлавҳа ўқиб қолдим, унда шундай дейилганди: «Биз одам-ларни жозибали бўлишга ўргатмаймиз. Биз, шун-чаки, жозибали одамларни ишга оламиз».

Жуда яхши айтилган.

Даромад камдан ҳолларда шахсий ривожланиш-  
дан ортиб тушади.

## **ЎЗ НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ КУЗАТИБ БОРИНГ**

Енгилини эмас, ўзингиз яхшироқ бўлишни истанг.

Муаммолар оз бўлишини эмас, маҳоратлар кўп  
бўлишини истанг.

Синовлар кам бўлишин эмас, донолик кўпроқ бў-  
лишини истанг.

Эслаб қолиш учун учта сўз: вазн, ҳисоб ва меъёр.

Нега энди вазн, ҳисоб ва меъёр дейсизми? Ўз фаолиятингиз натижасини, ўз муносабатингиз ва фалсафангиз натижаларини кўриш учун. Агар сизга ўз фаолиятингиз натижалари ёқмаса, жавоб излашингиз учун учта ҳолат бор: сизнинг фалсафангиз тўғри бўлиши керак; ишга муносабатингиз фаол бўлиши зарур, сиз қўшимча қўнималарга муҳтож бўлишингиз лозим.

Фаолият, ишга муносабат натижалар келтиради.

Энди натижалар ҳақида.

Ҳаёт сиз маълум вақт орасида муайян натижаларга эриша олишингизни назарда тутади. Жуда кўп ишлар ударни қилишингизни кутиб турмаслиги мумкин. Ўз натижаларини қанчалик вақт орасида текшириб туриш керак?

Мана баъзи вақт доиралари.

Биринчи рақамлиси – куннинг охири. Ҳеч нарса-  
га эришмай туриб, кунни бекор якунламанг.

Тавротда шундай келган: «Агар жаҳлинг чиққан бўлса, қуёш ботгунча тинчланиб ол». Ғазабингизни кейинги кунга ўтказманг. Бу жуда оғир юк.

Агар ғазабингизни бир ҳафта кўтариб юрсангиз, у сизни тиз чўқтириши мумкин. Шундай қилиб

баъзи ишларни кун давомида бажариб булишин-  
гиз лозим.

Натижаларни текшириш вақтининг кейинги-  
си - ҳафта. Маош беришимиз учун ҳафта давоми-  
да қилинган ишларнинг ҳисобини олишимиз ке-  
рак. Яна қанча қилинмаган ишларингиз қолгани-  
дан қатъи назар, ҳафтанинг охирида буни амалга  
оширишингиз керак.

Бизнесда ҳафта давомида текшириб чиқилиши  
лозим бўлган иккита нарса бор. Бу сизнинг фаолия-  
тингиз ва иш натижаларидир. Фаолият натижалар-  
га олиб келгани учун, биз бу икки таркибий қисм-  
нинг ҳисобини олиб боришимиз керак.

Бир куни ўқитувчим муваффақият рақамлар ўй-  
ини, деди. У сўради:

— Охирги тўқсон кун мобайнида нечта китоб  
ўқидингиз?

— Бирорта ҳам ўқимадим.

— Оз. Ўз кўнималарингизни ошириш учун охир-  
ги олти ойда нечта машғулотга қатнашдингиз?

— Бирортасига ҳам бормадим.

— Кам. Охирги олти ойда қанча пулни тежаб қол-  
дингиз ва инвестиция қилдингиз?

— Ҳеч қанча.

— Оз. Мистер Рон, агар бу сонлар ўзгармаса, ҳа-  
ётингиз ҳам ўзгармайди.

Агар бу рақамларни яхшиласангиз, балки фарқи-  
ни ҳам сезарсиз.

Муваффақият ва натижалар – сонлар ўйини. Жон  
кичик бир тижорат компаниясига ишга келди. Унинг  
иши биринчи ҳафтада ўнта телефон қўнғироғи қи-  
лиш эди. Шундай қилиб, жума куни унинг менежери  
“Нечта қўнғироқ қилдингиз” деб сўради. Жон «Би-  
ласизми...» деди ва бу ишни қилишга қанчалик кўп  
вақт сарфлаганини айта бошлади.

Менежер: «Жон, бизга ҳикоялар керак эмас. бизга керак бўлган бор-йўғи, бу – бажарилган ишлар сони, ҳикояларни ўзимиз ўйлаб топаверамиз», деди. Фақат рақамлар ҳамма нарсани англатади. Маълум вақт оралиғида эришилган тараққиёт.

Энг яхши ҳисоб-китоб, бу – ўзингиз юритадиган ҳисоб-китобдир. «Ҳокимият, фирмангиз сиз учун буни қилишини” кутиб ўтирманг. Сиз ўз рақамларингизни ўзингиз ҳисоблаб чиқишингиз ва ўзингиздан “Олдинга ҳаракат қиласяпманми, ҳозир ис-таётган нарсаларимга келажақда эриша оламанми?” деб сўрашингиз керак. Ўзингизга ўзингиз ҳакам бўлинг!

### ИШДАГИ МАВҚЕ/БОЗОР

Отам мени ҳар доим иш учун кўпроқ пул тўлаш-тўла-  
маслигидан қатъи назар, кўпроқ ишлашга ўргатиб  
келди.

Қанча вақт ишлашингиз – олти ҳафтами, олти  
ойми ёки олти йилми, муҳим эмас, ҳар доим кета  
туриб, ишларни ўзингиз олган пайтидагидан ях-  
широқ ҳолда қолдириб кетинг.

Бозорга эҳтиёжингизни эмас, маҳоратингизни  
олиб киринг.

Агар ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, шифокор-  
га мурожаат қилинг, бозорга эмас.

Агар пулга муҳтоҷ бўлсангиз, банкка боринг, бо-  
зорга эмас.

Агар бирор нарса сотадиган бўлсангиз, кун кўриш-  
га пул ишлашингиз мумкин. Агар бу жараёнга пул  
ва мижозга яхши хизмат кўрсатишни тиксангиз,  
фаровонликка эришишингиз мумкин.

Ишингиз сизга хизмат кўрсатмасин, шундай ки-  
лингки, у сизни муносиб одамга айлантирсин.

Жиддий тайёргарлик йўқлиги бозорда маълум бўлади..

Бозорда ўзингизга ишонмаган ҳолда иш бошлигиз – у ерда сизнинг келажагингиз йўқ дегани эмас.

Қоникиш олмай ишлагандан кўра, ўз меҳнатингиздан роҳатланиб ишлаганинг яхшида.

Бизга бозорга олиб чиқсан нарсамиз учун пул тўлашади. Бу кўп вақт олади, лекин бизга буюмлар, нарсалар ва хизматлар учун ҳақ тўлашади.

Иш ташлашларнинг асосий вазифаси – кўпроқ пул олишдир. Лекин фақат бирор нарса талаб қилиш орқали бойиб кета олмайсиз!

### КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

#### Савол.

Жим, сиз одам ҳамиша ўзига боғлиқ нарсаларни қилиши керак, деб айтасиз. Саволим шундай: ўз ишимни бошлаганим, узоқ йиллар олдин, ҳозиргидан кўра кўпроқ ишлар эдим. Ҳозир мен кўп пул ишляпман, оиласам олдида кўпроқ вақт ўтказа оламан ва севган ишимдан роҳатлана оламан. Лекин агар ҳозир ҳам олдингидек ишлаганимда, балки йилига ҳозиргидан кўра 60-80 % кўпроқ пул топармидим, лекин унда бўш вақтим кам бўлиб, оиласамга ва севган машғулотимга вақт ажарата олмай қолармидим. Адашиб қогандекман, ўзимга боғлиқ бўлган ҳамма нарсани қилаётгандек бир хисдаман..

Илтимос, фикр билдирангиз.

#### Жавоб.

Бу қийин масала. Сиз ўз ишингизни баҳолай оладиган ягона одамсиз. Бир нечта таклифим бор. Аввал биз нима ўзимиз учун мухим эканлигини аниқлаб

олишимиз, шундан сүнг уларга асосланган ҳолда вактимизни режалаشتариб олишимиз керак.

Үз ишиңгизга күпроқ вақт ажратишиңгиз керак бўлган вақтлар бўлган. Ҳозир эса ҳаётда нимани күпроқ қадрлашиңгизни тушунб олишиңгиз, шунга муносиб равишда ўз вақтингиз ва ғайратингизни ташкил қилишиңгиз керак.

Иккинчидан, ҳаётда нимаики қилсак, вақти келиб тезроқ ва самаралироқ қилишимиз зарур, чунки вақт ўтиб биз зарур кўникмаларга эга бўлиб борамиз.

Агар сиз ҳафтада ишга 40 соат вақт ажратадиган бўлсангиз, иш вақтидан кейин ишламаслигингиз учун шу 40 соатга максимал куч сарфлашиңгиз лозим бўлади. Оила ва кўнгилхушликлар билан ҳам шундай йўл тутасиз. Нима билан машғул бўлсангиз, шундан иложи борича энг кўп фойда олишга интилинг.

Кўринишидан, сиз ҳозир иш бошлаган пайтингиздагига қараганда, камроқ ишлаб кўпроқ пул то паяпсиз. Айнан шундай бўлиши керак, чунки сиз кўникмаларингизни яхшилаб бораяпсиз, тажриба орттиргансиз ва агар шу руҳда давом эттирангиз, ҳаммаси шу тарзда давом этади.

Ниҳоят, охиргиси – баъзи нарсалар ҳақиқатан ҳам кўп вақтимиз ва кучимизни олади, аввалига – янги иш, никоҳ, янги фарзанд, баҳтсиз ҳодисадан кейин соғайиш ва ш.к.

Бундай ҳолларда, биз эҳтимол, мослашишимизга тўғри келар – лекин ҳаётнинг ўзи шундай. Яна устувор йўналишларни белгилаб олиш ва ишга кўпроқ вақт ажратишга тўғри келади.

Бизга қадимдан қолган иккита муҳим сўз бор – излаш ва эҳтиёт бўлиш: «имкон изланг ва майлларингиздан сақланинг».

Кунни қоғозда режалаштириб олмасдан, уни бо-  
шламай туинг.

Иқтисодий муаммолар кам ишлаб күп олишни  
хоҳлаганингиздан бошланади.

## ЯХШИ ҲАЁТ НИМА ДЕГАНИ?

Хеч нарса текин берилмайди. Агар яхши яшай-  
ман десангиз, бунга эришиш учун ишланг.

Ҳаётда асосийси – маош эмас. Асосийси – Мер-  
седес эмас. Ҳаётда асосийси - миллион доллар ёки  
банқдаги ҳисобрақами ёки уй эмас. Мен ҳаётда асо-  
сийси – яхши яшаш, деб ҳисоблайман.

Биз доим ӯзимизга берадиган савол мана нима-  
дан иборат бўлиши керак: «мен учун яхши яшаш  
нима дегани?» Сиз доим бунга жавоб излашингиз  
керак. У маънавият, иқтисодиёт, соғлик, муносабат-  
лар ва ҳордиқни ӯз ичига олиши зарур. Ӯзимнинг  
тушунишимча яхши яшаш нимани англатишини  
қисқа қилиб айтиб ўтаман.

Биринч ӯринда - маҳсулдорлик. Сермаҳсул бўл-  
масангиз, баҳтли бўлолмайсиз.

Умр, бу – дам олиш эмас. Одамлар фақат куч тў-  
плаш ва ишга қайтиши керак бўлгандагина, дам  
олишлари керак. ҳаётнинг мазмуни нима? Мазмун  
ӯз меҳнати натижаларини кўришдадир.

Синааб кўринг, ғайрат қилинг ва ӯз меҳнатин-  
гиз натижаларини кўра бошлайсиз. Шундай қилиб,  
яхши ҳаётни ташкил қилувчи биринчи нарса, бу -  
сермаҳсуллик.

Кейин – яхши дўстлар. Дўстлик – дунёдаги энг  
катта совға. Дўстларингиз билан мулоқот қилиш  
учун вақт топинг. Бунинг ӯрнин ҳеч нарса боса ол-  
майди. Дўстлар – сиз ҳақингизда ҳамма нарсани би-  
ладиган ва ҳали ҳам сизни яхши кўрадиган одам-

лардир. Яқында мен яқин бир дүстимни йүқотдим. У 53 ёшида юрак хасталигидан үлди.

Дэвид ҳаётдан кетди, лекин у мен учун энг яхши дүстлардан бири эди. Агар мени қамоқقا олишиб, факат битта күнфироқ қилишга рухсат беришса, албатта Дэвидга телефон қилган бўлардим. Дўст дегани шу-да. Келиб сизни қутқариб оладиган киши. Алабтта, ҳаммамизнинг ўртоқларимиз бор. Уларга күнфироқ қилганингизда шундай жавоб беришади: «Яна күнфироқ қил, биргаликда вақтни ажойиб қилиб ўтказамиз». Шунлай қилиб, сизнинг ҳам ҳақиқий дўстларингиз, ҳам ошналарингиз бўлиши керак.

Яхши ҳаётнинг кейинги таркибий қисми - маданият, мусиқа, одатлар, анъаналар, кийимдир. Бунинг ҳаммаси ҳаётий муҳим нарсалар. Аслида, бу – бизнинг ноёблигимиз, бунда ҳаётий лаёқатимиз, кувватимиз, ҳокимият, таъсир ва адолат бор.

Кейин дин, маънавият келади. У оилани шакллантиришга кўмаклашади, бундан миллат ўсиб чиқади.

Хислатингизнинг маънавий қисмига бепарво бўлманг. Бу бизни қандай бўлсак, шу ҳолимизга етказади. Бу бизни ҳайвонлардан, итлар, мушуклар, қушлар ва сичқонлардан фарқлаб туради. Шундай қилиб, маънавият.

5) Кейин ота-онам менга ўргатган нарсалар келади. Ҳеч нарсани ўтказиб юборманг. Ўйинни ўтказиб юборманг. Тақдимотни, кино, байрам, рақсни ўтказиб юборманг. Бориш мумкин бўлган ҳаммасини бориб кўринг.

Қайсисига иложи бўлса чипта сотиб олинг. Иложи борини бориб кўринг. Ота-онам мени шунга ўргатган ва бу менга ҳалигача ёрдам беради. Отам 93 ёшида оламдан ўтди. Агар унга 10:30да ёки кечаси 11:00 да қўнфироқ қилсангиз ҳам, уни уйдан топардингиз. У родео мусобақасига бораради, у бо-

лалар қандай қилиб софтбол үйнаётганини томоша қиласы, концертларга, черковга борарди, ҳар куни кечқурун у бирор жойга борарди.

Фаол ҳаёт билан яшанг. Агар яхши яшасанғиз, яхши пул топасиз. Агар яхши яшасанғиз, бу юзингизда акс этади, овозингиздан билинади. Агар яхши яшасанғиз, тушунтириб бўлмайдиган, ўзига тортадиган нимадир сиздан уфуриб туради. Бу нафакат шахсий ҳаёtingизга, балки шингизга ҳам таъсир қиласи. Бу сизга бошқа бирор нарса бера олмайдиган ҳаётий куч беради.

6) Сўнг оила ва ички муҳит келади. Уз яқинларингизни севинг, шунда улардан худди шундай жавоб оласиз. Уларга илҳом беринг, улар ҳам сизга илҳом бахш этади.

Майда-чўйда нарсаларни ўтказиб юборманг, ахир ҳаётимиз улардан ташкил топади-ку. Отам тирик пайтида, саёҳат қилиб юриб, одатда мен унга телефон қиласидим. Эрталаб одатда у фермерлар билан нонушта қиласы. У Айдаҳонинг жанубий-ғарбидаги кичик қишлоқчада яшарди.

Агар Исроилда бўлсан, ярим тунда туриб, унга қўнғироқ қиласидим. Бу бор-йўғи беш-үн дақиқа вақтни оларди. Мен: «Ота, мен Исроилдаман», дердим.

У «Исроилдамисан! Ўғлим, Исроилда нима гаплар?» дер эди.

У ҳамма унинг ўғли Исроилдан қўнғироқ қилаётганини эшишиб қўйиши учун баланд овозда гапирад эди. Мен: «Ота, улар кеча кечқурун мени юлдузлар остидаги баланд томда қабул қилишди» дердим.

«Ўғлим, тепасида юлдузлар чараклаб турган том устида дейсанми?!»

Энди унинг ўғли Исроилдан қўнғироқ қилаётганини ҳамма билади. Бу бор-йўғи беш-үн дақиқа вақтни оларди, лекин мен отам учун қандай ажойиб кунни совға қиласидим.

Агар ота уйдан чиқаётганида қизи уни ўпид қўйса, бу унга кун бўйи куч бахш этади. Агар эр уйдан чиқаётганда, ўз хотини қўлларини хис қилса, у кунбўйи дадил бўлади. Бу нарсалар одамларни кучли ва ўзига ишончли қиласди.

Шундай экан, бу имкониятни қўлдан чиқарманг. Бу энг катта қадрият.

Бир пайғамбар айтган экан: “Дунёда қадриятлар кўп. Лекин бир одам бошқа одам ҳақида ғамхўрлик қилаётган бўлса, бу энг катта қадриятдир”. Севгидан улкан қадрият йўқ. Ҳашаматли иншоотда ёлғиз яшагандан кўра, қирғоқдаги чодирда севган кишинг билан яшаганинг яхшироқ. Бошқа киши ҳақида ғамхўрлик қилаётган бир одам энг катта қадриятни намоён қилаётган бўлади.

Демак, қилаётган ишингизни нима учун қилаётганингизни эсда тутишингизга ишонч ҳосил қилинг.

## ТУРМУШ ТАРЗИ

Бошқалар нолойиқ яшайверсин, лекин сиз эмас. Майли ўзгалар кичик нарсалар устида баҳслашсин, тортишсин, лекин сиз эмас.

Бошқалар ўзларининг келажагини бошқа одамларнинг қўлига топширсин, лекин сиз эмас.

Турмуш тарзи – ўзгача яшай билиш санъатидир.

Баъзи одамлар яхши пул топишни ўрганган, бироқ улар яхши яшашни билишмайди.

Қанча пул ишлаб топишингиз керак бўлса, шунча ишлаб топинг, тезроқ ва қандай топа олсангиз, шундай ишлаб топинг. Қанча тез топсангиз, ўз муаммоларингизни шунча тез ҳал қиласиз

## МАҚСАДЛАР ҚҰЙИШ

Мен – мақсадлар аниқ белгилаб олинган бўлишини, кўринарли тарзда тасаввур қилинишини талаб қиласман. Бунинг устига, фикримча, мақсадга нима учун эришмоқчи бўлаётганингизнинг сабабларини билишингиз зарур. Сабаблар ҳар хил бўлиши мумкин. «Нега?» ҳар доим «Қандай қилиб?» дан кучлироқ. Сабаблар ва мақсадлар бир бирига ўхшаш, лекин баъзи фарқлар бор.

Мана сизнинг мақсадга интилувчанлигингиз сабаблари (аслида улар анча кўп эмас):

Моддий қимматликлар – бинолар, автомобиллар, кемалар, спорт мусобақалари ёки театрга чипталар, таътилларни ўтказиш. Моддий қимматликлар жуда муҳим.

Оилавий сабаблар ўта муҳим бўлиши мумкин. Оилавий саёҳатлар, фарзандларингиз таълими, оиланинг бошқа аъзоларига ёрдам бериш. Биз кўпинча ўзимизга қилгандан кўра кўпроғини оиласиз учун қиласиз.

3) Эътироф бизни олға ундаши мумкин – ойнинг энг яхши ишлаб чиқарувчиси бўлиш ёки рекорд ўрнатиш. Тенгқур бўлган одамлар орасида эътирофнинг учта муҳим соҳаси бор:

- а) мавқеи тенг бўлган одамлар орасида;
- б) етакчи ёки устознинг ҳурмати;
- в) оила ва дўстлар орасида;

**Сахийлик.** Сахий бўлишдан ортиқ нима одамни жозибали қилиши мумкин.

Ҳамма ерда ва ҳамиша яхши бўлиш. Ўзини синаб кўриш ва тобора янги мақсадларга эришиш. Ҳар доим муваффақият чўққисида бўлиш. Гарчи бу бир кун давом этса ҳам. Буларнинг ҳаммаси жуда катта рағбат яратиши мумкин.

Энг мұхими: агар бу сабаблардан ҳар қандай сиз-  
га орзунгиз сари бириңчи қадамни ташлашга ёрдам  
берса, яқин орада сиз үз саъй-харакатларингизнинг  
меваларидан баҳраманд бұласиз, шунингдек бу бо-  
рада сизга ёрдам берган одам ҳам. Энди сизда ҳеч  
қачон рағбат борасида муаммолар бұлмайды.

Оmad ёр бұлсін!

Энг қизиғи, сиз мұваффақиятта эришиш учун үз-  
гариб қолмаслигингиз керак.

Бир нечта содда одатлар, ҳаётиңгизга таъсир  
қилиши мүмкін ва сиз, қандай қилиб кейинги 90  
кунда үзгаришни күрасиз. Кейинги 12 ой ёки 3 йил  
хақида гапирмаса ҳам бұлади.

Агар сиз болаларингиз билан гаплашсанғыз, сиз  
улар доим бирга бўлишига кўмаклашасиз. Агар сиз  
улар билан рисоладагидек гаплашиш йўлини билсан-  
гыз, сиз уларнинг келажагини қуришга ёрдам берасиз.

Бугунги кунингизни үзингиз бошқаришингиз  
мүмкін ёки у сизни бошқаради; ишларни ё сиз бо-  
шқарасиз, ёки ишлар сизни бошқаради.

Танлаб олинг: ё сиз ишларингизни бошқарасиз  
ёки ишлар сизни бошқаради.

### КУНДАЛИК ЮРИТИШ – ҮЛИМИНГИЗДАН СҮНГ СИЗДАН КОЛАДИГАН УЧТА ХАЗИННИНГ БИРИДИР

Мұваффақият – ҳар куни такрорлаш зарур бўл-  
ган бир нечта оддий ҳаракатдан бошқа нарса эмас;  
айни пайтда мұваффақиятсизлик – ҳар куни қайта-  
рилиб турадиган бир нечта хатолардир.

Бу бизнинг ҳаракатларимиз ва фикрларимиз бў-  
либ, улар бизни ё фаровонликка ёки омадсизлик-  
ка олиб келади.

Агар сиз ростдан ҳам бой, кучли, соғлом, таъсир кучига эга, маданиятли ва ноёб одам бұламан де-сангиз – кундалик юритинг. Үз хотирангизга ишо-ниб қолманг.

Агар бирор қимматли нарса эшитиб қолсангиз, буни ёзиб қўйинг.

Агар бирор муҳим нарсани кўриб қолсангиз, буни ёзиб қўйинг.

Мен одатда қоғоз парчалари ва эски конвертларга ёзиб қўярдим. Мен ўз фикрларимни ресторандаги салфеткаларга, ахлат қутисига ташланган қоғозларга ёзиб қўярдим.

Кейин бу фикрларни тўплашнинг энг яхши йўли кундалик юритиш эканлигини тушуниб етдим. 25 ёшимдан бошлаб кундалик юритганман. Интизом – мен олган таълимнинг асосий таркибий қисми, кундаликлар эса – кутубхонамнинг қимматли қисмидир.

Мен кундалик учун тоза варақлар ажратилган китобларни сотиб оламан. Болаларим устимдан кулишади. Улар кундалик қайдларга мўлжалланган бўш китоб учун йигирма олти доллар сарфлаш пулни ҳавога совуриш деб ҳисоблашади.

Нега кундалик қайдларга мўлжалланган бўш китобга бундай пул тўлайман? Сарфланган йигирма олти доллардан кўпроқ нарса топиш учун шундай қиласман.

Менинг ҳамма кундаликларим – шахсий нарсаларим, лекин бирор кун улардан бирортасини қўлингизга олиб қолсангиз, улар йигирма олти доллардан кўп туришини тушуниб оласиз.

Тан олишим керак, агар кундаликларимга кўз ташлсангиз, мен жиддий талаба эканлигимни айтган бўлардингиз. У фақат менинг касбимга бағи-шланган бўлиб қолмай, ҳаётга ва янги қўникмалар

ҳамда тушунчаларни ўзлаштиришга бағишенгандан. Унда мен уруғлардан, тупроқдан, қүёш нурларидан ва ёмғирдан фаол ҳаёт ғиштларини қуиши билиб олишни истаганман.

Кундалик юритиш жуда муҳим машғулот. Мен уни биз кейинги авлод учун қолдиришингиз мумкин бўлган учта хазинадан бири деб атайман.

Келгуси авлодлар бу учта хазинани мебелдан кўра кўпроқ қадрлашади.

Биринчи хазина – сизнинг суратларингиз. Кўп расмга тушинг. Лаҳзани тутиб қолишдан эринманг. Лаҳзани тутиш учун қанча вақт керак бўлади? Сониянинг бир улуши. Лаҳзани бой бериш учун қанча вақт зарур? Сониянинг бир улуши. Шундай экан лаҳзани бой берманг. Бу дунёдан ўтганингизда, сиз ҳақингиздаги хотиралар яшаб қолади.

Иккинчи хазина - кутубхонангиз. Бу кутубхона сизни ўқитган, ўз идеалларингизни ҳимоя қилишга кўмаклашган. У сизга ўз фалсафангизни ривожлантиришга ёрдам берган. У сизга бой, кучли, соғлом, омадли ва ноёб бўлишингизга кўмаклашган. Балки у сизга касалликни енгишингизга ҳам ёрдамлашгандир. Эҳтимол камбағалликни енгишингизга кўмаклашгандир. Кутубхонангиз, сизни ўқитган, онгингиз ва қалбингизни тўйдирган китобларингиз – ўзингиздан кейин қолдиришингиз мумкин бўлган энг катта совғалардан биридир.

Учинчи хазина - кундаликларингиз: ҳафсала билан тўплаган ғоялар ва ахборотларингиздир.

Бу уч хазинадан кундалик юритиш – сиз жиддий одам эканингизни кўрсатадиган энг катта кўрсат-кичлардан биридир. Фотосуратга олиш – анча осон. Китоб магазинидан китоб сотиб олиш ҳам – осон.

Ўз ҳаётининг, келажаги, тақдирининг тадқиқотчи-си бўлиш анча қийин. Қайдлар киритиш ва кунда-

лик юритиш учун вақт топинг. Натижалардан күнглиңгиз тұлади. Үзидан сүңг бирор қимматли нарса қолдириш қандай яхши. Бундан бугуноқ завқ олиш қандай баҳт!

### КУНДАЛИКЛАР

Яхши ғояларни тұпланг, лекин хотирангиз зүрлигига ишониб қолманг. Барча ғоялар ва фойдали ахборот учун эңг яхши жой – сизнинг кундалигингиз.

Мен үз кундаликларимга шунча пул сарфлашим-нинг сабабларидан бири - бу мени бирор қимматли нарса излашга мажбур қилишидир.

Үз миянгиздан худди картотека каби фойдаланманг. Миянгиздан муаммоларни топиш ва уларни ҳал қилиш учун фойдаланинг; яхши ғояларни үз кундалигингизга ёзиб боринг.

Охирги тұқсон кун мобайнида бирорта ҳам китоб үқимаганингздан ёмонроқ нарса, бунинг сиз учун аҳамиятсиз эканлигидир.

Молиявий келажагингизни пуллар әмас, ҳаёт фалсағанғиз белгилаб беради.

### XXI АСР УЧУН МАҲОРАТ

Майли бошқалар оз яшайверсин, лекин сиз әмас.

Майли үзгалар кичик нарсалар устида баҳлашсинге, тортишсинге, лекин сиз әмас.

Майли үзгалар кичик нарсалар устида йиғласин, лекин сиз әмас.

Бошқалар үзларининг келажагини бошқа одамларнинг құлиға топширсинге, лекин сиз әмас.

XXI асрға күп маҳоратлар билан кириш мұхим.

Агар савдо, маркетинг билан шуғулланмоқчи бўла-ётган бўлсангиз ёки үз бизнесингиз бўлса (ёки ке-

## **ЖИМ РОН**

лажақда унга эга бўлмоқчи бўлсангиз), бу маҳоратлар келгусида сизга аскотиб қолади.

Мана мен сизга таклиф қилмоқчи бўлаётган қисқача таълим режаси. Уни амалиётда қўллай турив, сиз янги иш жараёнида маҳоратлар ва кўникмаларга эга бўласиз.

### **1) Савдо**

Савдо билан шуғулланишни 25 ёшимда бошланман. Шубҳасиз, бу менинг ҳаётимни кучли ўзгартириб юборди. Биринчи йили даромадимни 5 барабар кўпайтирдим. Фермада муваффакият билан ишлардим. Сигир соғишни билардим, лекин бунга кам ҳақ тўлашарди.

Савдо ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди, мен бозорда товарни тақдим этишни, унинг устун томонлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни ўрганиб олдим. Одамни “ҳа” деб айтишга ундай олардим ва мижозга юқори даражада хизмат кўрсата билардим.

### **2) Янги ходимларни ёллаш**

Кейин мен ходимларни ёллашни ўргандим: энди мен ўз бизнесимни кенгайтира олардим ва ташкилот тузишим мумкин эди. Сизнингча нима яхши, товарни 1000 \$ га сотадиган бир кишига эга бўлишми ёки уни 10 \$ дан сотадиган 100 кишига эга бўлишми? Агар мендан сўрасангиз, иккинчи вариантни танлайман. Малакали ходимларни ёллаб, ўз имкониятларини кўпайтириш қобилияти – бу бошқарувдаги энг муҳим кўникмалардан бири.

### **3) Ташкил қилиш**

Сўнг мен ташкил қилишни ўргандим. Баъзан ҳатто ўз кун тартибингизни тузиш ҳам қийин туюлиши мумкин. Энди сиз энг юқори натижалар олиш учун, кўп одамларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришингиз керак. Сиз жамоада ишлаш ҳақиқатан ҳам анча кўп фойда беришини аниқлаб ола бошлайсиз.

### 4) Илгари суриш

Кейин реклама келади. Бу баҳорги кампания, кузги кампания, сұнгра ой якунлари бүйича кампания. Сиз қачон кимдир сиздан товар сотиб олишини ёки сиз билан ҳамкорлик қилишини истаётганини ҳеч қачон билмайсиз. Шунинг учун сиз ҳар доим одамларга таклиф қила оладиган бирор үзиге хос нарсага эга бўлшингиз керак.

### 5) Эътироф

Кейинги қадам – эътироф. Баъзи одамлар пулдан кўра, кўпроқ ўз иши тан олиниши учун ишлайди. Ўз йўлингизни танлаб олишда эркинсиз. Агар сиз одамларга бирор ишни мустақил қилиш имконини берсангиз, улар бу ҳақда ўйланмасдан бу ишни бажаришлари мумкин. Борди-ю, уларни шу ойда ёки чоракда озгина рағбатлантирсангиз, тез орада бу анча фойда келтиришини кўрасиз.

### 6) Мулоқот

Кейин мен мулоқотни ўргандим. Энг катта қобиляят – сўзлар билан ишонтира билишdir.

Одамларни илҳомлантиринг, токи улар ўз маҳоратлари ва кўникмаларида ўзларини бошқалардан устунроқ сезсин. Улар доно қарор қилганлигини уларга айтадиган овозга айланинг.

Менинг маслаҳатим – XXI асрда фойдали бўлган маҳоратларни эгалланг. Ўзингизнинг бевосита ишингиз билан шуғулдана туриб, буни амалга оширишдан яхшироқ усул йўқ.

## КЎНИКМАЛАР/СОТИШЛАР

Осон бўлишини тиламанг, Ўзингизнинг яхшироқ бўлишингизни тиланг.

Муаммолар камроқ бўлишини эмас, тажриба кўпроқ бўлишини хоҳланг.

Синовлар камроқ бўлишини эмас, оқиллик кўпроқ бўлишини тиланг.

Синовларнинг камроқ бўлишини истаманг, кўпроқ доноликни истанг.

Сиз майлларингизни жиловлашингиз, кўникмаларингизни орттиришингиз керак.

Дараҳтни болға билан йиқитишингиз мумкин, аммо бунга тахминан 30 кун кетади.

Агар болғани болта билан алмаштирсангиз, уни тахминан 30 дақиқада кесишингиз мумкин.

30 кун ва 30 дақиқа орасидаги бу фарқ - кўникмаларингиз.

Хаёт қалити шундай: арзигулик нарсалар қилиш учун, етралича тажрибали бўлиши лозим. Сиз эҳтиёжларингизни яшириш, кўникмаларингизни орттиришни ўрганинг.

Савдода муваффақиятга эришиш учун, шунчаки одамлар билан ҳар куни гаплашишингиз керак. Атрофда эса, эххе, қанча одам бор!

Амалиёт худди савдо каби қимматга эга. Савдо тирик қолишингизга ёрдамлашади, маҳорат ва кўникмалар эса сизни бой қилади.

Савдо – одамларнинг бир бири билан мулоқотидир. Сиз бирор одамга савдо маълумотномаси юбориш билан товарни сота олмайсиз. Маълумотномаларнинг оёғи ҳам, овози ҳам йўқ.

Сотувчилик касбида ҳақиқий иш фақат товар сотилганидан кейин бошланади.

Тижорат билан шуғулланаётган одамлар ўз болаларидан ўрганиши керак. “Йўқ” деган сўз бола учун нимани англатади? Деярли ҳеч нарсани.

Ҳатто агар сиз эндиғина савдо қилишни бошлаган бўлсангиз ҳам, сиз маҳорат билан эмас, рақамлар билан иш кўриб, ғолиб бўлишингиз мумкин.

Ишингиз сизга фактадаромад келтирибгина қолмай, у сизни ўзгартирсингиз ҳам.

## АЖОЙИБ ИШЛАР ҚИЛИШ

Молиявий жиҳатдан мустақил бўлиш учун даромадингизнинг бир қисмини капиталга, капитални корхонага, корхонани даромадга, даромадни инвестицияга, инвестицияни молиявий мустақилликка айлантиришингиз керак.

Йўлингизда тўсиқ чиқса, сиз ҳаётдаги қийинчиликлар билан курашишингиз керак ва ўзингизга «Вазиятни ўзгартиришим учун нима қилишим зарур? Савол беришингиз лозим. Иқтисодий нобарқарорлик авжига чиқсан бир пайтда нима қила оламан? Ҳаммаси рисоладагидек кетмаётганда нима қилишим керак?» деб савол беринг. Банкротга учраганингизда, ёмон аҳволга тушиб қолганингизда нима қилиш керак? Нима қилмоқ керак?

Бу саволларга жавоб бераман. Бўлиб ўтган ҳамма нарсага қарамай, сиз ҳайратланарли ишлар қила оласиз. Баъзан одамлар энг қўрқинчли ҳолатларга қарамай, ақл бовар қилмас, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмас хатти-ҳаракатларга қодир.

Лекин нима учун бунга қодир: чунки уларнинг ўзи ғаройиб ва ноёб.

Одам Ер юзидағи ҳар қандай мавжудотдан фарқ қиласди. Ит ўз йўлида ажриққа дуч келса, уни илдизи билан қўпориб ташлайди. Сабаби – у ит. Одамлар бошқача иш тутади. Одамлар ажриқларни боғга айлантира олади.

Одамлар ҳеч нимадан нимадир қила олиш қобилятига эга. Улар ёввойи ўтларни гулзорларга, чақаларни бойликка айлантира олади.

Нега улар бу ажойиб ишларни қилишади? Сабаби, уларнинг ўзи ғаройиб ва ноёб. Ўзингизни кузатинг ва табиат сизга бу бебаҳо инсоний хислатларни берганини кўрасиз. Бу хислатлар фақат уларни очишингиз ва қўллашингизни кутаяпти.

Бу исътедодингиз билан истаган нарсангизни ўзгартира оласиз. Буни амалга оширишга сизни даъват қиласман, чунки сиз ҳамма нарсани ўзгартира оласиз. Агар сизга ҳаётингиз ёқмаётган бўлса, уни ўзгартиринг. Нимадир етишмаётган бўлса, уни қўлга киритинг. Нимадир тўғри келмаса, уни ўзгартиринг. Бир умр бир хил бўлиб қолишингиз шарт эмас. Агар сизга яшаётган уйингиз ёқмаётган бўлса, уни ўзгартиринг! Ахир, сиз дараҳт эмассиз!

Энг ғаройиби – сизнинг зарур нарсаларни қила олиш, исталган натижага эриша олиш, салбийни муваффақиятга айлантира олиш қобилиятингиздир. Бу ростдан ҳам ажойиб.

## ИСТАК/МАЙЛ

Инсон деган мавжудотлар айнан нимага эга бўлиши керак бўлса шуни олишдек ажойиб қобилиятга эга. Лекин “қилишим керак” ва “хоҳлайман” ўртасида фарқ бор.

Энг яхши мотивация - ўзини ўзи рағбатлантиришдир. Бир йигит: «Кимдир келиб, мени чин йўлга солишини истайман», дейиши мумкин. Хўш, ўша одам келмай қолса-чи? Уни ўзингиз топишингиз керак.

Нимани истаётганингизни билсангиз, шу нарсани дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳланг. Шунда ўша нарсани олиш усулини топасиз.

Рағбат (мотивация) ўз ўзича, ҳеч нарсани англатмайди. Агар ичингизда аҳмоқ яшириниб олган бўл-

са ва сиз уни рағбатлантириб турсангиз, унда сиз-  
да важ-корсонга эга аҳмоқ бор экан.

Истак вақт ўтиб, ўз кучини йўқотиши мумкин.

## **ДУГ ФЕЙЕРБАХНИНГ МАХСУС МАҚОЛАСИ**

«Эрталаб яхшироқ, кучлироқ, ақллироқ бўлиб  
туғилиш учун, одам ҳар тунда ўлади».

*Emmet Fox*

Танқид

Уялиш

Хўрланиш

Ўзига ишончсизлик

Баҳслар

Стресс

Рашк

Хафагарчилик

Оғриқ

Изтироб

Ҳаётнинг бу қора томонлари рўйхатини тиним-  
сиз давом эттириш мумкин.

Лекин яхши янгиликлар ҳам бор!!!

Шундай бўладики кунбўйи бироннинг кўнгилга  
тегадиган гапидан, ёвузлигидан, танқиддан изти-  
роб чекиб юрасиз. Лекин тагин униб чиқиши учун,  
уруғ ўлиши керак. Шуни биласизми? Янги ўсимлик-  
ка ҳаёт бахш этиши учун уруғ ўлиши керак.

Ҳаёт шу жараённи эслатади. Янги ўсимлик-  
ка умр бериши учун уруғлар бизнинг жисмимиз-  
да ўсиб чиқади. Ҳаёт уруғлар мисолида бизга са-  
боқ беради.

Эртанги кун келиши билан, сиз янги кун келга-  
ни, кечаги кун сизга уруғ қадагинини англайсиз.

Энди сиз бу уруғлар ўсиб чиқиши ва сизни янги юк-  
сакликка күтаришини кута бошлайсиз.

Баъзан ҳаёт шафқатсиз бўлади. Буни биламиз.  
Лекин одамлар сизга изтироб бергани учун қал-  
бингизнинг қайсиdir зарраси ўлган бўлса, майли.  
Одамлар кеча сизга қадаган бу оғриқ уруғидан ях-  
широқ ва донороқ одам ўсиб чиқади.

У бир кечада унмаслиги мумкин, лекин у албат-  
та ўсиб чиқади.

Сизга қанчалик оғриқ бермасин, олдингизда пай-  
до бўладиган ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтасиз.

Сизга буни ваъда бераман. Буни бошимдан ўт-  
казганман. Мен ҳали ҳам шу ердаман.

Оддий одамлар қийинчликлардан қочиш йўли-  
ни қидиришади, муваффақиятли одамлар эса улар-  
ни ҳал қилиш учун йўл қидиради.

Орамизда ҳақиқатни гапирадиганлар кам. Биз шу  
нарса ҳақиқатлигига умид қиласиз, шуни ҳақиқат  
деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун энг яхши йўл “ме-  
нинг назаримда...” дейишидир.

## ТИЛНИНГ КУЧИ

Мен миллион доллар мерос олган ҳолда милли-  
онерга айлана олмаганларга ачинаман.

Даромадингиз ўғсани билан ўзингиз ўスマсангиз,  
ачинарли бўлади.

Мен бирор нарсага муносабатимизда кўз илғамас  
жихатлар борлигини ва тақдиримиздаги улкан ўз-  
гаришлар ўзимиз фойдаланаётган тилга боғлиқли-  
гини аниқладим. Биз ўзимиз билан, бошқаларга қа-  
раганда, ўзгачароқ гаплашарканмиз.

Бир нечт мисол. «Улар йўқ деса, нима бўлади?»  
дейиши ўрнига: «Улар ҳа деса нима бўлади?» денг.  
«Хеч нарса чиқмаса-чи?» дейиши ўрнига «Ҳамма-

сини эпласам-чи?» денг. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин.

Мен сиз аслида хоҳлаётган нарсангиз ҳақида ўйлаб, гапира бошлиётганингизда, миянгиз автоматик равишда шу йўналишга киришиши ва сизни тўғри йўлга солишини аниқладим..

Бу баъзан худди лугатдаги сўз ўйинига ўхшаб кетади. Лекин бу сизнинг ҳаётга муносабатингиз ва фалсафангизга таъсир кўрсатади.

Тилимиз атрофимииздаги одамларнинг хулқатворига таъсир кўрсатади. Агар ўғлингиз “менга 10 доллар беринглар” деса, болангизни тўғри ёндашишга ўргатинг, токи у «Қандай қилиб 10 доллар ишласам бўлади» деб сўрасин.

Пулингиз кўп, ҳаммага етади, лекин у бу пулларни олиш учун сеҳрли сўзларни билиши зарур.

Сиз Ердан “менга ҳосил бер” деб сўрай олмайсизку. Ер устингиздан кулиб: «Бир уруғ қадамай, мендан ҳосил сўраётган бу масхарабоз ким бўлди?» дейди.

Агар сиз Ерга «менда уруғлик бор, агар уни экзам, ухлаётганимда ишлайверасанми?» десангиз, Ер «Муаммо йўқ. Менга уруғ бер, ухтайвер, сен ухлаб олгунингча мен ишлайвераман» дейди.

Агар сиз бу оддий ҳақиқатларни тушуниб олсангиз, бола ёки катта кишини ўргатишингиз, фақат нутқнинг иши бўлиб қолади. Бу жамғарма ҳисобрақами ўрнига инвестиция ҳисобрақами дегандай гап.

Бир умр қоқилиб юравериш ва бу оддий қоидаларни тушунмаслик мумкин. Китоб ўқимасдан, жиддий машқларсиз, тил ўрганмай туриб, қийин изланышларсиз тузатиб бўлмайдиган камчиликлар, етиб бўлмайдиган мақсадлар бор.

Сиз ҳар қандай вақтда бошлишингиз мумкин. Мен 25 ёшимда бошлаганман. 25 ёшида камбағал эдим. 6 йилдан кейин мен миллионер бўлдим. Кимдир:

«Фақат сиз буни қила олдингиз» дейиши мүмкін. Мен: «Йұқ. Ҳар қандай одам, ҳар қандай 6 йилликда, 36 дан 42 гача, 50 дан 56 гача ёшда қила олиши мүмкін!» дейман. Сиз үзингизни үргатиши, үзингизни ривожлантириши, үзингизни тарбиялаш репанғизни жадал, тезлаштириб амалга оширишиңиз зарур. Балки бу 6 йил эмас, күпроқ вақт олар. Аммо мен узунлиги олти йил бўлган баҳони тўлайдиган одамларга худди шу натижаларни, худди шу мукофотларни кафолатлайман.

Сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар, йўлингиз бошидами, ўртасидами, фарқи йўқ, тилингиз муносабатларингизда, фаолиятингиз ва натижаларингизда ҳал қилувчи роль ўйнашини тушуниб оласиз.

### МУЛОҚОТ/ИШОНТИРИШ

Бўрттириб кўрсатгандан кўра, камайтириб айтган маъқул. Одамлар натижа сиз ваъда қилганингиздан кўра каттароқ, унга эришиш сиз айтгандан осонроқ эканидан ҳайратга тушса, тушаверсин.

Самарали мулоқот қилиш учун, фикрларингизни қисқа баён қилинг.

Билмайдиган нарсаларингиз ҳақида гапира олмайсиз. Ҳис қилмаётган нарсаларингизни бошқалар билан ўртоқлаша олмайсиз. Үзингизда йўқ нарсани бирорга бера олмайсиз.

Бериш ва бўлишиш учун аввал бирор нарсага эга бўлиш лозим. Жиддий мулоқотга тайёрланиш керак.

Самарали мулоқотнинг мақсади шундан иборатки, токи одамлар: «Мен сиз билан!» деб айтсин.

Фикрларингизни баён қилишни үрганинг, одамларни ҳайратлантиришни эмас.

Бирор нарсани тушунтираётганингизда лўнда ва мантикий бўлинг. Эҳтимол сиз автомобиль ҳақида

күп нарсаларни биларсиз, лекин унда бирор жой-га бориш учун, озгина нарсани билсангиз, кифоя.

Самарали мулоқот, бу - 20% сиз биладиган нарсалар ва 80% сиз ҳис қиладиган нарсалардир.

Эсда тутинг, сиз гапираётган нарсалар айсбергнинг чўққисини ташкил қилиши керак.

Масала сиз тақдим этадиган ахборотниг мидорида эмас, уни қандай тақдим этишингиздадир

### **КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР**

#### **Савол**

Мен Жим Рон машғулотларига тез-тез қатнашиб турганим боис, табиийки менда савол пайдо бўлди. Менинг она тилим инглиз тили. Мен иқтисодга ўз ҳиссамни қўшиш учун қайси тилни мукаммал билишим ва малакага эга бўлишим керак деб ҳисоблайсиз? Испан ёки япон тилими, ёки исталган бошқа бир тилми? Мен АҚШда яшайман, аммо бутун дунё бўйлаб алоқасини кенгайтириб бораётган NWM компаниясида ишлайман. Илтимос, менга жавоб беринг. Ташаккур.

#### **Жавоб.**

Шубҳасиз, Сизнинг мақсадларингиз ва мавқеингиз юқори. Модомики, Сиз Америкада яшаб туриб, глобал иқтисоднинг бир қисми бўлишни истар экансиз, Сизга испан тилини ўрганишингиз мухим. Чунки бу тил Шимолий Америка ва Жанубий Америкада бўлгани сингари Европанинг кўпчилик қисми учун ҳам қадрли. Шу билан биргаликда уни ўрганиш унчалик мушкул эмас. Испан тилини ўрганганингиздан кейин Сиз ўз фикрларингиздан келиб чиқиб, бошқа исталган тилни ўрганишингиз мумкин.

## **ЖИМ РОН**

Сизни тилни ўрганиш орқали маҳорат ва малакан-гизни яхшилашга бел боғлаганингиз билан чин дилдан табриклайман. Кунига атиги 5-10 сўзни ёдласангиз йил давомида 1500-3000 сўзни ёдлаган бўласиз!

### **Савол**

Мен биламанки, Сизнинг корхонангиз Далласда жойлашган, Жим ҳам худди ўша ерда яшайдими?

### **Жавоб**

Умуман олганда, Жим хизмат юзасидан сафарларда юради (бир йилда 100 дан ортиқ маърузалар қиласи) ва шахсий ишлари (оиласи, дўстлари) билан машғул бўлади. Шундай экан, у Далласда кам яшайди. Унинг Айдахо Штатининг жануби-ғарбига жойлашган Беверли Хиллсда, Финикс ва Кармелда қароргоҳлари бор.

Ҳар бир мавсум учун бир қароргоҳ, у ўз олдига бундай мақсадни 40 йил олдин қўйган эди.

Сиз ё баҳорда экин экишни, ё кузда садақа сўрашни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйишингиз лозим.

Одатда мен шундай дейман: “Мен ишонаманки, барча ўзгаради”. Кейинчалик эса ўз ҳаётини ўзгартиришнинг биргина йўли, бу инсон ўзини ўзгартириши эканлигини тушундим.

Вақт пулдан кўра қадрлидир. Сиз кўп пул топишингиз мумкин, бироқ Сиз истаганингиз билан вақтингиз кўпайиб қолмайди.

## **ИЧКИ ДУШМАНЛАР БИЛАН КУРАШ**

Майли бошқалар номуносиб яшасин, бироқ Сиз эмас.

Майли бошқалар икир-чикирлар борасида му-нозара қилишсиз, бироқ Сиз эмас.

Майли бошқалар майда-чуйдалар учун йиғласин, бироқ Сиз эмас.

Майли бошқалар ўз умрини ўзгалар құлига топширсın, бироқ Сиз эмас.

Биз довюрак бўлиб туғилмадик, бироқ қўрқоқ ҳам эмасмиз. Биздаги баъзи ҳадиклар эшитганимиздан ёки газета ўқиганимиздан кейин пайдо бўлган бўлиши мумкин. Баъзи ваҳималар асосли, мисол учун, тунда шаҳарнинг хавфли жойларида юриш. Бироқ, Сиз бу вазиятни ўзлаштиришингиз билан ваҳима Сизга соя солмай қўяди.

Ваҳима, ҳатто, у энг оддий бўлганда ҳам бизнинг нафсониятимизни йўққа чиқаради. Ваҳима муносабатларни ҳам йўқ қиласди. Агарда ваҳима, қўрқинчни назорат қилмасангиз, у ҳаётингизни барбод қилиши мумкин. Қўрқинч, ваҳима бизнинг ичимиизда яширинган душманларимиздан биридир.

Энди мен Сизга биз дуч келишимиз мумкин бўлган бешта бошқа хил душманлар ҳақида айтиб бераман.

Сизни енгмасдан туриб, енгишингиз керак бўлган биринчи рақиб. Бу – сизнинг бефарқлигингиз. Бу қандай фожеали касаллик! “Майли шундай бўла қолсин”. Бироқ бир муаммо бор:

Сиз тоғ чўққисидан туриб бундай ҳаракатни давом эттира олмайсиз.

Биз тўқнаш келишимиз мумкин бўлган иккинчи душман, бу журъатсизлик.

Журъатсизлик имкониятлар ва ташабbusлар ўғриси. Бу душман Сизнинг баҳтли келажагингиз ўғриси.

Қилични қўлга олинг ва бу рақибларга барҳам беринг.

Учинчи душман – бу иккиланиш, Шубҳасиз, соғлом ишончсизликка ҳам қандайдир ўрин бўлиши мумкин.

Сиз барча нарсага бирдек ишона олмайсиз. Бирок, Сиз гумонни ўзингиздан устун келишини ҳам истамайсиз.

Кўпчилик ўтмишдан шубҳаланишади, келажакдан гумонда бўлишади, бир-бирларидан, хукуматдан, ҳаттоки, ўз имкониятларидан шубҳаланади. Ҳаммадан ёмони, шундаки, ҳатто, улар ўзларидан шубҳаланишади.

Мен сизга айтаманки, шубҳа Сизнинг ҳаётингиз ва Сизнинг муваффақиятга етишиш имкониятларигизни барбод этади. У Сизнинг банқдаги ҳисобингизни ва юрагингизни қурилади. Шубҳа – бу душман, рақиб. Ундан қочинг.

Ундан ҳолос бўлинг.

Тўртингчидан душман бу бизнинг ичимиизда, бу бизнинг жонсараклигимиз. Биз ҳаммамиз баъзан бироз ҳаяжонланамиз. Фақат, бу душманни Сизни енгизшига йўл қўйманг. Бунинг ўрнига Сизни бироз но-тинч қилишига қўйиб беринг.

Хавотир Сизга фойдали бўлиши мумкин. Агар Сиз Нью-Йоркда йўл чеккасига чиқиб кетсангиз ва Сизнинг устингизга такси бостириб келаётган бўлса, Сиз ҳаяжонлашингиз мумкин. Бирок, Сиз кунжакка қувишган, ақлдан озган итдек ҳадикка берилишингиз жоиз эмас.

Мана Сиз нима қилишингиз лозим: ўзингизни безовталигинги зи бурчакка улоқтиринг. Сиздан бир нарсани тортиб олаётган киши ким бўлишидан қатъий назар, Сиз унга жиловингизни бериб қўймаслигинги зошим. Сизни силтаб ташлаган киши ким бўлса майлига, Сиз ҳам унга жавобини бериб қўйинг.

Бешинчи ички душман – бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик. Бу ҳаётга журъатсизларча ёндашиш.

Журъатсизлик, бу камчилик эмас, бу касаллик. Агар Сиз унга қўйиб берсангиз, у Сизни енгади. Журъ-

атсиз инсонлар олдинга ҳаракатланиша олмайды. Улар муваффакият билан қадам босиша олишмайды, ўсишмайды ва савдода кучли бўлишмайды. Сиз ҳаддан ташқари эҳтиёткорликдан қочишингиз лозим.

Душман билан курашинг. Ўз ваҳимангиз билан курашинг. Мақсадингиз ва орзу-умидларингизга тўсиқ бўлиб, Сизни ушлаб турган нарса билан курашиш учун ўзингизда матонатни шакллантиринг. Истаган нарсангизга етишиш ва ҳақиқий шахс бўлишингиз йўлида ўз ҳаётингиз ва интилишларингиз йўлида довюрак бўлинг.

### САЛБИЙЛИКНИ ЕНГИШ

Биз, барчамиз доимий умидсизлик, ғамгинликка қарши тезкор курашишимиз керак. Агарда, биз бирор сустлашсак, қўнгиз ва бегона ўт-ўланлар боғимизни босиб кетади ва биз қадрлаб етиштираётган неъматларимизни йўқ қилишади.

Итоаткорлик - бу фазилат, тортинчоқлик ва журъатсизлик эса касалликдир. Агар Сиз беш дақиқа кимгадир шикоят қиласангиз, Сиз бу дақиқаларни бекорга сарфлаган бўласиз. Шикоят қилишни давом эттирсангиз, ҳеч нарсага эришмайсиз ва ўз пушаймонингиз чангига ўзингизни бўғади.

Боғингиздаги бегона ўтларга қўрқмасдан, ҳадиксирамасдан муросасизлик кўрсатинг. Сиз уларни ёмон кўришингиз ва уларга барҳам беришингиз лозим! Бегона ўтларни парваришлаш эмас, йўқ қилиш зарур.

### ЧАҚҚОНЛИК БИЛАН ҲАРАКАТЛАНИНГ

Санъат асарини яратиш учун маълум бир муддат талаб этилади.

Хаётингизни шакллантириб олишингиз учун ҳам.  
Юксалиш ва улғайиш ҳам вақт талаб этади.

Ўзингизга, ишингизга ва оилангизга арзирли ва  
талаб этиладиган даражада вақтингизни сарфланг.

Тиришқоқлик, ғайрат, шижаот – машинанинг бен-  
зини сингари киши муваффақияти учун зарурдир.

Сиз ўзингизни қамчи билан савалашаётган от  
сингари ҳис қилган вақтингиз ҳам бўлади, бироқ  
тиришқоқ инсон сифатида Сиз барча қийинчили-  
кларни енгигб ўтасиз.

Бусиз ҳатто ишингизни бошлай олмайсиз.

Тиришқоқлик, ғайратлиликнинг тескариси – бу  
сусткашлиқдир. Тиришқоқлик бу Сизнинг ҳеч қа-  
чон енгилмаслигингизни англатади. Сусткашлиқ  
эса, Сиз ишингизни бошлай олмаслигингизни ан-  
глатади, лаёқатсизлик ишни барбод қилса-да, у ҳам  
сусткашлиқнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Агар Сиз нима учун одамлар ишларини орқага  
суришади, деб сўрасангиз, Сиз қуидагича жавоб  
эшитасиз: “Мен – идеалистман. Мен ишни бошла-  
шим учун артоф-муҳит идеал бўлиши лозим. Мени  
ҳеч нарса чалғитиши керакмас, ҳеч қанақа ғала-ғо-  
вур ёки телефонлар жиринги. Мен ўзимни яхши ҳис  
қилмоғим лозим. Бошим оғриб турган бир пайтда  
мен ишлай олмайман”.

Кейинги сабаб – бу бошланган ишни тугата ол-  
маслик. Бунинг ҳам ўзига яраша жавоби бор:

“Мен ўзимдан ҳеч қачон қониқмайман. Мен  
ўзимга жуда танқид билан қарайман. Хўш, нима  
қилишим керак, мен шунақаман. Чамаси, мен ҳеч  
қачон ўзгармайман”.

Бу нимани билдиради? Хатолар, гўё олий фази-  
латлар сингари тақдим этилмоқда. Идеалистнинг  
талаблари бу дунё учун жуда кўплик қиласи. Бу  
шунчаки ўзининг кучсизлиги, нотавонлигини тан-

олиши истамаган одамнинг оддий баҳона, важ-  
ларидир. Тұғрисини айтганда, бу ачинарли тарзда  
үзини оқлаш.

Агар Сиз бирор бир ишни узоқ қутига ташлаб қўй-  
сангиз, бу муваффақиятсизликка олиб келади. Диққат  
билан нигоҳ ташлаганингизда, мана нима у, идеа-  
лизм. Бирор нарсани бажариш борасида Сиз мут-  
лақ комил ёки бошқа бир субъект эмаслигингиздан  
ҳеч чўчишингиз керак эмас. Ваҳимага тушиб сиз-  
нинг ҳаракатингизни умуман тұхтатади, шол қилиб  
қўяди. Сиз ишни қачон бошлаб, қай маҳал тугати-  
шингизнинг фарқи йўқ. Сиз мавхум томонга йўнал-  
моқдасиз. Сиз салбий натижалардан қўрқасиз. Бо-  
шқалар Сизни танқид қиласи ва ҳатто, устингиздан  
кулишади деб ўйлайсиз. Бу Сизни ҳеч бир ишни бо-  
шлай олмасликка олиб келади. Бу эса фақат баҳона.

Мен Сизга бундай муаммони қандай енгишни,  
унинг қандай қилиб қатъиятга айлантириш мум-  
кинлигини айтиб бераман.

Агар Сиз мен маслаҳат берган ишни қиласангиз,  
бу жараён ҳеч бир оғриқсиз үтади. Мана Сизга но-  
фаоллик ва сусткашликтининг үрнига самарадорлик  
ва ғайратлиликни оширувчи иккита қоида. Би-  
ринчи қоида: вазифани бир неча қисмларга бўлиб  
олинг. Ўз кучингизни ҳозирда Сиз учун мухим бўл-  
ган ишга йўналтиринг. Сизга зарур бўлмаган ишлар-  
ни кейинга қолдиринг. Салбий ўй-фикрларингиз-  
ни ижобийларига алмаштиринг. Бу муваффақият-  
га илк қадамdir.

Тасаввур қиласизки, мен Сиздан узундан-узоқ  
роман ёзишни илтимос қиласман. Агар Сиз оддий  
киши бўлсангиз, бу сизга имконсиздек кўринади.

Ўйлангки, мен Сиздан йил давомида ҳар куни ёзи-  
шингизни сўрайман. Сиз буни уддасидан чиқасиз-  
ми? Энди вазифани уддаласа бўладигандек.

Биз йирик ҳажмдаги китобни бўлакчаларга бўлдиқ. Сиз биласизми, нимага? Бир саҳифани қоралаш имконсиз иш эмас-ку. Бироқ, Сиздан келажакка разм солишини сўрашди ва Сизнинг руҳингиз тушиб кетди.

Келинг вазифани ўзгартирамиз.

Фараз қилайлик, мен Сиздан бир варақни бир йилда эмас, бир ойда ёки бир ҳафтада эмас, ҳозир ёзишни сўрасам-чи? Мен кўпчилик бу ишни уддасидан чиқади, деб ўйлайман. Албатта, улар тўлиқ бир китобни ёзишга лаёқатсиз кўриниши мумкин. Бироқ ўтмишга ҳам, келажакка ҳам бокмасдан фақатгина битта варақни ҳозир ёзиш керак. Сиз буни эплайсизми? Ҳозир, фақатгина ҳозирнинг ўзида. Бу жумлаларни биз барчамиз эшитганмиз. Биз нима қиласиз? Биз катта ишнинг бажарилиши, яъни китоб ёзишни қисмларга ва ишнинг бажарилиши вақтларига бўлиб чиқамиз.

Йил давомида шу кайфиятда ишни давом этти-ринг ва Сиз китобни ёзиб бўласиз. Олдга ҳам, орқага ҳам қараманг ва Сиз ўзингиз шахсан ўзингиздан кутмаган натижаларга эришасиз. Ва буларнинг барчаси икки сўздан бошланади: қисмларга бўлинг/бўлакларга ажратинг.

Сусткашлиқ билан курашнинг кейинги усулини бир сўз билан шакллантириш мумкин:

Қайд этинг! Сусткашлиқ устидан ғалаба қилиш учун қилинадиган қайдлар оддийгина. Келажак ҳақида орзу қилишдан кўра, ҳозирда қандай яшаетганлигинги, кундалик ҳаётингиз ҳақида қайдлар этиб боринг. Ўзингиз қилишни хоҳлаган ишлар ёки боришни истаган жойлар ҳақида ёзишдан кўра, айнан ҳозир Сиз нима билан машғуллигингиизни ёзинг ва Сизда боришингиз зарур бўлган жойлар ҳам қайд этилиши шарт.

Бошқача қилиб айтганда, Сиз қилаётган ишларингиз ҳақида кундалик юритишингиз лозим. Сиз қанча

вақт йүқотилғанлигидан ёқа ушлайсиз. Айнан улар Сизнинг мақсаддага эришишингизга йўл бермаган.

Кўпчилик кунини режалаштиради, балки улар буни уддасидан чиқиша олмагандир. Вақтингиз борасидаги кундаликни юритиш жуда муҳим, у Сизга вақтни қандай сарф қилаётганлигингизни кўзингиз билан кўришга имкон беради. Бу Сиз ҳақиқатдан нимани бажаряпсиз ёки бажармаяпсиз, шуни кўришга мажбур этади.

Бу унчалик мушкул эмас. Чўнталингизга сифадиган кичик ёндафттарчани сотиб олинг. Нонуштани бошлаганингизда, шаҳарда транспортда юрганингизда, химчисткага борганингизда, компьютерда матн тераётганингизда барча-барча ишларни қачон бошлаганингиз ва тугатганингиз вақту соатини ёзиб боринг. Қайдларни ўз вақтида қилишга ҳараткат қилинг. Агар бу Сизга ноқулай бўлса, кейинроқ бўлса ҳам ёзиб қўйинг. Сиз ҳеч бўлмаса 30 дақиқада кундаликка назар ташлашингиз лозим ва буни кун давомида қилишингиз керак.

Ишни қисмларга бўлинг ва қайд этинг – бу сизни сафарбар қиласди. Бироқ берилиб кетманг. Булар Сизга бир ишни бошлашда жуда аскотади.

Бу икки қоидани бажаришга киришинг, улар жуда муҳим. Шундай қилсангиз муаммоларингизни ечасиз ва муваффақиятга етасиз.

### МУВАФФАҚИЯТ ВА ОМАДСИЗЛИК

Сиз муваффақият орқасидан кувмаслигингиз, уни ўзингизга жалб этишингиз лозим.

Омадсизлик – бу ягона бўлмаган, ҳар куни бехосдан содир этиладиган хатодир.

Хаётингизни ҳар қандай тасодифий воқеалар билан тўлатманг. Тасодиф тасодифни юзага келтиради.

Муваффақият – бу аниқлик, муқаррарликни ўрганиш. Ҳар бир одам ҳали мактаб ёшиданоқ муваффақиятни ўрганиши керак.

Омадсизлар қандайдир анжуманлар ўтказмасликлари жуда ёмон. Бу жуда қимматли ахборот бўлар эди. Агар Сиз 40 ёшида ўз ҳаётини барбод қилган кишини учратсангиз, унга шундай дейишингиз керак: “Жон, агарда мен кундалигимни келтирсам ва кун давомида уни тўлдирсам, сен у кунни мен билан ўтказасанми?”.

Муваффақият – шунчаки биз эга бўлган нарса эмас, бизнинг ким эканлигимизда ҳамдир.

Муваффақият – 20 % малака ва 80 % стратегия. Сиз ўқишни билишингиз мумкин, лекин ундан муҳимроғи Сиз ўқишга киришингиз.

Оддий одамлар муаммодан қочишни ўйлашади, муваффақиятли кишилар эса, уларни енгиб ўтиш йўлларини қидиришади.

Баъзи одамлар яхши пул ишлаб топишади, бироқ улар яхши яшаши билишмайди.

Муваффақиятнинг кушандаси – бу сабрсизлик ва очкўзлиkdir.

### ҲАЁТ БЕРУВЧИНИ МУКОФОТЛАШНИ ИСТАЙДИ

Мен устозимга шундай деганимни эслайман: “Агар менда пул бўлганда эди, менда келажакнинг мукаммал режаси бўлар эди”. Шунда у жавоб қилганди: “Агар Сизда яхши режа бўлганида эди, Сиз катта пулга эга бўлардингиз”.

Пулнинг қанчалиги эмас режангизнинг пухталиги иш беради ва у аҳамиятли. Ота-оналар, сардорлар, корхона эгалари, ўқитувчилар ва кўнгиллилар, Сиз ҳаётнинг катта бир сирига эга бўлдингизми?

Мана күрдингизми Ҳаёт берган кишини қандай тақдирлайди.

Агар Сиз нимадир берсангиз Сиз бир неча маротаба тақдирланасиз. Агар Сиз ўзингизнинг боғингиз ҳақида қайғурсангиз, гулларингиз чаман бўлиб очилади ва Сизга “Менга бир қаранг”, дейди.

“Бизга қаранг, биз қандай ёрқин ва гўзалмиз, чунки Сиз бизни парвариш қилдингиз. Бунинг учун биз Сиздан миннатдормиз”, деб Сизга миннатдорчилик ҳам билдиришади.

Болаларингизга эътибор бериб қарасангиз, улар Сизни ўз муваффақиятлари билан хурсанд қилишади. Мен қизларимни сузишга ўргатдим. Улар қийқиришиб, кулишар ва сувга шўнғиб туриб: “Дада, дада қаранг, қаранг, қарасангиз-чи, ахир”, дейишарди. Мен уларга қараб қувонардим, уларда мен ўзимни бағишилаган нарсаларнинг мукофотини кўрадим.

Мен ўшанда нимадир тухфа этсангиз, у одам Сизга албатта, миннатдорчилик айтишини тушундим. Ўзгаларга ўз вақтини, сабр-бардошини, тажрибалини берувчиларга миннатдорчилик билдирилади. Сизнинг жаҳду меҳнатингиз эвази ӯлароқ экин униб, ўсган бола ажойиб бўлиб вояга етади.

Ва шуни эсда тутинг-ки, Сиз нимага томон ҳаракат қилсангиз, у ҳам Сиз томон ҳаракатланади. Сиз ўқиши бошлаганингизда, билим Сиз томон йўналиш олади. Агар Сиз ўз ютуқларингиз билан олдинга интилсангиз, муваффақият Сизга қарши чиқади. Сиз кимдир ҳақида қайғурсангиз, у одам ўз ютувлари ва муваффақиятлари билан, албатта Сизни хурсанд этади.

### ТАРБИЯ/МУНОСАБАТ

Бошқа бир киши ҳақида қайғурган одам бебаҳодир. Сизнинг оиласангиз ва севгингиз боғ сингари

яшнаши лозим. Буни қўллаб-қувватлаш учун Сиз ўз кучингиз, вақтингиз ва тасаввурларингизни ишга солишингиз керак.

Кимгадир тақдим этмоқчи бўлган энг катта совғангиз, бу Сизнинг ўзингиз. Мен аввал айтганман: “Агар Сиз мен ҳақимда қайғурсангиз, мен ҳам Сиз ҳақингизда қайғураман”. Энди мен айтаман: “Агар Сиз ўзингизга мен учун қайғурсангиз, мен ўзимга Сиз учун қайғураман”.

Сиз муваффакиятга бир ўзингиз эриша олмайсиз. Бадавлат танҳони топиш жуда мушкул.

Тарбия соҳасидан кўра сардорликка зарурат бўладиган соҳа йўқ.

Агар Сиз болаларингиз билан гаплашсангиз, Сиз уларга биргалашиб салмоқни сақлаб туришга ёрдамлашасиз. Агар Сиз улар билан рисоладагидек гаплашиш йўсинини билсангиз, Сиз уларнинг келажагини қуришга ёрдам берасиз.

Етакчилик – бу ҳозирги асрнинг фандаги, сиёсаддаги, таълимдаги ва саноатдаги талаби. Бироқ сардорликдаги энг катта зарурат бу – тарбия. Биз замон чақириқларига нафақат ўзимизни, балки болларимизни ҳам мос равища тарбиялашимиз керак.

## КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол:

Жим мен Сизнинг вебсайтдаги биографиянгизни ўқиганимдан кейин, Сиз ҳақингизда кўпроқ билишни истаяпман. Сиз учун нима муҳимроқ бўлган, нима Сизни муваффакиятга олиб борган?

### Жавоб:

Шубҳасиз, менинг ҳаётимга минглаб ижобий ва-сизиятлар таъсир этган. Менинг ҳаётий тажрибам катта.

та. Буни биргина биографияда келтириб бўлмайди, у жуда катта. Агар мен ҳаётимдаги ютуқлар ҳақида гапирсам ютуқлар 3 жиҳатга таянади:

Болалиқда – бу она-оталарим менга берган ишонч.

Етуклик давримда менга таълим бериб ўргатадиган ўқитувчиларим кўп бўлишган.

Учинчиси менда яқинларимга ишонч бор. Ўйлайманки, бу ҳам ёрдам беради.

Менежерлар одамларга ўзларининг ҳақиқий баҳоларини кўрсатишга кўмак беради.

Етакчилик эса кишининг аслидан ҳам ошикроқ бўлишини кўра олишга ёрдамлашишади.

Ҳаётда унинг асосий мазмунини ташкил этувчи нарсалар бу ҳамма нарса бўла олмайди. Масала шундаки, Сиз асосийсини танлашни биласизми?

Етакчиликнинг талаблари – булар: кучли, бироқ қўпол бўлмаслик, меҳрибон, бироқ заиф бўлмаслик, довюрак, аммо бачкана бўлмаслик, сермулоҳаза, бироқ ялқов бўлмаслик, камсуқум, аммо журъатсиз бўлмаслик, мағрур, бироқ кибрланмаслик, ҳазил-мутоибани ўрнида, ақл-фаросат билан қила билишлик.

## НИМА ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Мақсадлар. Агар Сиз бирор нарсага илҳомланиб қолсангиз, уни қилишга киришишингиз мумкин. Сиз унга илҳомлантирилгансиз.

Агар Сиз ўзингизни ишонтира олсангиз, исталган ишни уддасидан чиқа оласиз.

Агар сиз ишга мувофиқ ёндошсангиз барча нарсага эришасиз.

Ҳар бир ақлга мувофиқ ҳаракат рағбатлантирилиши муқаррар. Бу ҳаёт қонунларидан бири. Можијатан оладиган бўлсак, бу Инжил қонуниятлари-

нинг давоми. Унда шундай дейилади: “Нима экспанг, шуни ўрасан”.

Мен буни Экиш ва Ўриш қонунларидан аниқладим. Дарҳақиқат, биз нимани экспак, уни эмас унданда зиёдасини оламиз. Ҳаётнинг қонуниятлари жуда кўп, бироқ биз тушунишимиз лозим бўлган асосий қонун бор: Сизнинг ҳар бир тиришқоқлигингиз кутганингиздан юқорироқ натижа беради.

Ажойиб қонун! Сиз кучингизни ишга қанчалар сафарбар қилсангиз, мукофот шунча катта бўлади. Агарда Сиз одамларга адолатли, виждонли ва сабрли бўлсангиз мукофот Сиз кутгандан зиёда бўлади. Бироқ калит бўлгувчи сўз – интизом эсингиздан чиқмасин.

Нимаки, қийматга эга бўлса, у қайғуришни, эътиборни ва интизомни талаб этади. Биз ўзимизнинг ички чегараларимизни, одоб-аҳлоқ кодексини изчиллик билан аниқлаб олишимиз лозим, аксинча, фикр-мулоҳазаларимиз тартибсиз кечади. Агар фикрларимиз чалкашиб кетса, биз ҳаёт лабиринтида довдираб қоламиз. Чалкаш фикрлар, чалкаш натижаларга олиб келади.

Ёдингизда тутинг: “Ҳар бир ақлга мувофиқ ҳаракат рағбатлантирилади”.

Дўстларингизга ўз вақтида хат ёзишга, ҳисоб бўйича тўлашга, учрашувларга ўз вақтида келишга, вақtingиздан унумли ва самарали фойдаланишга ўрганинг. Одамларга эътибор қаратиш белгиларини, солиқларни ўз вақтида тўлашни, ўзингизга ҳар сонияда эътибор беришни ўрганинг. Ўз ҳамкорингиз, ота-онангиз, умр йўлдошингиз, болангиз, қариндошларингиз билан тўғри муомала қилишга одатланинг. Ўз дарсларингизга, ўқишингизга, бошқаларни ўргатишга тартиб-интизом билан киришинг.

Ҳар бир гайратингиз учун мукофотланасиз. Ҳар бир китобдан янги билимларни ўрганасиз. Ҳар бир

муваффақиятдан кейин янги режалар. Синовлардан ўтганингиздан сұнг, янги түшунчалар пайдо бўла-ди. Ҳа, ҳаёт шунаقا. Ҳатто салбий ҳаётий тажриба ўз улушкини қўшади.

Ўз турмуш тарзида интизом чегараларидан чиқадиганларни огоҳлантираман: ҳамманинг ўз қард-қиммати бор, барча ҳам қандайдир таъсирга эга. Чегарадан чиққан интизом учун Сиз жавоб беришингиз керак. Вақт ҳамма нарсани тизгинлаб, жойига туширади..

Агар биз, доимий тарзда интизомга ривоя қилишга интилмас эканмиз, биз эришаётган нарсаларнинг барчаси насия/қарз.

Жиддий бўлинг. Ҳаёт бу лаборатория иши эмас. Агар Сиз устингизда кийимингизни ечиб шкафга эмас, стулга илсангиз бу ҳақида ўйлаб кўринг. Бу интизомнинг йўқлиги.

Эсингиздан чиқмасинки агар майда нарсаларга эътибор бермай интизомни бузсангиз, ҳаёtingиздаги йирикроқ жабҳаларида муҳим йўқотишларга олиб келиши мумкин. Лоқайд ва интизомсиз бўлманг! Сиз ўз гаражингизни тозаламас экансиз, қўл остингиздаги компанияда интизомни йўлга қўя олмайсиз, уни тозалай билмайсиз. Сиз болаларингиз билан муносабатларда сабрсизликка йўл қўйсангиз, ҳамкорингиз ва ишчиларингиз билан хотиржам бўлолмайсиз.

Агар бу Сизнинг ахлоқингиз мақсадга хилоф бўлса, Сиз бошқа одамларга кўпроқ сотишга ундей олмайсиз. Ўзингиз китоб ўқимасангиз, бошқаларни бунга ишонтира олмайсиз.

Ҳаёtingиз ҳақида ҳозир ўйлаб кўринг. Нимани зудлик билан қилиш керак? Балки севгилингиз билан аразлашиб қолгандирсиз, бироқ нафратингиз Сизни у билан гаплашишга йўл бермас? Мана Сизга

ўзингизни бошқача қилишга зўр имконият. Балки Сиз жўнаш ёки бошланғич нуқта чегарасидадирсиз. Сизнинг жиддий муваффақиятингиз учун етишма-ётган нарса – бу интизомни юзага чиқариш, ўзингизни одатдагидан тез ишлашга мажбур қилиш. Фақат Сиздан интизом талаб этилади. Қандайdir вазият ёки бир киши Сиздан уни талаб қилишини кутиб тураверманг.

У ҳолда бошқа бир киши Сиз ҳақингизда Сиздан кўпроқ қайғуришини, яъни Сизни эрта тонг уйқудан туриб, бозорга боришга мажбур қилишини тушунира оласизми?

## **БЕРИНГ, САХИЙ ВА МИННАТДОР БЎЛИНГ**

Ҳали камбағал эканлигингиздаёқ, сахий бўлиши ни ўрганинг. Миллиондан 100 минг бергандан кўра, бир доллардан 10 цент берган осонроқ.

Бирордан олгандан кўра, берган яхшироқ, чунки қачон Сиз берсангиз сиз ола бошлайсиз.

Миннатдорликдай ҳеч нарса киши фазилатини шакллантирумайди.

Бир нарса ҳақида ким биландир бўлишишингизнинг фойдали томони шунда-ки, бошқалар бир маротаба эшитган нарсани Сиз 10 маротаба эшитасиз.

Сиз бўлишганингиз сари, юксалиб борасиз. Сиз қанча кўп берсангиз, ҳаёт Сизга шунча кўп беради.

Баъзилар шундай дейишади: “Мен барча ҳақида қайғуролмайман-ку. Яххиси мен ўзим ҳақимда қайғурганим афзал”. У ҳолда Сиз доим камбағал бўласиз.

Сиз берган нарса сармояга айланади ва Сизга келажақда кўпроқ бўлиб қайтади. Агар кимдир баҳам кўрса, у албатта, ғолиб бўлади.

Сиз берган нарсанинг миқдорининг аҳамияти йўқ.  
Фақат берибина Сиз ўзингиз эга бўлганингиздан ортиқроғига эришасиз.

Бизга қисқа муддатли тўсиқларни енгиб ўтиш учун жуда кучли узоқ муддатли мақсадлар керак.

Ўзгаларнинг режаларидан фойдаланманг. Ўзингизнинг шахсий қарашларингизни юксалтиринг ва бу Сизни ажойиб натижаларга олиб келади.

## ОРЗУ-УМИДЛАРИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИНГ

Маълум бир санъат асари яратиш кўп вақт талаб этади. Ҳаётингизни шакллантириш учун ҳам вақт талаб этилади. Юксалиш ва униб-ўсишга ҳам вақт кетади. Ўзингизга, ишингизга ва оиласизга улар лойик бўлган ва керакли вақтни ажратинг.

Кўпчилик одамлар ўзининг яшаши учун маблағ ишлаб топаётган бир пайтда, одамларнинг камчилик қисми ўzlари истаган ҳамма нарсага эгалар. Баъзилар ҳаёт учун қийналиб пул топишнинг ўрнига, фаол ишлаб бойликларини кўпайтирадилар. Кўринишидан барча уларга ишлайди. Кўпчилик ҳаётларининг баҳтсизлиги,adolatcizligi ва қийинчиликлари билан ўралашиб, уларга ботиб қолади. Бу гурухлар орасидаги фарқ қанақа? Ота-она, биз қатнаётган мактаб, биз ўсиб катта бўлган мамлакатнинг бир қисми ҳаётимизни белгиловчи омиллар бўлишига қарамасда, уларнинг ҳеч бири бизнинг орзу қилиш қобилиятимиз каби келажагимизга таъсир эта олмайди.

Орзу – бу биз яшаши истаган ҳаётнинг проекцияси (фазовий тасвири). Орзунгиз Сизни орқасидан эргаштириб кетиши, барча тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам бериши мумкин. Улар ҳаётингизда-

ги барча қийинчиликларни енгіб, Сизнинг ижодий құвватингизни кашф этади. Бунинг содир бўлиши учун Сиз нима исташингизни аниқ билишингиз лозим. Келажакни ноаниқ кўриш ҳеч қандай кучга эга эмас. Аниқ келажак кишига қувват беради.

Ўз мақсадингизга ҳақиқатан етиш учун, режаларингиз олдинга босиши учун Сизнинг орзуларингиз тиник бўлиши керак.

Агар Сиз қачонлардир Қоядор Тоғларда 14 минг фут баландликдаги чўққига кўтарилганингизда эди, Сизнинг миянгизга шубҳасиз: “Биринчи кўчманчилар буни қандай уддалашган экан? Улар Шарқий соҳилдан Фарбий соҳилгача қандай етиб олишган экан?”, деган фикрлар келар эди.

Ўзингиз билан озиқ-овқат ва сув запасларини бир кун ташиб юриш қандай мушкул. Дақиқама-дақиқа, кунма-кун, ойма-ой ўз буюмларингизни кўтариб юришингизни тасаввурингизга келтира оласизми? У(кўчманчи) одамларда улкан орзулари бўлган. Уларнинг нафсониятлари бўлган. Улар тоғлардан кўтарилиш мушкулликлари ҳақида ўйлашмаган.

Ақлу онгларида улар аллақачон бошқа мамлакатдалар, фақатгина уларнинг таналари манзилга етмаган.

Хасталиклар, кураш, туғилиш ва ўлимга қарамасдан, уларнинг мақсадлари бўлган: қуёш нури мангу ва фавқулодда имкониятларга эга бўлган муқаддас заминга етиб олиш. Йўл қийинчиликларидан, уларнинг орзу-умидлари кучли бўлган.

Сиз орзу қилувчи бўлишингиз лозим. Сиз келажакни кўра билишингиз даркор. Сиз 14 минг фут баландликдаги тоқقا чиққанингизда Калифорнияди кўришингиз керак. Сиз ким ўзар мусобақаси ўйнаётган пайтингизда марра чизигини олдиндан

күришингиз керак. Ўз орзуларингизни фақат шундай қилибгина, амалга оширишингиз мумкин.

## МАҚСАДЛАР/МАҚСАДНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Мақсадни йўлга қўйишнинг негизи – бу унинг(-мақсаднинг) Сизга нимага кераклигини аниқлаштириб олиш, унга эришишса арзийдими, нимага у ҳаётингизда бунчалик юқори қийматга эга, қадрли эканлигидা.

Эндрю Карнеги йўлганида, унинг уйидан ҳаётининг асосий мақсадларидан бири ҳақида ёзган варақни топишган. Қоғозда унинг: ҳаётининг биринчи ярмида пул топиш билан, иккинчи ярмида эса пулларни сарф қилиш билан ўтказиши сингари мақсадлари ёзилган. Ҳақиқатан ҳам у шундай йўл тутган.

Баъзи кишилар кундалик ҳаётлари учун маош топиш билан машғуллар, негаки уларда фақатгина шубор холос. Улар ўз келажакларини аниқлашмаган.

Мақсадлар. Сиз у билан илҳомлансангиз, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишингиз мумкин. Агар уларга ишонсангиз, Сиз исталган вазифани ҳал қила оласиз. Агар Сиз уларга мос равишида ёндошсангиз, барча нарсага эришасиз. Қисқа муддатли муаммоларимизни ечишда, бизларга узоқ муддатли кучли мақсадлар ёрдам беради.

Мақсадни жуда кичкина қилиб ҳам шакллантираманг. Агар Сиз кўп нарсани истамасангиз, кўп нарсага эришмайсиз ҳам.

Агар Сиз мақсадга эришиш йўлида тинмай ишласангиз, ҳаракат қилсангиз, у ҳолдагина мақсадларингиз Сизга хизмат қиласиди. Сиз бажараётган ёки бажарган эзгу иш-амаллар ўз навбатида Сизни кучли, муваффакиятли шахсга айлантиради.

Бизнинг танлаш имкониятимиз бор: Биз ҳаёт учун, яшаш учун маблағ топишимиз ва омадли, биз орзу қилган ҳақиқий ҳаётнинг ўзини яратса олишимиз мумкин. Яна бир маротаба эслаб қолинг, муваффақият, омаднинг кушандаси, қотили – бу сабрсизлик ва очкўзликдир.

## **АҚЛИЙ-МАЊНАВИЙ КАМОЛОТГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?**

Сиз оқиллик ва кучли ҳиссиётни меҳнат билан ўйгунлаштиришни билишингиз керак.

Мен ўз ресторани бўлган ва у ерда тамадди қилишни жуда ёқтирадиган, бироқ севимли адиби бўлмаган одамга жуда ачинаман.

У ўз танасини тўйғазиш учун макон топган-у, зakovatini toblайдиган жой топмаган.

Хўш, нега бундай бўлади? Сиз нотўғри таълим хақида эшитганмисиз?

Туғилганимиздан 18 ёшга тўлгунимизга қадар, бизнинг нотўғри ўрганишимиз шиддат билан кечади, бу вақт оралиғида биз йирик таълим мажмусига эга бўламиз. Гўё биз ҳамма билимларни бир пасда ўзлаштирамиз.

Биз тил, маданият, тарих, математика... хуллас ҳаммасини ўрганамиз!

Баъзи бирлар учун бу жараён узлуксиз давом этаверади, этаверади. Бироқ, кўпчилик учун ушбу жараён кишиларнинг илк машғулотини топиши билан тўхтаб қолади. Агар бизга топширишимиз зарур бўлмаган имтиҳон бўлмаса, биз қўлимиизга қалам ёки ручка олишимизнинг ҳожати бўлмаса, китоб мутолаа қилиш не даркор? Албатта, Сиз малакангиз туғайлигини ниманидир ўргатасиз. Баъзан Сиз тўғри

иш тутишингиз, баъзан эса адашишингиз мумкин.  
Муҳими Сиз ўрганасиз.

Сизнинг эгри таълимингиз бир умр ўсиб борса, нима бўлишини тасаввур қила оласизми? Сиз ўзингизда қандай лаёқатни юксалтиришингиз, қанақангидек имкониятларни юзага чиқаришингиз мумкинлигини хаёлингизга келтира оласизми? Сизга маслаҳатим: ўзининг нотўғри таълимини ва ажойиб ғояларни ҳафсала билан излашда давом этувчи гайриоддий одам бўлинг.

Бошқаларнинг меҳнати орқали ўз ақли ва дунёқарашини юксалтириш йўлларидан бири – бу ўзгаларнинг меҳнатидан оқилона фойдаланишdir. Балки, Сиз бундай киши билан учрашмассиз, лекин Сиз унинг китобини ўқишишингиз мумкин.

Черчилл аллақачон ўлиб кетган, бироқ унинг китоби мавжуд. Аристотел йўқ, бироқ бизда унинг ғоялари бор. Яхши китобларни ўқиб, дастурларни томоша қилинг, журналлар ва ҳужжатларни мутолаа қилинг. Улар ақлий заковатингизни юксалтириш имкониятларидир.

Бунга қўшимча тарзда, Сиз сухбат қуришишингиз ва ўз тажрибаларингиз билан ўртоқлашишингиз мумкин. Менинг ҳаётдаги муҳим муаммоларимни ечишга қўмаклашадиган танишларим бор. Улар, ҳатто, менга шахсий дунёқарашимни фаҳмлаб олишимда, мен учун қадрли нарсаларни меъёrlаштиришда, муваффакиятларим гарови ва ҳаёт тарзим ҳақида мулоҳаза юритишимда ёрдамлашишади.

Барчамизга жамият, пул, саноат, оила, ҳукумат, дўстлик, маданият, таъб ва имкониятларимиздаги асосий муаммоларни фарқлаб олишимиз учун одамлар билан мулоқот лозим.

Киши дунёқарашига унинг ғоялари, ғояларга эса маълумоти, маълумотига эса у мулоқот қиладиган одамлар таъсир кўрсатади.

Хаётимдаги катта хурсадчиликлардан бири Жаноб Шоафф билан 5 йил мобайнида мулоқот олиб борганлигимдир. У самолётда парвоз қилған пайтлардаги тушлик палласида, савдо конференцияларида, шахсий учрашувларда ва иш пайтида ўз гоялари билан ўртоқлашарди. Кейинчалик у мени фамилиятимга кичик ўзгартиришлар киритишга имкон берувчи гоялар билан таъминлаган.

Бу кундалик ўзгаришлар, жуда катта бўлмаса-да, бироқ муҳим бўлиб, кейинчалик йирик натижалар берган.

Жаноб Шоафф ғояларини маъruzаларида эрин масдан такрорлар эди. Бу фундаменталь ҳолатларни тез-тез эшитиш шарт эмас, бироқ улар ақлни ривожлантиришда яхши озуқадир.

Мен Сиз азизлардан ақлу-заковатингизни танангиз сингари озиқлантиришингизни сўрайман. Уни оқил ғоялар билан таъминлаб туинг. Ҳа, сиз ҳар доим, узлуксиз бизнес ғояси, саноат ғояси, хизмат кўрсатиш ғоялари ҳамда шахсиятингизни юксалтириш ғояларини изланг. Ҳар бир янги ғоя Сизнинг ақлу фаросатингизни янгилашга кўмаклашади. Сизнинг дунёқарашингиз ҳаёт тарзингизни бошқариб, ҳаётингизни лаззатга буркайди.

### МОЛИЯВИЙ ДАҲЛСИЗЛИК/ МУСТАҚИЛЛИК

Молиявий мустақилликка эришиш учун, Сиз ўз киримингизни капиталга, маблағни корхонага, корхонани даромадга, даромадни сармояга, сармояни молиявий мустақилликка айлантиришингиз мумкин. Молиявий мустақиллик – бу ўзингизнинг шахсий манба/бойликларингиз даромадидан яшаш қобилиятидир.

Мен устозимга “Агар менинг пулларим күпроқ бўлганда эди, менда улардан фойдаланишнинг энг абзал режаси ҳам бўларди” деганимда, у бундай деб жавоб берди: “Бильакс, агарда Сизда яхши режа бўлганида эди, Сизнинг пулингиз кўп бўлар эди. Пулнинг миқдори қанчалигини эмас, уни оқилона сарфлаш муҳимлигини англаб олинг. Агар сиз ўзингизнинг молиявий режангизни кўрсатганингизда, ва у жуда маъқул бўлганида, мен мамлакат бўйлаб юриб, ўз маърузаларимда унинг намунали эканлиги ҳақида кишиларга маълумот берардим? Нега Сизда муваффақиятга томон элтувчи, интилишларингизга мувофиқ келувчи ҳар томонлама ажойиб режа йўқ?” Мен эса: “Нарсалар жуда қиммат”, дея такрорлашни ёқтирадим. У пайтда устозим менинг гапларимни: “Муаммо нарсаларнинг қиммат туришида, ҳатто, уларни сотиб олишга сизда маблағ етишмаслигига эмас”, деб тўғрилар эди.

Ўшанда мен, муаммо ўзимда эканлигини охири тушуниб етдим. Йижилда бадавлат одамнинг жаннатга тушиши мушкул, деб айтилган. Бироқ, унда бунинг умуман иложи йўқ, деб ёзилмаган! Оламондан узоқлашинг. Унинг кечиримларини қабул қилманг. Ҳаётингиз ва келажагингизни ўз қўлингизга олинг!

Биз кўпроқ интизомга риоя қилишдан ва қўлдан бой берилган имкониятларимизни йўқотганимиздан афсус чекамиз. Гап шундаки, агарда интизор граммлар оғирлигига тенг бўлса, афсусларимиз тонналар қийматига тенглашади.

### БОЛАЛАРГА ЎХШАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Агар сиз фикр-мулоҳазаларингизни бошқалар билан бўлишсангиз енгиллашасиз. 200 йил муқад-

дам буюк устоз айтган сўзларни эсланг: “Агарда, Сиз болалардек беғубор бўлмасангиз, Сизинг режала-рингизнинг умуман қиймати йўқ” Мана қатталар учун мулоҳаза юритишга мавзу. Болалардек бўлишга ҳаракат қилинг ва бунинг учун ёшингиздан қатъ-ий назар тўртта қоидага риоя қилишни унутманг.

Кизиқувчан бўлинг! Болалардек ҳар нарсага қизиқишга ўрганинг.

Болалар агар бирор нарсани билмоқчи бўлсалар нима қиласидилар? Сиз, ҳақсиз. Улар саволлар бериши бошлайдилар. Болалар саволларни қалаштириб ташлайдилар, энди тугади деганингизда, яна янгитдан саволга тутадилар.

Улар Сизни шундай ҳолга элтадилар-ки, асабийлашиб, қизариб кетишингиз мумкин.

Бирор нарсани ўрганиш учун болалар қизиқувчан бўлишлари керак. Сиз эътибор берган бўлсангиз керак, болалар чўкка тушиб чумолилар ҳаракатини кузатиб ўтирган бир пайтда, катталар чумолиларни кўрмасдан босиб кетаверадилар. Синчковлик ва қизиқувчанлик болаларни ўрганиш ва улғайишларида ёрдам беради.

Хавотирли бўлинг, бехавотирликни одат қилманг! Болалардек хавотир олишни ўрганинг.

Болалар хавотиридан бўлак, ҳеч бир самимилик йўқ. Болалар шунчалар хавотирланадиларки, ҳатто, ётиб ухлашни исташмайди, эрталабгача кута олишмайди. Улар шунчалар ҳаяжонга бериладиларки, гўё сиз бунга чидай олмай ёрилиб кетасиз. Бундай болаларча сеҳргарликка қандай қилиб қаршилик кўрсатиш мумкин?

Шундай одамлар борки: “Мен бундай кўнгил-хушликлар учун ярамайман, қариб қолдим” дейишади. Бу қайғули эмасми? Сизнинг уларга фақат-гина раҳмингиз келиши мумкин. Нима деб жавоб

бериш мүмкін? Агар Сиз шунчаки ҳавотирланиш  
үчун ўзингизни қариган деб билсангиз, ҳақиқат-  
дан ҳам қарип қолибсиз. Бунчалик қарип қолиши-  
га ошиқманг!

Инонинг! Эътиқод, ишонч болаларга ўхшайди.  
Ишонч кўпроқ болаларга хос.

Ишонувчан одамлар болаларга ўхшашади. Шу-  
нинг учун ҳам “Келинг, катталардек мулоҳаза юри-  
тиб кўрайлик...” деган ибора мавжуд.

Йўқ, ҳар доим ҳам бундай йўл тутиб бўлмайди.  
Кўпчилик катта ёшдаги кишилар шубҳаланувчан ва  
ҳатто, беадаб бўлишади: “Ҳа, мен, аллақачон бу пу-  
чаки гапларни эшитдим. Бироқ, мен у қадар гўл эма-  
сман, Сиз менга бу гаплар шунчаки сафсата эмасли-  
гини исботланг, бу ишнинг ҳақиқатдан ҳам фойдали  
эканлигига мени ишонтиринг”, дейишади. Бу гаплар-  
ни болалар эмас, фақат катталар айтишади. Болалар  
эса, ҳаммасига бирдан эришса бўлади, деб ҳисобла-  
шади. Агар уларга: “Учта ҳовузга эга бўлишни истай-  
сизми?”, десангиз, улар Сизга: “Ҳа, учта!”, деб жавоб  
қайтаришади. Ҳар бирига алоҳида ҳовуз! Бир-бирла-  
рига мени ҳовузимга чўмилмайсизлар, дейишади!”  
Улар ҳовузларни ўзаро бўлишиб оладилар!

Катталарнинг бундай таклифга жавоблари эса тах-  
минан шундай: “Учта ҳовуз? Сизлар ақлдан озиб-  
сиз!” қабилида бўлади. Кўпчиликда, ҳатто, бирги-  
на ҳовузнинг ўзи йўқ. Та什қари ҳовлингизда битта  
ванна бўлса ҳам Сизга кифоя”.

Сиз фарқни сездингизми? Устознинг: “Сиз бола-  
ларга ўхшамас экансиз, Сизнинг имкониятларингиз  
иш бермайди”. Ишонувчан бўлинг! Ишонувчанлик –  
бу болаларча олий фазилат ва у кўп маъно англатади.

Сиз қачонлардир, “боладек ухляяпти” деб эшит-  
ганмисиз? Бу ўша! Ухлаётган боланинг юзидағи  
ишонувчанлик, бехавотирлик. Агар у бугун бажар-

ган вазифаси учун бирор фандан “5” баҳо олса, у қувончини, албатта, ким биландир бўлишади. Илтимос, Сиз ҳам бу йўлни тутинг.

Кизиқувчанлик, бу лоқайдлик эмас, яхшиликка умид, ишонувчанлик – болалардаги бу ажойиб сифатни албатта, ҳаётимизга қайтаришимиз керак.

### БОЛАЛАР

Бола нечта тилни ўрганиши мумкин? Бу фақат Сизга боғлиқ. Сиз қанча истасангиз, Сиз унинг таълимига қанча вақт ажратсангиз, у шунча тилни ўзлаштира олади. Болалар жуда лаёқатли бўлишади. Улар пул топишни, катталар ўйлагандан олдинроқ бошлишлари мумкин.

Ҳар бир бола иккита велосипедга эга бўлиши лозим: бири ўзи ҳайдаши учун, иккинчиси ижарага бериб туриши учун. Бола иккинчи велосипедни нима қилиши мумкинлигини жуда тез тушуниб етишига ишониш осон.

Мен болаларга 40 ёшгача, агар уддабурон бўлишса 35 ёшда бойиб кетишлари йўлларини ўргатаман. Кўпчилик ўзини жуда лаёқатли деб билишади, ҳатто 35 ёшгача бойиб кетишади.

Бола ўзидаги долларни нима қилиши керак? Кўпчилик бундай ўйлайди: “Бир бола бир долларни қандай сарфлашининг нима аҳамияти бор?”

Ё, худойим-э! Қанчалар нотўғри ўйлашади! Сиз болани қачон тарбиялайсиз? Ахир, айнан, ҳозир, Сизда бола ва доллар борлигида бошлишингиз керак. Сиз ўзингизни кида туриб оласиз. “У ҳали жуда кичик! Майли ўзи қандай хоҳласа, шундай сарфласин!”

Нима деб ўйлайсиз, бу нима билан тугайди? Шу биланки, бола 50 ни қоралаганда ҳам Сизга ўхшаб муваффақиятсиз бўлади!

Агар болалар ўз қобилиятларини ёрқинроқ күра олганларида эди, бу долларларини ўз муваффакиятлари учун хурсандлик билан сарфлардилар.

Күпчилик одамлар ўзларининг кундалик юмушлари учун қайғуришади, нимагаки уларнинг бундан бўлак ташвишлари йўқ. Бундай бўлишига сабаб, улар ҳеч нарсани режалаштирганлар, ўзларининг келажакларини тасаввур қилмаганлар, нима қилишлари кераклигини ўз вақтида аниқламаганлар.

### КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

#### Савол

Муомалага киришишим қийин бўлган кишига нисбатан юмшокроқ бўлишга ҳаракат қиласман-у, бироқ: “Агар у менга мулойим бўлганъда эди, мен ҳам унга яхши муомала қилган бўлар эдим” сингари фикримни енга олмайман. Унга ён бериш менга малол келади, чунки ёқимсиз одамларни жиним суймайди. Кўнглимга ёқмаган кишилар билан мулоқот қилганда ўзимни носамимий ҳис қиласман.

#### Жавоб.

Биринчидан, Сиз бу учраши мумкин бўлган ҳолат эканлигини тушунишингиз керак. Қўпол кишилар билан мулойим муносабатда бўладиган туғма қобилиятли кишилар орамизда кўпчиликни ташкил қиласди деб ўйламайман. Лекин ҳаёт шундай шаклантирилган, исталган бир одам билан муносабатда қийинчиликларга қарамасдан, биз муваффакиятга эришишимиз учун буни қабул қилишимиз керак. Куйидагича мулоҳаза юритиш лозим: шундай йўл тутиш керакки, бу мени муваффакиятга олиб келсин.

Иккинчидан, кўнгилсиз одамларнинг қандайдир яхши томони ҳақида ўйлашга ўзингизни ўргатинг.

Бунга ўрганиш учун, бу ҳолатни юзингиздаги акси-дан бошлаганингиз маъқул. Кўпчилик муваффақи-ятли кишиларда намоён бўладиган қарашлар шундай: ҳаракат ҳиссиётдан олдинда юради. Сиз ҳам синаб кўринг, бу усул қандай иш беради?

Масалан: бир киши қайғуга ботган. У ўзини баҳтиёр ҳис этиши учун қандайдир ижобий воқеа та-лаб этиладими? Йўқ. Сиз ўзингизни баҳтиёр одам-лардек тутишингиз лозим ва шунда бироз вақт ўтиб ўзингизни баҳтиёр ҳис қиласиз. Бу фикр исботи-ни топган.

Ўз ҳаракатингизни ўзгартиринг ва Сиз ўз ҳисси-ётларингизни ҳам ўзгартира оласиз. Масалан, чина-камига жилмайиб, бир вақтнинг ўзида ғамгин бў-лиш мумкин эмас. Сизда бу содир бўлмайди.

Сизга ёқимсиз бўлган одамга самимий ҳисси-ётлар ҳадя этишга урининг. Аввалига, майли ўйин бўла қолсин. Ҳечқиси йўқ. Қачонки у Сизнинг са-мимилигингизни қадрласа, Сизга яхши муносабатда бўла бошлайди ҳамда Сизнинг хайрли ҳиссиётингиз самимий бўлади.

“Ўзлаштирмасдан қалаба қозониш: ҳозирги ижти-моий муҳитда одамларни ишонтириш санъатини қандай ўрганиш мумкин” ва “Энг тугал маслаҳатчи: одамларга бирор нарса сотишни эплаш учун улар билан қандай муомала қилиш лозим” кито-бларининг муаллифи Боб Берг бу ҳақида батаф-сил ёзган.

Қисқамуддатли тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам бериш учун барчамизга салоҳиятли узоқмуддатли мақсадлар зарур.

Ҳали камбағал эканингизданоқ олийхиммат бўлишни ўрганинг. Бинобарин, бир доллардан 10 центни бериш, миллиондан 100 мингини бериш-дан осонроқ.

Агар Сиз бирор нарсани сотсангиз, кундалик ҳа-  
ётингиз учун ишлаб оласиз. Агар маблағ сарфласан-  
гиз ва бунда мижозга яхши хизмат күрсатилса, Сиз  
бир қанча күпроқ маблағ топасиз.

## **ОМАДСИЗЛИК ВА МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ**

Сиз ўзингиз билмаган нарса ҳақида гапира ол-  
майсиз.

Сиз ўзингиз хис қилмаган нарса ҳақида фикр ал-  
маша олмайсиз.

Сиз ўзингизда бўлмаган нарсани бировга бера  
олмайсиз.

Ниманидир бериш ёки баҳам кўришдан олдин  
унга эга бўлиш лозим.

Жиддий мулоқотга тайёргарлик кўришингиз керак.

Омадсизлик – бу ягона бўлмаган, бехосдан содир  
этиладиган хатодир. Омадсизлик – бу нотўғри фикр  
юритиш ва нотўғри танлашнинг муқаррар натижа-  
сидир. Оддий тил билан айтганда, омадсизлик, бу  
қандайдир бўлакча, ҳар куни такрорланадиган бир  
қанча хатоликлар мажмуасидир.

Лекин, нега инсон хато қиласди ва уни ҳар куни  
такрорлайди? Негаки, киши хатосига унчалик аҳа-  
мият бермайди.

Бизнинг кундалик ишларимиз бир қараашда биз  
учун аҳамиятли эмасдай. Кичик бир йўқотиш, нотўғри  
қарор ёки бўш йўқотилган соат жиддий салбий оқи-  
батларга олиб келмайди.

Кўпинча биз хатоларимизни тезгина натижа бе-  
ришини кўрмаймиз.

Агар биз охирги 90 кун мобайнида ҳеч бир китоб ўқи-  
маган бўлсак, бу ҳаётимизда ҳал қилувчи ўзгаришга олиб  
келмайди. Ва, агар мана шу 90 кун давомида ҳеч қан-

дай күнгилсизлик юз бермаса, биз навбатдаги 90 кунда ҳам буни давом эттирамиз, яна ва яна. Нима учун? Нимагаки, ҳеч қандай хатарли воқеа рўй бермади. Айнан мана шунда катта хавф яширинади. Бизнинг бирорта ҳам китоб ўқимаганимиз ёмон. Ундан ҳам ёмони биз бунинг қай даражада муҳим эканлигини ҳам сезмадик.

Қай бир кимса нотўғри овқатланса, саломатлиги борасида муаммолар келиб чиқади. Мазали, бироқ зарарли овқатдан лаззатланиш келгусидаги оқибатларни беркитади. Кўринишидан улар унчалик муҳим эмасдек. Тамаки чекадиган ва ичадиган кишилар йиллар сайин бу ишларини давом этишаверади, худди шунингдек, бунга унчалик аҳамият беришмайди. Кўпчилик ҳолларда хатолар интиқомнинг муқаррар вақти-соати келмагунча давом этаверади. Ва Сиз аҳамият бермаган хатоларингиз учун тўлаб беришга мажбурсиз.

Омадсизликнинг энг ёмон томони шундаки, кўққисдан билдирамасдан юз беради. Бизга ҳаммаси рисоладагидек кечаётгандай туюлади. Ҳаёт шодлик ва бойликка тўла бўлиши, ҳеч бир күнгилсизлик юз бермаслиги мумкин. Биз шунчаки, оқим бўйлаб кун сайин хатоларимизни такрорлаганча, нотўғри ўйлаганча, ёлғон овозларни эшитганча, нотўғри йўларни танлаганча сузиб бораверамиз.

Бизнинг бошимизга кеча осмон қулаб тушгани йўқ, аксинча, бизнинг барча ҳаракатларимиз аввалдан ноўрин бўлган. Бизга гўё бунинг ҳеч бир ёмон оқибати йўқдек туюлаверади, шунинг учун ҳам биз ишни шу тарзда давом эттираверамиз. Бироқ, эътиборли бўлмоқ зарур!

Агар биз хато қилган кунимизнинг охирида осмон бошимизга қулаганида эди, шубҳасиз, биз чора қўллаган бўлар эдик. Худди ота-онасининг огоҳлантиришига қарамасдан, қўлини оловга тутадиган гўдакдек, таъсир оний дақиқаларда юз берганида

эди, биз ҳам хатоларимизни қайта, қайта тақрор-  
ламаган бўлар эдик.

Афсуски, омадсизлик бизни ота-оналаримиз сингари огоҳлантира олмайди.

Ўз дунёқрашимизни ўзгартиришимиз зарур. Бизни ҳар бир қадамимизда йўналтириб турган кучли шахсий фалсафа орқали биз уларни англаб етишишимиз, ҳақиқатда нимани ифодалаши ва нимага олиб бориши мумкинлигини тушунишимиз лозим.

Агар Сиз оддий ҳаракатларни амалга оширангиз ва уларга доимий амал қилиб борсангиз, омадсизлик формуласи сингари, муваффақиятлар формуласини ҳам тушуниш ва унга амал қилиш сиз учун, албатта, осон кечади. Мулоҳаза қилиб кўришингиз учун қизиқ савол туғилади: “Муваффақият формуласига эришиш учун омадсизлик формуласидаги хатоларни нима билан алмаштириш лозим?”

Муваффақиятнинг ҳам, омадсизликнинг ҳам оқибатлари бўлади ва бу айнан, содир этилган воқеанинг муқаррар тухфаси ёки надомати бўлиши мумкин. Агар бу ҳақиқат бўлса, нима учун кўпчилик келажак ҳақида фикр юритиб кўришмайди? Бу жуда оддий: улар айни сонияларда шу қадар бандларки, уларга буларнинг барчаси аҳамиятсиздек туюлаверади.

Муаммолар ва қувончлар уларни шунчалар ғарқ қиласиди, улар эртанги кун ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Бироқ, биз ҳар кун маълум бир дақиқаларда келажакка назар ташлашга одатлансак, ўз ҳаракатларимизнинг оқибатини кўра олишимиз мумкин.

Бундай қимматли маълумотга эга бўлиб, биз ўз хатоларимизни муваффақиятли ҳаракатларга алмаштиришимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, агар биз келажакни олдиндан кўра олсак, биз ўз фикрларимизни ўзгартира оламиз. Хатоларимизни тўғрилаймиз ва эски ёмон одатларимизни ижобий янгиларига алмаштирамиз.

Муваффақият формуласининг ажойиб бир фазалити бор: қатор оддий ижобий ҳаракатларни ҳар кун такрорлаш, тезкор натижаларга эриштиради. Агар биз кундалик хато ва камчиликларимизни ижобий одатларга ўз ихтиёrimiz билан алмаштириб борсак, қисқа вақт оралиғида ижобий натижаларга эришамиз. Агар биз овқатланиш тартибларимизни ўзгартиrsак, соғлигимиз бир неча ҳафталар ичида яхшиланади. Биз жисмоний тарбия машқлари билан машғул бўлсак, тез орада ўзимизни тетик ҳис қила бошлаймиз. Мутолаа қилишни бошлаганимизда эса, ақллироқ ва ўзимизга ишонишимизни сезамиз.

Кунда такрорланадиган ҳар қандай ҳаракат беназир оқибатларга олиб келади. Ўз навбатида, бу янги одатларни юксалишга жалб этади.

Кишида янги одат ва кўникмалар орттирилишининг ажойиб томони шундаки, улар бизнинг фикр-мулоҳазаримизни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Агар биз бугуноқ китоб мутолаа қилишни, ён дафтарча юргизишни, машғулотларга қатнашни, янада кўпроқ мушоҳада юритишни бошлаб юборсак, бугунги кун бизни гўзал келажак сари етакланган илк кунимиз бўлиб қолар эди. Агарда биз бугун, кичик бўлса-да, жиддий камчиликларимизни амалий ва фойдали одатларга алмаштириш учун онгли ва узлуксиз салоҳиятимизни сарфлаб кўпроқ ишлаганимизда эди, биз ҳеч қачон жўн ҳаёт тарзига қайтмасдан, ҳақиқий неъматлар билан тўла ҳаётдан лаззатлана олар эдик.

### ЕТАКЧИЛИК

Оиладаги, ишдаги ва таълим соҳасидаги ҳақиқий етакчилар ниятларини ютуқ дея қабул қилиб янглишмайди.

Менежерлар одамлар үзларини аслида қандай бұлса, шундай күришига ёрдам беради.

Етакчилар инсонларға уларни аслидан яхшироқ күришга ёрдам беради.

Етакчилар содда бўлмаслиги керак.

Олдин мен: «Ёлғончилар алдамаслиги керак» деб айттардим. Бу эса, сўзларнинг беъмани комбинацияси экан. Ёлғончи алдаши керак – у шунинг учун ёлғончи. Шу сабабли уни шундай аташади. Сиз ундан яна нимани кутаяпсиз?

Биз муҳтоҗларга эмас, балки муносиб инсонларга ёрдам беришимиз керак. Ҳаёт кўпинча ҳожатманд муҳтоҗларга эмас, шунга сазовор, лойиқ бўлганларга ёрдам беради.

Менинг устозим: «Шуни қилинг» демасдан, «Келинглар, шундай қиласиз» деб айттарди. Жуда яхши айтилган: «Келинглар, бирга қиласиз».

Етакчилар баъзи одамлар, албатта, қаршилик кўрсатишини тушуниши керак. Нимага бундай бўлишини англаш учун вақтингизни сарфламанг, яхшиси, улар кимлигини билиб олинг.

Баъзи одамлар билан мулоқот қилишда, мен одатда шундай йўл тутаман. Кимdir: «Мен билан ҳар доим кўнгилсизликлар содир бўлади – бир униси, бир бошқаси... Нима учун мен билан доим бундай воқеалар бўлади?» деганида, Мен оддийгина: «Ўлдирсангиз ҳам, мен билмайман. Билганим шуки, бундай воқеалар менинг фикримча, Сизга ўшаган одамлар билан содир бўлади» деб жавоб бераман.

Етакчиликнинг мақсади – ишини яхшироқ бажаришга ҳаракат қылса-да, иши ёмон чиқадиган, шунингдек, қўлидан иш келадиган, лекин ундан ҳам кўпроғига эришмоқчи бўлганларга кўмаклашишдир. Агар Сиз ҳақиқий етакчи бўлсангиз, Сиз, уларни қаерга етаклашингиз ҳақида қарор қабул қи-

лишдан олдин, инсонларнинг нимани ҳис қилиши ва хоҳлашини тушунишингиз керак.

Ёдингизда тутинг, етакчиликнинг пойдевори ИНТИЗОМ ҳисобланади, интизомнинг етишмаслиги муваффақиятсизликка олиб келади.

## КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Жим, Сизда ўсмирлар учун «Буюкликнинг учта калити?» номли видео бор.

Бу қандай учта калит?

### Жавоб.

Агар ёш киши ёки катта одам узоқ вақт давомида, бу учта оддий нарсани бажаришга эътибор қиласа, ишонаманки, у албатта муваффақиятга эришади.

Ўз олдингизга мақсад қўйинг.

Мен буни келажакни кўриш деб айтаман. Кўплаб одамлар, болалар ҳам, келажакдаги порлоқ истиқболларни кўриши учун маълум ҳаракатлар, зўр берубиришишқоқлик қилиши керак.

Биз уларни қизиқтириш ва ишонтириш учун, бир нимага эришиш учун бугун ҳаракат қилиш керак, келажакда муваффақиятга эришиш йўлида бугун қийинчиликларни енгиш кераклигини тушунтириб, болаларга келажагини аниқ кўриши учун ёрдам беришимиз керак.

Мақсадни англаш ва аниқ белгилаш уларга буни бажаришга ёрдам беради.

Ўзингизни такомиллаштириш устида ишланг.

Ўзингизни таълим олишингизга мунтазам сармоялар киритинг ва билимлар банкингиз Сизга ҳаётингизнинг асосий дивидендларини тўлайди. Мен иложи борича, китоб ўқишга, аудиокассеталар билан ишлашга, семинарларга қатнашишга

күпроқ вақт сарфлашни, кундалик тутиш ва бошқа мұваффақиятли инсонлар билан мuloқot қилишни таклиф қиласынан. Чарли Тремендос Джонс айтишича, беш йилдан кейин Сиз ўзингиз ўқиб чиққан китобларнинг, аралашып юрган инсонлар доираси-нинг йиғиндиси бўласиз.

Ўзингизнинг маблағларингизни режалаштириңг.

Мен буни 70/30 режаси деб атайдын. Пулларни қўлга киришга, 10% жамғаришга қолдириңг, 10% сармояларга сарфланг ва 10% муҳтожларга беринг. Бундан ташқари, фарзандингизнинг молиявий мустақиллигини кафолатлаш учун, пулларни аяманд.

Ўйлашимча, ушбу учта банднинг ҳаммаси, ота-оналар, шунингдек болалар учун ажойиб маслаҳат ҳисобланади.

Янги одатни тарбиялаш учун энг зўр вақт, бу Сизнинг фикрингиз кучли бўлган пайти. Агар, бирор нима олмоқчи бўлсангиз – астойдил сўранг. Яратгандан ниманики астойдил сўрасангиз, жавобсиз қолдирмаганидек.

Сиз денгизга чой қошиғи билан бормаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Болалар Сизнинг устингиздан кулмаслиги учун, ҳеч бўлмагандан, пақирча олинг.

Сиз миллионер бўлганингиздан кейин, ўзингизнинг барча пулларингизни сарфлашингиз мумкин, чунки асосийси миллион доллар эмас, балки шаклланингиз жараёнида Сизнинг кимга айланганингиздир.

## ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ

Ажойиб келажагингизнинг асосий КАЛИТИ - Сизнинг ўзингиз. Ишонаман, шахсий ўсишингиз, келажагингизга таъсир кўрсата оладиган энг муҳим туртки ҳисобланади.

Биз савдо ўсиши, даромад ошиши, активлар ўсиши ҳақида гапиришимиз мумкин, бироқ, бунинг барчаси Сизнинг шахсий ўсишингизсиз бўлмайди.

Бу ҳақиқатан ҳам, барча нарсаларга эшик очади.

Бу муҳим тезисни эслаб қолинг: «Яхши келажакнинг асосий калити - Сизнинг ўзингиз».

Яна такрорлаб ўтаман. «Яхши келажагингизнинг асосий калити - Сизнинг ўзингиз».

Ушбу ҳикматли иборани, Сиз ҳар куни кўзингиз тушадиган жойга, ваннага, ошхонага,офисга ёзиб қўйинг. «Яхши келажагингизнинг асосий калити - Сизнинг ўзингиз».

Ҳаётингизни ҳар кунида эсингизда сақланг, доимо: «Асосий калит - Сизнинг ўзингиз» эканлиги ҳақида ўйланг.

Сизга келаражакда ёрдам берадиган кўп омиллар бор. Агар Сиз кучли, прогрессив фирмада ишласангиз, бу Сизга ёрдам беради. Агар фирма яхши товар, хизмат кўрсатишга эга бўлса, бу билан сиз албатта фуурланасиз.

Агар фирмангизда ўқиш учун яхши шароитлар бўлса, - бу, албатта, Сизга ёрдам беради. Бўрон бўлмаслиги, машинангиз бузилмаслиги, фарзандларингиз касал бўлмаслиги, қўшниларингиз одобли инсонлар бўлиши, қариндошларингиз Сизни безор қилмаслиги, жуда совуқ ҳам ва жуда иссиқ ҳам бўлмаслиги кабиларнинг барчаси келажагингизга таъсир кўрсатади.

Агар нархлар ва солиқлар ошмаса, агар иқтисодиёт барқарор бўлса, бу ҳам ёрдам беради. Биз бу рўйхатни чексиз давом эттиришимиз мумкин, лекин бир нарсани ёдда тутинг: биз ҳозир айтиб ўтганларимиз ва кўплаб бошқа нарсалар - Сизнинг келажагингизда катта роль ўйнамайди.

«Яхши келажагингизнинг асосий қалити - Сизнинг ўзингиз». Бу жуда муҳим ва Сиз буни эсда сақлашингиз керак. Асосий қалит - Сизнинг ўзингиз.

Менинг дўстим: «Сиз ўртача даромаддан юқори даражадаги даромадга қандай қилиб эришдингиз?» деган саволга шундай жавоб берган: «Жуда оддий. Мен ўртачадан юқори даражадаги одам бўлдим. Ўз устингизда ишланг».

Яна у: «Бир-бирингизнинг қўлингизни қандай қисишингизга эътибор беринг. Кўп одамлар муваффақиятли бўлишни ҳоҳлади, бироқ улар қўлни қандай қисиши устида ишламайди. Улар фаол одамнинг қўл сиқиши суст бўлмаслиги кераклигини тушунишмайди. Очиқ табассум қилишга, ўз туйғуларингизни ёрқин кўрсатишга, ўзингизни ишга тўлиқ бағишлишга, бошқа одамлар билан қизиқишга ўрганинг. Кўпроқ нарсага эга бўлиш учун – ўзгаринг, бошқача бўлинг. Эсингизда туting, Сиз хизматга сарфлайдиганга нисбатан, ўзини тарбиялашга кўпроқ вақт ва куч сарфлаш керак» деб айтди.

Иккита ҳар хил одам бир фирманинг ўзида ҳар хил маош олиши Сизга ғайриоддий қўринмайдими?

Бири энг кўпида ойига 100\$ маош олади, бошқа-си эса 1000\$ дан ортиқ.

Бундай тафовутга нима таъсир кўрсатади? Агар товар бир хил, ўқитиш бир хил, иккаласида адабиёт ва асбоблар бир хил, икковининг устози, режаси бир бўлса, иккаласи ҳам бир хил маърузаларга қатнашган бўлса, нега бири 100\$ олади, иккинчиси 1000\$? Эслаб қолинг, бу фарқ шахсда, унинг сиртида эмас, ичидা мавжуд. Сехрли нарсалар, сехрли китоблар, сехрли фильмлар бор, дейишади. Сехрли учрашувлар бўлади. Бироқ уларни мафтункор, сехрли қиладиган нарса бизнинг ичимиизда. Сехр, мафтункорлик ишончда, тиришқоқликда, ишда, фикрлар-

да, күл сиқишда, табассумда, ҳайратда ва қатъи-ятлиликда. Ҳақиқий сеҳргарлик ҳамдардликда вағамхўриликда, бизнинг ичимииздаги кучли туйғуларда яширинган. Бизнинг ҳаммамизнинг орамизда-ги фарқ бизнинг ичимиизда жойлашган.

Сиз ҳаммадан фарқ қиласиз. «Яхши келажагин-гизнинг асосий қалити - Сизнинг ўзингиз». Бу жуда муҳим ва буни эсда сақлашингиз керак. Асосий қалит- Сизнинг ўзингиз.

### ТАЪЛИМ/ЎҚИШ

Таълим олиш Сизга ҳаёт учун пул топишга кү-маклашади, маълумотингизни оширишингиз Сиз-га бойликка эришишга ёрдам беради.

Барча билимларни қўллаш ва истаган нарсамиз-ни эгаллаш учун Биз ўқишимиз керак.

Таълим олиш – бойликнинг бошланиши. Таълим – саломатликнинг бошланиши. Таълим – маънави-ятнинг бошланиши.

Масалан, ҳар биримиз яшаш учун керакли ҳуқуқий билимларга, тиббий саводга, бола тарбияси, ҳуқуқий савод, одоб-ахлоқ қоидалари, овқатланиш мадани-яти, майший техникадан фойдаланиш қоидалари, истеъмолчи ҳуқуқлари – каби билимларига эга бў-лишимиз керак.

Оддий бемор ҳам, дори қўллаш йўриқномасида-ги фойдали ва заарали томонлари билан танишиб чиқиб, кейин дори қабул қилиши керак. Одамлар-нинг кўпчилик муаммолари “шундай билимлари йўқлигидан” келиб чиқади.

Ўрганиш жараёнида ва ҳақиқатни тушуниб етишда, англашда ажойиб жараёнлар туғилади.

Агар одам нотўғри йўлдан кетса, уни бу йўлдан қайтишга кўндириш қийин.

Таълим унинг ўзини шуни бажаришга мажбур қиласди.

Қизиқишиларингизни иккита нарсага қаратиб жамланг: ҳаёт ва инсонлар. Агар Сизга қизиқарли бўлса, келинг бу ҳақида сұхбатлашамиз.

Агар мактабда ўқиётган бўлсангиз, таълим олаёт-ганингизга ишонч ҳосил қилинг. Билимни қандай эгаллашингиз ва ундан келажакда қандай фойдаланингиз, ўзингизга боғлиқ. Сизга маслаҳатим: мактабдан уларсиз кетманг. Ўзингиз таълим олишингизга сарфлайдиган пулларни ҳеч қачон қизғанманг, аяманг. Агар ўзингизни тарбиялаш, ўқитиш йўлига ўтсангиз, Сиз фойдаланингиз мумкин бўлганидан анча кўп билимни эгаллайсиз.

Ўз билимларингизни ва ғояларингизни кимлардир билан бўлишганингизда, нима содир бўлади? Агар фикрингизни 10 киши билан бўлишсангиз, улар уни бир марта эшитишади, Сиз эса 10 марта.

Осон бўлишини тиламанг, Ўзингизнинг яхшироқ бўлишингизни тиланг. Иш камроқ бўлишини тила-манг, аксинча, ишни бажариш натижасида кўпроқ кўникмаларни эгаллашга интилинг.

Синовларнинг камроқ бўлишини истаманг, кўпроқ доноликни истанг.

## **МОҲИР ЕТАКЧИЛИК БЕЛГИЛАРИ**

Мақсадга эришишда энг муҳими – унга етишиш йўлида қандай ўзгаришингиз. Ҳамма моҳият якуний натижада эмас, уни бажариш бўйича қилинган ишда. Агар Сиз нуфузли, эътиборли одамларни жалб қиласидиган етакчи бўлмоқчи экансиз, ўзингиз шундай одамга айланшингиз керак.

Етакчилик – Сиздаги мулкдор, менежер ва ота-о-на сифатида истеъдод, тажриба ва имкониятларни жалб қилиш қобилияти.

Етакчилик – инсоннинг тақдирга ташлайдиган улкан даъвати чақириғи.

Етакчиликда энг муҳими – ўзини камолотга етказиш. Ҳамма буюклар улкан маррага, катта натижага эришгунича ўз устида тинимсиз ишлаган.

### Мана бир нечта қоидалар:

Кучли бўлишни ўрганинг, бироқ қўпол бўлишни эмас. Алоҳида, катта обрўга эга, кучли, истеъдодли етакчи бўлиш учун бутун кучни бериш талаб қилинади. Баъзи одамлар қўполликни куч деб қабул қиласди. Бу ёмон.

Кучсиз эмас, меҳрибон бўлишни ўрганинг.

“Андишанинг оти қўрқоқ” деманг.

Биз эзгулик билан кучсизликни адаштирмаслигимиз керак.

Эзгулик –бу ожизлик эмас.

Эзгулик, меҳрибонлик – бу кучнинг маълум тури.

Биз инсонга ҳақиқатни, ростини айтишимиз учун меҳрибон бўлишимиз керак. Биз барчасини охиригача ойдинлаштириш учун меҳрибон бўлишимиз керак.

Биз адашмаслигимиз, янгишмаслигимиз, унга ҳаммасини, борича айтиш учун ҳам, меҳрибон бўлишимиз керак.

Безори эмас, довюрак жасур бўлишга ўрганинг. Муваффақиятли бўлиш учун Сиз жасурлигингиизни намойиш қилишингиз керак.

Бошқаларга таъсир кўрсата олиш учун, етакчи бўлиб улардан олдинда юришингиз керак. Сиз биринчи бўлиб камон отишингиз, биринчи бўлиб қийинчиликларни аниқлашингиз ва муаммони ҳал қилишни бошлашингиз лозим.

Күрқоқ-юраксиз эмас, камтар бўлишга ўрганинг.  
Сиз журъатсиз инсон бўла туриб, муваффакиятга  
эриша олмайсиз.

Баъзилар кўрқоқликни камтарлик билан адаш-  
тиради. Тавозе, итоаткорлик – бу Тангрининг сўзи.

Бу иззат-икром ва мўъжиза туйғуси

Бу инсон қалби ва руҳини англаш. Бу инсонда  
умрининг охиригача мавжуд бўлган қандайдир ноёб  
нарса борлигини тушуниш.

Итоаткорлик, мўминлик – Биз билан юлдузлар  
орасидаги масофанинг қанчалар катта эканини,  
шу билан бирга, Биз Коинотнинг бир қисми экан-  
лигимизни тушуниш. Итоаткорлик – қадр-қиммат,  
журъатсизлик – касаллик. Журъатсизликни даво-  
ласа бўлади.

Мағрур бўлинг, лекин манман, такаббур эмас. Му-  
ваффакиятга эришиш учун ғурурли бўлиш керак.

Бу ғурур ўз иштиёқи ҳақида айтишга, жамиятда  
ўз ўрнини эгаллашга ва етакчи бўлишга кўмакла-  
шади. Сиз ғурурли бўлишингиз керак, лекин ман-  
ман эмас. Манманлик билимсизликни меваси. Бун-  
да одам ҳеч нимани билмаслиги ҳақида билмайди.

Манманликнинг яна бир тури бор – тоқатсизлик,  
чидай олмаслик.

Агар одам ақлли ва манман бўлса, биз бунга чи-  
дашимиз мумкин. Бироқ, агар у нодон ва манман  
бўлса, бу сира тўғри келмайди.

Юмор ҳиссини ривожлантиринг, лекин аҳмоқ-  
лик, нодонликдан сақланинг. Юмор етакчи учун  
жуда муҳим.

Етакчиликда зукко, бефаросат эмас, балки ма-  
роқли гапириш керак.

Охирида, реал дунёда ҳаққонийлик билан яшаш-  
га ҳаракат қилинг. Ўзингизни қийнаманг. Ҳаётни  
борлигича қабул қилинг.

Хаёт бетакрор. Бизларга яратганинг берган турфа хил, бебаҳо неъмати. Баъзилар уни фожиавий даҳшатли дейди, лекин мен у ноёб деган фикрдаман. Оддий турмуш ноёб. У бутунлай жалб қилиб олади.

Мен бир етакчига хос бўлган хусусиятлар, бошқасига умуман тўғри келмаслигини аниқладим. Лекин етакчиликнинг фундаментал кўникмалари ҳаммага тўғри келади ва ишда, жамиятда, уйда ёрдам беради.

## ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Ўзингизни қурбон қилманг. Кўчада Сизни пойлаб турган ўғрини эсингиздан чиқаринг.

Сизнинг миянгиз ичидаги ўғрини нима қилиш керак? Сиз билан содир бўладиган ҳамма ходисалар ҳам - ҳаётингиздаги энг муҳим воқеалар эмас. Булар ҳамма билан юз беради. Масала ҳаётингизни ҳал қилиб, белгилайдиган ва ундаги энг муҳим ҳисобланадиган нарсаларга қандай муносабатда бўлишингизда.

Сиз мамлакатда тартибсизлик деб айтасиз. Бу билан ерни ва уруғларни, қуёш нури ва ёмғирни қарғагандек бўласиз. Сиз эга бўлган барча нарсаларингизни қарғаманг. Сизнинг шахсий сайёрангиз бўлганидагина, у билан билганингизни қилишингиз мумкин. Қолган ҳамма нарсанни Сизга муносабат аталганидек қабул қилишингиз керак.

Оломондан узоқроқ бўлинг. Унинг вазиятларини ҳисобга олманг.

Ўз тақдирингизни қўлингизга олинг.

Буйруқларни эмас, маслаҳатларни қабул қилинг. Ўзингизга буйруқлар беринг.

Кунларнинг бирида Абрахам Линкольн: «Мен ҳеч кимнинг қули бўлмагунимча, ҳеч кимнинг хўжайини бўлмайман» деб айтган.

Масъулиятни ўз қўлингизга олишингиз керак.  
Мавжуд шароитларни, йил фаслларини ёки шамол-  
ни ўзгартира олмайсиз, лекин Сиз ўзингизни ўзгар-  
тиришингиз мумкин.

Айнан шунга масъулиятли бўлишингиз лозим.

Сиз осмондаги юлдузларга таъсир кўрсата олмайсиз,  
лекин ўқийдиган нарсангизга, ўзингизнинг касбий кў-  
никмаларингизни ривожлантиришингизга, ўз устин-  
гизда ишлашингизга жавобгар бўлишингиз керак.

Маошингиз иш берувчингизга эмас, балки ўзин-  
гизга боғлиқ. Иш берувчингиз мутахассис сифати-  
даги аҳамиятингизга таъсир кўрсата олмайди, Сиз  
эса таъсир қиласиз.

Сиз ё истакларингизни чеклашингиз, ё ўзин-  
гиздаги ишга алоқадор сифатларингизни яхшила-  
шингиз лозим.

Савдо-сотик билан боғлиқ касбларда, ҳақиқий  
иш мол сотилганидан кейин бошланади.

Яшаш тарзи – “ноёб” ҳаёт кечириш. Майли, бо-  
шқалар нолойиқ яшасин, фақат Сиз эмас.

Майли, бошқалар майда нарсалар устида низо-  
лашсин, фақат Сиз эмас.

Майли, бошқалар ўз келажагини кимларнингдир  
кўлига топширсин, фақат Сиз эмас.

### ЭЪТИБОРНИ ЖАМЛАШ

Эътиборни жамлаш борасида мен учратган энг  
зўр маслаҳат қуидагича: «Қаерда бўлсангиз ҳам,  
ўша ерда бўлинг».

Ишдамисиз – унда ишланг. Ўйнаяпсизми – унда  
ўйнанг.

Ҳар бир ишни чин юракдан бажаринг.

Ҳамма нарсага, қиладиган ишингизга ва Сиз му-  
локот қиладиган одамларингизга эътибор беринг.

Иш жараёнида натижага эмас, жараёнга эътибор қаратинг. Эътиборли бўлинг.

Кун бўйи сандиралаб, ишсиз, бекор юрманг.

Қайси ишни бажарсангиз ҳам, қабул қилиб олган ҳолатидан яхшироқ қилиб бажаришга интилинг.

Олдинлари: «Мен умид қиласманки, ҳаёт ўзгаради» деб айтардим. Кейин эса ўз ҳаётини ўзгартиришнинг ягона йўли, бу ўзини ўзгартириш эканини тушуниб етдим.

## **ФЕРМЕР СИНГАРИ ФИКРЛАНГ**

Сиз муваффақият изидан қувмаслигингиз керак, аксинча уни ўзингизга тортишингиз керак.

Бизнинг саноатлашган асрда Биз дуч келадиган қийинчиликлардан бири шундан иборатки, фаслларни ҳис қилиш туйғусини йўқотганмиз. Йил фаслларига қараб устуворликлари ўзгарадиган фермерга таққослагандан, бизга ҳаётнинг табиий ритми таъсир кўрсатмайди. Оқибатда, ҳозир нима муҳим эканини аниқлай олмаймиз.

Келинг, бир мисолда кўриб чиқайлик:

Фермер учун баҳор – йилнинг энг фаол фасли. Бу пайтда у саҳардан то кун ботгунича ишлаши керак. У ўз ускуналарини тартибда сақлаши керак, чунки экишни ўз вақтида якунлаш учун унда вақт жуда кам. Киш келганида, тез бажариладиган иш тугайди ва фермер дам олади.

Мазкур мисолда – биз учун сабоқ бор. Ўз ҳаётингизнинг мавсумларидан фойдаланишни ўрганинг. Ҳал қилиб олинг: қачон ишлаш керак, қачон дам олиш, қачон дикқатни жамлаш, қачон ишни ўзибўларчилликка топшириш керак.

Йиллаб 9 дан 5 гача ишлаш осон. Лекин у ҳолда Сиз афзалликларни ва ҳаётий циклларни таби-

ий хис қилишни йўқотасиз. Йиллар - топшириқ ва мажбуриятларнинг туганмас қаторига аралашиб кетишига йўл қўйманг.

Ҳаёт қадриятларини кўздан йўқотмаслик учун, ўз ҳаёт циклларингизни кузатиб боринг.

## БЕПАРВОЛИК

Биз ҳаммамиз: «Кунига биттадан олма егин ва Сизга ҳеч қачон шифокор керак бўлмайди» деган гапни эшитганмиз.

Сизга саволим бор: агар бу ҳақиқат бўлса-чи?

Ахир бу жуда осон-ку – ҳар куни бир донадан олма ейиш. Бироқ муаммо шундаки, буни бажар-маслик ҳам, худди шундай осон.

Бепарволик инфекция сингари сезиларсиз бошланади ва кейин касалликка айланади.

Юрак касаллклари фақат Американинг ўзида кунига мингдан ортиқ кишининг ҳаётини олиб кетади ва 90% ҳолатларда бу касалликларнинг сабабчиси – бепарволикдир.

Нимага кўпчилик одамлар истаган нарсасига эга бўлмаслигининг сабабларидан бири – бепарволикдир.

Кимгадир тақдим қилишингиз мумкин бўлган энг катта совғангиз - Сизнинг ўзингиз. Мен авваллари: «Агар Сиз мен ҳақимда ғамхўрлик қилсангиз, мен сиз тўғрингизда ғамхўрлик қиласман» деб гапирадим. Ҳозир эса: «Агар Сиз мен учун ўзингиз ҳақингизда ғамхўрлик қилсангиз, мен Сиз учун ўзим ҳақимда ғамхўрлик қиласман» деб гапираман.

## КҮП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Яқында мен «Муваффакият йүлидаги синовлар» кассетасини тинглаганимда, Жим бир неча марта: «Сиз 40 ёшга келиб, агар ақлли бўлсангиз – 35 ёшга келиб, агар ноёб истеъодларингиз бўлса, ундан ҳам илгари молиявий мустақил бўлишингиз керак», деб айтганини эшитдим.

Менга қизиқарли бўлди ва бу ҳақида ўйланиб қолдим.

Мен у тавсия қилган учта китобни ўқияпман. Жим тавсия қиладиган яна бошқа китоблар борми?

### Жавоб.

Кўплаб китоб ва аудиокассеталар бор. Сиз уларни ўқишингиз ва тинглашингиз мумкин. Улардан баъзиларини айтиб ўтаман. Лекин Сиз учта муҳим ишни қилишингиз лозим. Улар қўйидагилар:

1. Сизни моддий мустақилликка етакловчи режани ишлаб чиқишни, ўзингиз учун ҳал қилинг.
2. Бу масала бўйича барча мавжуд адабиётни ўрганиб чиқинг.

3. Кейина режа ишлаб чиқинг ва уни бажаринг.

Молиявий мустақилликка эришиш учун мана бир нечта тавсия қилинган китоблар:

«Вавилондаги энг бой одам», «Ўйла ва бой бўл», «Бой сартарош», «Миллионер Эшик ортида» ва «Бой ота, камбағал ота».

Муваффакиятга эришиш учун, ўзингизни тубдан ўзгартиришингиз керак.

Бир неча содда одатлар, ҳаётингизга таъсир қилиши мумкин ва Сиз қандай қилиб кейинги 90 кунда

ўзгаришингизни күрасиз. Кейинги 12 ой ёки 3 йил  
хақида гапирмаса ҳам бұлади.

Муваффакиятта Сиз бир үзингиз эриша олмайсиз.

Бой қаландарни топиш жуда мушқул.

Күпчилик баҳорда әкади ва ёзда дам олади.

Агар далага үз вақтида әкин экилса, у ҳолда ёз  
бүйи оғир меҳнат қилишингизга түгри келмайды,  
унга фақат қараб турса кифоя.

## БУГУН – БУ КЕЧАГИ ЭРТАГА

Инсон йүқ нарсадан бир нарса ярата билишдек  
ажойиб қобилиятта эга.

Одамлар үт босган далаларни боғларга айланти-  
риши ва бир тийиндан миллионлар қилиши мумкин.

Биз әртанги күнни күтганимизда ва у нихоят кел-  
ганида, буз уни бугунги күн деб атайды.

Бугунги күн – бу кечаги әртага. Масала биз бун-  
га қандай муносабатда бўлишимизда. Кўп ҳоллар-  
да биз әртанги күнни бекорга йўқотамиз, чунки биз  
уни кеча ва бугун йўқотганимиз.

Биз қилишимиз мумкин бўлган барча нарсалар  
бизнинг эзгу ниятларимизга қарамасдан қўлимиз-  
дан чиқиб кетиши мумкин, токи биз ягона қайта-  
рилмас күнни ўтмишда йўқотганимиз сабабли со-  
дир бўлиши керак бўлган ҳодиса воқеалар бизга  
билдириласдан ғойиб бўлганини англашимиз керак.

Ҳар биримиз тўхтаб ўзимизга эслатишимиз лозим:  
соатлар дақиқалар сониялар ўтмоқда. Биз туғилган  
ондан юра бошлаган соатлар, қачондир тўхтайди.

Вақт биз ҳаммамизни тенглаштиради. Вақт ҳеч  
кимни ажратмасдан, яхшини ҳам, ёмонни ҳам олиб  
кетади. Ҳар қайсимизга турфа имкониятлар беради,  
бироқ биздан қатъиятни, тиришқоқликни талаб қи-  
лади. Ҳаёт поёнига етганида, хатоларни тузатиш учун

Иккинчи имконият бўлмайди. Ҳаётимиз дақиқалари-ни санаб ўтказадиган соатлар, ютуқлар ва омадсиз-ликларимизга эътибор бермайди. Уларга бари бир, Сиз ютуққа эришдингизми, омадсиз бўлдингизми.

Улар баҳоналар, ростгуйлик ёки тенг ҳукуқлика назар писанд қилмайди.

Муҳими фақат, биз ўз ўйинимизни қандай ўй-наганимизда.

Ҳар қандай ёшда инсонда вақтни ўткир сезиш лаҳзалари бўлади, у уни дарҳол ҳаракат қилишга ундайди ва мажбурлайди.

Лекин биз ҳаётимиз ҳар дақиқасининг қадрига етишимиз керак - бу дақиқалар шу қадар аҳамиятсиз кўринадики, уларнинг йўқолганини биз кўпинча сезмаймиз ҳам.

Бизда ҳали вақт бор. Нимага қодир эканимизни кўрсатиш учун ҳамон кўп имкониятларимиз, кўплаб фурсаларимиз, кўп йилларимиз бор. Орамиздаги кўпчилик учун аzon, пешин, шом, эрта, индин, келаси ҳафта, келаси ой, келаси йил келади. Бироқ, агар биз вақтни ўткир сезиш туйғусини ривожлантирмасак, олдиндаги соатлар, ҳафталар, ойлар ва йиллар, вақт бекорга сарфланади. Вақт туганмас эмас! Яратганинг ҳаммага санаб берган вақти, ўлчаб берган ризқи бор.

Шундай экан, агар Сиз эртага ўз орзуларингизни рўёбга чиқармоқчи ва мақсадларингизга эришмоқчи бўлсангиз, бугун бошланг, уларни юзага чиқариш йўлида илк қадамларни қўйинг.

## РЕЖАЛАШТИРИШ

Мен одамларнинг ажойиб ҳусусиятини аникладим. Уларнинг кўпчилиги ҳаётидан кўра, ўзининг таътилини пухталик билан режалаштиради. Эҳти-

мол, ҳаётни режалаштирмаслик уни амалга оширишдан осонроқдир.

Агар сиз ўзингизнинг ҳаёт режангизни тузманган бўлсангиз, Сизда бошқаларнинг тузган режасидан фойдаланишининг барча имкониятингиз бор. Лекин у сизга нима яхшилик бериши мумкин? Ҳеч нима.

Нима сабабдан аксарият одамлар келажакни олдиндан сезиб завқланиш ўрнига, уни қўрқув билан кутишади? Фақат, улар буни режалаштиргани сабабли.

Бир ёш йигит шундай деди: «Мен ишлайман. Уйга келганимда эса кеч кирган бўлади. Овқатланиш керак, озрок телевизор кўриш, дам олиш ва уйқуга ётиш керак. Ахир, ярим тун ўтириб режалар, режалар, режалар.... тузиб бўлмайди-ку!». Бу ёш йигит автомобил учун пул тўплай олмайди!

## **КАМБАҒАЛ БИТ ЭФФЕКТИ**

Ўзингизга қизиқарли одамларни жалб қилишингиз учун, аввало Сизнинг ўзингиз жозибадор бўлишингиз керак.

Кучли одамларни жалб қилиш учун сиз ўзингиз кучли одам бўлишингиз керак.

Мукаммал инсонларни жалб қилиш учун, сиз ўзингиз мукаммал бўлишингиз керак.

Уларни ўзингизнинг талабингизга мос равища ўзгартиришга ҳаракат қилиш ўрнига, Сиз ўзингизни ўзгартиришингиз керак. Агар Сиз бунингудасидан чиқсангиз, Сиз ўзингиз одамларни жалб қиласиз.

Ўзингизнинг эришадиган ютуқларингиз учун мотив сифатида сахийлик ва хайрия сингари мақсадингиз бўлгани яхши.

Шуни тан олиш лозимки, муваффақиятга эришиш борасида менинг курашимнинг бошида, менинг мотивациям етарлича моддий бўлган. Муваффақиятга эришиш учун баҳонам оддий эди. «Камбағал бит эффекти» деб номланган тоифага кирарди.

Бу сабаб ҳар биримизда исталган пайтда пайдо бўлиши ва бизнинг ҳаётимизни ўзгартириши мумкин.

Мен сизга ўзим билан нима содир бўлганини айтиб бераман...

Бу менинг мистер Шоафф билан учрашганимдан олдин бўлган. Кунлардан бирида уйда бўлганимда эшик аста тақиллашини эшилдим.

Эшикни очганимда, менга термулиб турган жигарранг кўзларни кўрдим. Эшик орқасида ўн ёшлардаги нозик кичик қизча турган эди. У менга кичик юрагидаги жасурлик ва қатъийлик билан, Герл Скаут печеньесини сотишини айтди. Бу ажойиб таклиф эди – бир неча сортдаги печенье, қутиси атиги икки долларга сотилади. Қандай қилиб рад этиш мумкин? У шундай кенг табассум билан менга уни таклиф қиласардики, мен уни сотиб олгим келди. Жуда ҳохладим.

Бироқ ишкаллик бўлди: менда икки доллар ҳам йўқ эди! Мен жуда хижолат эдим!

Менда, ишга эга одамда, коллеж талабасининг отасида, икки доллар йўқ эди!

Табиийки, катта жигарранг кўзлик кичкина қизчага мен буни айта олмасдим. Ва мен алдашимга тўғри келди.

Мен унга: «Рахмат, мен бу печеньени сотиб олганман. Уйимда бундай печеньелар жуда кўп» деб айтдим.

Бу ёлғон эди, мен ўша пайтда ўйлаб топганим фақат шу эди. Қичкина қиз:

«Яхши, жаноб, узр сўрайман» деди.

Кейин у қайрилиб кетди. Мен узоқ вақт унинг изидан қараб қолдим. Нихоят, мен эшикни ёпиб қўйдим, унга суюниб: «мен бундай яшашни истамайман. Етади пулсизлик, етади ёлғонлар, энди мен ҳеч қачон чўнтағимда бирор долларим йўклиги учун уялишимга йўл қўймайман» деб бақирдим.

Ўша куни мен ўзимга: ҳар доим ёнимда бир неча юз доллар харажатларга пул бўлиши учун кўп пул ишлаб топаман, деб ваъда бердим.

«Камбағал битнинг эфекти» деб мен шуни айтаман. Эҳтимол, бу ҳодиса якуний натижага катта таъсир кўрсатмаган бўлса-да, бироқ вақтинчалик муаммоларни ҳал қилиш учун етарли эди.

Воқеанинг охири баҳтли якун топди. Бир неча йил ўтгач, мен банкка катта пул жойлаштириб, ундан чиқиб кетаётганимда, ўз машинамга миниш учун йўлни кесиб ўтаётиб, мен икки нафар кичкина қизчаларни кўриб қолдим, улар қайсиdir болалар ташкилоти фойдаси учун конфетлар сотишарди. Қизчалардан бири менинг ёнимга келди ва: «Жаноб, Сиз озроқ конфет сотиб олишни истайсизми?» деди.

Мен кулиб «хоҳлайман», - дедим. «Сизда қандай конфетлар бор?»

«Бодом билан».

«Бодом биланми? Бу менинг энг севимли конфетларим. Сиз улар учун қанча сўрайсиз?»

«Атиги икки доллар».

Икки доллар! Бундай бўлиши мумкин эмас! Мен хаяжонланган эдим.

- Сизда қанча шоколад қутиси бор? деб кизчадан сўрадим.

«Бешта».

«Сизда нечта қолди?». - деб иккинчисидан сўрадим. «Тўртта».

## ЖИМ РОН

«Жами тұққызта. Яхши. Мен ҳаммасини оламан».

Кизлар ажабланиб өғзини очиши да баравари-  
га: «Ростданми?» деб сұрашды

«Албатта, Менинг дүстларим бор, уларнинг ол-  
дига бормоқчиман» - дедим мен.

Улар ҳаяжонланиб, барча қутиларни бир жойга  
йиғиши учун шошилдилар.

Мен чұнтағымдан 18 доллар чиқарып уларга узатдым.

Мен қутиларни қўлтиқлаб олиб кетаётганимда,  
қизчалардан бири:

«Жаноб, Сизда ҳақиқатан ҳам бир нарса бор!» деди.

Бу ҳақида нима дейсиз! Сиз атиги 18 долларни  
сарфласангизда ва сиз ҳақингизда: «Сизда ҳақиқа-  
тан ҳам бир нарса бор!», деб айтиши мумкинлиги-  
ни тасаввур қила оласизми?

Энди Сиз, нима учун мен доим ёнимда бир неча юз  
доллар олиб юришимни биласиз. Мен ҳеч қачон бун-  
дай имкониятни яна ўтказиб юборишни хоҳламайман.

Агар ўйлаб кўрсак, бу чұнтағымда икки доллар  
йўқлигидаги менинг хижолат бўлганим сабабли со-  
дир бўлган.

Бу эса керакли оқимга йўналтириди ва мақсадга  
эришишда ажойиб мотивга айланди.

Сиз билан ҳам шундай бўлганми? Сизга «кам-  
бағал Бит эффекти» таъсир кўрсатганми?

Яхши томонга ўзгаришга қаратилган ҳаракатлар-  
ни бажаришга бир турткى Сизни мажбур қилганми?

## ТАЖРИБА

Ўтмишдаги ҳаракатларингизни таҳлил қилинг,  
тажрибангизни умумлаштиринг ва уни келажакда  
инвестициялаш учун вақт ажратинг.

Ўзингизнинг тажрибангизга танқидий қаранг.

Агар сиз охирги 10 йилда ниманидир нотүғри қил-

ган бўлсангиз, бу жуда узоқ муддат, бундай тажри-  
бадан воз кечинг.

Ҳаёт – фақат вақт оқими эмас. Ҳаёт – тажриба тў-  
планиши ва ундан фойдаланиш натижалари.

Ўтмишга юк деб қараш осонроқ, унга Сиз таъ-  
лим олган мактабга бўлгани сингари муносабатда  
бўлиш керак.

Вақтга сизни ўқитиши ўрнига, сизни енгишига  
йўл қўйишингиз осонроқдир.

Янги тажрибага тегишли бўлган ҳамма нарсани  
ўзлаштириб, ўзингизга сингдириб олинг. Агар сиз  
уни фойдали ишлатмоқчи бўлсангиз, Сиз аввал уни  
сингдириб ўзлаштириб олишингиз керак.

## ЎЗ АТРОФИНГИЗДАГИ ОДАМЛАРНИ ҚАДРЛАНГ

Бошқалар нолойиқ яшайверсин, лекин Сиз эмас.  
Майли ўзгалар кичик нарсалар устида баҳслашсин,  
тортишсин, лекин Сиз эмас.

Бошқалар ўзларининг келажагини бошқа одам-  
ларнинг қўлига топширсисин, лекин сиз эмас.

Агар сиз ҳаётингизни, сизни шакллантирган ҳам-  
ма нарсаларни, Сизнинг шундай бўлишингизга таъ-  
сири қиласиган барча нарсаларни баҳолай бошласан-  
гиз, биринчи ўринда сиз мулоқот қиласиган одам-  
лар ва фикрлар бўлиши керак. Мистер Шоафф жуда  
муҳим огоҳлантиришни шакллантирган, мен сизлар  
 билан уни бўлишмоқчиман: «Таъсири кучини етарли-  
ча баҳолаш керак».

Ҳақиқатан ҳам, атрофимиздаги одамларнинг  
таъсири жуда кучли!

Кўпинча бизга нима таъсири қилаётганини ўзи-  
миз англамаймиз, чунки бундай таъсири муайян вақт  
давомида ривожланади.

Агар Сиз ишлаб топган пулларининг барчасини сарфлайдиган одамлар билан мулоқотда бўлсангиз, Сизнинг ҳам шундай йўл тутишингиз эҳтимоли жуда катта.

Агар Сиз концертга эмас, футболга боришни афзал кўрадиган инсонлар билан мулоқотда бўлсангиз, Сиз айнан футболга борасиз, агар атрофингизда китоб ўқидиган инсонлар бўлса, сиз ҳам шуни қайтаришингиз эҳтимоли юқори бўлади.

Одамлар бизни шунга ундашда давом этаверади, токи: «Мен қандай қилиб бу ерга келиб қолдим?» демагунимизча.

Агар ўзимиз, ҳаётимиз биз режалаштиргандек ўзгаришини истасак, бу таъсирларни катта эътибор билан ўрганиш керак.

Ушбу муҳим холосани ҳисобга олган ҳолда, ижозат берсангиз, Сизга учта савол берсам. Улар, сизнинг ҳозирги вазиятингизни яхшироқ таҳлил қилишда ёрдам беради.

Биринчиси: «Қандай инсонлар орасида турибман?»

Ўйлаб кўринг, Сиз кўпинча ким билан мулоқот қиласиз.

Сизга қандайдир таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган ҳар бир инсонни баҳолашингиз керак.

Иккинчиси: «Бу одамлар мен учун нима қилмоқда?»

Бу энг муҳим савол. Улар мени нима қилишга мажбур қилмоқда? Улар мени нимани тинглашга мажбур қилмоқда? Улар мени нимани ўқишга мажбур қилмоқда? Улар мени қандай гапиришга мажбурлаяпти? Улар мени қандай хис қилишга мажбурлаяпти? Нимани гапиришга мажбур қилишмоқда? Бошқа одамлар сизга қандай қилиб, ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатда таъсир кўрсатишини жиддий ўрганиб, таҳлил қилишингиз керак.

Ва охирги савол: «Бу сизга ёқадими?»

Әхтимол, сиз мuloқot қilaётган одамларнинг ҳам-  
маси, Сизга фақат ижобий илҳомлантирувчи таъ-  
сир кўrsатади? Балки, бир тўдада бир нечта ёмон  
олма бордир? Мен таклиф қилган нарса бу жиддий  
ва объектив таҳлил қилишдир.

Бу масалаларни икки марта кўриб чиқишга ар-  
зийди, айниқса, таъсир кучи ҳақида гап кетганда.

Ёмон ҳам, яхши ҳам бизни қаергадир етаклаб кетади,  
лекин фақат яхши нарса керакли жойга олиб келади.

Бизнинг ҳаётимизга таъсир кўrsатадиган нар-  
саларни сезмаслик жуда осон. Бир одам айтганди:  
«Мен бу ерда яшайман, лекин бу қандайдир аҳами-  
ятга эга деб ўйламайман. Мен бу одамлар билан га-  
плашаман, лекин улар менга таъсир кўrsатади деб  
ўйламайман».

Менда бошқача фикр бор. Эсингизда бўлсин, ҳам-  
ма нарса аҳамиятга эга! Албатта, баъзи далиллар  
кўпроқ аҳамиятли, қолганлари - камроқ, лекин улар  
Сизга таъсир қиласди. Сиз атрофингиздагилар сал-  
бий ёки ижобий томонга оғиб кетмаётганини тек-  
ширишингиз лозим. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Балки, Сиз кичик қушча ҳақидаги ҳикояни эшиг-  
гандирсиз. У кўзларини қаноти билан ёпиб йигларди.

Бойқуш ундан сўради: «Сен йиғлаяпсанми? Нима  
учун? Катта қуш сенинг кўзингни чўқигани учунми?»

Ва кичик қушча унга «Йўқ, мен катта қуш кўзим-  
ни чўқигани учун эмас. Мен унга шундай қилишига  
имкон берганим учун йигладим» деб жавоб берди.

Вазиятлар ҳаётимизни йўлга қўйишига, атро-  
фдагиларга биз учун қарор қабул қилишга, биз қа-  
ерга боришимизга, тўлқинлар сув кўтарилиши ва  
пасайишларига рухсат бериш осон.

Масала шундан иборатки, биз билан шундай йўл  
тутишларига - биз ўзимиз йўл қўямиз.

## ТАЪСИР/АТРОФДАГИЛАР

Икки хил таъсир мавжуд: кучли, қувватли ва анча нозик, воситаланган.

Албатта, ҳеч кимга Сизни итариб юборишига йўл қўймайсиз, ҳатто буни сезмасангизда, лекин Сиз қайсиdir ҳаракатга Сизни йўналтиришларига имкон беришингиз мумкин.

Ўз шубҳаларимизни бартараф қилиш учун бизга кўп фикрлар ва овозлар керак. Биз ҳаётнинг ва бизнеснинг барча саволларига битта одамдан ёки бир манбадан жавобни олмаймиз.

Бир нимага муносабат таъсир ва муҳит орқали шаклланади.

Сиз учун аҳамиятли бўлмаган одамларга кўп вақт ажратманг.

Сокин овозларни тингланг, шунда Сиз учун қадрли нарсаларни топишга имкониятлар кўп бўлади.

«Йўқ» сўзи Сиз ва заарли таъсир ўртасидаги ма-софани аниқлайди. Сиз доим ўзингизга шу саволларни беришингиз керак: Мен қандай инсонлар орасида турибман? Улар мен учун нима қилаяпти?

Улар нимани ўқишига мени мажбур қилмоқда? Улар нимани гапиришига мени мажбур қилмоқда? Мени қаерга боришга мажбур қилмоқда? Улар мени нимани ўйлашга мажбур қилмоқда? Ва энг муҳими, улар мени ким бўлишимга мажбур қилади? Шунда ўзингиздан сўранг: Менга бу ёқаяптими?

Оломон, тўдага қўшилманг: Сиз ҳеч қачон ўсмай-сиз.

Кутилган натижалар ва талаблар юқори бўлган жойга боринг.

Баъзи одамлар билан мулоқотга сиз бир неча дақиқа сарфлашингиз мумкин, лекин соатлар эмас.

Бирор бир қимматли фикр берадиганлар билан мuloқot қилинг. Улар Сизнинг ҳаётингизга ўзлари кетганидан кейин ҳам узоқ вақт таъсир ўтказади.

Ҳаёт – бу йиғиш, тўплаш жараёни. Биз қарзларни ва қимматбаҳо нарсаларни тўплаймиз. Тавба қилиш ёки адолат. Дин бизга инсон ҳаётининг икки тарафига тегишли кўпгина ҳикояларни таклиф қиласди. Ушбу ҳикояларнинг биринчи қисми ижобий мисоллар сифатида ишлатилади: - Бу одамлар сингари ҳаракат қилинг.

Бошқа ҳикоялар огоҳлантириш сифатида ишлатилади - Бу одамлар қилгандек сингари йўл тутманг.

Демак, қачондир китобга тушса, Сизнинг тарихингиздан огоҳлантириш эмас, балки намуна сифатида фойдаланишсин.

Агар бир мижозга яхши ғамхўрлик қилинса, 10 минг долларга teng reklamadan кўра қимматроқ бўлиши мумкин.

Сиз нима билан шуғуллансангиз ва ким билан иш бажарсангиз ҳам, бу кишига максимал эътиборингизни қаратинг, ҳар бир ишни юракдан бажаринг.

### ЎЗ АТРОФИНГИЗДА ГИЛАРНИ БАҲОЛАНГ 2-ҚИСМ

Бозорга ўз талабингизни олиб келманг, балки кўникма, ҳунарингизни олиб келинг.

Агар ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, шифокорга мурожаат қилинг, бозорга эмас.

Агар пулга муҳтоҷ бўлсангиз, банкка боринг, бозорга эмас.

Одамлар бизни нимагадир ундашини, ҳаётимиздаги таъсирнинг кучини таҳлил қилиб чиқдик, лекин биз ўзимиздан «Мен қандай қилиб бу ерга келиб қолдим?» деб сўрамадик.

Биз ўзимизга 3 мухим савол бердик:

«Мен қандай инсонлар орасидаман? Сизга би-  
рон таъсир ўтказа оладиган ҳар бир инсонни баҳо-  
лашингиз керак.

«Менинг атрофимдагилар менга қандай қилиб  
таъсир кўрсатади?» Бу асосий савол. Бу одамлар  
мени нимани бажаришга, эшишишга, ўқишга, ўй-  
лашга ва ҳис қилишга мажбур қилмоқда?

Бошқа одамлар сизга қандай - салбийми ёки ижо-  
бий, таъсир кўрсатишини жиддий ўрганиб чиқи-  
шингиз керак.

«Сизга бу ёқадими?» Балки мулоқот қиласидан  
барча одамларингиз Сизга ижобий таъсир кўрса-  
тар, Сизга қуват бахш этар? Балки, бир тўдада бир  
нечта ёмон олма бордир.

Атрофингизга танқидий қарашни таклиф қиласман.  
Бу масалалар уларни икки маротаба кўриб чиқиш-  
га арзийди, айниқса, уларнинг таъсир қилиш кучи  
ҳақида гап кетганида. Ёмон ҳам, яхши ҳам бизни  
қаергадир олиб келади, фақат яхшилик керак бўл-  
ган жойга олиб боради.

Энди биз, бизни орқага етакловчи атроф-муҳит  
ва муносабатларга қаршилик кўрсатишининг учта  
усулини муҳокама қилишимиз керак.

### Мулоқотни тўхтатиш.

Ушбу одамлар билан мулоқот қиласманг. Бу осон  
қарор эмас, эҳтимол сиз учун қийин бўлар, лекин  
баъзи ҳолларда бу зарур бўлади (илтимос, менга  
буни қандай бажариш ҳақидаги савол билан хат-  
лар ёзманг, буни фақат Сиз ҳал қилишингиз мум-  
кин). Сиз бу мураккаб танловни амалга оширишин-  
гиз керак ва унинг сизга салбий таъсир қилишига  
йўл кўймаслигингиз лозим. Мазкур танловингиз  
ҳаётингиз сифатига жиддий таъсир кўрсатиши  
мумкин.

### Чекланган мулоқот.

Сизга ижобий таъсир күрсатадиган инсонлар билан күпроқ вақт ўтказинг, салбий таъсир қиладиганларга камроқ вақт ажратинг. Бунинг аксини қилиш жуда осон, лекин шу тузоқقا тушмаслигингиз керак. Сизнинг устуворликларингиз ва қадриятларингизни диққат билан белгиланг.

Сизнинг вақтингиз жуда оз. Буни оқилона ишлатишингиз керак.

### Мулоқот доирасини кенгайтиринг.

Эътиборингизни шунда тұхтатишингизни маслаҳат бераман. Күпроқ вақт сарфлашингиз мумкин бўлган бошқа муваффақиятли одамларни топинг.

Уларни қаҳваҳонага таклиф этинг (ҳаражатларнинг барчасини ўзингиз тўланг) ва улар қандай қилиб бунга эришганини ва уларни нима бу қадар муваффақиятли қилганини билиб олинг.

Гап фақат молиявий муваффақиятда эмас, балки бошқа нарса бўлиши: масалан, қандай қилиб баҳтли турмуш қуриш, яхши ота-она бўлиш, соғлиқни мустаҳкамлаш ёки маънавий ҳаётини бойитиш мумкинлигини билиб олинг.

Бундай учрашувлар - ўзининг мулоқот доирасини кенгайтиришдек жуда аниқ мақсадга эга.

Қачонки сиз буни қилсангиз, сизни орқага торадиган таъсирларни табиий равишда чеклайсиз.

### Синаб кўринг – ўзингиз кўрасиз.

## ҚАЙГУДОШ БЎЛИШ/ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ

Ҳаёт қийинчиликларига кўп эътибор берманг, лекин бошқа одамларнинг ҳолатига кўпроқ эътибор беринг.

Сизни уларнинг фожиалари ва ғалабалари, муваффақиятсизликлари ва муваффақиятлари қизиқтириши керак.

12 ёшдан 40 ёшгача бўлган турли кишиларни ту-  
шунишга қандай ўрганиш мумкин? Ўз хотирангизни  
зўриқтиринг ва бу ёшда қандай бўлганингизни эсланг.

Сизнинг бирор кишига берадиган энг катта совған-  
гиз – бу унга эътиборингиздир.

Сиз кимгадир қанчалик кўп ғамхўрлик қилсан-  
гиз, ўзингиз шунчалик кучлироқ бўласиз.

Қайғудош бўлинг! Қассобнинг пичоғи билан бо-  
шқа бироннинг қалбидаги операция қилманг.

## **КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР**

### **Савол.**

Жим кўпинча устози билан учрашганидан сўнг,  
ўзининг даромадини оширгани тўғрисида айтиб бе-  
рарди. Биз Жимга биринчи миллионлар келтирган  
қайси бизнес билан шуғулланганини билиш жуда  
қизиқ. Биз бу савдо эканини англадик, лекин биз  
тафсилотларни эшлишини хоҳлар эдик.

### **Жавоб.**

Жим Жаноб Шоаффни 25 ёшлигига учратган.  
Уша пайт у маркетингда ишларди.

У маркетинг – агар у яхши фирмада, яхши товар  
ва бошқарув билан бирга бўлсагина, бу капитализ-  
мнинг асоси, деб ҳисобларди.

### **Савол.**

Илтимос Жим қандай қилиб муваффақият қо-  
зонгани ҳақида бизга айтиб беринг.

Жаноб Шоафф билан у қайси компанияда ишла-  
ган ва удан кейин қандай фирмаларга эга бўлган ёки  
бошқарган? Ҳозирда у фақат ўқитиш билан машгул-  
ми ёки турли фирмаларни бошқаришни давом эт-  
тирмоқдами?

## Жавоб.

У биринчи маркетинг ютуғига эришганидан сұнг, Жим тадбиркор бўлди. У ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланадиган корхоналарнинг таъсисчи-си ёки шериги ҳисобланади. Шунингдек, у ўқитиш фаолияти билан машғул.

Фақат шу йилнинг ўзида унда 25 мамлакатдан 140 та таклиф мавжуд.

Ҳаракатни ютуқлар билан аралаштирманг. Машғул бўла туриб, натижани олмасдан хато қилиш жуда осон.

Ўзингизга савол беринг: «Мен нима билан машғулман?»

Бу ҳақиқатни англатмайдиган самимиятга ўхшайди.

Ахир янгишиш осон, агар инсон самимият билан гапирса, у ҳақиқатни гапиради. Бу тўғри эмас.

Инсон жуда самимий бўлиб, хато ўйлаши мумкин. Самимийликнинг ўлчови самимийликдир, лекин ҳақиқатнинг ўлчови - фақат ҳақиқат.

Худди шундай ҳолат натижада ҳам мавжуд. Сиз жуда банд бўлишингиз, лекин натижаларга эриш маслигингиз мумкин.

Дараҳтни болға билан йиқитишиңгиз мумкин, аммо бунга тахминан 30 кун кетади.

Агар болғани болта билан алмаштирангиз, уни тахминан 30 дақиқада кесишиңгиз мумкин.

30 кун ва 30 дақиқа орасидаги бу фарқ, шу ишни бажара билишингиз ва Сизнинг кўникмаларингизга боғлиқ.

## САРМОЯДАН ҲАМ МУХИМРОҚ 9 НАРСА

Бирор мақсадга эришишни истасангиз, ўзингизни шахс сифатида тарбияланг.

Корхона очиш ёки бирор иш бошлишни ўйлар эканмиз, бунинг учун пул керак бўлишини барчамиз яхши тушунамиз. Бироқ ўз ишини бошланғич сармоясиз бошлаган ва ҳавас қилгулик муваффақиятларга эришганлар ҳақида ҳам биламиз, энг камида бундай инсонлар тўгрисида эшитганмиз. Улар бунинг уддасидан қандай чиқицганини сўраяпсизми?..

Комил ишонч билан айтаманки, сармоядан-да мухимроқ ва сизни муваффақият сари элтадиган нарсалар бор. Ижозатингиз билан уларни таништирсан.

### Вақт

Вақт пулдан ҳам қимматлироқдир. Вақтингиз беҳуда кетмаслиги, бозорда даромад олиш учун ишлатётган корхонага сарфланиши лозим. Вақт – бу сизнинг сармоянгиз. У қандай қийматга эга?

Тўғри сарфланган вақт сармоядан ҳам мухимроқ ҳисобланади. Беҳуда ўтказилган вақт забунликка олиб келади, фойдали ўтказилгани эса мўъжизалар яратиши мумкин.

### Иложсизлик

Лидия исмли танишимнинг корхона учун сарфланган илк асосий нарсаси иложсизлик бўлган эди. “Болаларим оч, мен буни уддалашим керак. Агар бу иш юришиб кетмаса, аҳволимиз нима бўлади?” – деди у.

Лидия бир долларга маҳсулот харид қилиб, сўнг уни сотди. У бир долларини хатарли корхонага тикиди, маҳсулотни чакана сотишни, озрок пул йиғишини ва савдога чиқариш учун улгуржи маҳсулот сошиб олишни уддалади.

Дүстим Билл Вэйли Чикагога ўсмирлик пайтида, мактабни тутатганидан кейин кетган. Унинг бириңчи иши тунги фаррошлиқ эди. Нима учун бу ишни танлагани ҳақидаги саволга Билл шундай жавоб берди: “Чунки овқат егим келган эди”.

Агар оч бұлсангиз, ҳар қандай жойда ишлайверасиз, тунги фаррош бұлибми, ё бошқа ишдами, фарқи йўқ.

Йиллар ўтиб, Билл Горацио Алжер мукофоти совриндорига айланди, энди у бой ва қудратли киши, мен танийдиган энг ҳурматли инсонлардан бири. Бирок унинг ilk иши тунги фаррошлиқ эди. Иложизлик кучли турткы бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### Қатъият

Қатъият шундай дейди: “Керак!”

“Нима қилиб бўлса ҳам, харидор топишим керак, – деган эди Лидия аввалига. У иложисиз аҳволда эди. Кейин эса қатъий қарор қилди: – Харидорни кун охиригача топаман”.

Албатта, у харидорни топди. “Бу бир марта иш бердими, демак, яна иш беради”, – деган хулосага келди Лидия.

Эртаси кун харидор йўқ деса, нима қиласиз?

Тўғри, билганингиздан қолманг.

### Жасорат

Жасорат пулдан ҳам қимматроқ. Долларингиз кам-у, жасоратингиз кўп бўлса, шубҳасиз, келажа-гинギз буюkdir. Жасорат ҳар қандай вазиятда ёрдам беради. Бундай мисоллар ҳақида эшиитмаганмисиз? Масалан, жаҳаннамга рўбарў келган ва ундан омон чиққан косоволиклар тўғрисида. Улар айнан жасорати туфайли тирик қолишини уddaлаган.

### Ўзига ишонч

Кунлардан бирида Лидия уч-тўртта нарса сотганидан кейин энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйланиб қолди.

## ЖИМ РОН

Жавоб ўз-ўзидан келди: “Агар 3 та сота олсам, демак, 33 та ҳам сота оламан. Бордию 33 та сота олсам, 103 та ҳам сота оламан”. Айни пайтда Лидияни келажак ҳақидаги орзулас руҳлантирган.

Энди қўлидагилар яхши фирманинг яхши маҳсулоти эканига ишона бошлади. Унда ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлди. Лидия, ёлғиз она, икки фарзанди бор, ишсиз.

**“Ё худо, ҳамма нарсани уddaляяпман!”**

У ўзини ҳурмат қила бошлади. Пулнинг бунга алоқаси йўқ. Миллион долларингиз бўлсаю, ишончингиз бўлмаса, демак, сиз қашшоқсиз. Сиз бой бўлмайсиз. Энди эса Лидия қандай қилиб миллионерга айланганини айтиб бераман.

**Зукколик, топқирлик**

Миянгизни ишлашга мажбурланг. Ҳозиргача миянгизнинг атиги ўндан бири ишлагандир. Колган тўққиз қисмини ишлатсангиз нима бўлади? Нималар бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Одамлар жуда қизиқ нарсаларни ўйлаб топишлари мумкин. Хўш, топқирликнинг нархи қанча? Унинг баҳоси омад, бойлик, баҳтдир. У пулдан-да қимматроқ. Сиздан талаб қилинадиган 1 доллар ва мўл-кўл топқирлик. Уни қандай ишлатиш кераклигини ўйланг.

**Қалб ва рух**

Қалб ва рухнинг ўрнини нима босиши мумкин? Пул эмас, албатта. Қалб ва рухни пулга сотиб олишнинг иложи йўқ. Агар миллион долларингиз бўлса-ю, қалбингиз ва рухингиз бўлмаса, билингки, Сиз яшамаяпсиз. Сиз самарали эмассиз. Қалб ва рух одамларни ҳаракатга туширадиган, қарор қабул қилишга мажбурлайдиган кўринмас мўъжизадир.

## Шахсият

Индивидуаллигингизни тақомиллаштиришингиз ва چархлашингиз лозим. Уни шундай ривожланти-рингки, ҳар куни самара берсін. Сиз билан алоқада бұладиган ҳаммага – ёш болаю бизнесменга ҳам, бою камбағалға ҳам таъсир күрсатсын. Ёдда туғинг: сиз ажайиб ва үхашши йүқсиз.

Үқитувчим Билл Бэйли шундай деган эди: “Ұзингизни ҳамма жойда бемалол хис қилишни үрганишингиз керак, жаңоб Рон: Кентуккидаги кулбада, эски дүстингиз билан пиво сипқораётганды ҳам, сенаторнинг Вашингтондаги кошонасида мәхмөндорчиликда ҳам”.

Хоҳ бой билан, хоҳ камбағал билан бұлсін, мулоқот қилаётганды үзингизни үз уйингидагидек ҳис қилинг. Улардан қай бири бой, қай бири қашшоқлиги сиз учун мутлақо аҳамиятсиз бұлсін. Сизде ҳар ким билан яхши мұносабатда бўлиш имконияти бор.

Шахс бўлиш ҳар қандай вазиятда ҳам үзини бемалол хис қилиш ва яхши кўрина олиш демакдир.

Ва ниҳоят, харизм ва нозик дид ёдингизда турсин. Тавозе билан ҳамоҳанг харизм.

Бу хислатларингиз пулдан-да қийматлироқдир. Кармонингизда бир доллар ва қалбингизда бундай фазилатлар билан бутун дунё сизни кидир. Ҳаётда нимага эришишни исташингиздан қатъий назар, у сизга тегишли бўлади.

Сизга айтганларим пулдан ҳам қимматлироқ хисобланувчи сармоядир. Улар сизни келажак ва муваффакият билан таъминлайди. Унутманг: сизга етмаётган нарса пул эмас.

## МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Ҳар қандай масалани ҳал қилиш учун ўзингизга учта саволни беришингиз керак. Биринчиси: нима қилишим керак? Иккинчиси: бу борада нималарни ўқиб чиқишим мумкин? Учинчиси: бу ҳақда кимдан сўрашим мумкин?

Муаммоларнинг ечими одатда икки-уч қисмдан иборат бўлади. Агар кимгадир ёрдам беришни истасангиз, аксар одамлар ҳар қандай муаммонинг бир ҳаракат билан ҳал бўлишига ишонишини унутмаслигингиз керак.

Бир пайтлар Нейл Армстронг шундай деган эди: “Ойга йўл олаётib икки нарсани ҳал қилишингиз керак: у ерга қандай етиб бориш ва у ердан қандай қайтиб келиш. Ҳар икки муаммога ечим топмагунингча қайта олмайсиз”.

Шундай экан, нима қилишни охиригача билмагунингизча ҳаракатни бошламанг. Янги муаммо ҳалнинг энг яхши йўли – уни қофозда ечишдир.

## МУВАФАҚИЯТЛИ ЖАМОАНИ ШАКЛАНТИРИШ

Таҳсил – бу бойликнинг ибтидоси.

Таҳсил – бу саломатликнинг ибтидоси.

Таҳсил – бу маънавий ҳаётнинг ибтидоси.

Аҳамиятли нарсаларнинг бари англаш ва таҳсилдан бошланади.

Етакчи сифатида олдингизга мақсад қўйганингизда – янги корхона ташкил этишми, ташкилотингиз фаолиятини яхшилашми, ибодатхона қуриш ёки спортда ютуқقا эришишми – вазифангиз бу мақсад-га эришишга ёрдам берадиган одамларни топиш.

Муваффакиятли жамоани тузиш – бу зарурат ҳи-  
собланади.

Сизга ушбу машаққатли ишни амалга ошириш –  
керакли одамларни қидиришга ёрдам бериш учун  
4 пунктдан иборат мулоҳазалар билан үртоқлаш-  
моқчиман.

1. Номзоднинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқинг.  
Унинг меҳнат фаолияти ва малакаси ҳақидаги маъ-  
лумотларни қидиринг. Бу энг ошкора қадамдир.

2. Номзоднинг қизиқиши даражасини текшириб  
кўринг. Агар у қизиқаётган бўлса, демак истиқбо-  
ли бор. Гоҳида одамлар сизни алдаши мумкин, ле-  
кин тажрибали бўлсангиз, буни илғамай қолмай-  
сиз. У билан юзма-юз гаплашинг ва самимиятини  
баҳолашга уриниб кўринг. Ўйлайманки, қаршин-  
гиздаги одам сизга кераклими ёки йўқми, буни ан-  
глай оласиз.

3. Кишининг реакцияларини кузатинг. Реакция  
инсоннинг ҳалоллиги, феъл-атвори ва кўниқмалари  
ҳақида маълумот беради. Мана бундай жавоблар-  
га қулоқ солинг: “Ишга бунчалик эрта келишим-  
ни истайсизми?”, “Ишдан бунчалик кеч кетишим-  
ни истайсизми?”, “Танаффус атиги 10 дақиқами?”,  
“Ойига икки-марта кечқурун ва шанба кунлари ҳам  
ишлашим керакми?”

Бундай жавобларни эътиборсиз қолдирмаслигин-  
гиз керак. Номзоднинг жавоблари унинг феъл-атво-  
ри ва ишга нисбатан муносабатини кўрсатади. Биз-  
нинг бирор нимага муносабатимиз ичимиздаги  
“мен”нинг аксиdir. Мабодо кимнидир вақтинча-  
лик алдасак-да, пайти келиб ҳақиқий “мен” ўзини  
кўрсатади.

4. Натижаларни текширинг. Ўйинда энг асосийси  
– бу натижалар. Кишининг чинакам муваффакият-  
ларини яна қандай баҳолашимиз мумкин?

Текширишингиз керак бўлган икки хил натижалар мавжуд. Биринчиси – фаолият натижаси. Бу кишининг шахсий самарадорлигини кўрсатади. Баъзан биз буни дарҳол кўра олмаймиз, аммо кишининг қанчалар фаол эканини баҳолаш анчайин осон.

Фараз қиласи, ташкилотингиз савдо билан шуғулланади ва Сиз янги сотувчидан ҳафта мобайнида ўнта қўнғироқни амалга оширишни сўрадингиз. Жума куни шундай деб сўрашингиз керак: “Жон, қўнғироқларнинг нечтаси амалга ошди?”

Агар у топшириқни нима учун бажармаганини тушунтириш учун аллақандай ҳикояларни сўзлай бошласа, жавобингиз шундай бўлсин: “Жон, менга бирдан ўнгача бўлган рақам керак, сенинг тушунишларинг эмас”.

Уни яна бир ҳафта синаб кўришингиз мумкин, бироқ бу ҳафта ҳам аввалгисидай муваффақиятсиз кечса, холоса шуки, Жон жамоангиз аъзосига айлана олмайди.

Бошқаришингиз керак бўлган иккинчи жиҳат – унумдорлик.

Жамоанинг яхши ишлаётганини кўрсатувчи асосий кўрсаткич – бу оқилона фойдаланилган вақт мобайнида эришилган муайян юксалишdir.

Агар жамоангиз яхши натижалар беришини истасангиз, етакчилик қобилияtingизни тўлиқ кўрсатишингизга тўғри келади: жамoa билан ва унинг олдида бўлинг. Бу Сизни келажакдаги ёқимсиз сюрпризлардан асрайди.

Бу маслаҳатларга амал қилсангиз, асосий ролни, турган гапки, инстинктларингиз ўйнайди. Иш жараёнида улар такомиллашади. Яхши жамоани тузиш Сизнинг етакчи сифатидаги асосий вазифангиз эканини унутманг. Вакти келади ва Сиз ҳамфикр-

лардан иборат кучли жамоа меҳнатининг меваля-  
рини кўра бошлайсиз.

## НАТИЖАЛАР

Кун охирида тасмани тескари айлантириб, бугун нималар қилганингизни ўйлаб кўринг. Натижаларни олқишилаш мумкинми ёки улар сизни хижолатга қўйяптими?

Чинакам расолик ҳосил пайтида бўй кўрсатади. Агар ҳосил кам бўлса, тушкунликка тушманг. Кутилмаган даражада кўп бўлса, димоғингиз кўтарилиласин.

Ҳаёт биздан муайян вақтда муайян юксалишга эришишни талаб қиласди. Мана нима сабабдан тўрт яшар боланинг ўринидиги бунчалар кичик: йигирма беш ёшлилар унга қайта сифмаслиги учун.

Баъзи нарсалар устида чуқурлашишнинг кераги йўқ. Уларнинг борлигини ва ишлаётганини билиш кифоя. Баъзи одамлар томирни ўрганаётган пайт бошқалар мева тераётган бўлади. Қайси одамлар орасида бўлишни ўзингиз ҳал қиласиз.

## КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Савол.

Салом, Жим. Мени анчадан бери ташвишлантираётган савол бор. Бир талай муваффакиятли одамларни учратаман ва улар муваффакият принципи бўйича яшамаётгандек туюлади. Буни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

### Жавоб.

Бу яхши савол ва унинг жавоби кўп. Мана улардан баъзилари. Мен ишонаманки, энг муваффакиятли одамлар (энг ошкораси бўлгани учун моли-  
јавий муваффакиятни назарда тутамиз) тинмай

мөхнат қилиш, яхши мuloқот малакаси, кучли ишонч ва муваффақиятни ҳис қилиш, юқори дарражадаги маҳорат-кўнікмалар ва ҳоказо хислатлар шарофати билан ютуқларга эришишган. Бироқ баъзан кучсизликларимизнинг ўрнини тўлдиришимиз мумкин. Тинмай мөхнат қилиш, тиришқоқ бўлиш, бироқ одамлар билан мuloқот қила олмаслик мумкин. Одам бошқалар билан мuloқот қила олгани учун эмас, ишлашни қойиллатгани учун ютуқقا эришган. Агар у мuloқот маҳоратини яхшиласа, янада кўпроқ натижани қўлга киритади. Ҳалол бўлмай туриб муваффақиятга эришганларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ишончим комилки, улар муваффақиятининг сабаби фирромлиги эмас, феъл-авторининг бошқа жиҳатларидир. Ҳалол бўлганларида, ютуқлари ҳам кўп бўларди. Ёдда тутинг: муваффақият ва омадсизлик – булар жамғаришнинг натижалари.

Фараз қилайлик, оғирлигингиз меъёрдан 80 фунт ортиқча ва саломатлигингизни яхшилашга киришдингиз. Энг яқин дўстингизнинг эса ортиқча вазни йўқ ва у машғулотларни тўхтатиб қўйди.

Ташқи кўрсаткичлар бўйича у сиздан илғорроқ.

Бироқ гап шундаки, гоҳида одамлар муваффақият сари элтадиган яхши одатлар ҳақида унугиб қўйишади. Бу адашиш бирданига кўринмайди, аммо албатта ўзини намоён этади.

Яна бир мисол. Умр бўйи пул йиғдингиз дейлик. Бирданига пулларни сарфлай бошладингиз. Нима бўлганда ҳам, Сиз эндигина пул йиғишини бошлаган одамдан олдиндасиз. Бироқ тўхтаб қолганингиз албатта ўзини сездиради.

Шундай экан, ишончим комилки, муваффақиятли одамлар ўз ҳаракатларига дикқат билан баҳо берилари зарур. Нима учунми? Чунки юзада тойиш

бошланған оулса-да, ҳамма нарса жойида деб үйлаш ҳам мумкин. Алал-оқибат интизомдаги камчилик банк хисобингизни үпиради ва Сизни муваффақият пиллапоялари бўйлаб ҳаракатланишдан тўхтатиб қолади.

Умид қиласманки, бу мулоҳазаларим Сизга ёрдам беради.

Таълим яшашингизга ёрдам беради, мустақил билим орттириш Сизни бой ва баҳтли қиласди.

Билганларимизни ҳаётда қўллаш ва истаганларимизга эришиш учун ўқишимиз керак.

Қизиқишлиарингизни икки асосий обьект атрофига жамланг: ҳаёт ва сизни ўраб турган одамлар. Фақатгина улардан Сизни нима қизиқтиришини билиб оласиз.

## ЎЗГАРИШЛАР ТАНЛОВДАН БОШЛАНАДИ

Биз ўзимиз истаган кунда ўзимизни ҳамма нарсани ўзгартиришга мажбурлай оламиз. Исталган кунда бизни янги билимлар сари етаклайдиган китобни варақлашимиз ва нимадир янги нарсани амалга оширишимиз мумкин. Биз ўзимиз истаган кунда янги ҳаётга қадам қўйишимиз мумкин. Биз буни ҳозирнинг ўзида ёки келгуси ҳафта ёхуд кейинги ой ёки бир йил кейин қилишимиз мумкин.

Биз ҳеч нарса қилмаслигимиз ҳам мумкин. Ўзимизни ҳеч нарса бўлмаётгандек тутишимиз мумкин.

Агар ўзгаришлар ҳақидаги фикр бизни ноқулайликка солаётган бўлса, турган жойимизда қолаверишимиз мумкин.

Биз меҳнатнинг ўрнига дам олишни, ўқишнинг ўрнига кўнгилхушликни, ҳақиқатнинг ўрнига ха-

тони, ишонишнинг ўрнига шубҳани танлашимиз мумкин. Танлаш ўзимизнинг қўлимиизда. Бироқ айни пайтда натижаларни сўкаётганимизда сабаблардан кўз юмишни давом эттираётган бўламиз.

Шекспир шундай деган эди: “Юлдузлар адашмайди, адашадиган бизлармиз”. Биз ўтмишдаги танловимиз билан ҳозирги ҳаётимизни яратдик. Бугундан эътиборан энг яхши танловни амалга ошириш учун имконият ва масъулиятга эгасиз. Янги ҳаётни бошлишни истаган одам саволларига кўпроқ жавоб излаб ўтирумайди ёки қарори ҳақида бош қотириб вақт кетказмайди. Унга фақатгина ҳақиқат керак, бошқа ҳеч нарса эмас.

Хатога йўл қўйиш учун ўзимизга имкон бермаслигимиз, нотўғри йўлга олиб борадиган хатоларни ҳар куни такрорламаслигимиз керак. Биз ҳаётимизга таъсир кўрсатадиган тамалларга қайтишимиз зарур. Сўнг ҳаётимизга баҳт ва шодлик олиб келадиган танловни амалга оширишимиз керак.

Эҳтимол, ҳаётини ўзгартиришни истаган одамга маслаҳат бериш учун ўта журъатлидирман. Агар сизга нимадир ёқмаётган бўлса, уни ўзгартиринг! Ахир, сиз дараҳт эмассиз! Ҳаётингизнинг ҳар қандай қисмини ўзгартириш учун тўлиқ имкониятга эгасиз. Буларнинг бари танлаш истагингиздан бошланади.

## КЕЧИРИНГ, ИШОНИНГ, ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Уммонга чой қошиғи билан кетмаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Жилла курса, болалар устингиздан кулмаслиги учун челяк олинг.

Кўпроққа эришиш учун айни пайт қўлингизда борлари учун шукр қилишдан-да зўрроқ имконият йўқ. Шукроналик янги имкониятлар эшигини очади.

Ўзингизга шундай денг: “Бу тоғни забт этаман. Айтишларича, у жуда баланд, жуда тик, жуда той-ғоқ ва унга тирманиш жуда мушкул. Лекин у – менинг тоғим. Мен унинг чўққисига чиқаман. Тез орада шу тоғнинг чўққисида кўл силтаётганимни ёки этагида жонсиз ётганимни кўрасизлар”.

Жирканиш ва қатъийлик – ўзгаришлар сари уринишга таъсир кўрсатувчи икки кучли ҳисдир.

### МЕН ИШОНАМАН

Мен ишонаманки, ҳар бир инсон аввалроқ ишга солинмаган, битмас-туганмас салоҳиятга эга.

Мен ишонаманки, ҳар бир инсонда у аввалроқ ишлатганидан ҳам кўпроқ ақл бор.

Мен ишонаманки, ҳар бир инсонда у тасаввур қилганидан ҳам кўпроқ ижодкорлик бор.

Мен ишонаманки, ҳаётингиздаги энг катта муваффақиятлар ҳали олдинда.

Мен ишонаманки, ҳаётингизнинг энг баҳтли лаҳзалари ҳали олдинда.

Мен ишонаманки, Сиз эришадиган энг катта ютуқ ҳали сизни кутиб турибди.

Ва мен ишонаманки, ўрганиш ва билганларингизни ҳаётга татбиқ этиш орқали ҳар қандай муаммони еча оласиз, ҳар қандай тўсиқни енга оласиз, олдингизга қўйган ҳар қандай мақсадга эриша оласиз.

Брайан Трейси

### ҲУКУМАТ/ДЕБАТЛАР

Мустақиллик ҳақидаги декларация дунёдаги энг либерал ҳужжатлардан биридир. Дунёдаги энг консерватив ҳужжатлардан бири эса – АҚШ Конституцияси. Мамлакатни барпо этиш учун бизга бу ҳуж-

жатларнинг ҳар иккиси керак. Бошлаш учун либерал хужжат зарур. Бу тузилмани сақлаб қолиш учун эса консерватив ҳужжат.

Қадимий қўлёзмада шундай дейилади: “Ўз руҳини бошқара олмайдиган одамнинг шаҳарни бошқаришига имкон берасизларми?” Баъзан биз бунга йўл қўямиз.

Солиқлар – озодлик, демократия ва тадбиркорлик нинг олтин тухумларини тугадиган ғознинг озиғидир. Кимдир айтар: “Лекин ғоз жуда кўп ейди”. Бўлиши мумкин.

Умуман ғозсиз ўтиргандан кўра, семиз ғозли бўлган маъқул!

Сиз бирор марта ҳукумат томонидан тайёрланган уй печенъеларидан татиб кўрганмисиз? Бозорни гуллаб-яшнатадиган ҳақиқий истеъдоднинг эгаси ҳукумат эмас, халқdir.

Сиз ҳаётингизни ҳукуматнинг нималар қилаёттагина ёки солиқ сифатида тўлаган пулларингиз нималарга сарфланаётганига қараб қура олмайсиз. Сиз ҳалол овоз беришингиз ва шундан кейин йўналишингизни тузатишингиз зарур. Ҳаётингиз яхшилаши учун овоз беринг. Кучлини кучсизлантириш ҳисобидан кучсиз жиҳатни кучайтиришга уриниш хавфлидир. Сиз ҳақингизда жуда қаттиқ қайғураётганлардан эҳтиёт бўлинг. Токи валинеъматингиз сизни зиндонбанд этувчига айланмасин.

Баҳсларда яхши ғоялар туғилади. Шунинг учун Конгресс икки етакчи партиядан иборат. Айтайлик, кимдир келиб шундай деди: “Менда мамлакат учун муҳим бўлган ажойиб бир фикр бор”. Унга шу тахлит жавоб қайтарамиз: “Зўр! Уни буёққа узатинг, муҳокама қиласиз”.

Шундай қилиб, муҳокамани бошлаймиз, фикрни билдирганга саволлар берамиз. Учинчи савол-

дан кейин у шундай дейди: “Фикримни қайтариб оламан. Бу саволларни хисобга олмаган эдим”.

Янги ғояларни муҳокама қилиш учун вақтни аяманг. Уларни бир қоғозга ёзиб қўйинг, кейин муҳокама қилинг.

Ҳар икки томонни кўриб чиқишига тайёр туриング. Қарши томон фикрини яхши тушуниш ўз фикрини кучайтиришнинг энг яхши усулидир.

Болаларни ҳаётдаги муҳим масалалар бўйича муҳокама ўтказишга ўргатиш керак. Муҳокамалар улардаги қатъиятни мустаҳкамлайди ва йўлларидан учрайдиган ёт ғоялардан ҳимоя қилади.

## ҲАЁТ МАВСУМЛАРИ - 1

Интизом – бу мақсад ва ютуқ ўртасидаги кўприkdir.

Ҳаёт эса ўзгаришларнинг деярли доимий, олдиндан айтиб бўладиган занжиридир. Одамлар бу дунёда пайдо бўлганидан бери 6000 йил ўтди. Улар ота-онасининг панд-насиҳатига, мактабдаги устозларининг ўғитларига амал қилган ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда яшайди, қўпчилиги ўз олдига катта мақсадларни кўяди, чўққиларга интилади. Ҳаёт чархпалаги айланаверади, инсоний ҳислар пайдо бўлади, ғойиб бўлади ва яна пайдо бўлади.

Барчамизни кутаётган энг асосий синовлардан бири шуки, ёш ўтиши билан янги ҳаёт паллаларига одим отишимизга тўғри келади. Ўзгараётган вазиятлар қархисида ички ўзлигимизни сақлаб қолиш ва уни янада яхшилашга интилишимиз мутлақо зарур.

Шунинг учун ўз позициямизнинг кучига ва қийматига ишонаман. Мутолаа қилганимда, фикр юритганимда, одамлар ҳақида, уларнинг хатти-ҳаракат-

лар ва тақдирлари ҳақида ўйлаганимда, бу ёруғ дүнёда яшар эканмиз, бизнинг асосий бурчимиз ўсиш, муваффақиятларга эришиш, гуллаб-яшнаш ва баҳтили бўлиш эканига бўлган ишончим тобора ортади.

Мутолаа килиш ёки қилмаслик, бирор нарсанни амалга оширишга уриниш ёки таслим бўлиш, омадсизликлар учун ўзимизни ёки бошқаларни айблаш ўзимизга боғлик. Ҳақиқатни айтиш ёки ёлғон гапириш, ҳаракат қилиш ёки тўхташ, илдамлаш ёки ортга чекиниш – буларнинг барини бизнинг муносабатларимиз белгилайди, айнан муносабатларимиз билан муваффақиятга эришиш ёки омадсизликка юз тутишни ҳал қиласиз.

Қизиги шуки, бу муаззам ва мураккаб Коинотни, инсониятни яратган Тангри таоло одамларга муваффақият ёки танazzулнинг бирини танлаш ихтиёрини инъом этган.

Ҳар нарсага қодир Зот биз Ер деб атайдиган нозик мувозанатдаги муҳитни барпо этди ва унга инсон номли ақлли мавжудотларни юборди. Инсонлар Ерни ё гуллаб-яшнатади, ёки вайронага айлантиради. Ҳаммасидан қизиги, Парвардигор ҳар икки лойиҳани – Ер ва инсонни тугалламай қолдирган! У дарёлар узра кўприклар курмади, расмларни чизмади, қўшиқларни куйламади, китобларни ёзмади. Ва ниҳоят, Тангри тугал бўлмаган инсонни яратди, бу мавжудот ўзининг қалби ва онги билан, танловларига таянган ҳолда Худо охирига етказмаган ишларни битира олади.

Муносабат танловни белгилайди, танлов эса Бизнинг қандай бўлишимизни. Нафас олар экансиз, Ердаги ишларни тамомлаш имкониятига эгасиз. Ҳар қандай ёшда ва ҳаётнинг ҳар қандай палласида ҳамма нарсанни Сизнинг позициянгиз белгилайди!

## ФОЯЛАР

Агар топишни истасангиз, қидиришингиз керак. Яхши фоя Сизга құл келади. У ҳаётни үзгартыриши мүмкін. Баъзан Сизга керакли бұладиган бор-йүқ нарса фақатгина яхши фоядир.

Фоялар – бу шаклға солинадиган маълумотлар хисобланади.

Йўлимизда янги фоялар учраганида уларни хаёлий тарозимизда тортишимиз, ана шундан кейин у бирор қийматта эгалиги ёки эга эмаслигига қарор қилишимиз керак. Сирлардан бири – бу кўтаринки рух билан қоришган фоялардир.

Келажагингиз учун яхши фоялар ва маълумотларни тўплашдан-да фойдалироқ нарса йўқ. Бу уйга вазифани бажариш деб аталади.

Агар фарзандларингиз билан гаплашсангиз, уларга ҳар доим бирга бўлишга ёрдам берган бўласиз.

Агар улар билан моҳирона сухбатлашсангиз, орзуларига эришишларига ёрдам берган бўласиз.

Битта нарсанинг ўзи Сизни үзингизга итоат эттириши ва хизмат қилдириши мүмкін. Бугунги куннингизни үзингиз бошқаришингиз мүмкін ёки у Сизни бошқаради; ишларни ё Сиз бошқарасиз, ёки ишлар Сизни бошқаради.

Якка үзингиз мувваффақиятга эриша олмайсиз. Бадавлат тарки дунёчини топиш амри маҳол.

Ютуқни құлға киритиш учун батамом үзгаришингиз шарт эмас. Бир нечта янги одатлар ҳаётингизга шундай таъсир үтказадики, ҳаётингиз келгуси 90 кун ичида қандай үзгаргани Сизни таажжубга согганини кўрасиз.

## ҲАЁТ МАВСУМЛАРИ – 2

Муваффақиятнинг ортидан югуришингиз эмас, уни ўзингизга тортишингиз зарур.

Мен ҳаммамиз риоя қилишимиз керак бўлган кенг қамровли принциплар ҳақида айтган эдим. Ҳаёт – бу ўзгаришларнинг доимий, олдиндан айтиб бўладиган занжирлариридир. Келажак сари одимлар эканмиз, барчамиз учун ягона омил ҳисларимиз ва ҳаётга нисбатан муносабатимиздир. Иккинчидан, биз инсон сифатида ўз позициямизга эгамиз ва у танловимизни белгилайди, танлов эса натижаларни белгилайди. Бизнинг қандай ва ким бўлишимиз ўзимизга боғлик, бу эса позициямиз ва танловимиз орқали амалга ошади.

Келинг, энди тўрт мавсум ҳақида суҳбатлашамиз. Аввалига бир нечта изоҳ бераман.

Биринчидан, ҳаёт ва бизнес йилнинг ўзгараётган мавсумларига ўхшайди. Ҳаётимиз мавсум сингари мунтазам ўзгараверади.

Иккинчидан, Сиз мавсумни ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартириш қўлингиздан келади.

Энди ушбу муҳим икки жумлани ёдда сақлаган ҳолда, келинг, қишига қиёсласа бўладиган даврни ўрганамиз. Қиши ҳар доим куздан кейин келади. Баъзан узун, баъзан кисқа, гоҳида қийин, гоҳида осон кечади. Лекин ҳар доим куздан кейин келади. Ҳар доим шундай.

Қишлиарнинг бир қанча турлари бор: айрим қишлиарда ҳаммаси қанчалар расво кечаётганини тушуна олмайсиз. Иқтисодий қишлиар, ижтимоий қишлиар, шахсий қишлиар бор. Қиши мавсуми ҳаммамизнинг ҳафсаламизни пир қилиши мумкин. Сиз қишини бошқаришни ўрганишингиз керак. Сиз мاشақатларни енгишини ўрганишингиз зарур – улар

хар доим нурли йүллардан кейин келади. Сиз ҳар доим ўсишлардан кейин келадиган пасайишларни енгишни билишингиз даркор. Бошқа йүл йўқ.

Масала шуки, қишини нима қилиш керак?

Шунчаки тақвимдан ўчириб ташлаш билан январдан қутулиб бўпсиз. Бироқ Сиз уddeлай оладиган ишлар бор: кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ бўла оласиз. Кишини ўзгартириб бўлмайди, Сиз эса ўзгара оласиз.

Буни тушуниб етмасимдан олдин нуқул қишига тида ёзни кўнглим тусаб қоларди. Машаққатларга дуч келганида улар шунчаки ғойиб бўлиб қолишини истар эдим. Нима яхшироқ эканини билмасдим. Шунда жаноб Шоафф менга файласуфона маслаҳат берди: “Сиз учун енгилроқ бўлишини истасангиз, ўзингизни яхшилашга урининг. Муаммолар камроқ бўлишини эмас, тажриба қўпроқ бўлишини хоҳланг. Синовлар камроқ бўлишини эмас, оқиллик кўпроқ бўлишини тиланг”.

### БОШҚАРУВ

Қанча пул ишлаб топишингиз керак? Қанча ишлаб топа олсангиз, шунча. Агар қўлингиздан келганини қилаётган бўлсангиз, бир йилда 10 минг доллар топяпсизми ёки 100 минг долларми, бунинг аҳамияти йўқ.

Бир киши шундай дейди: “Агар бойлигим бўлганида, уни қандай ишлатишни билган бўлардим. Лекин фақатгина ойлик оламан ва унинг қаерга кетаётганидан хабарим йўқ”. Бундай одам фирманини бошқаришини истайсизми?..

Агар кўпчиликни бошқаришни истасангиз, буни одамлар сони атиги бир нечта бўлган пайтда ўрганинг.

Бир неча нафар ишчингиз, бир нечта агентингиз ва озрок одамларингиз бўлса, бу улар билан до-

имий алоқада бўлиш ва ишга буткул шўнғиши учун куладайдир.

Сиз бор бўлган жойингизда ва қўлингиздаги нарсалар билан бошланг.

Муваффакият – 20 фоиз маҳорат ва 80 фоиз стратегия дегани.

Сиз ўқишни биларсиз, лекин янада муҳимроғи айнан нимани ўқишга чоғланяпсиз?

Омадсизлик – бу онда-сонда учрайдиган тасодифий ҳодиса эмас. Муваффакиятсизлик – ҳар куни тақрорланадиган бир нечта хатодир.

Агар ниманидир сидқидилдан истаётган экансиз, уни қўлга киритишнинг йўлини албатта топасиз.

### ҲАЁТ МАВСУМЛАРИ – 3

Биринчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт бу – ўзгаришларнинг деярли доимий, олдиндан билса бўладиган занжири.

б) Барчамиз учун ягона доимий омил – бу бизнинг ҳисларимиз ва ҳаётга нисбатан муносабатимиз.

в) Инсон сифатида барча нарсага нисбатан ўз позициямизга эгамиз, бу бизнинг танловимизни белгилайди, танлов эса натижаларни белгилайди.

Иккинчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт ва бизнес – бу йил мавсумларида гап.

б) Сиз йил мавсумларини ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартиришингиз мумкин.

в) Ҳаётда ўтиш керак бўлган асосий синов – қишиндан қандай ўтиш.

г) Қиши палласида кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ бўласиз. Қиши ўзгартириб бўлмайди, лекин ўзингизни ўзгартира оласиз.

Энди баҳор ҳақида сухбатлашамиз. Баҳтимизга, қиши изғиринларидан кейин фаолликлар ва янги им-

кониятлар палласи – баҳор келади. Энди унумдор далага билим ва қатъий саъй-ҳаракатлар уруғлари-ни қадаш пайти бошланди.

Бироқ баҳорнинг келиши кузда ҳамма нарса яхши бўлишини англатмайди. Баҳорда ҳаракатни бошлишингиз керак. Танлашингизга тўғри келади: ё баҳорда уруғ экасиз, ёки кузда садақа сўрайсиз.

Баҳордаги ҳар бир кун ва имкониятдан фойдаланинг.

Баҳор бизга ваъда беради: уруғ эксангиз, кузда ҳосил оламиз. Самодан нозил бўлган эътиқодимиз шуни эслатадики, ҳар бир уриниш учун кўп ҳиссалик мукофот оламиз. Ерга қадалган бир ҳовуч уруғ бир сават ҳосил бўлиб, бошқа одамларга қилинган яхшилик ошиғи билан қайтади. Эътиқодимиз учун кўп мукофотлар билан сийланамиз, меҳр-муҳаббат эвазига меҳр-муҳаббат оламиз.

Баҳор қисқа, аммо ўз чиройи билан бизни чалғитиб қўйиши мумкин. Баҳор ўтиб кетганидан кейин қўлингизда бир халта уруғ билан қолиб кетмаслик учун гуллар исига андармон бўлиб қолманг. Сизга берилган ақл, заковат ва танлаш эркинлигини ишга солган ҳолда, йўлингизда учраган тошлар, бегона ўтлар ва бошқа тўсиқларга қарамай уруғ экинг. Агар ақл билан эксангиз, дунёдаги жами тошлар, бегона ўтлар ва тиканлар ҳам уруғларингизни йўқ қила олмайди. Менинг таклифим – ҳаракатни танланг, ҳордиқни эмас. Ҳақиқатни танланг, пуч хаёлларни эмас. Табассумни танланг, тунд юзни эмас. Муҳаббатни танланг, адоварни эмас. Ҳаётда ҳамма нарсага нисбатан яхшини афзал қўринг, ҳаётингизда баҳор кулиб турган экан, ишлаш имкониятини маъқул билинг.

Баҳор бизга ҳаётнинг доимий бошланғич, доимий имконият, доимий баҳор эканини кўрсатади.

Хаётга худди болалардек қарашиңи ўргансак бас – маҳлиё бўлиб, қизиқиш билан ва кундалик ҳаётда яширинган мўъжизани топишга уринган ҳолда қараш лозим.

Ўз баҳорингиз, ўз имкониятларингиз билан тезроқ шуғулланинг. Ҳар биримизга бундай баҳорлардан бир сикимгина берилган. Энг узун умр ҳам қисқадир. Ҳаётингизда нимани амалга оширмоқчи бўлсангиз, амалга оширинг. Мавсумлар ёнингиздан шунчаки ўтиб кетишига йўл қўйманг.

## ЭКИН ВА ӮРИМ

Танлашингиз керак: ё баҳорда уруғ экасиз, ёки кузда садақа сўрайсиз.

Экинг, имилламанг!

Ер дейдики, менга эҳтиёжларингни эмас, уруғ олиб кел.

## ШУКРОНАЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАНГ

Глен Хопкинс

Үйқусиз тунни тасаввур қилиб кулинг. Эрталаб барвақт туришингиз, йиғилишга боришишингиз ва унда асосий маърузачи сифатида қатнашишингиз керак. Будильник Сизни сахарлаб уйғотади. Ўрнингиздан апил-тапил турасиз, тезгина душ оласиз, қўлингизга қаҳва ва бутербродни олганча кучадаги оломонга ўзингизни урасиз.

Кун дабдала бошланди. Кўпчилик буни маъқуллайди. Фақат айримларгина “йўқ” деб жавоб беради. Фикримча, булар алоҳида қобилиятга эга инсонлардир. Бу қобилият уларнинг ҳаётга нисбатан муносабатини белгилайди. Улар “шукроналик ҳисси” билан яшайди. Улар учун юқорида тасвириланган

холат ёмонроқ кечиши мумкин. Масалан, каравоти йўқ, ёлғиз ва бошпанасиз одам ҳақида ўйланг. Уйқудан уйғонганида совуқ ёмғир вужудини саваллаётган бўлади. У ҳам апил-тапил уйғонади ва яланоёқ ишга отланади. Унинг иши – омон қолиш. Қорнини тўйдириш учун емак қолдиқларини, танасини иситиш учун эски-туски кийимларни чиқинди қутиласидан излайди. Бу мисолнинг мақсади – қўлимизда бори учун шукр қилишимиз керак. Бундан баттари бўлмайди деган пайтингизда ҳам, шукр қилиш учун албатта сабаб бор. Шукр қила бошласангиз, баҳт ва мамнуниятни ҳис қиласиз.

Сизга маслаҳатим – ҳар қандай вазиятнинг ҳам яхши томонини қидиринг ва шукроналик ҳисси билан яшанг.

Ишонтириб айтаманки, чиқинди қутиласида овқат излаб юрган одам сиз бўлганингизда, шукр қилишга арзигулик нимадир топган бўлардингиз. Атрофингизга разм солинг, дикқатингизни ҳаётингиздаги ёмон нарсаларга эмас, яхшиларига қаратинг.

“Оёғи йўқ одамни учратмагунимча пойабзалим йўклигидан хафа бўлиб юргандим”. (Номаълум муаллиф).

Ҳаёт – топишмоқ. Даҳшатли машаққатларни бошидан кечираётган одамларнинг бошқаларга ёрдам бергани ҳақида кўп мисолларни келтириш мумкин. Бошқа бирорга ёрдам бераётганда ҳар доим ўзингизни яхшироқ ҳис қиласиз. Чунки бунда дикқатингизни ўз муаммоларингиздан бошқаларнинг машаққатларини ҳал қилишга қаратган бўласиз. Ҳар доим муаммонинг ўзига эмас, унинг ечимиға эътибор қаратинг ва шукроналик ҳисси билан яшанг.

Тереза она – бу феноменнинг энг ёрқин мисоли. У бутун умрини ёрдамга муҳтоҷ одамларга бағи-

шлади. Пировардида муҳаббатни ва ҳаётидан қонишишни ҳис этди.

Сизларни ҳаётингизда катта қийматга эга нарсалар ҳакида ўйлаб кўришга чақираман. Масалан, дўстларингиз, оилангиз, ишингиз, сезги (ҳид билиш, сезиш, кўриш, эшитиш) органларингиз ва компьютерингиз ҳакида. Буларсиз ҳаётингиз қандай бўлишини фараз қилинг. Уларнинг номларини қофозга ёзинг ва улар ҳакида шукроналик билан эсланг. Ўзингизни қанчалар енгил ҳис қилишингиздан ҳайратга тушишингиз тайин!

Ким биландир бирор нимани бўлишсангиз, ўзингизни яхшироқ ҳис қиласиз. Қанчалик кўп берсангиз, ҳаёт Сизга шунчалик кўп қайтаради.

Болаларнинг характеристини ҳеч нарса саховатчалик шакллантирмайди.

#### ҲАЁТ МАВСУМЛАРИ - 4

Биринчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт бу – ўзгаришларнинг деярли доимий, олдиндан билса бўладиган занжири.

б) Барчамиз учун ягона доимий омил – бу бизнинг хисларимиз ва ҳаётга нисбатан муносабатимиз.

в) Инсон сифатида барча нарсага нисбатан ўз позициямизга эгамиз, бу бизнинг танловимизни белгилайди, танлов эса натижаларни белгилайди.

Иккинчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт ва бизнес – бу йил мавсумларида гап.

б) Сиз йил мавсумларини ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартиришингиз мумкин.

в) Ҳаётда ўтиш керак бўлган асосий синов – қишидан қандай ўтиш.

г) Қиши палласида кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ бўласиз. Қишини ўзгартириб бўлмайди, лекин ўзингизни ўзгартира оласиз.

Учинчи қисмда шундай дедим:

а) Баҳор – ҳаётнинг унумдор ерлари билим ва қатъий саъй-ҳаракатлар уруғлари экилишига тайёр.

б) Баҳор бизга ваъда беради: агар уруғ эксак, ал-батта, ҳосил оламиз, ҳар бир уриниш учун ошиғи билан мукофот оламиз.

в) Ҳар биримизга бундай баҳорлардан бир сиқимги-на берилган. Мавсумлар ёнингиздан шунчаки ўтиб кетишига йўл қўйманг.

Энди биз ўзлаштиришимиз керак бўлган учинчи асосий сабоқقا тўхтаталамиз: ёз давомида ҳосилни етиштириш ва уни асраш. Ишончингиз комил бўлсин: уруғ қадашингиз билан серғайрат қўнғизлар ва заҳарли ўтлар меҳнатингизни барбод қилиш учун ишга киришиб кетади.

Икки оғиз гап учинчи дарснинг мазмунини очиб беради. Биринчиси: “Ҳамма яхши нарсага хужум қилишади!”

Бунинг сабабини мендан сўраманг, чунки ўзим ҳам билмайман. Фақатгина бунинг ҳақиқат эканини биламан. Реалист бўлинг. Ҳар бир боғ хужумга учрайди.

Иккинчи жумла: “Ҳар бир қимматли нарса ҳимоя қилиниши зарур”. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳамиятдаги қимматли нарсалар – бари асралиши керак. Боғни ёз бўйи парваришлиш даркор. Агар буни қилмасангиз, ҳеч қачон бирор қимматли ишни амалга оширайсангиз.

Агар қунт билан боғингизни етиштирангиз ва уни ҳимоя қилсангиз, ҳеч қайси зааркунанда баҳордаги меҳнатингиз мевасини йўқ қила олмайди.

### УДДАБУРОНЛИК

Одамлар йўқдан бор қила олиш қобилиятига эга.

Улар ёввойи ўтларни гулзорларга, чақаларни бой-лилка айлантира олади.

Уддабуронлик танбаллиқдан яхшироқдир.

Муваффақиятга эришиш нима биландир шугулланиш, ишни бошланғичдагидан яхшироқ ҳолатта келтириш деганидир.

Уддабуронлик – келажагимиз учун умиддир.

Даромад маошдан яхшироқ. Маош омон қолишингизга ёрдам беради, даромад эса Сизни бойга айлантиради.

Барчамиз пул топишнинг турли йўлларини биламиз. Лекин бой бўлиш йўлини топишдан-да мароқлиси йўқ.

Болаларнинг иккита велосипеди бўлиши керак. Биттаси миниш учун, иккинчиси ижарага бериш учун.

Ўқитувчим билан учрашувда у менга шундай савол берди:

“Жаноб Рон, охирги олти йилда қанча пулни тежадингиз ва сармояга сафрладингиз?”

“Ҳеч қанча”, – дедим мен.

“Буни сизга ким маслаҳат берди?”

“Агар пулим кўпроқ бўлганида, уни ишлатиш учун тузукроқ режам бўларди”.

“Аксинча, – дея жавоб қайтарди у, – агар тузукроқ режангиз бўлганида, пулингиз кўпроқ бўлар эди. Тушунинг, пулнинг қанчалиги эмас, ундан қандай фойдаланиш муҳим. Нима учун интилаётган маррангизга Сизни элтадиган яхши молиявий режангиз йўқ?”

Бахт – бу келажак учун жамғараётганингиз эмас, айни пайт рӯёбга чиқараётганингиздир. Бахт – бу Сиз истаган тасодиф эмас. Бахт – бу айни дамда сиз яратаетган нарсадир.

## ХАЁТ МАВСУМЛАРИ – 5

Биринчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт бу – ўзгаришларнинг деярли доимий, олдиндан билса бўладиган занжири.

б) Барчамиз учун ягона доимий омил – бу бизнинг ҳисларимиз ва ҳаётга нисбатан муносабатимиз.

в) Инсон сифатида барча нарсага нисбатан ўз позициямизга эгамиз, бу бизнинг танловимизни белгилайди, танлов эса натижаларни белгилайди.

Иккинчи қисмда шундай дедим:

а) Ҳаёт ва бизнес – бу йил мавсумларида гап.

б) Сиз йил мавсумларини ўзgartира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзgartиришингиз мумкин.

в) Ҳаётда ўтиш керак бўлган асосий синов – қишдан қандай ўтиш.

г) Қиши палласида кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ бўласиз. Қишини ўзgartириб бўлмайди, лекин ўзингизни ўзgartира оласиз.

Учинчи қисмда шундай дедим:

а) Баҳор – ҳаётнинг унумдор ерлари билим ва қатъий саъй-ҳаракатлар уруғлари экилишига тайёр.

б) Баҳор бизга ваъда беради: агар уруғ эксан, албатта, ҳосил оламиз, ҳар бир уриниш учун ошиғи билан мукофот оламиз.

в) Ҳар биримизга бундай баҳорлардан бир сиқимгина берилган. Мавсумлар ёнингиздан шунчаки ўтиб кетишига йўл қўйманг.

Тўртинчи қисмда шундай дедим:

а) Ёз – имтиҳон палласидир. Ҳар бир яхши нарса ҳужумга учрайди ва ҳар бир боғни зааркунандалар қуршаб олади.

б) Ҳар бир қимматли нарса ҳимоя қилиниши керак.

в) Ёз бўйи боғни парваришлаш даркор. Агар буни қилмасангиз, ҳеч қачон бирор қимматли ишни амалга оширмайсиз.

Якуний қисмда куз ҳақида, яъни ҳосилни – меҳнатимиз натижасини олиш палласи тұғрисида гаплашамиз.

Куз бизга ўзлаштиришимиз керак бўлган тұртингчи асосий сабоқни беради: яхши ишлаган бўлсангиз ва шикоятлар йўқ бўлса, кузда ҳосилни шукроналик билан йиғиш керак.

Кузда мўл-кўл ҳосил олишдан-да яхшироқ ва қуп-куруқ далада қолишдан-да ёмонроқ нарса йўқ.

Инсон фаолиятининг ҳар жабҳасида қонун борлигини унутмайлик: бу дунёда нимани эксан, ўшани ўрамиз.

Бу адолатли ҳисоб-китобнинг табиий усулидир. Шундай қилиб, ҳосил қандай бўлишидан қатъи назар, унинг учун масъулиятни бўйнингизга олинг. Инсон камолотининг энг ёрқин шакларидан бири – ўз ҳаёти учун масъулиятни тўлалигича ўз бўйнига олишдир.

Бу мени муҳокамамизнинг бошига етаклайди. Ҳаёт – бу даврларнинг мунтазам ўзгариши эканини унутмаслигимз керак. Шунингдек, унинг икки қарама-қарши томонлари бор, худди батареядаги манфий ва мусбат зарядлар каби.

Бу қарама-қаршиликни ҳамма жойда кўриш мумкин: аёл ва эркак, кун ва тун, эзгулик ва ёвзуллик, ҳаёт ва ўлим, сув ва қуруқлик, ёз ва қиш, ўсиш ва пасайиш, шодлик ва ғам.

Ҳа, ишонаманки, бизни буюк ўзгаришлар кутмоқда, аммо аввалгидек ҳар йили қиш, баҳор, ёз ва куз бўлиши ҳақида ҳам ўйлайман.

Аксар ҳолларда бизнинг муваффақиятимиз қобилиятларимиз, баҳорда ўз имкониятларимиздан фойдаланишга тайёргарлик, ёзда ёввойи ўтларни юлиш ва ерга ишлов бериш, кузда ҳосилни йиғиб

олиш ва натижаларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ бўлишимизга боғлиқ.

Унутманг, келажагингизни Сиз билан содир бўлаётганлар эмас, уларга қандай муносабатда бўлишингиз белгилайди.

## ШАХСИЙ ЎСИШ

Кизқарли инсонларни жалб этиш учун ўзингиз жозибадор бўлишингиз керак. Кучли кишиларни жалб қилиш учун эса ўзингиз кучли бўлишингизга тўғри келади. Хизматга тайёр одамларни жалб этиш учун ўзингиз хизматга тайёр бўлишингиз даркор. Одамларни ўз ихтиёрингизча ўзгартиришнинг ўрнига ўз устингизда ишланг.

Ўзимизни ўзгартирсаккина ҳозир эга бўлганларимиздан кўпроғига эга бўламиз.

Мухими – табиат бизга инъом этган салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш.

Мен миллионлаб доллар мерос олгани ҳолда миллионерга айлана олмаганларга ачинаман.

Даромадингиз ўсгани ҳолда ўзингиз ўсмасангиз, ачинарли бўлади.

Иш бўйича ўзимизга беришимиз керак бўлган мухим савол “Қанча ишлаб топяпман?” эмас, “Кимга айланяпман?” бўлиши керак.

Ўз меҳнати билан эришилмаган нарсани сақлаб қолиш анчайин мушкулдир.

Миллионерга айланганингиздан кейин бор пулнингизни сарфлашингиз мумкин, чунки миллион доллар эмас, иш жараёнида пайдо бўлган инсон – Сиз мухимроқ.

Камдан-кам ҳолларда даромад шахсий ўсишдан ўзиб кетади.

Қандай инсонга айланганингиз Сиз қўлга кири-таётган нарсага тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Молиявий жиҳатдан мустақил бўлиш учун даромадингизнинг бир қисмини капиталга, капитални корхонага, корхонани даромадга, даромадни инвестицияга, инвестицияни молиявий мустақилликка айлантиришингиз керак.

Одамлар билан мулоқотда кўпинча шундай ёндашувни қўллайман. Кимdir: “Мен нуқул қўнгилсиз-ликларга рўбарў бўламан. Нега шундай?” деса, жавобим шу: “Мени ўлдиришингиз мумкин, лекин бунинг сабабини билмайман. Билганим шуки, бундай нарсалар айнан Сизга ўхшаганлар билан содир бўлади”.

Устозимнинг гапи: “Буни бажаринг” эмас, “Келинг, буни бажарайлик” деган маъқулроқ”.

### ДАРОМАД МАОШДАН ЯХШИРОҚ

Шахсий масъулиятингизни зиммангизга олишингиз керак. Сиз вазиятларни, йил мавсумларини ёки шамолни ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартиришга қурбингиз етади. Бунинг учун эса масъулияти бўлишингиз лозим. Сиз осмондаги юлдузларнинг ҳолатидан масъул эмассиз, лекин мутолаангиз, ўсишингиз, таълимингиздан масъулсиз.

25 ёшимда ўқитувчим менга бутун ҳаётимни ўзгартириб юборган бир гапни айтди: “Даромад маошдан яхшироқ. Маош тирикчилик ўтказишингизга ёрдам беради, даромад эса Сизни бой қиласди”.

Биргина маош билан кун кечириш жуда қийин, лекин даромади бор ҳар ким бой бўла олади. Маошга кўшимча даромад ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди.

Қаерда ва ким бўлиб ишлашингиз муҳим эмас: хусусий тадбиркорми, маркетинг компаниясидами ёки хизмат соҳасидами.

Ёзда манзараларнинг расмини чизишингиз ёки қишида Янги йил чироқларини ёқишингиз мумкин. Бу ўргатиш, маслаҳат бериш ёки таълим бериш бўлиши мумкин. Бу расм чизиш, дурадгорлик, компьютер ёки овқат пишириш сингари хоббингиз бўлиши мумкин. Лекин вақтингиз ва ҳаракатингизнинг ақалли бир қисмини ишингизга сарфлассангиз, ҳафтада атиги бир неча соат сарфлаган ҳолда ҳар куни эрталаб омадни қарши олиш учун уйғониш қанчалар ажойиб эканини тушуниб етасиз. Ҳар куни омад билан юзлашиш Сизга қанчалар куч бағишини ҳис қиласиз. Бойлик сари одимлар экансиз, дунёқарашингиз ўзгаради. Рухиятингиз ўзгаради. Буни овозингиз, юзингиз, имо-ишораларингизда билиб олса бўлади. “Ҳозир ишхонада ва қисман режамга кўра ишлайпман, чунки ишларимни яхшилашнинг йўлинни топдим”, – дея оласиз.

**Баракалла!**

Нимани назарда тутганингизни мен ҳам биламан.

Пулни сарфлагандан кўра, кимгадир қарзга берган маъқул.

Моливий мустақиллик – ўз ресурсларидан кела-диган даромадга яшаш демакдир.

Агар пенсиянгиз ҳақида компаниянгиз қайғурса, даромадингизни бешга бўлинг, ўзингиз қайғураётган бўлсангиз, бешга кўпайтиринг.

## БАНДЛИГИНГИЗГА ҚАРАМАЙ

Агар мақсадларга эршиш учун ишлаётган экансиз, мақсадларингиз сизга хизмат қила бошлайди.

Сиз қилаётган яхши ишлар ўз навбатида Сизни тарбиялайди.

Бандлигингизга қарамай, келгуси икки ҳафта ичида режалаштириш ҳақида ўйлаш учун вақт то-

пинг. Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз билан келгуси йилнинг режалари ва орзулар ҳақида гаплашиш учун вақт ажратиш. Янги йил арафаси бунинг учун энг маъқул вақтдир.

Ўйлайманки, оиласиз билан келажак орзулари ва режалаштириш ҳақида сұхбатлашиш келгуси 12 ой давомида ҳаракат қилишингиз учун сизга янги турткис беради.

Келинг, ортда қолган йилдаги ғалабалар ва мағлубиятлар, муваффақиятлар ва турғунликларга бир кур назар ташлаш учун, келгуси йил қандай ўтиши кераклиги ҳақида обдан ўйлаб олиш учун вақт топайлик.

Кўпроғини қўлга киритишнинг энг яхши усули – айни пайтда эга бўлганларимиз учун шукр қилишдир.

Шукроналик янги ғоялар ва имкониятларга йўл очади.



---



# **БОЙЛИК ВА БАХТГА ЭРИШИШНИНГ 7 СТРАТЕГИЯСИ**

---



*Аниқ белгиланган мақсадлар кучи...*

## БУТУН ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

Йигирма беш ёшлигимда Эрл Шоафф исмли инсонни учратганман. Бу учрашув нақадар ҳаётимни ўзгартириши хаёлимга ҳам келмаган эди...

Ўша вақтгача мен катта муваффақиятга интилмай оддийгина ҳаёт кечираётган кўплаб одамлар каби улкан баҳт нималигини билмай яшаганман. Ҳаётим ажойиб тарзда бошланган бўлиб, мен Айдаҳо штатидаги фермерлар оиласида дунёга келганман.

Уйимдан чиқиб кетаётганимда, менда америкаликлар орзусининг бир қисмига мен ҳам эриша оламан деган умид бор эди.

Лекин аслида мен ўйлаганча бўлиб чиқмади. Мактабдан кейин коллежга ўқишга кирдим. Аммо бир йилда етарлича ақлли бўлдим, деб ўқишни ташладим. Бу қадамим биринчи катта хатоларимдан бири эди. Мен ишлаб пул топишга шошилардим. Иштопишга ҳеч ҳам қийналмагандим (ушанда мен тирикчилик учун пул топиш ва ҳаёт тарзини яхшилаш орасидаги фарқни тушунмаганман).

Тезда уйландим. Минглаб эрлар каби, мен ҳам тезда бойиб кетишни хотинимга вайда қилганман. Мен мағрурлик билан олға бориб, самимий ният қилиб, ғайрат билан ишлаганман. Омад мени ўз бағрига олганди! Ёки менга шундай туюлган эди...

Йигирма олти ёшга тўлганимда, мен олти йиллик фаолиятимни сарҳисоб қилишга киришдим. Мен ҳаётда доимо ниманидир нотўғри қилаётганимдан хавфсираб юрардим. Маошим ҳафтасига ўртacha эл-

лик етти долларни ташкил қиласарди. Бу мен кутган-дан анча кам эди ва оиласамга келаётган түлов хабар-номалари кўпайган сари топаётган даромадим жуда пастлиги янада ёрқинроқ кўзга ташланарди. Оила бошлиғи сифатида мен кўпаяётган оиласам олдида жавобгарлигим ошиб бораётганини сезардим. Шу билан бирга мен ўз тақдиримга тан бериб бораёт-ганимни ҳам тушунардим.

Менинг молиявий ахволим кундан кунга ёмонлашиб борарди, айнан нимани ўзгартириш кераклигини тушунмасдим.

Балки, чираниб ишлашни ўзи етарли эмасдир, деб ўйлардим мен. Бу фикр мен учун катта янгилек бўлганди, чунки мен доимо заҳматкаш инсонларгина меҳнат роҳатига эришадилар, деб ўйлардим. Мен етарлича “тер тўкиб” меҳнат қилаётган бўлсам ҳам, шу мақомда ҳаётимни ўтказиб, олтмиш ёшлигимда атрофимдаги кўпчилик одамлар каби пулсиз ва ёрдамга муҳтож қарияга айланишимни тушуниб етдим.

Бу фикр мени даҳшатга соганди. Бундай келаҗак мени қониқтирмасди. Дунёдаги энг бадавлат мамлакатда бундай бўлиши мумкин эмасди!

Саволлар кўп, жавоблар йўқ эди. Нима қилиш керак? Ҳаётни қай йўналишга ўзгартириш лозим?

Мен ўқишини давом эттиришни ўйладим. Нима бўлгандаям, яхши иш топиш учун коллеждаги бир йил етарли эмасди. Лекин оила хархасаси билан яна ўқишини бошлаш имкониятим йўқ эди.

Кейин мен ўз бизнесимни бошлаш ҳақида ўйладим. Ўша пайтда бу фикрдан завқланиб кетгандим! Аммо менда, турган гапки, керакли сармоя йўқ эди. Ахир менинг катта муаммоим ҳам айнан ўша пулларнинг йўқлиги эди, ойнинг ярмида бор, ярмида яна йўқ!

Шундай қилиб, мен йигирма беш ёшимда орзу-  
ларимдан анча йироқ бўлган ҳаёт кечириб, уни ях-  
шилаш йўлларини билмас эдим.

Ўшанда мени омадим биринчи марта юришганди.  
Нега бу баҳтли тасодиф айнан ўша вақтда юз берга-  
нини ва керакли воқеалар айнан керакли вақтда юз  
беришини мен ҳозиргача тушунмайман.

Ишим юриб кетишига сабаб бир одамни учрат-  
ганим бўлди – бу мутлақо антиқа инсоннинг исми  
Эрл Шоафф эди. Мен уни илк бор савдо-сотиқ мав-  
зусида ўтказган семинарларининг бирида кўрган-  
дим. Ўша кеча у нима билан мени ром этганини ҳо-  
зир эслолмайман, лекин аниқ биламанки, ўшанда  
мен унга ўхшашлик учун барча нарсага тайёри-  
гимни тушунган эдим.

Семинар якунида мен бор итоатимни жамлаб,  
уни олдига бордим ва ўзимни танишитирдим. Оз-  
гина довдираб гапирганимга қарамасдан, у менинг  
муваффақият сари интилаётганимни сезди чоғи,  
мени бир мунча ёқтириб қолди. Бир неча ойдан  
сўнг у мени ўз компаниясига ишга олди.

Кейинги беш йил давомида мен мистер Шоафф-  
дан кўп ҳаётий сабоқларни олдим. Мени ўз ўғли каби  
билиб, у соатлаб менга ўзининг шахсий фалсафаси-  
ни ўргатганди. Ўша назарияни мен эндиликда БОЙ-  
ЛИК ВА БАХТНИНГ ЕТТИ СТРАТЕГИЯСИ деб атадим.

Лекин кейинчалик мистер Шоафф кутилмаган-  
да қирқ тўққиз ёшида бевақт вафот этди.

Айрилишга сабр билан бардош бериб, маълум  
вақт ўтиб, менинг ҳаётимга мистер Шоафф ўтказ-  
ган таъсирини баҳоламоқчи бўлдим. У қилган энг  
катта яхшилик - мени ишга олгани ва оддий йўриқ-  
чидан компаниянинг ижрочи вице-президентига-  
ча кўтаргани эмаслигини тушундим. Энг қадрли-  
си – мен унинг фалсафасининг доно моҳиятини ва

унинг ҳаётда муваффақият қозонишнинг асосий та-  
мойилларини ўзлаштирганим бўлган эди.

Кейинги беш йил мобайнида мен унинг ғоялари-  
ни ҳаётга тадбиқ этиб, муваффақиятга эришдим. Мен  
ҳақиқатда катта микдорда пул топдим. Лекин мен-  
га энг кўп завқ бағишилагани ушбу ғоялар билан биз-  
несдаги ҳамкорларим ва ҳамкасларим билан ўр-  
тоқлашганим бўлди. Улар бунга катта қувонч билан  
жавоб бериб, тезда сезиларли натижаларга эришдилар.

Ўзимни биринчи навбатда ёзувчи ёки оратор деб  
эмас, балки бизнесмен деб ҳисобласам ҳам, мен  
ушбу ғояларни оддий ва самимий шаклда бошқа-  
ларга етказиш кераклигини сезардим.

## БЕШТА АСОСИЙ СЎЗ

Китобдаги барча ғоялар асосий сўзлар гуруҳи асо-  
сида ёритилган. Шунинг учун китобни тушуниш ва  
ундан энг кўп фойда олиш учун бу сўзларни ҳар би-  
рини тушуниб олишингиз лозим.

## АСОСЛАР

Биринчидан, “асослар” сўзини кўриб чиқайлик.  
Бу сўзни мен ҳар бир ютуқ юзага келадиган асосий  
тамойиллар маъносида изоҳлайман.

Асослар бошланиш, базис ва ҳақиқатни ташкил  
етиб, улар асосида барча нарсани бошланиши ва  
энг мухим жиҳатлари юзага келади.

Бизнесдаги муваффақият асослари ҳақида гап  
кетганда, ишни ғайритабий ва эскириб кетган ечим-  
лар билан олиб бориш ярамайди.

Ким нима деса десин, лекин муваффақият – бу  
оддий жараён. У осмондан тушмайди. Үнда ҳеч қан-  
дай сир ва сеҳр-жодуга ўрин йўқ.

Муваффакият – бу яхши ҳаёт кечириш асосий табиий натижаларини изчил амалга оширишининг табиий натижаларидан бошқа нарса эмас.

Бу сўзлар баҳт ва бойликка ҳам тааллуқли. Улар ҳам – баҳтиёр ва бекаму кўст ҳаёт кечиришнинг асосий тамойилларини изчил амалга оширишининг табиий натижаларидан бошқа нарса эмас. Муваффакиятнинг қалити – асосий тамойиллардан четга чиқиб кетмасликдан иборатdir.

## **БЕШ-ОЛТИТА АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР**

Устозим мистер Шоафф бир куни: “Джим, ҳар бир ишда натижалар фарқини саксон фоизга белгилайдиган беш-олтита асосий компонентлар булади”, деган эди. Беш-олтита асосий компонентлар... асосий, ҳал қилувчи фикр мана шу. Саломатлигимизни яхшилашга, бойлигимизни кўпайтиришга, шахсий ютуқларимиз ёки табдиркорлик қобилиятимизни оширишга ҳаракат қиласизми – барида ғолибона муваффакият ва аччиқ мағлубият ўртасидаги фарқ мана шу беш-олтита асосий компонентларни аниқлаш, ўрганиш ва ишлатиш қобилиятымиз билан белгиланади.

Шунинг учун ҳар бир янги лойиҳани бошлишдан ёки янги мақсадлар кўйишдан олдин ўзингизга қуидаги саволни беришингиз керак: *Даромаддаги фарқнинг кўп қисмини белгилайдиган ўша асосий компонентлар нима?*

Шу оддий тамойилни тушуниш ва ишлатиш орзу-умидларингиз ва мақсадларингизни амалга ошириш йўлидаги биринчи қадам ҳисобланади.

## БОЙЛИК

Моҳиятини тушуниш керак бўлган иккинчи асосий сўз – бу бойлик. Бу қарама-қаршиликларга бойатама, чунки инсон фикру-хаёлида бойлик турли ва баъзида бир-бирига зид қиёфаларда гавдаланади. Қолаверса, ҳар биримиз бойлика турли нуқтаи-наzar билан қараймиз. Кимгадир у – хоҳлаган ишини қилишга имконият берадиган миқдорда пул топиш бўлса, кимгадир – қарз-калавасиз, озод ва эркин яшаш, учинчи шахсга эса – ўсиш ва муваффақият қозониш имконияти демакдир.

Бу масала устида бош қотиришни унча хоҳламайдиганлар бойлик деганда “миллионер” сўзини кўз олдиларига келтиришади. Бу тушунча муваффақият, озодлик, куч, мартаба, роҳат-фароғат, имкониятлар ва хушфеъллик каби фазилатларни ўз ичига олади. Турган гапки, миллионер бўлиш – жуда зўр фикр!

Қолаверса, бойлик сўзи нафақат иқтисодий тушунчаларни ифода этади. Бу ўринда бой тажриба, дўстлик, муҳаббат, оиласвий ҳаёт ва бой маданият ҳақида гапириш мумкин.

Лекин бизнинг мақсадимиз – молиявий эркинлик маъносидаги бойлик, қилинаётган хатти-ҳаракатлар ва тадбиркорлик фаолияти натижасида пул ва қимматли қофозларга айланадиган бойликни асл моҳиятига етишдир. Тўғри, ўзимизни бадавлат деб ҳисоблаш учун бойлик миқдори ҳар биримизда турлича бўлиши мумкин. Лекин, мен аминманки, ҳар биримизнинг бош орзуимиз бир хил: молиявий босимдан озод бўлиш, танлаш ва ижодкорона меҳнат қилиш имкониятига эга бўлишдир.

Бойлик аслида нимани билдиради? Молиявий эркинликни сезиш учун сизда қанча пулингиз бўли-

ши керак? Бу оддий саволлар эмас. Қисқаси, мод-  
дий бойлик тушунчасини ўзингизга нақадар ой-  
динлаштириб олсангиз, бу китобдаги ғоялар сизга  
шу қадар кўп наф келтиради.

### БАХТ

“Бахт” тушунчаси ҳамма инсонлар қидираётган нарсани ифодалайди. Бахт – бу одатда ёқимли фолият билан боғлиқ бўлган қувонч демакдир.

Лекин “бахт” сўзи бойлик каби бир қатор қарама-қарши маъноларга эга. Бахт – бу кашф этиш қувончи, билим олиш завқи. Кўпинча у ҳаётнинг ранг-баранглиги, оҳанглари ва хотиржамлигини тўлақонли ҳис этадиганларга ҳамроҳлик қиласди.

Бахт – бу шунингдек ўз ҳаётини обдон режалаштириб, санъаткорона умргузаронлик қиладиганларга насиб қиладиган қувончдир.

Бахт – бу ҳаёт қувонч ва ташвишларига муносабат билдириб, уларни қувонч ва завқ билан қабул қилиш қобилиятидир. Нимадир бериб ҳам, нимадир олиб ҳам, бойликка эгалик қилиб ҳам, бошқаларга мурувват қўрсатиб ҳам бахтга эришин мумкин. Бахт – бу ҳаёт хотиржамлиги ва шунчаки овқатдан, буюк ғоялар ва шунчаки бир бурда нондан роҳатланиш қобилиятидир.

Лекин бахт умумий ҳиссиётлардан юқори туради. У шунингдек туйғулар, ҳаракатлар ва ҳаёт тарзини белгилайдиган фикрлаш усули. Яъни у оламини ва ундаги воқеаларни турлича талқин қилиш қобилиятидир.

Бахт – бу барча қадриятлар мутаносиблиги. Бу кундалик ишларни, шу жумладан ҳар кимни елкасига тушган бир хил юмушларни бажаришдан завқ олиш туйғусидир.

Бахт – бу маълум мақсадли фаолият. Бу – ҳаётга бўлган муҳаббат. Бу – оддий ҳақиқатни тезда англаш ҳамда олам сирларига тан бериб яшашидир.

Кўпчилик баҳтни ўтган замонда ёки келажакда тасаввур қиласи. Камдан-кам одам баҳтни факат ҳозирги замонда сезиш мумкинлигини тушуниб етади. Тўғри, баҳтнинг барча ижобий нарсалар сингари кўпинча қўлдан чиқиб кетиши хусусияти бор. Лекин, ишонаверинг, уни ушлаб қолиш йўллари ҳам талайгина.

Хўш, мовий баҳт қушини қай тарзда ушлаб олиш мумкин? Жавоб ғалати туюлиши мумкин, аммо бунинг учун баҳт деганда хаёлингизга келмайдиган тушунчани англаб, ундан фойдаланиш керак бўлади. Ушбу тушунчани номланиши ИНТИЗОМ.

## ИНТИЗОМ

Бойлик ва баҳтни топишда ҳал қилувчи компонент – бу интизомдир. Шундай бўлса-да, бутушунча ҳақида сўз кетганда, кўпчиликда у салбий қиёфалар яратади – бу аскарларни қийнаётган сержантдан тортиб, мактабдаги чизғич ушлаган баджахл ўқитувчи бўлиши мумкин.

Шундай бўлса-да, интизомга риоя қилиш сизнинг орзу-исталарингизни рўёбга чиқаришга йўл очиб берувчи калитдир. Бунинг учун интизом нималигини аниқлаб олишимиз керак бўлади.

Интизом – бу истакни натижа билан, илҳомни ютуқ билан боғловчи кўприкдир. Интизом – бу ҳар бир муваффақиятнинг пойдевори. Интизом бўлмаса, ҳар бир иш омадсизликка юз тутади.

Лекин кўпчилик интизом йўқлигини муваффақият йўқлиги билан боғламайди. Кўп одамлар омад кетганида, буни компания банкротлиги ёки уй эгасини

алмashiши каби бирданига рўй берадиган инқиро-  
зли ҳодиса деб талқин қилишади.

Аммо омадсизликни табиати бошқача. У кам ҳолатларда бирон бир алоҳида олинган воқеа натижаси бўлади. У кўпинча тўпланиб қолган бир талай майда омадсизликларнинг кетидан келиб, улар ўз навбатида интизом жуда паст бўлганидан юзага келган бўлади.

Агар сиз бугуннинг ўзида ўнта хат ёзишни мақсад қилиб, фақат учта хат жўнатсангиз, демак сиз бугун еттита хатга орқада қолгансиз.

Агар сиз бешта жойга қўнгироқ қилишингиз керак бўла туриб, фақат битта қўнгироқ қилган бўлсангиз, демак тўртта қўнгироққа орқадасиз.

Агар молиявий режангиз бўйича ўн доллар тежашингиз керак бўла туриб, сиз бирон цент ҳам тежамаган бўлсангиз, бу шу бугунни ўзида ишингиз ўн доллар орқада қолганини билдиради.

Бор йўғи бир кун бекор ўтди, деб ўйлаш натижасида буни орқасидан аста секин катта хавф кириб келади.

Бир кунлик омадсизликлар тўпланиб, ойлар ва йилларга тўпланиши мумкин. Балки бутун умрингиз шундай ўтиб кетар. Кундан-кунга такрорланадиган майда омадсизликлар бора-бора сизни бадбаҳт қилиши мумкинлигини тушуниб етган бўлсангиз керак.

Муваффақият ҳам худду шу схема бўйича кириб келади,... агар сиз тескарисини қилсангиз. Яъни бугунни ўзида ўнта қўнгироқ қилиш ўрнига ўн бешта, бешта алоқа хати жўнатиш ўрнига саккизта, ўн доллар тежаш ўрнига ўн икки доллар тежасангиз, ушбу ғайратингиз меваларини йил давомида, балки бутун умрингиз давомида йигасиз.

Интизомга эришиш учун нима қилиш керак? Биринчидан, ҳаётингизда интизом нақадар муҳимли-

гини тушуниб етишингиз керак. Иккинчидан, мақсад сари интилишда интизомга риоя қилиб, ҳар бир қадамни ақл билан, обдон ўйлаб, кетма-кет бошиш керак. Охир-оқибат сизнинг ғайрат ва интизом билан бажараётган ишларингиз ташки тўсқинликларга тўқнаш келганда, сиз уларни енгишга мажбур бўласиз.

Интизом сизга хизмат қилиши билан бирга ўзингизни ҳам ўзгартиришга қодир. Ўзингиз учун белгилаган кичик интизомий қоида ҳам ҳаётингизга улкан таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар битта янги киритилган интизомий қоида дарҳол ҳаётингиз йўналишини ўзгартиради.

Баъзилар қаттиқ интизом инсонга хос бўлмаган ҳолат, одамзотга оддий турмуш тарзи етарли, деб таъкидлашади. Улар қўйилган мақсадларига эришиш мажбурияти уларни асабларини бузади, бунинг учун амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатлари эса сунъий ва ғайритабиий чиқади, деб ҳисоблашади. Аслида эса интизом ва ҳаёт учун курашаётган табиат ўртасида кўп ўхшашликлар мавжуд.

Интизом ўзига имкониятларни тортади. Ўз қобилиятларини ривожлантириб, ҳаракатга интилаётганларга инсонни илҳомлантирувчи имкониятлар албатта очилади. Интизомга таяниб, катта мақсадларга интилаётган одам имкониятларни маҳкам ушлайди, унча дадил бўлмаганлар эса бу имкониятлардан фойдаланишга иккиланиб туришади.

Ҳар бир киши интизомли одам бўлиши мумкин. Сиз бундай шаклланиш жараёнини аста-аста, қадам-бақадам бошлишингиз мумкин. Илҳомингиз келиб қолса буни... БУГУН, ҲОЗИРНИ ЎЗИДА... БОШЛАШИНГИЗ МУМКИН!

“Қўлимдан келмайди, иродам етмайди”, деган гапларни қўйинг. Буни ўрнига “Агар эпласам, кўп

нарсага эришардим... Күлимдан келади, иродам етади", деб ўзингизни ишонтиришингиз лозим. Янги жараён шундан бошланади, аввалига кичкина қадамлар босилади. Кейин эса олган мажбуриятингиздан четга чиқмасликни ўрганасиз.

## ЎЗ-ЎЗИНИ АЛДАШ ЎРНИГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

Охирги йилларда бир қатор китоблар пайдо бўлиб, уларда шундай ғоя ташвиқот қилинади-ки, гўёки одам мақсадларимга албатта эришаман, деб ҳар куни ўзига-ўзи такрорлаб турса, омад қандайдир сирли тарзда унга эргашар эмиш.

Мен бундай фикрларга умуман қаршиман. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, ишонтириб айтаманки, агар руҳиятингизга синдириётган сўзларингиз аниқ бир ҳаракат ва натижалар билан тасдиқланмаса, унда сиз ўзингизни ўзингиз алдаётган бўласиз, чунки юксалиш сари кетяпман, деб ўйлаётган пайтингизда сизнинг ҳар кунлик фаолиятингиз аслида ҳеч қаерга олиб бормайди.

Нега одамлар бир нарсани хоҳлашларини таъкидлаб туриб, буни умуман тескарисини қилишади? Нега? Чунки сўз билан ифодаланган мақсадлар одамни алдаб, наркотик каби унда қониқиш хиссини ҳосил қиласиди. Унутманг: ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ УЧУН, СИЗ БИРИНЧИ ҚАДАМНИ ҚЎЙИШИНГИЗ КЕРАК!

Шундай қилиб, ҳаётингиз гуллаб-яшнашини истасангиз, ишни "Гуллаб-яшнаш режаси"ни тузишдан бошланг. Бой-бадавлат одамга айланмоқчимисиз, - унда "Бойлик орттириш режаси"ни ишлаб чиқинг. Ҳаммаси оддий - бизнес-режа тузиш учун бой ва бадавлат бўлишингиз шарт эмас, "Бойлик ортти-

“риш режаси” чўнтағида ҳеч вақоси йўқ одамда бўлиши мумкин. Лекин бу ўша жуда муҳим ўрин турадиган биринчи қадам. **ҲАР БИР ИШНИ РЕЖАДАН БОШЛАНГ!**

Юқоридагиларни муҳим жиҳати шундаки, қадами... БУГУН босиш керак. Лойиҳангиз қандай бўлишидан қатъий назар, ишни бугун бошланг. Янгича тахланган иш столингизни тозалашни эртага қолдирманг. Биринчи мақсадингизни белгилашни бугун бошланг. Фаолиятингиз йўналтирадиган китобларни ўқиш, аудио- ва видеодарсларни ўзлаштриш – бугун, эртага эмас. Ортиқча вазнни сезиларли даражада камайтириш ниятингизни бутуннинг ўзида режа тузишдан бошланг. Ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Энди мен қуидагиларни амалга оширишингизни даъват этаман: бошлаган ишингизнинг биринчи куни кейинги ҳафтанинг самарали бир қисми бўлсин. Шу тарзда давом эттиринг. Ўшанда сиз бошлаган ишингизнинг биринчи ҳафтаси давомида бир қанча ишларни бошлаганингиз ва уларнинг маълум қисмини бажариб бўлганингизни гувоҳи бўласиз.

Кейин ҳаракатларингизни бошлаган ишингизнинг биринчи ойига ҳамда... биринчи йилига йўналтиринг. Янги ишингизни биринчи йили якунлайдиган вақтгача ўтмишингиз сизни ҳеч қачон безовта қилмайди – эски иллатлар, эски таъсирлар, эски афусулар ва эски омадсизликлар ортда қолади.

## МУВАФФАҚИЯТ

Муваффақият – бу бешинчي асосий сўз. Юқорида кўриб чиқкан тушунчалар каби бу ҳам ўзининг кўп маънолари билан ажralиб туради.

Муваффақият – бу шунингдек ушлаб бўлмас ғалати тушунча. Қолаверса, муваффақият – бу қаер-

гадир қилинган сафар ва унинг мақсади ҳам, шундай эмасми?

Муваффакият – бу мақсад сари доимий қадам ба қадам интилиш ҳамда мақсадга эришиш.

Муваффакият – бу якунловчи ютуқ ҳамда ҳаётнинг куч-қувватини тушунадиганлар эга бўладиган донолик.

Муваффакият – бу қадриятларни англаш ва асл қадриятларни интизомдан фойдаланган ҳолда ривожлантириш.

Муваффакият ҳам моддий, ҳам маънавий ва ҳам амалий, ҳам назарий бўлиши мумкин.

Муваффакият – бу нимадандир ундан яхшироғига бурилиш ясаш жараёни: бекорчиликдан – бандликка, ширинликдан – меваларга, харажатлардан – сармоя киритишга.

Муваффакият – бу ўзгариш, юксалиш, ривожланиш ва оёққа туриш чақириғига жавоб.

Аммо аввалам бор муваффакият – бу ҳаётингизни ўзингиз истаганингизча яратиш қобилияти. Барча имкониятларингиз устида бош қотириб, бошқаларни ҳавасга арзигулик мисолини кўриб чиқиб, сиз аслида ҳаётдан нималарни истайсиз, шуни аниқланг. Бу жиддий савол, тўғрими?!

Унутманг, муваффакият – бу маданиятимиздан олинган бир қатор қолиллар тўплами эмас, балки аниқ белгиланган ва тамоман эришилган шахсий қадриятлар сарасининг жамланмасидир.

Ҳаётингизни ўзингиз истаганингизча яратиш – муваффакият шундан иборат. Хўш, бунга эришиш учун нима қилмоқ керак? Мазкур китоб айни шу ҳақида.

## МАҚСАДЛАРГА ИНТИЛИШДА НИМАЛАР ТУРТКИ БҮЛДИ

Бир куни мистер Шоафф: “Джим, менга мақсадларингиз рўйхатини берсангиз, биз уларни кўриб чиқиб, муҳокама қиласдик. Ҳозирнинг ўзида Сизга бера оладиган ёрдамимни энг яхиси шу бўлса керак”, - деб қолди. “Лекин менда бунаقا рўйхат йўқ”, - жавоб бердим мен. “У машинангизда ёки уйингиздами?”, - сўради устозим. “Йўқ, сэр, унаقا рўйхат менда умуман йўқ”, - тан олдим мен. Мистер Шоафф хўрсиниб: “Яхши, йигитча, демак уни тузишни ҳозироқ бошлишга тўғри келади, шекилли”, - деди ва шундан кейин кўзимга тикка боқиб: “Мақсадларингиз рўйхати бўлмаса, мен банкдаги ҳисобингизда қанча маблағ борлигини бир неча юз долларга-ча аниқлик билан айтиб беришим мумкин”, - деб қолди. Ва у тўғри топди.

Бу мўъжиза бор эътиборимни тортганди. Мен ёқамни ушлаб қолгандим. “Сизнинг-ча, агар менда мақсадлар рўйхати бўлганда, банкдаги ҳисобим ўзгарабими?”, - деб сўрадим мистер Шоаффдан. “Албатта”, - жавоб берди у.

Ўша куни мен мақсадлар қўйиш санъати ва илмини ўзлаштиришни бошладим. Ўша биринчи кунларда ўрганганларим ичida мақсадларни белгилаш ҳаётимга энг чуқур таъсир кўрсатди. Мен ҳар томонлама яхши томонга ўзгаргандим – ютуқларим, даромадим, банк ҳисобим, турмуш тарзим, ҳатто-ки шахсиятим ҳам ривож топганди.

Мақсадни аниқлаш қобилиятини эгаллаш ҳаётингизга чуқур таъсир кўрсатишига қаттиқ ишонганим учун мен буни муҳокамасига катта жой ажратмоқчиман, зеро бу жараённи кўпинча нотўғри тушунишади.

## ОРЗУНИНГ КУЧИ

Ҳар бир кишининг ҳаёти қатор омиллар таъсирида бўлади. Улардан бири бизнинг атроф-мухитимиз – яшаш жойимиз, ота-оналаримиз, ўқиётган мактабимиз, ёнимиздаги дўстларимиз. Уларниң ҳар бири ҳаётимизда маълум ўрин тутади.

Шуниндек, биз ҳаётимизда бўлаётган воқеалар таъсирида шаклланамиз. Масалан, уруш қалбимизни титкилаб ташлаши мумкин.

Аммо ҳаётимизга таъсир кўрсатадиган ҳеч бир омил орзу-ният каби катта ҳаётбахш кучга эга эмас.

Орзулар – биз истаган ҳаётни девордаги акси дейиш мумкин. Шунинг учун орзуларга эргашганимизда, бизда ижодий куч пайдо бўлиб, у мақсадларимизга эришиш йўлидаги барча тўсиқларни енгигб үтиши мумкин.

Лекин ўша кучни олиш учун орзуларимиз аниқ белгиланган бўлиши керак. Мавхум келажакка интилиш кучи ҳам кам бўлиши табиий. Фақат аниқ ва равshan орзулар келажак учун режа сифатида хизмат қилиб, керакли куч-ғайрат ва илҳом олиб келади.

Келажакка муносабатнинг икки тури бор: сиз келажакка ундан нимадир кутиб ёки ундан қўрқиб қарашингиз мумкин. Назаримда, кўпчилик одамлар келажакка қўркув билан қарашади.

Ҳаётда доимо хавотирда юрадиган одамлар бор. Уларниң қўрқувининг сабаби – келажагини режалаштиришга вақт тополмаганида. Кўпинча улар кимдир, - ота-оналари, дўстлари, касбдошлари, - уларниң орзуларини маъқуллашини кутиб яшади.

Уларга яшашни кимдир ўргатиши керак. Шунинг учун улар доимо хавотирда – атрофларидан уларни ишларини маъқуллайтиришади.

Лекин одамлар ичидага келажакка умид билан қарайдиган, уни режалаштириб, күтарилик рухда олға бораётганлар ҳам бор. Улар келажакларини тасаввур қила оладилар, орзулар уларни илхомлантиради ва катта күч-ғайрат келтиради.

## АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАР КУЧИ

Орзулар албатта ажойиб нарса, лекин улар етарли эмас. Истаган натижанинг чиройли күринишига эга бўлишни ўзи етмайди. Бу учун мақсадлар ифода этилган “йўл чизмаси” керак бўлади.

Аниқ белгиланган орзу каби, равшан ифодалangan мақсадлар ҳам магнит сингари бўлади. Гапларимга ишонаверинг: муваффақиятга эришиш йўлида ҳаёт “ўнқур-чўнкурлари” сизни адаштирмоқчи бўлганда, сизни мақсад сари тортувчи айни ўша кучли магнит керак бўлади.

Атрофингизга бир назар солинг: минглаб одамлар ҳеч қанақа мақсадларсиз кун кечиришади. Улар ҳеч қанақа орзу-умидларсиз, ҳаётларини режалаштирамай шунчаки тирикчилик учун яшашади. Мен уларни “магнитсиз”, ҳаётда адашган одамлар деб биламан. Зоро Торо айтганидек: «Кўпчилик одамлар осойишда тушкунликда ҳаёт кечиришади».

## САБАБЛАР

Асосий фикрлардан яна бири – ЕТАРЛИ САБАБЛАР МАВЖУДЛИГИ. Ҳар бир саволга аввал сабаб аниқланиб, кейин жавоб топилади.

Агар сиз нима истаётганингизни яхши тасаввур килсангиз ҳамда уни етарли тарзда истасангиз, сиз унга етишиш йўлини албатта топасиз. Йўлингиз-

даги муаммоларни ечиш учун керакли бўлган жавоблар, усуслар ва ечимларни кашф этасиз.

Айтайлик, сиз бойлик орттириш йўллари кўрсатилган китоб ёки кассета ҳақида эшишиб қолдингиз. Сиз уни сотиб оласизми? Албатта, сотиб оласиз! Чунки айни пайтда муваффақият қозониш ҳақидаги китобни ўқиётганингиз сабабли бойлик орттириш ҳақида ҳам кўп яхши китоб ва кассеталар борлиги сиз учун кутилмаган янгилик бўлмайди.

Аммо сиз бадавлат бўлишга эҳтиёж сезмасангиз, унда сиз шу мавзудаги китоб ва кассеталарга ўз вақтингизни сарфламаслигингиз ойдек равшан. Бир эски мақол бор: “Эҳтиёж – кашфиёт туғдиради”. Бу ҳақ гап! Шуни назарда тутиб, доимо аввал сабаблар устида, кейин эса жавоблар устида ишлашни давом эттиринг.

### ТЎРТТА УЛУФ МОТИВАТОР

Бир савол бор, ва сиз унга жавобни ўзингизга ўзингиз беришингиз керак: “Менга нима туртки бўлмоқда?”.

Сизга туртки бўлаётган омиллардан қай бирини алоҳида кўрсатиш лозим? Ўз молиявий даромадингизни кўпайтириш каби очиқчасига айтиладиган истакдан ташқари яна тўртта бошқа асосий мотиваторлар мавжуд.

Улардан биринчиси БАҲО ОЛИШ. Таниқли компания раҳбарлари ва аклли менежерлар билишади: баъзи инсонлар моддий мукофотлар олишдан кўра тан олиниш, оқилона баҳо олиш учун кўпроқ тер тўкишади. Шунинг учун сотиш билан шуғулланувчи омадли компаниялар, айниқса, уларнинг бевосита сотувларга ихтисослашгани, ўз ходимларининг барча катта- кичик ютуқларини тан олишга катта эътибор беришади. Кўп сонли аҳоли яшайди.

диган бизнинг дунёда кўпчилик ўзини ҳеч ким эмас, уларни ҳеч ким ўйламайди, деб ҳис қилишини оқил раҳбарлар яхши билишади. Баҳо олиш эса – бу уларнинг кераклигини ўзига хос тасдиғидир. Дарҳақиқат, инсон хосиятларини яхши биладиганлардан кўпинча “Сиз – антиқа одамсиз”, “Сиз – бошқача дунё” деган баҳоларни эшитамиз.

Аминман, агар барча компаниялар ўз ходимларини, - нафақат сотиш билан шуғулланадиган, балки хизматчилар, котибалар ва хизмат кўрсатувчилар ишини қадрлашга кўпроқ эътибор қаратишса, унумдорлик кўп маротаба ошади.

Баъзи одамларга хос ва уларни ишлашга ундовчи иккинчи туртки – бу уларни **ФАЛАБАНИ ҲИС ЭТИШНИ** ёқтиришидир. Бу ишлашга ундовчи энг яхши турткilarдан бири. Фалабага, ютуққа интилиш – омади юришган одамларга хос фазилат. Суткасига 10-12 соат ишлайдиганларга нафақат пул ва бойлик керак. Уларни кўпчилигига ғалаба ортидан келувчи завқ, роҳат ва ишдан қониқиши туйгусидир.

“Агар менда миллион долларим бўлганида, мен бошқа бир кун ҳам ишламасдим”, - дейишади баъзилар. Худонинг иродаси билан бундай кишилар ҳеч қачон бадавлат бўлишолмайди. Уларни ҳаётнинг ўзи жазолайди.

Учинчи улуғ мотиватор – ОИЛА. Баъзилар ўзи учун қилмайдиган ишларни севадиган инсонлари учун бажаришга қодир.

ХАЙР-ЭҲСОН, яъни ўз бойлигини бошқаларга ҳам улашиш истаги – бу тўртинчи улуғ мотиватор. Буюк пўлат қироли Эндрю Карнеги вафот этганида, у 12 ёшлигида ёзиб қолдирган бир парча қофоз топилган. Унда “Мен ҳаётимнинг биринчи ярмини пул йиғишга, иккинчи ярмини шу пулларни бошқаларга тарқатишга сарфламоқчиман”, деб ёзилган эди.

## МАЙДА-ЧУЙДА САБАБЛАР

Бойлик орттиришга турткы бүладиган улуг мотиватордан ташқари инсоннинг оддий эҳтиёж ва ҳаёт турмуш-тарзидан келиб чиқадиган оддий сабаблар ҳам мавжуд. Мен уларни “майда-чуйда сабаблар”, деб атаган бўлардим. Сабабларни бу тури ҳар биримизда – ҳар доим, ҳар вақтда – юзага чиқиши ҳамда ҳаётимизни тубдан ўзгартириб ташлаши мумкин.

Гап бир нечта сабаблар ҳақида кетмоқда. Улардан бири – кундалик ҳаётда нима учундир пулингиз етмаганида, яқинларингизни оддий майда-чуйда нарсалар билан сийлашга чўнтағигингиз кўтармаслигидан келиб чиқадиган пул топиш истаги. Ўша майда-чуйда – оддий музқаймоқдан тортиб фирмадўконидаги болалар велосипеди бўлиши мумкин.

Бу сабаб тагида бой-бадавлат бўлиш орзуси эмас, балки одамларга ўхшаб тирикчилик қилиш истаги ётади. Кўпчилик инсонлар, айниқса эркак зоти, айнан шу сабаб таъсирида нимагадир эришади. Шунинг учун мен яқинларим, дўстларим, ёру-биордарларим ва ҳаттоқи умуман танимайдиган одамларни сийлаш учун чўнтағимда ҳар доим ортиқча уч-тўрт юз доллар пул олиб юраман.

Яна бир майда сабаб бор. Бу пулсизликдан қийналиб, жазавага тушиш ҳолати. Шу жазава ва уни кетидан келиб чиқадиган жаҳл туйғуси керакли тарзда йўналтирилса, “майда-чуйда сабаб” сифатида кучли мотиватор сифатида ишлаши мумкин.

Қисқача қилиб айтганда, дунёда турли характердаги инсонлар мавжуд, шунинг учун муваффақият қозонишга интилиш сабаблари ҳам минг хил бўлиши мумкин. Асосийси ЕТАРЛИ САБАБЛАР МАВЖУДЛИГИ.

## МАҚСАДЛАР БЕЛГИЛАШ ЙҮЛЛАРИ

Биринчи бобда биз интизом ҳақида гапиргандик. Энди шу ижобий фазилатни қўллашни бошлаш вақти келди. Бу ўзига хос уй вазифасини биргаликда бажарамиз.

Айтиш лозим, бу уй вазифасини сиз бутун умрингиз давомида бажаришингизга тўғри келади, зеро мақсадлар вақти-вақти билан ривожланиб ва ўзгариб туради.

Энг оғири бошлаб олиш. Интизомни қанча тез ишга солсангиз, шунча тез натижалар билан баҳраманд бўласиз. Натижалар пайдо бўлиши билан сиз маҳсус вазифаларни бажариш ва интизомга бўйсишишга мажбур бўлганингиздан ҳеч ҳам афсус қилмайсиз. Демак, бошладик!

### УЗОҚ МУДДАТЛИ МАҚСАДЛАР

“Мен кейинги бир йил, икки йил,..., ўнинчи йилларда нималарга эришмоқчиман?” – биринчи наvbатда шу саволга жавоб топишингиз керак.

Бу машқни бажаришга 12-15 дақиқа сарфлаб, элликтагача турли вазифарни ўз олдингизга қўйинг. Бунинг учун қўйидаги олтита саволлар сизга ёрдам беради:

1. Мен нима қилишни истайман?
2. Мен ким бўлишни истайман?
3. Мен нима кўришни истайман?
4. Мен нимага эга бўлишни истайман?
5. Мен қаерга боришни истайман?
6. Мен бошқаларга нималарни улашишни истайман?

Шу олтита саволни назарда тутиб, асосий саволга жавоб беринг: “Умримнинг бир йилдан ўн йил-гача бўлган кейинги даврида мен аслида нимани истайман?”. Фикрларингиз оқимига эркинлик беринг. Жавоб беришда тавсилотларни баён этишга уринманг: буни сиз кейинроқ қиласиз. Масалан, “Кулранг мовий салон Мерседес-600 олишни истайман”, деб ёзишни ўрнига оддийгина “600” рақамини ёзинг ва кейинги бандга ўтинг.

Рўйхатни тузиб бўлгандан сўнг, ундаги ҳар бир бандни бажаришга ёки унга эришишга кетадиган вақтни қўйиб чиқинг. Яъни ҳар бир бандга кетадиган муддатга қараб “1”, “3”, “5” ёки “10” рақамларини қўйиб чиқинг.

Энди мақсадларингиз бажариш муддатларини “тарозига қўйиб”, урганиб чиқинг. Масалан, ўн йилга мўлжалланган мақсадлар сони кўп бўлса ҳамда бир йилликлари кам бўлса, бу демак, сиз мақсадларингизни бугунни ўзида бажаришдан қочиб, уларни бажариш муддатларини чўзишга мойиллик қилмоқдасиз.

Агарда аксинча узоқ муддатли мақсадлар кам бўлса, демак сиз узоқ келажакда турмуш тарзингиз қандай бўлиши ҳақида бир қарорга келмаган бўлингиз мумкин.

Бунда энг муҳими қисқа ва узоқ муддатли мақсадлар мувозанатини таъминлашdir.

Турли муддатларда амалга ошириш лозим бўлган кўп мақсадларни қўйиш заруриятининг аслида муҳим сабаби бор. Агар турли муддатли кетма-кет мақсадларингиз бўлмаса, маълум вақтга бориб, у ёки бу мақсадга эришиб бўлгач, сиз у ёғига нима қилишни билмай турғунлик ҳолатига тушиб қолишингиз мумкин. Ойга парвоз қилган америкалик астронавтлар айнан шу кунга тушганлари тарихда маълум.

Ойни забт этгандан сүнг, улар энди қайси сайёрага интилишни билмай, чукур рухий муаммоларга дуч келишган. Ушбу аччиқ хулосадан сүнг кейинги астронавтлар маълум бир сайёralарга учиш эмас, балки “юрак ўтларини сўндиrmаслик учун” коинотни обдон ўрганиш, у ерда турли тадқиқотларни ўтказиши мақсадлар рўйхатига киритишган.

Лекин биз Ерга қайтайлик. Тузган рўйхатингизни тарозида тенглаштирганингиздан сүнг ҳар бир муддатдан (бир йил, уч йил, беш йил, ўн йил) сизга энг аҳамиятли кўринган тўрттадан мақсадни танлаб чиқинг. Энди сизда ўн олтита мақсад бор. Уларни ҳар бири учун қисқа қилиб қўйидаги тарзда изоҳ бандини ёзиб чиқинг:

1. Мақсад тафсилотлари. Бу маълум моддий иншоот бўлса, уни ўлчовлари, нархи, русуми, ранги ва ҳоказо. Маълум касб, хунар, лавозим ёки бошланғич бизнес бўлса, унда ўзлаштириш керак бўлган иш хусусиятлари – билим манбаи, иш кўлами, бюджети, олинадиган маош, ходимлар сони ва бошқаларни баён этинг.

2. Мақсадни бажариш ёки уларга эришиш сабаби. Агар сиз шу мақсадни нима сабабдан истаётганингизни аниқ ва ишончли тарзда белгилаб олмасангиз, демак у ҳақиқий мақсадлар эмас, хом-хаёллар сирасига киради ва сиз уни бошқасига алмаштиришингиз керак бўлади.

“Шу нарса менга керакми?” деган саволга жавоб топсангиз, ҳамма бандлар жой-жойига тушади. Янги фикрларингиз мақсадни аниқлаш ва уни қайта кўриб чиқишига керакли асослар яратади, бу эса келажагингизни режалаштиришга ёрдам беради.

Ўн олтита мақсадларингизни белгилаб бўлганингиздан сүнг, уларни алоҳида қофоз ёки кундалигингишга ёзиб, доимо ёнингизда олиб юринг. Ҳафтада

б  
бир уларни кўздан ўтказиб, улар ҳанузгача сиз учун мухимлигини ҳамда сиз уларни амалга ошириш йўлида фаол қадамлар кўяётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Мақсадлар қўйиш – бу аниқ натижалар олиб келадиган бир марталик вазифа эмас. Аксинча, бу бутун умр давом этадиган узлуксиз жараён.

## ҚИСҚА МУДДАТЛИ МАҚСАДЛАР

Қисқа муддатли мақсадлар деб мен амалга оширишга бир кундан бир йилгача вақт кетадиган мақсадларни атайман. Бу мақсадлар зарурлиги бўйича узоқ муддатли мақсадлардан камтарроқ бўлса-да, мухимлиги бўйича уларга teng аҳамиятга эга.

Қисқа муддатли мақсадлар, турган гапки, сизнинг узоқ муддатли мақсадларингиз билан боғланган бўлиши керак. Лекин сезиларли даражадаги устунликка эга мақсадлар – бу яқин келажакда эришишга имконият бор мақсадлардир. Мақсадларнинг ушбу турини мен “дадиллик бунёдкорлари” деб атаган бўлардим, чунки уларга эришиш сизда дадиллик билан олға юриш заруриятига ишонч ҳосил қиласди.

Юқоридаги рўйхатдан фойдаланишининг яна бир афзаллиги бажарилган бандлар рўпарасига “V” белгисини қўйиш имкониятидир. Шу белги қўйилгандан сўнг, вақт топиб, ютуфингизни нишолашга ўрганинг. Агарда сиз енгил вазифани бажарган бўлсангиз, бу ўтириб ишларингизни обдон ўйлаб чиқиш пайти бўлиши мумкин. Ва агарда ютуфингиз салмоқли ва арзигулик бўлса, уни “ювиш” жараёни билан сиз ўзингизни рағбатлантирасиз. Нима бўлганда ҳам, ғалабаларингиздан завқланиш учун вақт топинг. Бу сизни янада самарали ишлашга илҳомлантиради.

Шундай бўлса-да, ютуқларни нишонлаш кераклигига сизни ишонтириш билан бирга, қулоқقا ун-

ЧАЛИК ЁҚИМЛИ БҮЛМАГАН ЯНА БИР МАСЛАҲАТ БЕРМОҚ-ЧИМАН: ЙҮҚОТИШ ОҒРИҚСИЗ БҮЛСИН!

Кўрганингиздек, ўсиш амалиётнинг икки тури – фалаба нашидаси ва йўқотиш азоби асосида юзага келади. Бирон-бир лойиҳани охирига етказиш ўрнига сиз вақтни зое кетгазган бўлсангиз, зарарни қоплаш йўлини топишга ҳаракат қилинг. Ҳам ижобий, ҳам салбий ҳаракатларингизга жавоб беришни ўрганинг.

Бундан ташқари, атрофингизга сизнинг савсаталарингизни қабул қилмайдиган одамларни йиғишга ҳаракат қилинг. Ҳамма гапларингизни маъқуллайдиган жамоага қўшилманг. Улкан мақсадларни кўзлаётган, муваффақиятга интилиши баланд бўлганлар ёнига боринг. Бу ҳам сизнинг бойлик ва баҳтга эришиш умумий стратегиянгиз бир қисми.

## БЕҚАРОРЛИК

Муваффақиятга эришишингизни мен жуда истайман! Айнан шунга мен озгина хавотирдаман. Биламан, бу саҳифаларни ўқиётгандарнинг кўпчилиги бор жаҳди билан мақсадлар қўйишга ва уларни ривожлантиришга киришмайди. Хуш, нега? Чунки бу – кўп вақт ва фикрлашни талаб этадиган иш. Қизиги шундаки, кундан кунга ўзлари ёқтиргман ишда терлаб меҳнат қилаётган кишилардан вақт топиб, ўз келажакларини режалаштиришни маслаҳат берсангиз, улар: “Ахир мени вақтим йўқ”, – деб жавоб қайтаришади. Улар ўз келажаклари мавҳум бўлиб қолишига рози бўлишади.

Кўпчилик одамлар аниқ режалар тузмасликларини мен яхши биламан, лекин сиз уларнинг бири бўлиб қолмаслигиниз керак.

Буни сезасизми ёки йўқми, бундан қатъий назар айни пайтнинг ўзида сиз ҳаёт деб номланмиш мусо-

балаңда үйинчисиз. Гапимга ишонаверинг, агар сиз-  
да пичноқта илинадиган мақсадларингиз бўлмаса,  
сиз ҳеч қачон чиройли үйин кўрсатолмайсиз. Ҳисо-  
би олиб борилмаётган үйинни кўриш учун ҳеч ким  
пул тўламайди.

Интизомли, меҳнаткаш, ҳалол инсон бўла туриб,  
инқирозга учраш ва қарзларга ботиб кетиш мум-  
кин. Сиз нафақат интизомли, ҳалол ва меҳнаткаш  
бўлишиングиз, балки сиз ажойиб режакаш, ўз мақ-  
садларингизнинг бунёдкори бўлишиングиз даркор.

Мақсадларга жиддий ёндашиш бўлмаса, уларга  
эришиш режаси тузилмаган бўлса, интизомга риоя  
қилинмаса, ҳар бир иш фақат азоб-уқубат олиб ке-  
лади. Шундай қилиб, ишга жиддий ёндашинг. Мақ-  
садларингизни қоғозга туширинг. Ишонинг, менинг  
маслаҳатларим ҳаётим тажрибасидан келиб чиқсан.

### МАҚСАДЛАР: УЛАР СИЗ УЧУН ИШЛАШИ КЕРАК

Олдинги бобларда мен мақсадларни танлаш ва  
уларни амалга оширишни бошлаш ҳақида сўз юрит-  
гандим. Энди сиз орзу-истакларингиз турмушингиз-  
ни шакллантиришга таъсир кўрсатиши учун нима  
қилишингиз кераклигини ўрганишингиз керак.

Биринчидан, шуни билинг-ки, катта аҳамиятга  
эга мақсадларни ўз олидингизга қўйишингиз би-  
лан сиз шахс сифатида ўзгарасиз. Аниқ қўйилган  
мақсадлар кун давомида бажарадиган деярли барча  
ишларингизга ўз таъсирини кўрсатади. Юриш-ту-  
ришингиз, салом-алигингиз, кийинишингиз, ово-  
зингиз оҳанги, - қўйинг-ки, бор вужудинги ўзгаради.

Лекин елкангизга катта масъулиятни юкловчи  
мақсадлар салмоқли бўлиши керак. Кимнидир шу  
ойлардаги мақсади соликларни бир амаллаб тўлаш

бўлиши мумкин. Бу ҳам, албатта, муҳим, лекин бу – жуда кичик мақсад. Уни бутун ҳаётингизни белгиловчи мақсадлар қаторига киритиш нотўғри бўларди.

Албатта, куч-ғайрат сизга ҳамроҳ бўлиши учун сиз улуғвор мақсадларни ўз олдингизга қўйишингиз лозим. “Осилсанг, баланд дорга осил”, - деган нақлга итоат қилиш керак бўлади. Шу билан бирга, “кўрпангизга қараб, оёқ узатиш”ни ҳам эсингиздан чиқарманг. Асл имкониятларни ҳисобга олмай қўйилган мақсад уни амалга оширишни бошламасингиздан олдин сизни синдириб қўйиши мумкин.

## МАҚСАДЛАРНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Мақсадларни белгилаш жараёнида уларга эришиш асл қиймат ҳисобланмайди. Кўнглингиз кетган буюмни сотиб олиш ўз моҳияти бўйича аслида иккинчи ўринда туради. Мақсадларни белгилаш жараёнининг асосий моҳияти – сизни шахс сифатида шакллантиришдир.

Миллионернинг энг катта қадр-қиймати унинг миллион доллари эмас, балки у шу мақсадга эришиш йўлида тўплаган кўникма, билим, интизом ва лидерлик фазилатларидир. Бу – ишни режалаштириш ва амалга ошириш йўлларини белгилаш давомида орттирган тажриба. Бу – миллион доллар тўплаш учун керак бўладиган ички куч бўлиб, уни сиз ўзингизда ривожлантирасиз.

Миллионер бўлиш қўлидан келмайдиган кишига миллион доллар бериб кўринг, - у бу пулларни икки кунда ҳавога совуради ёки уларни сандиққа яширади. Ҳақиқий миллионердан бор бойлигини олиб қўйинг, - у яна ҳа дегунча яна ўз ҳолатини тиклайди. Нега? Чунки миллионер мақомини эгаллаганлар кўникма, билим ва бой тажрибасидан келиб чиқиб,

пул топиш жараёнини қайта ва қайта тақрорлаш-  
га қодир бўлади.

Кўрганингиздек, кимдир миллионер бўлиши-  
нинг энг муҳим жиҳати унинг ортирган бойлиги  
эмас, балки у қандай одамга айланганидир.

Куйидаги қоидани эсдан чиқарманг: **ОДАМ ДА-  
РОМАДИННИГ МИКДОРИ КАМДАН-КАМ ҲОЛЛАР-  
ДА УНИНГ АҚЛ ДАРАЖАСИДАН ЮҚОРИ БЎЛАДИ.**  
Ана шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз ўзимизни ўзи-  
миз ўрганишимиз керак бўлади. Мақсадларига эри-  
шиш учун инсон ёки ўзини ўзгартириши керак, ёки  
мақсадга туртки бўлган хоҳиш-истагини ўзгарти-  
риши лозим.

## **ЎЗИНГИЗНИ СИНДИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ**

Мақсадларни қўйиш жараёнида, айниқса бошла-  
нишида, осонгина тушкунликка тушиб кетиш мум-  
кин. Менинг маслаҳатим – ўзингизни холи тутинг.

Мақсадларингизга эришишингизга кўзингиз ет-  
маётган бўлса, эсдан чиқарманг: **СИЗНИНГ ҚОБИ-  
ЛИЯТЛАРИНГИЗ ОРЗУЛАРИНГИЗ БИЛАН БИРГА  
РИВОЖЛАНАДИ.** Бу мақсадлар қиши жараёнининг  
ажойиб хусусияти. Ўз мақсадларингиз устида қан-  
чалик кўп ишласангиз, олдингизда шунча кўп янги  
имкониятлар очилади. Ҳамда ҳар бир янги имко-  
ният замирида аввалига ечимсиз туюлган муаммо-  
нинг ечими ётади.

Шунинг учун бошлашдан қўрқмаслик керак. Кўп-  
чилик олдинги омадсизлик ва мағлубиятлар оғир-  
лигига ишни бошлашдан қўрқишиди. Дўстларим,  
ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. У ортда қолди. Ле-  
кин сиз келажакда буюк ишларни амалга ошириш-  
га қодирсиз. Кечаги инсон бугун бошқа бир шахсга

айланиши мумкин. Ҳаётингизга қисқа муддат ичида мислсиз ўзгартиришлар киритишиңгиз мумкин.

Қобилиятларингиз ривожланишни бошлайди. Олдин ҳеч қачон мавжудлигини билмаган имконият ва истеъдодларингизни юзага чиқаришни бошлайсиз. Вақт ўтиши билан сиз захирада яшириниб ётган ижод ва ақл-идрок каби қобилиятларингизни ишга соласиз.

Мақсадлар шу қадар кучлими? Шу ўзгаришлар рўёбга чиқишини улар инсонни қандай қилиб мажбурлай олади? Бу саволларга мен ҳам жавоб бера олмайман. Улар ўша “турмуш жумбоқлари” деб номланадиган фалсафий тушунчалар сирасига киради. Лекин бир нарсани аниқ айтишим мумкин: айтганларим иш беради. Буни сиз ҳам ўзингизга кашф этинг. Ўзингиз орзу қилган шахсга айланишга, интилган мақсадларингизга етишишга ўзингизга имконият беринг.

## **САВОЛЛАР БЕРИШ ҚОБИЛИЯТИ**

Савол бериш қобилияти – ўзлаштириш керак бўлган муҳим кўникмалардан бири.

Биринчидан, савол билан мурожаат қилиш – бу олиш жараёнининг бошланиши. Бу ақл ва ҳиссиёт даражасида қандайдир ғаройиб ускунани ишга солиш учун босиладиган тугмача каби ишлайди. Мен ҳар бир ишни саволлардан бошлашингизни тавсия этаман.

Иккинчидан, саволга керакли ва қониқарли жавоб олишда уни тўғри қўйишни билиш керак.

Учинчидан, темирни қизигандан босиш керак! Ишингиз юришига ишонч бўлса, олдингизда уммон каби имкониятлар вужудга келса, сув олдига чой қошиғи билан эмас, ҳеч бўлмагандан кичкина челяк билан боринг.

Саволларни түғри күйиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Аввалам бор, ақл билан савол беринг. Бир балоларни минғиллаб турсандыз, ҳеч нарса ололмайсиз. Фикрларингизни аниқ ва лүнда ифода этишни ўрганинг. Ақл билан савол беришни үзига хос аниқ жиҳатлари мавжуд: баландлиги, узунлиги, миқдори, вакти-соати, русуми, ранги ва ҳоказо. Нима истаётганингизни аниқ күрсатиб беринг. Аниқ ифодаланган мақсадлар магнит каби үзига тортади.

Иккинчидан, ишонч билан сұранг. Ишонч – болаларга хос фазилат. Боландыз каби ишонинг. Катталарга хос жиғдийликдан қочинг. Болалиқдаги қизиқувчанлик хислатингизни руҳиятингизга қайтарсангиз, сиз савол беришга устаси фаранг бўлиб кетасиз.

### МАҚСАДЛАРНИ ҚҮЙИШ ВА ВАҚТНИ БОШҚАРИШ

Вақтни бошқара олиш – бугунги куннинг энг қизиқарли мавзуси. Вақтдан самарали фойдаланиш ҳақида маълумот олмоқчи бўлаётганларга бир талай китоб, кассета ва ўқув семинарлари таклиф этиляпти. Вақтдан унумли фойдаланишни ўрганмоқчи бўлганлар қуидагини эслаб қолинг: АГАР СИЗДА АНИҚ МАҚСАДЛАР БЎЛМАСА, ВАҚТИНГИЗНИ САМАРАЛИ БОШҚАРА ОЛМАЙСИЗ. Самара – бу аниқ ифодаланган мақсадлар натижаси.

Агар мақсадларингиз миянгизда аниқ ва равшан акс этмаган бўлса, вақтни тақсимлаш ҳал қилувчи омил бўлолмайди. Бу оддий ҳолат. Шунинг учун мақсадларни қоғозга тушириш катта аҳамиятга эга.

## УСТИВОРЛИКЛАР

Техника асрида биз тўқнашадиган қийинчиликлардан бири фасллар алмашувини сезиш қобилиятини йўқотганимиздир. Мавсумга қараб, устивор вазифалари ўзгарадиган фермердан фарқимиз шуки, биз ҳаётнинг табиий меъёрларига аҳамият бермай қолганмиз. Натижада биз устиворликларимиз устида мувозанатни йўқотдик.

Бундан керакли сабоқ олиш керак бўлади. Ҳаёт мавсумларидан унумли фойдаланишни ўрганинг. Тезликни қачон ошириш ва қачон пасайтиришни, юзага келган шарт-шароитни қачон жиловлаш ва қачон ўз ҳолига қўйишни билиш керак. Йилдан йилга эрталабки соат тўққиздан кечги соат олтигача ишлаб, табиий босқичларни сезиш қобилиятидан маҳрум бўлиш мумкин.

## АСОСИЙ ВА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ИШЛАР

Устиворликларни белгилашда асосий ишларни иккинчи даражали ишлардан ажратиб олиш қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи даражали лойиҳаларга вақтингизни сарфлашдан асрашга ҳаракат қилинг.

Асосий ва иккинчи даражали ишлар концепциясининг яна бир қўлланиш жиҳати бор. Унга асосан бош лойиҳаларга кам вақт сарфлаш мумкин эмас. Қадриятларни аралаштириб юбормаслик керак.

Бу концепция пулларга ҳам алоқадор. Иккинчи даражали нарсаларга катта маблағ сарфлаш ярамайди, ва, аксинча, бош лойиҳаларга озгина пул тикиш ҳам мумкин эмас.

Вақт ва пулдан фойдаланишнинг энг мақбул усули – уларни қадрини мумкин қадар кўтаришдан иборат. Бу энг юқори натижаларга эришиш мақсадида пухта ўйланган сармоя киритиш усулидир.

## **ЭЪТИБОРНИ ЖАМЛАШ**

Ҳар бир қилаётган ишингизга катта эътибор билан қаранг. Хат ёзаётганингизда ҳам, бир муаммони ечишга уринаётганингизда ҳам, музокара ўтказаётганингизда ҳам – доимо фикрингизни жамлаган ҳолда ҳаракат қилинг. Бу ҳаёtingизга қандай таъсир қилишини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Табийи-ки, баъзи бир ҳолларда эркин фикрлаш керак бўлади. Аммо бундай ҳолатлар учун алоҳида вақт ажратинг. Агарда миянгизга дам бермоқчи бўлсангиз, ҳаёт ташвишларидан узоқроқда – дengiz бўйида сайр қилинг ёки баланд тоғларга чиқинг. Лекин бу енгил кайфиятга фақат белгиланган маълум вақтда берилинг. Бошқа вақт доимо диққат-эътиборингизни бир ерга жамлаган ҳолда иш тутинг.

## **ҲАЁТДА ҲАММА ЎЗ НАСИБАСИНИ ОЛАДИ**

Энди охирги бандни кўриб чиқиши қолди. Ҳаракатларингизни энг пухта ўйлаб чиқилган режаси бўлган тақдирда ҳам, барча истаганингизга етиша олмайсиз. Буни мен биламан. Мақсадларингизга эришиш йўлларини сизга ўргата туриб, бу гапни айтишим қизиқ-а?! Демак, мен ўзимга ўзим қарши чиқяпман, шундайми?!

Нега сиз истаган нарсаларингизни барчасини ололмайсиз? Чунки буни ҳаёт дейдилар, оғайни.

Баъзида кутилмаганда келган дўл сизнинг экинла-  
рингизни пайхон қилиши ёки тўй кунингиз ёмғир  
ёғиши мумкин. Баъзида ҳаётингиз пойдеворини  
қурт ва қумирсқалар емириб ташлаши мумкин. Бу  
ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Бу алолатдан эмас, демоқчимисиз? Балки шун-  
дайдир. Лекин ҳаёт бунёд этилишида сиз билан  
менинг фикрларимизни ҳеч ким сўраб ўтиргаган.  
Шу боис ҳаётни борлигича қабул қилишдан бошқа  
иложимиз йўқ.

\*\*\*

Мақсадлар. Улар сизни илҳомлантирса, нима-  
ларга қодир эканлигинизни билиб оласиз. Улар-  
га ишониб яшасангиз, натижани охирида кўрасиз.  
Мақсадларингизга интилган ҳолда ҳаракат қил-  
сангиз, ўзингизни қандай одамга айланишингиз-  
ни ҳаёт кўрсатади, мен бир нарса дея олмайман.  
Аммо менинг ўргатганларимни тўқсон кун даво-  
мида ўзингизда синаб кўринг. Шунчаки бир синаб  
кўринг! Балки сизнинг натижаларингиз меникидан  
ҳам яхши бўлиб чиқар. Балки... Мен чин кўнгилдан  
сизга шундай бўлишини тилайман. Ноумид шайтон!

## ОҚИЛЛИККА ЙЎЛ

Яхши яшашни асосий йўлларидан бири ўз мақ-  
садларингизга эришиш учун қандай маълумотлар  
керак бўлишини билишдан иборат. Мақсадингиз-  
га эришиш учун қандай билим кераклигини бил-  
сангиз, шу билимларга эга бўлиш йўлларини ҳам  
тушуниб етасиз.

Камдан кам одам бойлик орттириш ҳақидаги  
билимларга эга бўлишга интилади. Лекин кўпчи-  
лик эркак ва аёллар бой ва бадавлат бўлиб, баҳтили

ҳаёт кечиришга интилишади. Демак, бундан келиб чиқадики, улар “бойлик”, “баҳт” деган тушунчалар мөхиятини обдон ўрганиб чиқишилари керак. Шундайми? Аммо улар нега бундай қилишмайди? Бунга жавоб ҳаётнинг яна бир жиҳати бўлиб, мен уни “ХАЁТ СИРЛАРИ” деб атайман.

### БИЛИМ ГАВҲАРЛАРИГА ЭГА БЎЛИШ

Ўрганиш учун яна бир асосий тушунчалардан бири – билим ўзлаштириш қобилияти. Чин маънода катта аҳамиятга эга нарсаларни сезиш ва уларни ўзлаштиришни албатта ўрганиш лозим бўлади.

Биринчидан, алоҳида ҳолларни сезиш ва уларни сақлаш йўлларини ўрганинг Камерадан фойдаланинг. Бир талай суратлар олинг. Вокеани бир сонияда ушлаб қолиш қобилияти – бу йигирманчи аср феномени.

Семинар вақтида аудиторияда мингта тингловчи ўтирган бўлса, минбарда сўзлаётган нотиқقا мингтacha камера қараган бўлади. Чунки ҳар бир қатнашчи янги тадбирни, янги дўстларини ва эсда қоларли ҳар бир ҳолатни сақлаб қолиш учун камера олиб келади.

Билимга эга бўлишни яна бир усули – сизнинг шахсий кутубхонангиз. Сиз қайта-қайта ўқиб чиқсан, саҳифалари букилган, ҳошияларида турли ёзувларингиз пайдо бўлган китобларни назарда тутмоқдаман. Ўша сизнинг ҳаётий қадриятларингиз фалсафасини шакллантирган китоблар. Бундай билим манбанининг баҳоси асл гавҳар билан teng!

Бугунги ривожланган алоқа воситалари даврида мен ушбу қадриятлар манбалари қаторига бизнинг ҳаётимиз яхши томонга ўзгаришига таъсир

этган аудио- ва видеокассеталарни қўшган бўлар-  
дим. Буларни ҳаммаси ҳам бизнинг фарзандлари-  
миз учун ўзига хос мерос хисобланади.

Бойлик ва баҳт деб номланадиган фанни ўзлашти-  
риш истагида бўлган жиддий талабаларга мен кун-  
далиқ ёки ён дафтардан фойдаланишни маслаҳат  
бераман. Унга ҳаётингизда учрайдиган барча фикр  
ва ғояларни киритиб боринг. Аста секин юзага ке-  
ладиган ёзувлар ажойиб гавҳар билан тенг бўлади  
– сизда бизнес ғоялари, ижтимоий лойиҳалар, ма-  
даният соҳасидаги ғоялар, инвестициялар бўйича  
таклифлар, қўйинг-ки сизнинг бор турмуш-тар-  
зингизни яхши томонга олиб борувчи барча ғоялар  
жамланган бўлади. Уни ҳақиқий баҳосини тасаввур  
қила оласизми?! Бундай бойлик сизнинг эски қўл  
соатингиздан ҳам анча юқори баҳоланадиган оила  
бойлиги бўлади.

## **ОҚИЛ БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Оқил ва доно бўлишни икки усули мавжуд. Би-  
ринчи усул – ўз ҳаётингиз мисолида ўқиш. Иккин-  
чиси – бошқа одамлар ҳаётини ўрганиш.

## **ШАҲСИЙ ФИКРЛАР**

Ҳаёт тажрибангизга хаёлан қайting. Фикрлаш  
санъатини эгаллашга интилинг. Яъни ҳаётингиз  
воқеаларига баҳо бериб, улардан керакли сабоқлар  
олишни ўрганинг. Мен бу жараённи “лентани қай-  
та кўриш” деб атайман.

Ҳаётингиз воқеалари – энг зўр ахборот воситала-  
ридан биридир. Ҳаётингиздаги кунларни шунчаки  
яшабгина қолмай, улардан нимадир олишга ҳара-  
кат қилинг. Атрофингизда бўлаётган барча ҳолат-

лардан хабардор бўлиб, кун воқеаларини миянгизда аниқ сақлаб қолинг. Бу ахборот керакли пайтда сизга асқотади, яъни жиддий фикрлаш вақти келганда сиз ундан унумли фойдаланасиз. Афсуски, муваффақиятнинг ушбу формуласидан фойдаланишга кўпчилик етарли аҳамият бермайди.

Кун охирида бўлиб ўтган воқеаларни қайта кўриб чиқишига бироз вақт ажратинг – қаерга борганингиз, нималар қилганингиз, гапирган гапларингизни эсланг. Нима самарали бўлди, нима йўқ, қайси ишни қайтарса бўлади, қайсинисини бўлмаслигини аниқланг. Ранглар, сиймолар, товушлар, сухбатлар ва қўнглингиздан ўтган фикрларни эсланг.

Ҳаёт тажрибаси буюм, пул ва валюта, яъни бойлик манбаси бўлиши мумкин. Фақат битта шарт бор – сиз ўша тажрибани қоғозга тушуриб, ўлчаб кўриб, тегишли баҳо бериб, уни асл бойликка айлантира олишингиз керак. Қолаверса, турли инсонлар ҳаётларидағи фарқ улар билан бўлиб ўтадиган воқеалар билан белгиланмайди. Ҳар бир киши ҳаётидағи воқеаларга бўлган муносабати охирги натижани белгилайди. Ҳаётимизда қандайдир ижобий натижага эришиш учун биз ундан қийматли ҳаётий маълумотларини олишимиз керак бўлади.

Фикрлаш учун яна бир самарали вақт – бу ҳафта, ой ёки йилнинг якунидир. Ҳафта охирида бир неча соат ажратиб, охирги етти кунда бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилинг. Ой охирида бунга бир кун бағишлиг. Йил бошида эса сарҳисобга бир ҳафта сарфланг.

Янги кун, янги ҳафта, янги ой ва янги йилни шунчаки яшаб ўтиш ярамайди. Бунинг ўрнига олдинги даврларни жамлаб, ҳаётингизни кейинги давларига киритинг. Навбатдаги музокарани шунчаки ўтказиш ҳам ярамайди. Бунинг ўрнига олдинги бар-

Ча сұхбат ва музокаралардан орттирган тажрибани йиғиб, навбатдаги музокарага үтказиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, янги дарсни үзлаштиришга киришинг. Ҳаётингизни кузатиб, бу дунёда нима ва қандай ишлашини аниқланг. Ҳаётингизни ўрганиб чиқаётганингизда ҳам салбий, ҳам ижобий воқеаларни, ҳам омадсизликлар, ҳам муваффакиятларни таҳлил қилаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Бизни омадсизликларимиз улардан керакли хуласа чиқариб олганимизда бизга катта ёрдам бериши сир эмас. Кўпинча омадсизликлар муваффакиятларга қараганда бизга кўпроқ сабоқ бўлиши мумкин.

Ниманидир тўғри бажаришни ўрганиш усулларидан бири уни аввал нотўғри бажариб қўришдир. Нотўғри, хато ишларни қилиш – ҳаётнинг бебаҳо мактаби. Лекин сиз бу мактаб синфларида кўп вақт ўтириб қолмайсиз деган умиддаман. Агар сиз охирги ўн йил ичидаги ниманидир нотўғри қилиб келаётган бўлсангиз, мен бу ҳолатни яна ўн йил давом этиришингизни тавсия қилмаган бўлардим.

## БОШҚАЛАР ИБРАТИДАН САБОҚ ОЛИШ

Билим олишнинг яна бир усули бошқаларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш йўлидир. Сиз бошқа инсонларнинг ҳам муваффакиятлари, ҳам мағлубиятларидан керакли дарс олишингиз мумкин.

Бошқалар ҳаёти мисолида сабоқ орттиришнинг куйидаги учта усули бор:

1. Китоб каби чоп этилган адабиёт, шунингдек чиқарилаётган аудио- ва видеокассеталардан фойдаланиш.

2. Бошқа инсонларни оқилона маслаҳатлари ва бемаъни гапларини сабр билан эшлиши.

3. Голиб ва мағлубларни кузатиш.

Энди ҳар бир усулни алоҳида кўриб чиқайлик.

## КИТОБ ВА КАССЕТАЛАР

Мен ҳаётимда учратган ҳамда муваффақият қозонган одамларнинг барчаси китоб ўқишига катта аҳамият беришган. Улар доимо ўқишиган, ўқишиган ва яна ўқишиган. Бунга уларнинг айнан қизиқувчанилиги турткни бўлганди. Улар ҳамма нарсани билишни исташган. Улар доимо янада комилроқ инсон бўлиш йўлларини қидиришган. Битта яхшиги на ибора, уни эслаб қолиш зарар қилмайди: БАРЧА ЛИДЕРЛАР – ЎҚИШНИ ХУШ КЎРИШАДИ.

Бир вақтлар ноширлик иши босма маҳсулот – китоб билан боғлиқ бўлган. Эндиликда эса биз электрон шаклдаги маълумотлардан фойдаланишимиз мумкин. Бунда мен билим олишнинг ажойиб воситаси бўлмиш аудио- ва видеокассеталарни назарда тутяпман.

Минглаб китоб ва кассеталар мавжуд бўлиб, улардан турли мавзу ва йўналишлардаги билимларни олиш мумкин. Бу манбалардан ҳаётнинг барча жабҳалари ўрин олган: куч ва ирова сирлари, қатъиятли бўлиш, нотиқлик санъатини ўрганиш, самарали лидерликка эришиш, одамларга таъсир ўтказиш, ишқ-муҳаббатга етишиш ва оила қуриш, бизнесни бошлиш ва ҳоказо, ва ҳоказо. Юзлаб бошқа фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар! Лекин кўп одамлар ушбу билимлар хазинасидан ҳозиргача фойдаланмайдилар. Буни қандай тушуниш мумкин?

Муваффақиятга эришган минглаб кишилар ўз бошларидан кечирган завқли қиссаларни қоғозга туширишганини биласизми? Шундай бўлса-да, инсонлар уларни ўқишига шошилмайдилар. Нега?

Интизомли, меҳнаткаш, ҳалол инсон бўла туриб, инқирозга учраш ва қарзларга ботиб кетиш мумкин. Сиз нафақат интизомли, ҳалол ва меҳнаткаш бўлингиз, балки сиз яхшигина китобхон бўлишингиз даркор. Китоб ўқишини ёқтиргмаган тақдирда ҳеч бўлмаса уйга қайтаётганингизда фойдали кассета эшишиб келишингиз мумкин.

\*\*\*

“Жон, мен бу олтин конини сотиб олдим. Кўп олтинга эга бўлдим. Унинг ҳаммасини нима қилишни ҳам билмай қолдим. Менга шерик бўл, биргалашиб олтин қазиймиз”, - дейман мен.

“Аммо менда белкурак йўқ-да”, - жавоб беради Жон.

“Яхши, Жон, ишга киришавер, белкурак топилади”, - дейман мен.

“Лекин шу кунларда белкурак нархи қанчалигини биласанми”, - дейди у.

Китоб ва кассеталар сотиб олишдан мақсад ўз билим даражангизни оширишдир. Ўз келажагингизга сармоя киритишдан ҳеч қачон қочманг. Мустақил равишда қўшимча таълим олиш ҳар бир омадли иш юритишни мақсад қилган инсоннинг режасидан ўрин олиши керак. Мактаб, коллеж ёки университетда олган билимларингиз етарли эмас – сиз албатта доимо қўшимча билимларга интилиб яшашингиз даркор. Мен шутариқа ўз кутубхонамга эга бўлганман. Фахр билан айтишим мумкин – бугунги кунда менинг кутубхонам энг яхши кутубхоналардан бири.

Эсингиздан чиқарманг: СИЗНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИНГИЗ СИЗ ЎҚИГАН КИТОБЛАРНИ АКСИДИР.

Бирорнига меҳмон бўлиб борганимда мен биринчи навбатда кутубхонаси билан танишишга шо-

шиламан. Одамнинг китоблари ва кассеталар тўпламини кўриб чиқиш у билан беъмани гап сотиб ўтиришдан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Мактаб, коллеж ёки университетни тугатиш сизга бу ёғига китоб ўқимаслик хуқуқини бермайди. Аксинча, сиз янада кўпроқ китоб ўқишингиз ва янада кўпроқ билимга эга бўлишингиз керак бўлади. Фақат бу ёғига сиз ўқийдиган китоблар сизнинг асл қобилиятларингизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Маҳорат етишмаслиги, билим етишмовчилиги, тушуниш етишмаслиги, қадриятлар камчилиги, турмуш тарзининг камчиликлари – буларни барчаси китоб ўқимаслик оқибатидир. Эсингизда тутинг: ўқилмаган китоб – бу сизга ҳеч қачон ёрдам бера олмайдиган китобдир. Албатта, сиз жуда-жуда кўп китоб ўқишига қодир эмассиз. Лекин сиз уларни ўзингизга керакли сонини ўқиб чиқиш қўлингиздан келади.

## **ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ**

Бирорни эшитиш қобилияти – бу билим олишни яна бир ажойиб усулидир. Келинг, бир тажриба ўтказишига жазм қилайлик. Бирон бир асл муваффақиятга эришган одамни танлаб, уни тушликка таклиф этинг. Битта шарт – у сиздан бойроқ бўлиши керак. Хўш, дастурхон атрофида ким гапирадио, ким эшигиди? Албатта сиз бадавлат инсонни гаплари тагидаги унинг ҳаёт тажрибаси ва муваффақият қозониш сирларини эшитиб олишингиз керак бўлади. Таваккал қилинг, шу экспериментни ўтказинг. Эллик, олтмиш, саксон, балки юз долларингиз кетар, лекин сиз уриниб кўринг. Тушлик вақтини мумкин қадар чўзишига ҳаракат қилинг. Мехмонингизни аста-секин таомдан-таомга саволларга кўмиб ташланг. Ўтириш

камида икки соат чўзилишига эришинг, ана ўшан-  
да сиз бадавлат меҳмонингизни ишлаш стратегия-  
сини ўзлаштиришга улгурасиз, бу эса ўз навбатида  
сизнинг даромадингизни ошишига ва турмуш дара-  
жангиз ўсишига олиб келади.

Куляяпсиз, биламан! Сиз ҳақсиз – ахир камбағал  
одам қандай қилиб бойни меҳмон қила олади?!  
Балки шунинг учун ҳам улар қамбағаллигича қо-  
либ кетишар.

Интизомли, меҳнаткаш, ҳалол инсон бўла туриб,  
инқирозга учраш ва қарзларга ботиб кетиш мум-  
кин. Сиз нафақат интизомли, ҳалол ва меҳнаткаш  
бўлишингиз, балки сиз бошқалар илмига қулоқ со-  
лишингиз керак бўлади.

## КУЗАТИШ

Бошқа одамлар мисолида билим олишнинг яна  
бир йўли – бу кузатиш қобилияти. Муваффақият  
қозонган инсонларни кузатинг. Чунки ҳар бир му-  
ваффақият кетидан унга эришиш ҳақида маълу-  
мот берувчи деталлар қолади. Омади юришаётган  
одамни бошқалар билан сўрашиш усулини кузатинг.  
Ишида муваффақият қозонган бизнес-хониманинг  
савол беришдаги оҳангини кузатинг. Омад ва му-  
ваффақиятнинг ўзига хос майдабўйда деталлари  
бўлади. Худди шундай деталлар омадсиз ва мағлуб  
одамларда ҳам борлиги аниқ. Хизмат поғонаси-  
да кўтарилимоқчимисиз? Унда сиздан юқори тура-  
диган ҳамкасларингизни кузатинг. Пулларингиз  
тоғангизнидек кўп бўлишини истайсизми? Унда  
унинг пулларга бўлган муносабати, турмуш тарзи-  
ни кузатинг.

Шундай қилиб, яхшигина кузатувчи бўлишга ха-  
ракат қилинг. Ҳаётингизни яхши томонга ўзгарти-

Рувчи ва омад сирларини очувчи ҳеч бир калитни  
назарингиздан қолдирманг.

## КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Билимга интилиш – бойлик ва баҳт сари олиб борувчи йўллардан бири. Бу ғоя ўз мевасини бермай қолмайди – доимо ўз вақтингизни мақсадли билим излашга сарфласангиз, албатта натижаси ижобий бўлади. Қадр-қиймат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу дунёда ҳамма нарса учун тўлаш керак бўлади. Минг афсус. Айнан шунинг учун кўпчилик бойлик сари ингтилишда йўл бошида қолиб кетади. Билим олишда маълум сармоялар киритиш зарурати мавжуд. Амалиётда билим оламига сафарингиз омадли бўлиши учун уч турдаги сармоя киритишингиз керак бўлади.

Биринчидан, пул сарфлаш керак бўлади. Китоб ва кассеталар харид қилиш, семинар ва тренингларда қатнашиш учун сиздан маълум миқдорда маблағ талаб этилади. Айнан шунинг учун сизга шахсий билим жамғармангизни ташкил этишни маслаҳат бераман.

Ҳар ой даромадингизни маълум қисмини билим излаш учун ажратиб боринг. Пулни ичингизда мудраб ётган девни уйғотишга сарфланг. Бу пайтда сарф-харажатингиз сизга қимматга тушмайди. Чунки келажакда сизни бепоён имкониятлар қарши олади.

Яна бир сармоя тури – бу вақт. Вақт бу сармояларнинг асосийси. Пул сарфлашга қараганда ўз вақтини сарфлаш кўп ҳолатларда инсонларга унча ёқмайди. Буни мен яхши тушунаман.

Лекин, афсуски, қисқа йўлларнинг ўзи йўқ – билим олиш учун вақт талаб этилади. Токи замонлар

Ўзгариб, керакли билимларни маҳсус машиналар қидириб топиб, уларни инсон миясига киритиб қўядиган узоқ келажак кириб келгунича, билим олиш учун вақт керак бўлади.

Бахтимизга ҳаётимиздаги катта сармоялар кетидан мукофот тариқасида юқори фойда кириб келади. Бугун сарфлаётган бебаҳо вақтингиз улкан ютуқларга эришишга асос бўлиши мумкин.

Охирги киритиш керак бўлган сармоя – бу сизнинг қунтингиз. Шунчаки ўқиш учун эмас, ҳақиқий билим олиш учун анча мунча қунт ва ҳаракат керак бўлади. Қилаётган ҳаракатингизнинг кучи олаётган билимингиз ҳажмига чуқур таъсир ўтказади.

## ШАХС КАМОЛОТИ МЎЖИЗАСИ

Шахс сифатида шаклланиш, ички руҳий устунликка эга бўлиш ҳам муваффақиятга эришишда алоҳида ўрин тутади. Бу барча вазифалардан энг оғиридир. Шахсий камолотга етиш деб номланадиган ушбу бизнес аслида бутун умр давом этади.

Сиз орттирган моддий бойлиқдан сизнинг шахсингизда бўлган ўзгаришлар анча муҳим ҳисобланади. Ишга киришишда ўз олдингизга қўядиган муҳим савол қанақа бўлиши лозим? Сиз “Мен нима оламан?”, деб сўрамасдан, “Мен ким бўламан?” саволини қўйишингиз керак. Бунда “мен” ва “ким” тушунчаларини бир-бирига ёпишиб туғилган сиам эгизакларига тақдослаш мумкин. Сизнинг “ким бўлишингиз” бевосита сиз оладиган “нима”га ўз таъсирини кўрсатади. Бугун эгалик қилаётган нарсаларни кўп қисмини сиз бугунги шахс бўлиб етишингиз натижасида қўлга киритгансиз.

Шундай қилиб, ҳаётнинг буюк аксиомаси қўйида-  
гича: **БОРИДАН ҲАМ КЎПИГА ЭГА БЎЛИШ, ШАХСИЙ**

ФАЗИЛАТЛАРНИ ҚҰПРОҚ РИВОЖЛАНТИРИШ. Бунда сиз дикқат-эътиборингизнинг күп қисмини сарф-лашингиз керак бўлади. Акс ҳолда сиз ҳаётнинг қуидаги яна бир аксиомаси билан курашиб яшаингизга тўғри келади: **ЎЗИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРМАСДАН СИЗ ДОЙМО БОРИГА БАРАКА ТИЛАБ ЯШАЙСИЗ.**

Даромад миқдори камдан-кам ҳолларда шахснинг ривожланиш даражасидан юқори бўлади. Баъзизда даромадингиз бирданига кўтарилиб кетиши мумкин, аммо сиз уни қунт билан бошқара олмасангиз, одатда даромадингиз тезда одатий миқдорга камайиб қолади.

Агар кимдир сизга миллион доллар берса, сиз дарров ўзингизни миллионердек сезишини бошлайсиз. Роса бадавлат бир одам айтган экан: “Дунёда бор пулларни йиғиб, ер аҳолисига тенг бўлиб берган тақдирда ҳам, тез орада улар қайси кармонлардан олинган бўлса, ўша кармонларга бориб тушади”. **ШАХСИЙ РИВОЖЛНИШ ҲИСОБИГА ОЛИНМАГАН НАРСАНИ УШЛАБ ҚОЛИШ АНЧА МУРАККАБ.**

### ҚАДР-ҚИММАТ

Мустақил ҳаётимнинг биринчи кунларида мен баъзи нарсаларга ҳайрон қолардим. Нега бирор икки минг доллар ойлик олади, иккинчиси – тўрт минг доллар? Ахир иккови ҳам битта компанияда ишласа, бир хил маҳсулот билан шуғулланса, бир хил меҳнат стажига ва бир хил малакага эга бўлса? Нега?

Хайрон бўлардим. Жавоб тополмай, қийналардим. “Ҳамма гап вақтдан унумли фойдаланишда, – ўйлардим мен. – Баъзи одамларда вақти кўплигидан иши юришиб кетган”. Ҳозир бу фикрларим фирт ахмоқона бўлганлигини тушуниб етдим.

Бир киши менга айтганди: “Агар менда озгина қўшимча вақтим бўлганида, мен яна қўшимча пул ишлаб олардим”.

Жавобим қўйидагича бўлди: “Бу ғоянгизни унтуинг. Ҳеч қандақа қўшимча вақт бўлиши мумкин эмас. Уни қаердан қидирмоқчисиз?

Гапимга қулоқ солинг, оғайни. Соат тўртта ноль рақамини кўрсатганида, бу – кун тугаганидан далолат беради! Бошқа ҳеч қанақа вақт мавжуд эмас. “Суткасига йигирма беш соат ишладик” деган ибора вақт ҳақида эмас, куч-ғайрат ҳақида тўқилган эртак”.

Шундай қилиб, сиз қўшимча вақт яратишга қодир эмассиз. Унда қўшимча пул топиш учун нимадир яратишингиз керак. Бу нимадирнинг номи – қадр-қиммат. Сиз ҳеч қачон қўшимча вақт яратмайсиз, лекин сиз қадр-қимматли шахс, яъни малякали мутахассис ёки сифатли товар ишлаб чиқарувчи бўлишингиз мумкин.

Ушбу тамойил иқтисодиётдаги асосий сабоқ ҳисобланади. Ким бўлиб ишлашингиз, нима сотишингиз ёки қандай хизматлар кўрсатишингиздан қатъий назар, сизнинг меҳнатингизга, ишлаб чиқаётган маҳсулот (хизмат) қадр-қимматига асосан ҳақ тўланади. Энди сиз шу қадр-қийматни бозорга олиб чиқиш учун вақт сарфлашингиз керак. Сиз бунга бир кун, бир ҳафта ёки бир ой сарфлашингиз мумкин, лекин қанча вақт кетганидан қатъий назар сиз яратган маҳсулотнинг қадр-қиммати бир хил бўлади. Сиз қадр-қиммат учун, сифат учун, ишингиз унумдорлиги учун ҳақ оласиз.

«Мен соатига йигирма доллар оламан», - дейишади. Бу нотўғри гап. Агар одам соатига йигирма доллар олганида, у хотиржам уйида ўтириши, пуллар эса осонгина уни уйига жўнатиб турилиши мумкин бўларди. Аслида у йигирма долларни

бир соат иши учун эмас, бир соат давомида яратган қадр-қиймат учун олади. Соатбай тұлов – бу аслида қадр-қийматни үлчаш имконини берувчи қулайгина бир усул холос.

Шунинг учун қуидаги саволлар сизни қизиқтириши ва мендан жавоблар кутишингиз табиий ҳол: “Икки баробар қадр-қийматта эга шахс бўлиш ва сатига икки баробар кўп ҳақ олишни иложи борми? Мен ўша бир соат давомида уч ва ҳаттоқи тўрт марта қийматли шахс бўлишим мумкинми?”. Менинг жавобим: “Ха, албатта!”.

Янада қийматли шахс бўлишингиз учун сиз асосан ўз устингизда ишлашингиз керак бўлади.

“Менда ўн йил иш тажрибаси бор. Лекин нега ишим ҳалигача юришиб кетмаётганини ҳеч тушунолмаяпман”, - дейди кимдир. Аслида эса ўша кимса ўн йил иш тажрибасига эга эмас. Унда бор нарса – ўн марта қайтарилган бир йиллик иш тажрибаси холос. Тўққиз йил ичida у ўз ишига биронта ҳам янгилик ёки ўзгартириш киритмаган.

Ҳамма кўпроқ пул ишлашни истайди. Лекин кўпчилик уни топиш жойларини нотўғри танлайди. “Хўжайндан маошимни кўпайтиришни сўрамоқчиман”, - дейди кимдир. Сир эмас, ходим сўраши билан пулини шу заҳоти тўлайдиган бошлиқлар умуман йўқ. Компания пулини иш ҳақи учун сарфлашни кўпчилик хўжайнлар унча хуш кўришмайди. Фақат томи кетган бошлиқ бирданига илҳомланаб, ҳеч қандай асоссиз ходим маошини икки мартаға кўтариб қўяди.

“Биз маошимизга “устама” сўрашимиз керак”, - дейишади баъзилар. Бундай одамларнинг энг фожеали муаммоси шу-ки, улар умр давомида ёки меҳнат шартномаси компания томонидан бекор қилинмагунича кўл чўзиб, ҳадя сўраб яшашади.

Бундан ташқари, маошларига “озгина кўшишни” сўраб бошлиққа кирганларга садақа берганга ўх-шаш кам миқдорда қўшимча пул беришади. У пуллар оғир ҳолатдан чиқиб кетишга етмайди, лекин тирикчиликни бир амаллаб туришга яраб қолиши мумкин. Менинг маслаҳатим – тирикчиликни бир амаллаб турадиган иқтисодий усулларни унунинг!

Тўғри, сиз бир бурда нон ва иккита кўйлак билан ҳам кун ўтказишингиз мумкин. Лекин сиз кўпига лойиқсиз. Ахир бу китобни ўқишингиздан мақсад бирор дастурхонидаги қолдиқлар билан тирикчилик ўтказиш бўлмаган-ку? Тўй-тантана сизнинг уйингизда бўлиши керак, шундай эмасми?

Яна бир хилдаги “учар” савдогарлар бор. Уларни айтишича, маҳсулот сотиш учун абжир бўлиш, мижозни энсасини қотириш йўллари баён этилган китобларни ўқиб чиқиши ўзи кифоя. Лекин менинг тажрибам кўрсатишича, ҳар бир “учар ва абжир” ходим асл қадр-қийматга эга бўлмайди, у тезда иқтисодий зинапоянинг энг пастига тушиб қолади.

Алдов йўллари билан орттирган қадр-қиймат – бир тийин. Ялиниб-ёлвориб олинган қадр-қиймат – бир тийин. Фақат самараали фаолият ва шахсий юксалиш ҳисобига олинган натижа катта қадр-қийматга эга.

Маълум бир ишни бажариш ташқи сабабларга боғлиқ эмас. Ички дунёси бой, мияси бутун одамларги на ташқи муҳитдан қатъий назар асл натижаларга эришадилар. Ҳаётда тикка туриш учун биз кўпинча атрофимиздан устун қидирамиз. Аслида эса муваффақият ва баҳт – бу ташқи дунёдан излайдиган қадр-қиймат эмас, балки ўзимизда ривожлантириш керак бўлган қадр-қийматdir.

Кўпинча одамлар менга бир савол беришади: “Ҳаётнинг ўрта даражасидан юқорига қандай кўтари-

лиш мумкин?" Жавоб бераман: "Үртамиёна шахс даражасидан юқори даражадаги шахсга айланинг". Лекин қандай қилиб?

Бошланишига үртамиёна даражадан юқори бўлган шахсларга хос бўлган қўл сиқиш услубини ўзлаштиришга ҳаракат қилинг. Бу жуда муҳимлиги ни англашингиз керак.

Яна ўрта даражадан юқори бўлган шахсларга хос бўлган табассум қилишни ўрганинг; ўрта даражадан юқори бўлган шахсларга хос бўлган бошқалар иши билан қизиқиш фазилатини ривожлантиринг; ўрта даражадан юқори бўлган шахсларга хос бўлган ғалабага интилиш қобилиятини ривожлантиринг. Буларни ҳаммаси сизни тубдан ўзгартиради.

Фақат ахмоқ одамгина ўрта даражадан юқори бўлган ижрочи бўлмай туриб, ўрта даражадан юқори бўлган маош тўланадиган ўрта даражадан юқори бўлган иш қидиради. Мен бу ҳолатни фрустрация деб атайман.

Оғир кунларимда мен ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонардим. Менинг ягона умидим шу фикрларим эди. Ҳолат ўзгармаган сари мен янада қийин аҳволга тушиб қолардим. Охири ҳамма нарса тугаётганини тушуниб, мен ўзимни уммонда чўкиб кетаётгандек сезишни бошлаганман.

Ўшанда мен "олма пиш – оғзимга туш" деганча ўтираверсам, ҳақиқатда уммонга ғарқ бўлардим. Менинг ҳаётим ўзгаришининг асосий сабаби мен ўзимни ўзгартирганим бўлди.

Ким билан сұхбатлашишимдан қатъий назар, у катта бизнес эгаси ёки мактаб ўкувчиси бўладими, менинг маслаҳатим бир хил янграйди: Яхшироқ натижаларга эришишнинг ягона йўли – бу ўзингиз яхшироқ шахсга айланишингиздир.

## ҲАЁТ МАВСУМЛАРИ

Сиз назарда тутишингиз лозим бўлган икки ибора бор. Биринчиси: Ҳаёт ва тижорат йил фаслларига ўхшайди”. Иккинчиси: “Сиз йил фаслларини ўзгартира олмайсиз, лекин сиз ўзингизни ўзгартира оласиз”.

Энди шу икки иборага бош тамойиллар сифатида қараб, ҳаёт мавсумлари ва уларни қандай ўтказиш кераклигини кўриб чиқайлик.

Қиши: куч йиғиш мавсуми. Биринчи навбатда у билан муомала қилишни ўрганинг. Қишининг турли хиллари мавжуд. Иктисодий қиши бор, унда молиявий емирилиш хавфи бўлади; жисмоний ҳолсизлик қиши бор, унда бизнинг саломатлигимиз ҳеч нарсага ярамайди; шахсий ҳаёт зимиштони бор, унда қалбимиз тилка пора бўлган бўлади. Қиши фасли. Ҳаммаси тугаган. Ёлғизлик. Гам-ғусса.

Лекин келинг, шоирликдан қочайлик, зоро бизнинг мақсадимиз шу қишининг турли хиллари билан қандай муносабатда бўлишни ўрганишдир. Асосийси – қишдан шахсий ривожланиш учун фойдаланиш. Яъни иссиқ кунларни кутиш ўрнига совук кунлардан унумли фойдаланиш.

Бизнесингизни совук кунларида устозим мистер Шоаффнинг қуидаги сўзларига амал қилсангиз яхши бўлади: “Сиз иссиқ кунларни кутишингиз керак эмас. Сиз ўзингизни иситиш йўлини қидиришингиз керак. Сиз муаммолар камроқ бўлишини истамаслигингиз керак. Сиз янада кўп маҳоратга эга бўлишни исташингиз керак. Сиз эътиrozлар камроқ бўлишини истамаслигингиз керак. Сиз кўпроқ ақл-идрокка эга бўлишни исташингиз керак”.

Шундан сўнг мен қиши мавсумларини хурсанд бўлиб кутиб олмасам-да, улардан ўз фаолиятимни таҳлил қилиш, ишлар сарҳисобини ўтказиш учун фойдаландим. Бу ишлар билан банд бўлиб, баҳор эшик қоқаётганини сезмай қолибман.

### **Баҳор: имкониятлардан фойдаланиши вақти**

Баҳор устунлигидан фойдаланишни ўрганинг. Баҳор олдида турган энг буюк вазифа – у қиши ортидан келишидадир. Қийинчиликлар кетидан имкониятлар кириб келади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий пасайиш ортидан аниқ ва равон ишлаётган соат механизми каби кириб келади. Парвардигор буюклиги шунда.

Баҳор – бу бор устунликдан фойданиб қолиш вақти. Шу икки сўзга эътибор беринг. УСТУНЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ. Илиқ ёқимли ҳаво сизни мақсадингиздан чалғитишига йўл қўйманг. Агар кузда ҳамма ишингиз беш бўлишини истасангиз, сиз учун баҳор – бу уруғ экиш вақти. Натижа икки хил бўлади. Ёки биз баҳорда яхшилаб уруғ қадаймиз, ёки кузда садақа сўрашни ўрганишимизга тўғри келади.

Шундай қилиб, баҳорда фаол бўлинг. Ҳар бири мизда фақат саноқли микдорда ўз баҳоримиз бўлади. “Битлэз” куйлаганидек, “Ҳаётимиз қисқа”. Жон Леннон учун эса Нью-Йорк кўчаларидағи ҳаёт эса жуда ҳам қисқа бўлиб чиқди.

### **Ёз: ўстириши парваришилаши вақти.**

Бутун ёз давомида экинларингизни озуқалаш ва химоялашни ўрганинг. Ишонинг, сиз уруғни экканингиз билан ҳашарот ва бегона ўтлар сизнинг ҳосилингизни нобуд қилишга ҳаракат қилишади. Ва улар бунга эришишади, агарда сиз ўсимликларингизни керакли тарзда химоялаб ололмасангиз.

Муваффақият қозонишнинг бир қисми – яратган нарсангизни муҳофаза қила олишингиз. Ёзниг энг буюк сабоги ҳам айни мана шунда.

Ёз даврларингизда амал қилишингиз керак бўлган икки ҳақиқат қуидагилардан иборат.

Биринчидан, эслаб қолинг: ҳар бир кўркам нарса албатта ҳужумга учрайди. Сабабини айтишга мени мажбуrlаманг. Мен нима учунлигини ҳақиқатдан билмайман – буни файласуфлардан сўрайсиз. Лекин бу айни ҳақиқатлигини мен яхши биламан. Ҳар бир боғ ёки полизга албатта кимдир ҳужум қиласди – ҳашаротлар, жониворлар, шум болалар, ҳасадгўй қўшнилар. Буни билмаслик соддликнинг ўзгинаси.

Иккинчидан, буни ҳам эслаб қолинг: ҳар бир қадр-қийматлик ҳимояланган бўлиши керак. Барча қадриятлар – ижтимоий, сиёсий, оиласиий, тижорий бўладими, барчаси ҳимояланган бўлиши даркор. Ҳар бир боғ ёз давомида парваришга муҳтож бўлади. Сиз ишониб бошлаган ишингизни муҳофаза қилмасангиз, келаётган куз сизга ҳеч нарса қолдирмайди.

### **Куз: масъулиятни сезиш вақти.**

Куз – баҳор ва ёзда қилган меҳнатимиз мевасини терадиган фасл. Етиштирган ҳосилингиз ҳажмидан қатъий назар сиз олган натижалар негизининг ҳар бир мисқолига жавобгарсиз.

Ўз бўйнига бор жавобгарликни олиш – инсон шахси етуклигининг энг юқори ва энг оғир шакларидан биридир. Бу болалиқдан катта ёшга ўтадиган кунингиз.

Кузни қувонч билан мақтов ёки норозиликсиз қабул қилишни ўрганинг – муваффақият қозонган бўлсангиз мақтовсиз, унга эришолмаган бўлсангиз норозиликсиз билан қарши олинг. Бу осон эмас, аммо бундай хушфеъллик етуклиқдан далолат беради.

Мустақил ҳаётимнинг биринчи кунларида ушбу соҳада анчагина муаммоларим бор эди. Кимдир

ишларим ҳақида сұраганида, мен одатда ишим юришмаётганининг бир қатор сабабларини келтирардим. Бу рўйхатни мен “муваффақият қозониб бўлмайдиган сабаблар” деб атаб, ундан ўзимни оқловчи кўп сабаблар ҳам жой олган эди.

Мен ҳукуматни айбдор деб билардим. Ҳукумат рўйхатимда биринчи ўринда эди. Кейин мен солиқларни айблардим – “Кўрамиз, улар ҳаммасини ушлаб олгандан сўнг, қанча фойда қоларкин!”. Яна мен нарх-навони аблардим – “Супермаркетга йигирма доллар билан кириб, бир центсиз чиқиб кетдим!”. Мен об-ҳавони айблардим. Кейин транспортдаги йўл ҳақини айбдор топардим. Мен автомобилимни ва уни ишлаб чиқсан корхонани айблардим. Менга салбий муносабат билдираётган қариндошларимни айблардим: “Улар доим менга босим ўтказишади!”. Яна мен ёнимдаги бағритош қўшиларимни айблардим. Мен учун бутун жамият айбдор бўлиб туюларди.

Қисқаси менда бир арава сабаблар бўлиб, улар ишимга жиддий тўсқинлик қиласарди. Қандоқ бўлганда ҳам, мен шундай деб ўйлардим.

Кунлардан бирида устозим омадсизлигим сабаблари билан қизиқиб қолганида, мен унга “сабаблар рўйхати”ни ўқиб беришга жазм қилдим. Мен рўйхатда бор айбдорларни санаб ўтдим – ҳукуматни, солиқларни, нарх-навони ва ҳоказо, ва ҳоказо, - ҳамма-ҳаммасини. Устозим жаноб Шоафф рўйхатни тугатишимни сабр билан кутди. Сўнгра диққат билан менинг рўйхатимни ўзи ўқиб чиқди. Ваниҳоят норозилик билан бошини чайқаб: “Рўйхатингизда бир катта хатога йўл қўйибсиз... Унга яна битта асосий сабаб – ўзингизни киритишни унутибсиз”, - деди.

Кейин мен ўша “муваффақият қозониб бўлмайдиган сабаблар рўйхати”ни йиртиб ташлаган эдим.

Сўнгра тоза оқ қофоз олиб, унинг тепасига ягона сўз – “мен” сўзини ёзиб кўйдим. Замондан орқада қолганим боис мен одатда ҳар хил ташқи сабаблар ва шароитларни айблардим. Муаммонинг асл сабаби эса мени ўзим бўлган эканман.

Икки ака-уканинг отаси ашаддий пияниста бўлган. Ака жиноят кўчасига кириб кетган, ука эса судья бўлиб етишган. Бир хил мухит – икки хил натижа. Шундай бўлиши мумкинми? Мумкин. Бунга жуда кўп ҳаётий мисоллар келтирса бўлади.

Сиз Мэрфи қонуни ҳақида эшитганмисиз? Мэрфи қонунини қўйидагича ифодаланади: “Агар бирон-бир ёмон ҳолат юзага келишига асос бўлса, у ҳолат албатта юзага келади”. Ковбойлар хона ичida тамаки тутатишяптими – ёнғин содир бўлади. Кўпприк тахталари чириб қолдими – у эртами-кеч қулайди. Менда ҳам бундай ҳолатлар бўлган. Бир вақтлар мен озмас-кўпмас – икки миллион доллар пулимдан ажралганман. Фалокат!

Ҳозирги кунда кимгадир икки миллион доллар унча катта пул эмаслигини мен ҳам тан оламан. Лекин ўшандা бу мени бор бурдим эди. Тақдирнинг аянчли ҳазили шу – кутилмагандан сиз борингиздан айрилиб қолишингиз мумкин. Ҳозирги кредитлар замонида бу унча аянчли туюлмас, лекин ўша вақтларда мен ўзимни тирик мурда деб билганман.

## ЎЗ-ЎЗИНИ ЧЕКЛАШ

Муваффақият қозониш учун бизни шахс сифатида ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган ички чекловларимиздан холис бўлиш устида ишлашимиз керак. Ким бўлишингиздан қатъий назар, сиз енгишингиз керак бўлган учта чекловлар мавжуд.

Биринчиси – бу кечикиш, яни “бугунги ишни эртага қолдириш”. Бу чекловларнинг энг хавфли-си бўлиб, у тўпланиб қолиш хусусиятига эга: унча мураккаб бўлмаган вазифани кейинга қолдиришимиз унча катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Бирон бир ишларни биз кун бўйи қўлдан кетгунча бажарсак, шу кун биз учун омадсиз бўлиб туюлмайди. Лекин шу каби кунларнинг бир нечта микдори тўпланиб қолса, билингки, сизни олдинда бир йиллик хатарли кунлар кутмоқда.

Яна бир чеклов – бу айбловлар бўлиб, уларни биз шахсий ривожланиш йўлимизга ғов қилиб қўямиз. У ёки бу пайтларда биз кимнидир нимададир айблаганмиз. Биз ўзимизни ўзимиз чекловчи ушбу машғулот билан кўпдан бери шуғулланиб келамиз: илк бор одамзот барчага таниш бўлган анжирзорда айтган айлови эсингиздами? “Ҳаммасига аёл сабабчи. Мени бу боғга ўша етаклаб келди”, - деган эди дунёдаги биринчи эркак. Аёл эса ҳамма айни илоннинг бўйнига қўйганини ҳам сиз яхши биласиз.

Нега биз бармоғимизни бигиз қилиб, бошқа бирорга ишора қиласиз-у, ўзимизнинг ичимизга бир назар солмаймиз?! Манманлигимиз бизни ҳимоя қилишга уринади. Шунинг учун биз ташқи кучларни айбдор деб кўрсатаётганимизда ўзимизни камчилик ва енгилтаклигимизни кўришга ожизмиз. Шунинг учун бўлса керак, менинг “сабаблар рўйхатим” дунё юзини кўришга мушарраф бўлган.

Юқоридаги “сабаблар рўйхати”нинг менга роса ёқкан банди баланд нарх-наволар бўлган эди. Мистер Шоафф бунга жавобан мени тергаганди: “Сизнинг муаммоингиз юқори нархлар эмас, гап нимадир жуда қиммат туришида эмас. Асл муаммо шу ниманидир сотиб олишга сизнинг маблагингиз етарли бўлмаганида”. Ва жаноб Шоафф ҳақ эди.

Ўз ўзини оқлаш – чекловларни яна бир тури бўлиб, у ҳам шахс камолоти йўлида ғов бўлиб туради ҳамда ўз-ўзини чеклашнинг бошқа бир тури – айблаш билан яқин боғланган. Тасаввур қилинг, дунёда қанчадан-қанча ўз-ўзини оқлаш мисоллари мавжуд?! Миллионлаб мисоллар! Ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида яна бошқа бир миллион оқловларни пайдо қиласди. Буни тушуниш қийин эмас – миллион доллар яратганга қараганда миллион оқловлар топиш анча осон иш.

Хуллас, қўйидаги асосий саволга сиз жавоб тошингиз керак бўлади: ўз-ўзингизни янада мукаммаллаштириш учун сиз бугундан бошлаб нима қилишнинг даркор? Тўғри жавобни ушбу ибора билан ифодалаш мумкин: агар сиз баъзи бир чекловларингиздан ҳақиқатда халос бўлолмасангиз, ҳаётингизнинг кейинги беш йили олдинги йилларни деярли ўзи бўлади, фақат бир ўзгариш юзага келади – сиз беш ёшга қариб қолган бўласиз. Лекин сиз ишга масъулият билан ёндашиб, ўз чекловларингиздан фориг бўлсангиз, сиз аксинча беш йиллик ўсишга эга бўласиз.

Ўз қобилиятларига ишонмайдиган одамлар бу дунёда етарлича бор. Улар ўз ўзларига ишонишмайди. “Мен нима ҳам қила олардим? Қўлимдан нима ҳам келарди? Ҳаётимни ўзгартиришга қодирманми? Бу саволлар билан улар ўз-ўзларини ҳузур билан чеклаб қўядилар.

Рухсатингиз билан аввалига юқоридаги саволларга кенгайтирилган жавобимни баён этсам. Ҳаёт йўлингизда тақдир сиз қандай қишлиарни рано кўрмасин, сиз ғаройиб ишларни амалга оширишга қодирсиз. Керак бўлганда, “пичоқ суюкка бориб тақалганда”, инсон кўп нарсаларга қодир бўлиши сир эмас: ўз фарзандини қутқариш учун аёл киши икки

тонналик автомобилни күтаради; оиласи бағрига қайтишни умид қилған концлагерь маҳбуси очлик ва касалликларни бошидан кечириб, тирик қолади; мұхожирлар мусоғирдаги янги ҳаётини идиш ювишдан бошлаб, беш йилдан кейин тежамкорлик ва сабр-тоқат әвазига үзларини гуллаётган бизнесларини яратадилар. Бу ахир ажайиб-ку!

Шунингдек мен болалар ҳам гаройиб нарсаларни қилишга қодир эканликларининг гувоҳи бўлганман. Уларни телевизор олдидан тортиб олиб, ақл ва танларига мос ишни беринг – улар улғайганда ажайиб кишилар бўлиб етишади.

Одамлар гаройиб ишларни қилишга қодир, чунки улар ер юзидағи энг ажайиб зотлардир. Сиз ва мен, биз ҳаммамиз қумисқа, балиқ, парранда ёки кўпраклар эмасмиз. Биз одамзотмиз. Биз ҳеч нарсадан нимадир яратишга қодирмиз, биз пеннини катта бойликка, мутлақ мағлубиятни тантанага айлантира оламиз.

Шунинг учун сиз Парвардигор яратган ердаги энг юқори мавжудот эканлигинизни шукроналик билан қабул қилиб, үзингизни ягоналигиниздан фойдаланинг. Үз ички имкониятларингизга назар солиб, ажайиб инсоний фазилатларингизни катта қисмини намоён этинг. Улар бор, фақатгина уларни үзингиз учун кашф этиб, бошқаларни ҳайратда қолдириб, амалда кўлласангиз бўлди.

Албатта, бу ҳавои гапларга ҳам ўхшаб кетади, шундай эмасми?! Гүёки шуни ўзи етарлидек. Мени сўзларим гўёки катта залда юзлаб одамларни йигиб, уларга руҳий таъсир кўрсатаётган фирибгар гапираётгандек туюлади, тўғрими? Тингловчилар: “Мен эплайман! Менинг қўлимдан келади! Мен бунга қодирман！”, деб үзларини үзлари ишонтиришга ҳаракат қилишади. Ҳозирги пайтда шу каби машғулот

## **БОЙЛИК ВА БАХТГА ЭРИШИШНИНГ 7 СТРАТЕГИЯСИ**

ва тренинглар ҳам бизнес таълимотида ўз ўрнини

эгаллаган албатта.

Лекин, ўзини ўзи руҳий таъсир кўрсатиб, шахсий қобилияtlарни ривожлантиришга интилаётганлар бу билан масалани ҳал қилишга бир қадам ҳам яқинлашмайдилар. Ҳақ гапим учун ҳамкаслардан узр сўрайман.

Хўш, фирибгар устоз раҳнамолигида сакраб, бақириб ва чақириб бўлгандан сўнг омад ўзидан ўзи ҳаётингизга кириб келадими? Йўқ, албатта. Олдинда бир қатор аниқ вазифаларни бажариш керак бўлади. Агар уларни бажармасангиз, минг сакраб, бақирсангиз ҳам, ҳаётингизда ҳеч нарса ўзгармайди. Аниқ ишларни бажариш учун эса китобнинг бошидан баён этилганидек интизомга риоя қилиш керак бўлади. Эплай олишингиз, қўлингиздан келиши ва нимагадир қодирлигингизнинг асосий ва биринчи шарти – бу интизом билан ишни олиб боришdir.

### **ЎЗИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Менинг эски ва қаттиқ ўрганиб қолган одатларим ўзгараётганида мен бир қатор ички қийинчиликларни бошимдан кечирганман. Лекин дунёқарашимизни ўзгартиришни бошлашимиз билан бизнинг одатларимиз ҳам ўзгаришни бошлайди.

### **ШАХСИЙ КАМОЛОТ САРИ УЧ ЙЎНАЛИШ**

Сизнинг шахсий камолот сари изланишларингизда учта йўналиш мавжуд бўлиб, сиз уларни ҳам кўриб чиқишингиз керак бўлади. Ривожланишин-

гиз маънавий, жисмоний ва ақлий йўналишларда бориши лозим.

## МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

Тан олишим керак, бу соҳада мен ўзимни дилетант деб ҳисоблайман. Мен чуқур иймон муҳити ҳукм сурган уйда ўсганим сабабли (отам дин мударриси бўлган), Худо сўзига муҳаббат билан тарбия олганман.

Аммо сизнинг келиб чиқишингиздан қатъий назар (бу китоб келиб чиқиши ва эътиқоди турлича бўлганлар учун ёзилган), ҳаётнинг ушбу жабҳасида қай даражагача ўсишни ва қандай ўзгаришларни амалга оширишни сизнинг ўзингиз ҳал қилишингиз керак. Маънавий ва ахлоқий қадриятлар бойлик ва баҳт излаш йўлингизда мустаҳкам пойдевор яратишга ёрдам беради.

## ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ

Муқаддас “Инжил” китобида ёзилишича, биз ўз танамизга ибодатхонага қарагандек қарашимиз керак. Ҳақиқатда ҳам гигиена ҳақидаги Иуда қонуnlари обдон ўйлаб чиқилган ва аниқ ифодаланган.

Лекин гигиенадан ташқари, мени ўйлашимча, биз кийиниш муаммоларини ҳам кўриб чиқиб, муваффақият қозониш истагимизга жавоб берадиган усти-бош масаласини ҳал қилишимиз даркор. Тан олишимиз керак, бизнинг ташқи кўринишимиш касби-коримизда унумли фаолият кўрсатишга озми-кўпми ўзини таъсирини кўрсатади. Одамлар биринчи учрашганда бир-бирига ташқи кўринишига қараб баҳо беришади. Демак, жисмоний камолот сари интилиш йўлида кийиниш ҳам

Ўз ўрнига эга. Худо доимо сизнинг маънавий бойлигингизга баҳо берса, одамлар баъзида сизнинг ташқи кўринишингизга қараб баҳолашади. Шунинг учун сиз энг чиройли ва бежирим кўринишда бўлишингиз керак.

Жисмоний камолотнинг яна бир жабҳаси одам ўз танасини соғлом ва кўркам сақлаб туриши билан боғлиқ. Тана ва ақл биргалашив ҳаракат қиласи.

Сизда доимий жисмоний машғулотлар жадвали борми? Йўқ бўлса, ўзингизга мос келадиганини тошиб, дарров бажаришга киришинг. Ундан ташқари, истеъмол қиладиган озиқ-овқатингизга ҳам керакли эътибор беришга ҳаракат қилинг.

## АҚЛИЙ КАМОЛОТ

Кўпчилик учун ақлий ривожланиш ёшлик йилларида тўхтаб қолади. Яхшигина ишда ишлаётганлари боис уларнинг кўпи келгусидаги ҳар қандай ақлий ривожланишни бас қилишади.

Тезкор таълимот эгри чизиги ҳақида эшитганмисиз? Унга асосан бизнинг билим олиш чизигимиз тавалтудимиздан бошлаб ўн саккиз ёшимизгача кескин тепага қараб юради. Биз билимларнинг улкан ҳажмини тезлик билан ўзлаштириб, ёшимиз катта бўлиши ва ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз сари бизнинг таълимот эгри чизигимиз бирданига тўғри чизик бўлиб тўхтаб қолади.

Утган асрларда кўпчилик ўртамиёна турмуш дарражасига интилгани сабабли ақлий ўсишга эҳтиёж унчалик кўп бўлмаган. Лекин йигирманчи асрнинг охирги ўн йилликлари одамлардан доимий ўсиш ва таълим олишни талаб этмоқда.

Технологиялар жадал суръатларда ўзгараётгани боис, эндилиқда ҳеч ким қирқ йил давомида бир

жойда ишлаб туришига умид қилмайды. Иш жойи отадан ўғилга, ўғилдан неварага, неварадан чеварага ўтадиган замонлар орқада қолди. Шу билан бирга ўсиш ва мослашиб кераклигини тан олмаган одамлар ҳам ўтган замон одамларига айланди.

Энди яна тезкор таълимот эгри чизигига мурожаат қиласлийк. Агар сиз бутун умрингиз давомида ўша чизикнинг эгрилигини сақлаб қолиб, доимо тепага қараб кетишини таъминлай олсангиз, ким бўлиб етишингизни бир тасаввур қилиб қўринг-а! Қай даражадаги маҳорат, қай миқдордаги натижа, бойлик, бахт ва саодатга эришган бўласиз!

### ИНТИЗОМ САҚЛАШНИНГ ОСОН ЙУЛИ

Юқорида баён этганимиздек, ишларни самарали олиб бориш учун қаттиқ интизомга риоя қилиш керак бўлади. Шу боис интизомни таъминлаш бўйича бир иккита тавсияларни бермоқчиман.

Бошланишида ўзингиз учун кичик интизомий шартларни қўйинг ва уларни аста-секин уларни бирлаштириб, қоида мақомига олиб боринг.

Хозирни ўзида ечишга қурбингиз етадиган бирон бир кичик муаммони ҳал қилишга киришинг. Кейин яна бошқа айни шу мураккабликдаги муаммони бартараф этинг. Маълум вақт ўтгач, йўлингизда катта вазифалар пайдо бўлганда, сиз уларни дадиллик билан бажаришга қодир бўласиз. Масалан, вазнингизни камайтирмоқчимисиз? Нонни сариёғиз истеъмол қилинг. Европага сафар қилмоқчимисиз? Ҳар ҳафта йигирма доллардан ажратишни бошланг. Ишга кечикмай бориш ниятидамисиз? Эрталаб атиги ярим соат олдин уйғонишга одатланинг. Миллион долларлик савдо шартнома-

сини тузмоқчимисиз? Эллик долларлик маҳсулотни сотишдан бошланг.

Роберт Шуллер айтганидек: «Аста-аста — ва ҳаммаси жойида бўлади». Лекин сиз ҳеч қачон биронта майда қадам қўймаган бўлсангиз, унда катта вазифаларни бажаришга умид қилманг. Ўзининг шахсий бюджетини тартибга солмаган одам катта корпорация молиявий активларини йўлга қўйиши даргумон. Оиласида тартиб, тотувлик ва барқарорликни таъминлай олмаган эркак катта жамоани бошқара олишига ишониш қийин.

Кўрганингиздек, бу ҳаётда ҳамма нарса бир бирига боғлиқ ва ўзаро таъсир қилади. Бир жойда интизом бор-йўғилиги бошқа жойда уни бор-йўғилиги га ўз таъсирини ўтказади.

## ЎЗ-ЎЗИГА МОТИВАТОР

Баъзида журналистлар мени катта ишларни бошлишга туртки бўлувчи америкалик мотиватор деб аташади. Бу мутлақо нотўғри. Мен бизнесменман. Мен ғояларим ва тажриbam билан алмашибим мумкин, бошқалар эса ўз-ўзига мотиватор бўлиб, ўзларига ўzlари туртки беришлари лозим.

Биз бошқаларни ўзгартира олмаслигимизни тушунишга мен бир мунча вақт сарфладим. Худо шоҳид, мен одамларни ўзгартиришга ҳаракат қилгандай бўлдим, лекин, буни иложи бўлмади.

Яхши одамларни излаб топиш керак, учраган одамни ўзгартиришга ҳаракат қилманг. Тўғри, улар ўзларини ўzlари ўзгартиришлари мумкин, лекин сиз ҳам, мен ҳам уларни ўзгартира олмаймиз.

Самарали менежментнинг биринчи қоидаси қуйидагича ифодаланади: **ЎРДАКЛАРИНГИЗНИ ШУНҚОРЛАР МАКТАБИГА ЖЎНАТМАНГ!** Нега? Чунки бу иш

бермайди. Охир оқибат, бечора ўрдаклар олдин-гизга шумшайиб қайтиб келишади. Улар шунқор-лар каби баландга учолмайдилар. Мен буни яхши биламан, бу мени бошимдан ўтган.

Мингтacha тингловчи иштирок этган маърузамдан сўнг бир киши “Мен энди ҳаётимни ўзгартирмоқчиман” деса, иккинчиси “Маърузадаги бундай савсатани олдин ҳам эшитганман” дейди. Нега шундай? Бу мен учун ҳозирча жумбоқ.

Омма олдига чиқиб, миллионер “Шу китобни ўқиб чиқиб, мен бойлик сари биринчи қадамимни қўйдим”, деб айтди. Сизнингча, миллионер маъруза-сидан сўнг неча киши югуриб бориб, ўша китобни сотиб олди? Тўгри – саноқли одам. Бу ҳам гаройиб эмасми? Нега ҳар бир одам китобни сотиб олмади? Яна бир жумбоқ.

Жумбоқлар жумбоқлигича қолсин, биз эса тегишли хулоса қилайлик. Демак, ҳар бир инсон учун биринчи ва асосий мотиватор – бу уни ўзи экан. Сиз ўзингиз туртки бўлишингиз керак. Шу китобни ўқияпсизми, демак сизда ўсиш ва ўзгариш учун керакли ички мотиваторингиз бор экан. Шу пойдеворга асосан қобилияtingизга яраша ҳаётингизни ўзгартиринг. Биламан, сиз бунга қодирсиз!

### МОЛИЯВИЙ ЭРКИНЛИККА ЕТИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Пул, пул, пул... Эҳтирос ва қарама-қаршиликларга бой мавзу. Бу масалага кўпчилик икки томонлама муносабат билдириши сир эмас. Биринчи томондан тинч ва тўқ яшашимиз учун бизга пул керак; иккинчи томондан молиявий тўқлик қайсиdir йўл билан бизнинг ахлоқ меъёrlаримизга зарар етказишидан қўрқамиз. Ўз навбатида кино ва телеви-

дение бадавлат одамларни жуда бемехр ва баджаҳл қилиб тасвирлайди, айниқса Ғарб мамлакатларида.

Диний китобларда қўйидаги ибора бор: “Барча жоҳиллик пулга меҳр қўйишдан бошланади”. Лекин баъзи одамлар бу иборани муҳим жиҳатини кесиб ташлаб “Барча жоҳиллик пулдан бошланади” деганча талқин қилишади. Гап пулда эмас, гап пулга ружу қўйишда, бойлик орттиришга муккасидан кетишдадир.

Агар сиз пулга меҳр қўйиб, ҳаётдаги бошқа қадриятларни йўқотиб ёки уларга зарар етказиб бойлик орқасидан югурсангиз, сиз моддий томондан тўқ бўлишингиз мумкин, лекин маънавий қашшоқقا айланасиз.

Лекин иккинчи томондан, агарда инсон молиявий эркинлиқдан воз кечиб, фақат бошқа қадриятларга катта аҳамият бериб яшаса, унда ҳам муаммолар юзага келиши мумкин. Ахир сиз кўчама кўча юриб, файласуфлик қилишни хоҳламайсиз-ку!? Сиз бозор ичидаги кулбада яшаб, туну кун қадриятлар ҳақида куйлаб, дарвиш бўлиб яшашни истамайсиз-ку!? Қолаверса, антиқа асрлар замони анча орқада қолиб кетган, шундай эмасми!?

Бизнинг замонда ҳар бир шахсда тадбиркорлик қобилияти яширинган десак, хато бўлмайди. Биз эндилиқда инсоннинг бошқа эркинликлари қаторида молиявий эркинликка ҳам интилишимиз керак. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, жумладан, моддий бойлик яратишда ҳам, биз юқори унумдорликка, қобилиятларимизни тўла ишлатишимизга, имкониятларимизни барчасини ишга солишга интилишимиз лозим. Ҳаёт мазмуни ҳам аслида шундан иборат.

Ақлли одамлар бир нарсани билишади: Худо берган қобилиятлардан максимал фойдаланиш ҳаёт-

да катта аҳамиятга эга. Сизнинг орттирган пуллар миқдори эмас. Сиз тўплаган ноёб санъат асарларининг сони эмас. Сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг аъло сифати ҳам эмас. Аҳамиятлиси – сиз шахс сифатида камолотга етиб, барча қобилиятингизни бу дунёда намоён этишдир.

Бу борада мен сизларга бир китобни ўқиб чиқишингизни маслаҳат бераман. Унинг номи “Вавилондаги энг бадавлат одам”, муаллифи – Жорж Клейсон. Китобни бир ўтирганда ўқиб тугатишингиз мумкин – у шу қадар қизиқарли ва фойдали маслаҳатларга бойитилиб ёзилган. Мен бу китобни “Молиявий эркинлик ҳақидаги катта маърузадан олдинги мазали газак” деб атаган бўлардим. Уни албатта ўқиб чиқинг.

### МОЛИЯ ПАТИРИНИ ТАҚСИМЛАШ

Иқтисодий таълим соҳаси жуда бепоён. Иқтисодий билимлар бизга мактаб курсисидан берилади. Лекин ҳақиқий ҳаётдаги иқтисодиёт умуман бошқа дунё, ва у, афсуски, ҳеч қайси таълим муассасининг дарслар жадвалидан ўрин олмаган. Шахсий пулларни бошқаришни ҳеч ким ўргатмайди.

Бизнинг молиявий эркинлигимиз кундалик иқтисодий жараён асосида шакланади. Бойлик яратиш учун пул маблағларини тақсимлаш масаласини алоҳида кўриб чиқамиз.

### СОЛИҚЛАР

Бойлик яратиш борасида бериладиган маслаҳатлар муҳокамасини солиқлар масаласидан бошлаганим қўпчиликни ҳайрон қолдириши ва, ҳатто-

ки, аччиғини келтириши мумкинлигини мен жуда яхши биламан. Шундай бўлсада, бутун умрим даво-

мида мен шу нарса иқор бўлдим-ки, биз ким бўлишимиздан қатъий назар, бой ёки камбағал, ёш ёки қари, аёл ёки эркак, - ҳар доим солиқлар тўлаш мажбуриятини ўз хоҳишимиз билан қабул қилишимиз керак. Бу фикрни фарзандларимизга ва кейинги авлодларга сингдириб бориш ҳам мақсадга мувоғиқ бўлади.

Солиқлар билан биринчи бор тўқнашаётган ёки уларнинг вазифасини бир томонлама тушунадиганларга керакли мисоллар асосида саводини ошириш лозим. Яъни солиқлар деганда фақат уй ва ер солиғини назарда тутмасдан, биз истеъмолчи сифатида фойдаланадиган ҳар бир маҳсулот, хизмат, табиий ва моддий бойлик нархи таркибида солиқлар борлигини тушунтириш керак бўлади. Шу билан бирга йиғилган солиқларни ким йиғиши, тўловни кимлар назорат қилиши, маблағлар қаерда тўпланиши ва қайси ҳисоб рақамига тушиши, ва албатта солиқлар нимага сарфланишини ҳар бир шахсга ёшлигидан тушунтириб бориш керак. Афсус, бундай зарур ишларни кўпчилик мамлакатлардаги ҳукумат амалга оширмайди, лекин бу ўша мамлакатлар раҳбарлари ва халқининг муаммоси. Биз бунга аралашмаймиз.

Устозим жаноб Шоафф мендан тўлаган солиқларимга рози бўлишимни талаб қиласарди. Мен аввалига уни тушунмагандай бўлдим, лекин бир мунча вақт ўтиши билан, у нима демоқчи бўлганини англаб етдим. Ва мен барча тўлаган солиқларимга рози бўлдим. Албатта мендаги бу ўзгариш бирданига эмас, асталик билан рўй берди. Яъни мен солиқлар жамиятда қандай вазифани бажараётганини тушуниб, ҳар бир шахс унга солинган солиқлар-

ни ўз вақтида тұлаш ҳуқуқи ва мажбуриятини Ранглаб етдим.

Хар бир инсон жамиятда яшаб, міллионлаб инсонлардан бири бұлған ҳолда умумий фойдала-нишда бұлған бойлик ва хизматларни яратища иштирок этиши лозим. Ижтимоий инфратузилма, таълим ва маориф, тиббиёт ва ижтимоий таъми-нот, ташқи сиёсат ва мудофаа, ва ҳоказо ва ҳоказо – буларни ҳаммаси биз тұлайдиган солиқлар эва-зига яшайды ва ишлайды.

Солиқлар тұлаш билан боғлиқ яна бир ҳолат – бел-гиланган солиқлардан ортигини тұлаш ҳам нотүгри. Солиқ назоратчингиз билан бұладиган сұхбатда буни унга албатта етказиб қўйинг. Зеро, оқилона солиқ сиёсатининг яна бир мухим жиҳати – адолатпар-варлик бўлиши даркор.

Шундай қилиб, барча ҳисоб-китоблар якунлан-гач, ҳамма шартномавий тұловлар амалга оширил-гандан сұнг даромадингизга қараб солиқларнинг якуний миқдори аниқ бўлади. Ўшанда солиқ сум-маси миқдоридан қатъий назар уни розилик билан тұлаб қўйинг. Нафақат розилик билан, балки роҳат ва завқ билан тұланг, - зеро сиз бу пулларни озодлик, хавфсизлик, адолат ва эркин тадбиркор-лик учун тұламоқдасиз. Энг камбағал одам ҳам со-лиқларни тұлаши лозим, майли иилига бир доллар бўлсин, шуни ўзи етарли. Асосийси ҳар бир киши унга адолатли мезон асосида ҳисоблаб чиқилган ўз улушини тұлаб, шу жамият аъзоси эканлигини мағрурлик билан ҳис этиши даркор.

Исо пайғамбар ва унинг шогирдлари ҳақида бир ажойиб ҳикмат бор. Улар ибодатхонага ўз эхсонла-рини олиб келаётган одамларни кузатиб туришгани-да кимдир кўп миқдордаги пулларини олиб келган, кимдир – оз. Битта жиккакина қари аёл эса ибодат-

хонага кириб келиб, эҳсон лаганига икки дона майда тангани қўяди. Исо ўша аёлни кўрсатиб: “Мана шу ажойиб аёлга бир қаранг, у ўзининг икки тангасини ҳадя этди”, - дейди. Шогирдлар бунга ҳайрон бўлишади. “Иккита майда тангалар холос-ку! - деб бақиришади улар. - Бугун ўз ҳадяларини олиб келган барча ажойиб қурбондорлар ичидан сен нега айнан шу аёлни бизга ибрат сифатида кўрсатдинг?”. Исо бунга жавобан: “Сиз буни англамадингиз, лекин бу аёл бошқаларга нисбатан кўп эҳсон қилди”, - дейди. “Иккита майда танга бошқаларницидан кўпми? - сўрашди ўқувчилари. – Бизга тушунтириб бер, Устоз”. Исо ўшандай деб жавоб берган экан: “Ха иккита майда тангалар унинг бор-йўғи эди”.

Келинг, шу ҳикмат сабоқларини ўрганишни давом этамиз. Айтайлик, Исо эҳсон лаганидан ўша икки дона тангачани олиб, қари аёлга қайтариб берганча: “Мана, муҳтарама заифа, биз сизни қанчалик аборлигингизни кўриб турибмиз ва сизга раҳимдиллик кўрсатиб, икки тангангизни ўзингизга қайтарамиз”, - дейди. Аёл учун бу сўзларни нақадар ҳақоратли бўларди! Турган гапки, у Исога: “Нима гап, менинг икки тангамда бирон бир нуқсони бор эканми? – деб мурожаат қиласади. – Бу менинг бор-бурдимни катта бир қисми. Сизлар мени мағрурлик туйғумдан маҳрум этмоқчимисиз?!”. Албатта, бундай кўриниш юз бермаган, биз ҳикматга ижодий ёндашдик холос. Лекин унда чуқур маънавий маъно бор.

## 70/30 ҚОИДАСИ

Солиқларни тўлаб бўлганингиздан сўнг, сиз олган фойданинг етмиш фоизига яшашни ўрганишингиз керак. Сиз уларни ўз эҳтиёжингизга ва қим-

Матбаҳо нарсаларга сарфлашингиз мумкин. Фойданинг қолган ўттиз фоизини қандай тақсимлашни, келинг, қўйида кўриб чиқайлик.

## ХАЙРИЯ

Ўша ўттиз фоизнинг учдан бирини сиз хайрия мақсадларида сарфлашингиз лозим. Хайрия – бу сиз жамиятдан олганингизни қайтариб бериш тадбири бўлиб, уни ўtkазишдан мақсад ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишдир. Соликлар тўловидан қолган даромадингизни ўн фоизи бу вазифани қойилмақом тарзда бажариш учун етарли суммани ташкил этади. (Сиз бу миқдорни кўпайтиришингиз ёки камайтиришишингиз мумкин – ахир бу сизнинг шахсий ренжангиз, тўғрими?).

Баъзи одамлар хайрия мақсадларга атаган маблағларини черков ёки жамоатчилик ташкилотлари орқали ҳадя этишни лозим топишади. Бошқалар эса шахсан ўзлари беришни йўлга қўйишиган.

Хайр-эҳсон қилиш амалиёти инсон ҳаётининг илк босқичида пайдо бўлгани яхши. Болага хайрия парварварлик сабогини беришга энг маъқул вақт – бу у биринчи долларини ишлаб топган кунлардир. Бола билан кўргазмали сафарга чиқинг. Болада раҳмдиллик туйғуларини уйғонтириш мақсадида, уни абгор, мискин ва бечора одамлар бор жойга олиб боринг. Агар бола ҳолатга тушуниб етса, у ҳеч иккиланмасдан бир долларининг ўн фоизини эҳсон қилиб, бирон бева-бечорага ўн центлик тангани узатади. Одатда болалар қалби жуда кенг бўлади.

Даромадлари кам бўлган вақтда хайр-эҳсон қилиш амалиёти инсон ҳаётида пайдо бўлиши кераклигини сабаби бор: бир доллардан ўн центни эҳсон қилиш жуда осон. Лекин бир миллион доллардан юз

мингини ҳадя этиш анча мушкул. Сиз: “О! Агар мен да бир миллионим бўлганида, мен қийналмасдан юз мингини берган бўлардим!”, - деб мақтанишингиз мумкин. Ишониш қийин. Юз минг доллар – бу катта пул. Шунинг учун хайрия қилишни эртароқ бошлаш керак, ўшанда сиз катта пул келиши бошланмасидан олдин хайр-эҳсон қилишга одатланган бўласиз.

## МАБЛАҒ КИРИТИШ

Солиқларни тўлаб бўлганингиздан сўнг, сиз олган даромадингизни кейинги ўн фоизини бойлик яратишга йўналтиришингиз керак. Бу пулларни сиз нималарнидир сотиб олишга, ташкил этишга, ишлаб чиқаришга ёки сотишга сарфлайсиз.

Аминман, бизнинг мамлакатда ҳар бир одам капитализмнинг қайсиидир шаклига жалб этилиши лозим. Бу юртда капитал ҳалқ қўлида эканлигини биз ишонч билан айта оламиз.

Коммунизм эса ўз навбатида капитал давлат қўлида бўлиши керак, деб уқтиради.

Бу ҳолат икки тизим ўртасида катта фарқни юзага келтиради. Коммунизмни фарқи шуки, у алоҳида олинган шахс оқилона қарорлар қабул қилиш қобилиятига ишонмайди. Коммунизмда ҳокимият устидаги одамлар ҳамма нарса марказлаштирилган ҳолда хукумат қўлида бўлишини исташади. Бизнинг мамлакатимизда эркин тадбиркорликка йўналтирилган барча бошқа мамлакатлардаги каби ҳалқ азалдан истеъоддага эгалигига ишонамиз. Мол ва хизматларга янгилик киритишга давлат эмас, айнан алоҳида олинган инсон қобил. Фойда олиш – ҳар бир киши учун фаровон ҳаёт яратишга кучли турткидир.

Хўш, даромадингизни ўн фоизини ишлатиб, сиз қай тарзда бойлик яратишга киришасиз? Бундай

Имкониятлар кўп. Ақл-заковатингизга эркинлик беринг. Иш жараёнида ўрганган ёки ишқибозлигингиз туфайли ўзлаштирган бирон бир маҳоратингизга эътиборингизни қаратинг. Балки сиз шу маҳоратни ўзгача шакллантириб, уни фойда келтирувчи ишга асос соларсиз.

Бундан ташқари, сиз маҳсулотларни улгуржи сотиб олиб, уларни чакана сотишни ўрганаарсиз. Ёки бирон бир мулкнинг маълум қисмини сотиб олиб, уни такомиллаштирасиз. Ва ёки пулларни акциялар сотиб олиш йўли билан мулкнинг маълум қисмига эгалик қиласиз.

Даромадингизни ўша ўн фоизни асбоб-ускуна, маҳсулот ёки ҳиссадордик жамиятидаги улушни сотиб олишга сарфлаб, ишни бошланг.

Яна бир илҳомлантирувчи фикр! Иш куни давомида ишхонангизда ойлик учун ишлаб, қолган вақтни бойлик яратишга сарфласангиз ҳам бўладими? Албатта, бўлади! Сиз очиқчасига “Мен бойлик орттириш учун ишлайпман. Мен тирикчилик учун ишлаётганим йўқ” дея олишингиз сизга нақадар завқ ва шавқ бағишилашини тасаввур қилиб кўринг. Агар сизда бойликка эришиш режаси бўлса, сизда шу қадар кучли туркилар бўладики, сиз ярим кечагча ишлаб чиқасиз.

## ТЕЖАМКОРЛИК

Даромадингизни охирги ўн фоизи тежашга мўлжалланган бўлиши даркор. Мени фикримча, тежамкорлик – бу бойликка эришиш режангизни энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у ҳаётингизнинг “қиши”ларига тайёргарлик кўриш имкониятини беради.

## ИҚТИСОДИЁТ ВА БОЛАЛАР

Болани капитализм асосларига ўргатишнинг энг қулай даври у маълум миқдордаги қўшимча пуллар топа олишини ва бошқаларга фойдали бўла олишини кашф этган вақти. Сиз болага ҳақиқий тадбиркорлик дунёсига кириб бориш йўлларини кўрсатиб беришингиз мумкин.

Масалан, болада иккита велосипед булиши мумкин: биттаси – ўзи миниши учун, иккincinnиси – ижара га бериш учун. Шу тариқа у тижорат дунёсини тушунишни бошлайди. Ёки иккincinnи ғоя. Болангизга бир шиша ювиш воситасини икки долларга сотиб олиб, уни биронта қўшнига уч долларга сотиш йўлини кўрсатинг. Буни амалиётдаги капитализм дейдилар – бозорга олиб чиқилаётган маҳсулот ва уни орқасидан келаётган фойда. Бу катта бойликка асос бўладиган бирламчи материал. Минг афсуски, мен йигирма беш ёшимда ҳам шу оддий ҳақиқатни билмас эдим.

Агар фарзанларингиз бўлса, уларга албатта бойликка эришиш режаси нималигини тушунтириб беринг. Улар 70/30 формуласини ёшлигидан ишлатишни бошлашса, қирқ ёшга бориб молиявий мустақилликка эришишларини кўрсатиб беринг. Ўшанда умрларининг қолган қисмида улар ўзлари хоҳлаган ишларни қилишлари мумкин бўлади.

Шу ўринда “бой” ва “камбағал” тушунчаларини изоҳлаб беришга рухсат этинг. Камбағал одамлар пулларини қўпини сарфлаб, қолганини тўплайдилар. Бойлар пулларини қўпини жамғариб, қолганини сарфлайдилар.

Бой ва камбағал ўртасидаги фарқ уларни қанча иш ҳақи олишида эмас, балки ишлаб топган пулларини қандай сарфлашлари дадир.

## ЙҮЛ ЯРМИДАГИ ТУЗАТИШЛАР

Агар сиз қирқ ёки эллик ёшингизгача молиявий мустақилликка эриша олмаган бұлсанғиз бу сиз ёмон мамлакатда яшайсиз дегани эмас. Бу сиз ёмон жамиятда яшайсиз дегани ҳам эмас. Шунингдек бу сиз ёмон замонда яшайсиз ёки үзингиз ёмон одамсиз дегани ҳам эмас. Ҳаммаси жуда оддий: сизнинг режангиз – ёмон режа.

Тинчланинг, сиз ёлғыз әмассиз. Күпчилигимиз йүлдан адашғанмиз. Лекин барчамиз йүл қўйған иккинчи хато – ёмон режамизга унинг биринчи босқичларида ёки ҳеч бўлмагандага йўлни ярмига борганда тегишли тузатишлар киритмаганмиз.

Агар биз молиявий мустақилликка эришишни хоҳласак, вақти-вақти билан йўл ўртасидаги тузатишларини киритишимиз керак бўлади. Эллик ёшда ҳам буни амалга ошириш кеч эмас. Муҳими олтмиш ёшингизда сиз умуман бошқа одам бўлагиз.

## ҲИСОБИНГИЗНИ ЙЎҚОТМАНГ!

Мистер Шоафф мендан молиявий ҳисоботимни сўради. У нима эканлигини мен ўша йигирма беш ёшимда билмас эдим. Устозим сабр билан менга тушунириб берганди.

Ўзингизни алдамаган ҳолда пулларингиз ҳолати қанақалигини билиш жуда муҳимдир. Ўшанда сиз молиявий маблағларингизни бошқариш ва кўзланган мақсадга эришиш йўлларини үзингизга аниқ тасаввур эта оласиз.

Молиявий ҳисоботни тузиш қийин эмас. Активларингиз миқдорини қофоз бетининг бир томонига ҳамда эгалик қилаётган пассивларингиз миқдо-

рини – иккинчи томонга ёзib чиқасиз. Кейин активларингиздан пассивларингизни айриб ташлаб, ҳақиқий молиявий баҳони аниқлайсиз. Шу ўринда айтиш жоиз, молиявий ҳисобот юритишда асосийси аниқланган баҳо яхши ёки ёмонлиги эмас, балки уша баҳо аниқланганлиги ва сиз ундан хабардор бўлганингиздир.

Молиявий ҳисботингизда даромад ва харажатларингиз қатъий ҳисобини олиб боришни бошланг. “Ҳаммаси қаерга кетаётганини билмай қолдим” дейдиган одамга ўхшаш бўлманг. Шу ондан бошлаб сиз қаерга чиқим ва қаердан кирим бўлаётганини аниқ билишингиз лозим.

Етарли пул топишни ўзи етарли бўлмайди. Ойига ўн минг доллар оладиган киши охир оқибат инқирозга учраши мумкин. Агар у ойига ўн бир минг сарфлайдиган бўлса. Гапимга ишонаверинг, агар кимдир ойига ўн минг доллар пул топадиган бўлса, у ўн бир минг харажат қилишдан ҳеч тортинмайди. Шунинг учун ўз пулларингизни ҳақиқий эгаси бўлиб, уларни ақл билан ишлатинг. Ҳеч қачон ҳисбингизни йўқотманг. Ўшанда буюк бойлик, буюк саломатлик, буюк натижалар, буюк обрў-эътибор ва буюк турмуш тарзига эришасиз. Майда ишларни ҳам аъло даражада бажаришга одатланинг. Ўшанда сиз бойлик ва бахтга эришишни асосий тамойилларини биладиган оқил одамлардан бири бўласиз.

## БОЙЛИК ВА БАХТГА МУНОСАБАТ

Биз кўп нарсани ёмон кўрамиз. Биз солиқлар тўлашни ёмон кўрамиз. Биз тўловларни амалга оширишни ёмон кўрамиз. Биз пулларимиздан ажралишни ёмон кўрамиз. Ҳа, биз кўп нарсани ёмон кўра-

миз. Аммо шу ёмон күрган нарсаларимизга ижобий нүктай назардан қарасак, қандай бўларкин.

Бу масалада устозим мистер Шоафф шундай маслаҳат берганди: «Сиз солиқлар тўлашни яхши кўришингиз керак, чунки сиз уларни озодлик, хавфсизлик,adolat ва эркин тадбиркорлик учун тўла-моқдасиз. Сиз тўловларни амалга оширишни, пас-сивларингизни камайтириш ва активларингизни кўпайтиришни яхши кўришингиз керак. Сиз пул-ларингиздан ажралишни ва уларни айлантиришни яхши кўришингиз керак, чунки бу билан сиз сама-рали иқтисодиётни яратишга ёрдам берасиз».

Дунёқарашининг қандай ғаройиб усули! Ҳаётга нисбатан “мен яхши кўраман” жумласини айтиш учун менга бир мунча вақт керак бўлганига қарамай, ёмон муносабатдан яхши муносабатга ўтишдан сўнг ҳаётимда катта ўзгаришлар рўй берди.

### МОҲИР ХЎЖАЙИН БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар куни эрталаб турганингизда муваффақият ва баҳтга эришиш учун сизга энг қиммат бойлик берилганини биласизми? У сиз эгалик қилган мол-мулк, маҳсулот ва акциялардан ҳам самаралидир. Уни сиздан ҳеч ким тортиб ҳам олмайди. Ва уни ҳеч ким ўғирлаб ҳам кетмайди. У ҳаммага бир вақтда ва мир хил миқдорда Парвардигор томонидан бе-рилади. Бу сизга илоҳий режа бўйича берилган йи-гирма тўрт соат вақт. Ҳар куни эрталаб умрингиз давомида сиз уни текинга оласиз.

Вақт салтанатида аслзода бойлар ва аслзода до-нолар йўқ. Ҳаттоки даҳолар ҳам бир суткада ор-тиқча бир дақиқа ҳам ололмайди. Бунда ҳеч қан-дай жазо ҳам қўлланилмайди. Сиз уни хоҳлаганин-

гизча сарфлашингиз мумкин ва у сиздан ҳеч нарса талаб қилмайди.

Шунингдек, сиз келажакдаги вақтдан ҳам фойдалана олмайсиз. Вақтни қарзга олиб бўлмайди! Сиз фақат жорий кундаги вақтни сарфлай оласиз. Сиз эртанги кун вақтини сарфлай олмайсиз – у сизга эртага берилади.

Вақт – бу буюк мўъжиза, тўғрими?! Ҳар куни сизнинг ҳаётингизда шу йигирма тўрт соат вақт бор. Шу вақт ичидан сиз қанчалар ишларни бажаришингиз мумкин бўлади. Вақтдан тўғри фойдаланиш ва уни самарали сарфлаш – энг катта аҳамиятли ва энг зарур бўлган масала. Барча жабҳалардаги натижалар айнан вақтдан қай тарзда фойдаланишга боғлиқ. Ҳамма интилаётган ўша тутқич бермас баҳт ҳам шу вақт билан боғланган.

Агар инсон уни бошқарувидаги йигирма тўрт соатли “даромад”ни етарли тарзда сарфлай олмаса ва у “ҳаражат бандларига” мос келмаса, унда бу одам ҳар доим, бутун умри давомида тартибсизлик ҳолатида яшайди.

## **ВАҚТ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШДАГИ ТЎРТ ПОЗИЦИЯ**

Вақт – бу биз эгалик қиласидиган энг қимматли “истеъмол предмети”. Шунинг учун у билан муомала қилиш қобилияти умримиз қандай ўтишига энг чуқур таъсир кўрсатади.

Вақт билан муомала қилишда тўртта турли позиция мавжуд. Ушбу позицияларни ҳар бири мутлақо ҳар хил турмуш тарзини ифода этади.

### ***Бўлмагур одам менталитети***

Бўлмагур одамлар – мақсадсиз ва бекорчи кишилар – умуман вақтни инкор этадилар. Улар иложи

борича тартибсиз турмуш тарзини олиб боришни маъқул кўришади.

Агар улар бирон жойда ишласа ҳам, одатда бу вақтингчалик бандлик бўлади, чунки улар ҳар бир тузум ва вақтни тартибга солишининг ҳар бир уринишига қарши чиқадилар. Бундай мақсадсиз одамни сўзлари норозилик аломатларига бой бўлади: “Мен умрим давомида доимо кеч қолганман. Мен ҳеч қачон вақтимни бошқара олмасам керак. Ҳа, майли, нима бўлса бўлар! Мен бунинг учун тинчлигимни бузмайман ва ўз ҳолатимни оқ кўнглим ва ҳозиржавоблик билан қабул қиласман”, - дейди у.

Агар сиз ҳам шундай турмуш тарзига йўлиқкан бўлсангиз, бир нарсани хисобга олинг – ҳаётнинг асосий ва чекка кўчаларида сирғаниб юриш позицияси асл тараққиётга элтувчи ҳар бир имконият олдида тўғаноқ бўлади.

### **Тўққиздан бешгача ўз вақтининг хўжайини**

Одамларнинг бошқа бир гурӯҳи, - улар кўпчиликни ташкил этса керак, - вақтга нисбатан бўлмағур одамлар ва меҳнатсеварлар ўртасида жойлашган позицияни эгаллаган. Бу одамлар орасида жуда кўп ишчилар бўлиб, улар ўртача меъёр даражасида ишлашади. Улар бир вақтда унча кўп бўлмаган лойиҳаларни бошқара оладилар. Улар кечалари бўш бўлишни исташади ҳамда бутун умрлари давомида ишдан кейин “гулар ифоридан баҳраманд бўлиб” яшайдилар.

Бундай одам компания учун меҳнат қиласди, кейинчалик эса ўз бизнесини бошлашга қарор қиласди. Лекин у жавобгарлиги ошганини, ишхонага бошқалардан эртароқ келиб, охирги швейцардан ҳам анча кеч кетишини кўриб, иккиланишни бошлайди: “Яхиси мен бошқа бирор учун меҳнат қиласман. Барча шон-шухрат ва бошоғриқ ўшанга наисиб этсин”, - дейди у.

### Меҳнатсевар

Муваффакиятнинг эскириб қолган концепцияси одам кўп ва берилиб ишлаши кераклигига асосланган бўлиб, унинг ёрқин намояндаси сифатида “Коммивояжер ўлими” пьесасидаги Вилли Ломанни мисол келтириш мумкин. Меҳнатсевар кишилар ишлашни тўхтатиш ҳақида ўйламайдилар. Улар суткасига ўн, ўн икки, ўн тўрт соатлаб меҳнат қилишади.

Меҳнатсеварлар бирданига иккита иш жойида ишлашга ҳаракат қилишади ҳамда икки иш орасида деярли танаффус қилишмайди. Уйқуларини енгиб, ҳаловатдан юз ўгириб, кўпроқ ишни бажариб бўлганларидан сўнггина улар қониқиш ҳосил қиласидилар.

Биз ҳаммамиз бундай турмуш қандай натижаларга олиб боришини яхши биламиз. Меҳнатсеварга қолоқлар кўпинча ҳавас билан қарашса-да, унинг хулқ-атвори оиласдан узоқлашига, саломатлигини йўқотишига ҳамда турмуш қадриятларини инқирозига олиб бориши мумкин.

Меҳнатсевар инсон доимо ҳам катта пул ишлайдиган одам бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби у кўпинча ишнинг натижасига эмас, уни ўзига аҳамият қаратади.

Агар вақтга бўлган муносабатнинг юқорида сабаб ўтилган учта тамойилларидан бирини танлаш керак бўлганда, мен биринчи вариантни танлашга мажбур бўлардим. Лекин баҳтимга вақт билан муомала қилишда яна бир позиция мавжуд бўлиб, мен уни энг мукаммал деб ҳисоблайман.

### Вақтнинг моҳир хўжайини

Вақтга бўлган муносабатни тўртинчи ва энг ўқимишлиси олдинги учтасидан келиб чиқади. Вақтнинг моҳир хўжайини ҳаётининг ҳар бир жабҳаси учун вақт ажратади. У ҳаттоқи бекорчиликка ҳам

вақт ажратиб, ўз режасига “такасалтанглик” банди-  
ни ҳам киритади. Тұққиздан бешгача ишлайдиган  
одамлар сингари, у ҳам иш вақти чегарасини би-  
лади ҳамда оила каби мұхим қадриятлар учун вақт  
ажратади. Мекнэтпарвар каби у ҳам ҳеч қачон күп  
соат ишлашдан құрқмайды, аммо буни зарурат бұл-  
гандагина қиласы.

Вақтнинг моҳир хұжайинини моҳир қиласынан  
жиҳати – ўз вақтини моҳирона режалаштириб ва  
ишга ажратылған вақтдагина мекнэт қилиб, мекнэт-  
севардан күпроқ иш ҳажмини бажаришга эриша-  
ди. Бунга у қандай эришади? У күп ишламаса ҳам,  
ғайрат билан ишлаб, иш соатларини күпайтириш-  
га эмас, балки иш унумдорлигини оширишга эъ-  
тибор беради.

Вақтнинг моҳир хұжайинлари иш унумдорлиги-  
ни ошириш учун янгидан янги имкониятларини из-  
лашади. Бошқача қилиб айтганда, улар “тортмалар  
тизими”дан фойдаланиш ҳисобига ўз бойликлари-  
ни күпайтиришади.

“Тортмалар тизими” ресурсларингизни бир неча  
мартаға күпайтириш имконини беради. Масалан,  
шундай тортма сифатида пуллардан фойдаланиб,  
сиз күчмас мулк сотиб олиш ёки ўз бизнесингизни  
очиш учун кредит олишингиз мүмкін бўлади. Ёки  
тортма сифатида вақтни ишлатиб, сотишлар билан  
шуғулланадиган ходимлар сонини күпайтириш эва-  
зига ишларингиз ҳажмини оширишингиз ёки  
унумдорлиги энг паст бўлган ишларни маҳорати  
күпроқ ходимларга ўтказишингиз мүмкін.

### **Вақтга мукаммал әгалик қилиш**

Вақтни бошқариш қобилиятини англаш учун қуй-  
идагиларни тушуниш керак бўлади. Ёки сиз иш ку-  
нингизни бошқарасиз, ёки иш куни сизни бошқара-  
ди. Дарҳақиқат, бу мусобақада ким ғолиб бўлишини

аниқлаб олиш керак. Назоратни йўқотиб, бошқаруварқонини бериб юбориб, вақтни бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиш қийин иш эмас.

Вақtingиз устидан назоратни қайта қўлга олишнинг энг яхши усулларидан бири – вақтни самарали бошқаришга имкон берувчи сўзни айтишни ўрганишдир. Бу қандай сўзлигини биласизми? Бу сўз – “йўқ” деган сўз. “Йўқ” дейишни ўрганинг.

Мен ҳанузгача шу масалада қийналаман. Ҳаммага “хўп” деб, “яхши йигит” бўлиб юриш осон. “Хўп” деймизу, кейин берган ваъдамизни бажариш учун қимматли вақтимизни сарфлаймиз. Биз рози бўлмаслигимиз керак. Вақтни беҳуда ўтказишнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу.

Охир-оқибат мен хушмуомалалик билан “йўқ” дейишни ўргандим. Эндиликда мен шу йўлни тураман. Мен: “Йўқ, мен бу ишни қилолмасам керак. Лекин бирон нарса ўзгарса, мен сизга қўнғироқ қиласман.”, - дейман. Ахир одамларга яхши хабарни етказиш учун қўнғироқ қилиб, вақtingиз пайдо бўлганини айтиш яхши-ку. Бир уриниб кўринг, бу иш беради.

Вақт устидан назорат ўрнатиш ва кунингизни бошқаришнинг бошқа бир усули қуйидагича: ишлайпсизми – ишланг, дам оляпсизми – дам олинг. Бу икки машғулотни аралаштириш ярамайди. Ўзинигизни ўзингиз алдашни ҳеч ҳам ҳожати йўқ, бу амалиётни тезда тўхтатишингиз лозим. Бир вақтда ҳам ишлаб, ҳам дам олиб, сиз ишдаги натижа берадиган катта қувонч ва қониқиши завқидан маҳрум бўласиз. Иккинчи томондан дам олишингиз ҳам қўнғилдагидек ўтмайди, тўпланган барча чарчоқ ва оғир фикрлар сизни тўлалигича тарк этмайди. Ярим дам олиш билан чала ишлашдан ўзингизни асранг.

“Мен оиламга денгиз бўйида дам олишни ваъ-  
да қилгандим. Мен уларга албатта борамиз деган-  
дим. Ваъдамни бажармасам, оилам мен ҳақимда  
ёмон фикрга боради”, - дердим мен ўзимга. Шунда  
мен бола-чақам билан денгизга жўнаб кетиб, до-  
имо бошқа гапни такрорлардим: “Мен офисда бў-  
лишим керак. Қайси ақл билан мен денгизга жўнаб  
кетдим-а?! Ахир ишларим бошимдан ошиб ётиб-  
ди-ку! Лекин ишга қайтиш учун қандай қилиб таъ-  
тилни бирданига тўхтатаман? Мен иш ҳақида ўй-  
лайвериб, ажойиб хордиқ онларини бузардим.

Шунингдек, мен буни аксини ҳам қиласдим. Мен ишда: “Соат учларда секин жуфтакни ростлаш ке-  
рак – бирон соат мотоцикл минмасам бўлмайди”, -дердим. Энди тасаввур қилинг кун бўйи соат учга-  
ча мен нима ҳақида ўйлашим мумкин эди?! Тўғри,  
мени фикрим хаёлим фақат мотоциклни гурилла-  
тиб минаётганимда бўларди.

Эндиликда, маъruzalар билан Испания, Афри-  
ка ёки Австрияда бўлганимда, мен ушбу сафарлар-  
ни фақат хизмат сафарлари деб режалаштираман.  
Ҳар бир куним банд: маъruzalар, интервью ва ан-  
жуманлар. Лекин хизмат вазифаларим тугагандан  
сўнг, мен дам олиш, ўйин-кулгу ва хордиқ учун вақт  
топаман. Бу мен учун яхши сабоқ бўлган.

Бир омади чопган пудратчи дўстим ўз вақт жадва-  
лини тузиб, бир ҳафта ишлаб, бир ҳафта дам оларди.  
У ўз жадвалига “work-week-rest-week” деб ном қўй-  
ганди. Аслида, агар шанба ва якшанбаларни қўшсак,  
дўстим шу икки ҳафтада тўққиз кун дам олиб, беш  
кун ишлар эди. Мазза, тўғрими? Лекин шуни айтиш  
лозим, ўша беш кун ичida у чинакамига ишларди.  
У қандай ғайрат ва шижаот билан ишлашини сиз  
тасаввур ҳам қилолмайсиз. Атрофидаги ходимлар  
– котибалар, хисобчилар, меъмор ва менежерлар,

— соатлаб тинимсиз ишдан тутаб кетардилар. Шу беш куни ичида у бор кучини сарфлар эди. У барча ишларни тинмасдан бажаришга интиларди. Кейин у барча ишларни тұхтатиб, оиласи билан дам олишга жүнаб кетарди. Зүр-а!

## ҰЗИНИ АНГЛАШ

Вақтни ижодкорона бошқаришнинг асосий қоидаларидан бирида: “ҰЗИНГНИ ҰЗИНГ АНГЛА” дейилган. Ҳар биrimизда бетакрор биологик соатларимиз мавжуд бўлиб, улар иш унумдорлигимизни кўтарилиши ва пасайишини назорат қилади.

Энг кучли фаолият курсатадиган вақтингизни аниқланг. Агар самарали ишлаш вақтингиз эрталабки соатларга тўғри келса, бундан фойдаланиб, энг иирик лойиҳаларингизни куннинг биринчи ярмига режалаштиринг. Мисол учун, ишингиз одамлар билан ишлаш, уларга таъсир ўтказиш билан боғлик бўлса, улар билан ўтказадиган учрашувларни ноңушта вақтига белгиланг.

Агар аксинча – эрталабки вақт сиз учун энг оғир бўлса ҳамда тушликкача ўз исмингизни ҳам аранг эсласангиз, унда энг муҳим ишларингизни тушлиқдан кейинги вақтга ёки кечкурунга режалаштиринг.

Ўз одатларингизни ҳам бир кўриб чиқсангиз фойдали бўлади. Агар ҳозиргача девонхона ишларини тартибга солиш ёки неча йилдан бери қайдлаш дафтарини юргизишни ният қилиб, буларни бажармаган бўлсангиз, унда буни бор ҳолат сифатида қабул қилиб, биронта ёрдамчи олинг. Бу ёғига сиз энди ўзгармасангиз керак.

Бор камчиликларингиз сизга заар етказмаслиги учун ұзингизни масъулиятга чақиришга одатла-

нинг. Бу ҳам вақтни ижодкорона бошқариш қоби-  
лиятини бир қисмидир.

Бир неча йил олдин қўл остимдаги ходимларим мени ёмон куръер эканлигимни юзимга айтишганди. Мен доимо сафарларга чиқишим боис, улар кўпинча мен жўнаётган шаҳардаги одамларга ҳужжатларни бериб қўйишни сўрардилар. “Хўп, гап бўлиши мумкин эмас”, - деганча мен қофозларни чўнтағимга солиб қўярдим. Кўпинча ўша эгаларига етиб бормаган қофозлар ҳақида мен химчисткадан хабар беришганидан кейин эслардим...

Вақт ўтиб, ходимларим яна менга мурожаат қилиб, бу сафар мен билан гўёки беш яшар бола билан гаплашаётгандек гаплашишарди. “Бу ҳужжат Нью-Йоркка етказилиши керак. Сиз уни ўз вақтида етказиб боришингизга ишонасизми?”, - дейишарди ходимларим. “Албатта, менга ишонишингиз мумкин”, - жавоб берардим мен.

Ҳужжат мен қайтиб келганимдан сўнг ҳам портфелимда ётиши ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Шундай қилиб, ваъда яна қайта бажарилмаган эди. Янги ишга келган ҳар бир ходимга, қўл остимдагилар: “Раисимизга ҳеч нарсани бировга бериб қўйишни сўраб, мурожаат қилманг. У бошқа ишларда устаси фаранг, лекин у ёмон куръер. Бу масалада бошқалар билан келишинг”, - деб янги ҳамкасбларига йўл-йўриқ кўрсатишарди.

Мени ана шундақа камчилигим бор эди. Керакли донолик кўрсатиб, барча ишларни ҳам аъло дарражада бажара олмаслигингизни тан олишни ҳеч уятли жойи йўқ, аксинча бу камчиликларингиз мақсадларингизни амалга оширишга тўскىнлик қилишининг олдини олади. Дарҳақиқат, ўз-ўзини англаш

вақтни бошқара олиш қобилиятиңгизнинг ҳал қи-  
лувчи жиҳатлари хисобланади.

## ТЕЛЕФОН

Ҳозирги кунда биз ҳаммамиз телефонни оддий алоқа воситаси деб биламиз. У ҳаётимиздан шу қадар жой олганки, нафақат ҳар бир уйда, балки ҳар бир хонада бор, тез орада эса ҳар бир автомобильга ўрнатилади.

Шунга қарамай, баъзи биримиз телефондан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш йўлларини таҳлил қилишга вақт сарфлаган. Натижада биз бир ҳолатни тан олишимиз керак: самара нуқтаи назаридан телефон ажойиб восита булиш билан бирга у бизнинг ҳаётимизда вақтни бекор ўтказиш бўйича энг бузғунчи манба булиши ҳам мумкин.

Мени тушунган бўлсангиз агар, айтмоқчи бўлганим шуки, телефон сиз учун ажойиб алоқа воситаси бўлса, у бошқа ҳар бир кишига ҳам айнан шунака ажойиб алоқа воситаси ҳисобланади. Саноқли сонияларда сиз бошқа бирор билан алоқага чиқа олсангиз, бошқалар ҳам сизни тезлик билан топиш имкониятига эга. Ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган ушбу ҳолат ҳар бир кунлик режамиз ёки ўрнатилган кун тартибимизни вайрон қилиши мумкин.

Шунинг учун телефон биринчи навбатда иш жараёнини қулай қилиш учун хизмат қилиши ҳақида қайғуриш керак бўлади. Ким ва қачон сизга қўнфироқ қилиши мумкинлигини ўз назоратингизга олинг. Котиба ишлатишни чўнтағингиз кўтарса, унга барча телефон қўнфироқларини ёзиб боришни ўргатинг. Шунингдек телефондаги автоматик тарзда жавоб бериш функциясидан фойдаланиб, ўзингизга қулай вақтда керакли одамларга қайта қўнфироқ қилинг.

Шуни ҳам унутмангки, телефон бошқаларга сизнинг вақтингизни уйда бўлганингизда ҳам назорат қилиш имкониятини беради. Бу дегани, агар сиз эҳтиёткор бўлмасангиз, унда бошқалар огоҳлантирмасдан сизнинг шахсий вақтингизга аралашиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик керак. Дўстларингиз билан учрашган кунларингизда ёки оила даврасида вақтингизни ўтказаётган пайтингизда телефон қўнғироқларига жавоб бермаслик имкониятини топинг. Бунда сиз телефондаги автоматик тарзда жавоб бериш функциясидан фойдаланишингиз ёки оддийгина телефон аппаратингизни тармоқдан узиб қўйишингиз мумкин. Оила ва дўсту-биродарлар сизни безовта қилаётган телефон қўнғироқларидан минг марта афзал, зеро сиз шахсий вақтингизни яқинларингизга бағишлагансиз.

Кириш қўнғироқларини назоратга олишга қўшимча чиқиш қўнғироқларини ҳам такомиллаштиришнинг оддий усули бор: бу қўнғироқлар китобини жорий этиш. Биз қўпинча вақт ва маблағимизни самарасиз телефон сўзлашувларига сарфлаймиз. Амалиётингизда қўйидаги гапларни телефон орқали кўп марта айтган бўлсангиз керак: “Кечирасиз, мен сиз билан келишиб оладиган бошқа бир масала бор эди. Лекин ҳозирнинг ўзида уни нимагадир эслолмаяпман. Мен сизга кейинроқ қўнғироқ қиламан”. Бу ҳолат сизга яхши таниш, шундай эмасми?! Бу вақтни инсофисизларча бекор ўтказиш билан бирга касбий камчиликлар сирасига киради.

Хўш, шу каби ҳолатларни ечими нимада? Ечими айнан ўша “Қўнғироқлар китоби”ни қунт билан олиб боришда. Ҳар қайси қўнғироқни қилишингиздан олдин муҳокама қиласдиган мавзуни асосий томонларини ёзиб олинг. Бу ҳар бир телефондаги сухбатингизни янада самаралироқ, янада қисқароқ ва

Янада малакалироқ бўлишини кафолатлайди. Шу билан бирга бу ҳар бир сухбатингиз қисқача баёни-ни ёзма равишда сақлаб қолиш имконини яратади.

Ушанда агарда сизга бирон бир телефондаги сухбатингизнинг тафсилотлари керак бўлиб қолса, олдингизда бу сухбат ҳақидаги тўлиқ маълумот бўлади. Масалан, сиз ходимингиздан: “Майкл, биз куни-кеча муҳокама қилган масалалар бўйича ишлар қандай кетяпти?”, - деб сўрашингиз мумкин бўлади. Майкл эса, довдираб: “Қанақа тўртта масала? Биз улар ҳақида гапирмаган эдик”, - деб жавоб қайтаради. Ушанда сиз “Қўнгироқлар китоби”ни керакли саҳифасини хотиржам очиб, у билан бўлган телефон сухбатини қисқача баённомасини кўрсатасиз. Балки, шундан сўнг у ўз ишига масъулият билан қарашни бошлар ёки сиз уни ишдан бўшатиб юборарсиз.

## **ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Биз ҳаммамиз кўп ишларимизни олдиндан бизга сингиб кетган ва одат бўлиб қолган тарзда бажаришга ҳаракат қиласиз. Аммо биз вақтимиздан янада самаралироқ фойдаланишни истасак, эскича тарзда ишлаш вақтни кўкка совуриш билан teng бўлиб қолади. Шунинг учун иш услубларингизни таҳлил қилиб чиқишига вақт топинг. Системалаштириш услубингизни замонавий деб айта оласизми? Ҳисобхонангизда ишлар қай даражада? Бугунги кунда иш унумдорлигини оширишга мўлжалланган жуда кўп электрон воситалар ишлаб чиқилган. Бизнинг асри-миз катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашни янада тезроқ амалга оширишга улкан имкониятлар яратди. Сиз ушбу ахборотни қайта ишлаш электрон воситаларидан фойдаланишингиз мумкин.

Ахборотни қайта ишлаш электрон воситалари ичида компьютер энг замонавийсидир. У бир талай ажойиб ишларни бажариши ва кўп вақтингизни тежаши мумкин. Бундан ташқари, ноутбук ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу техникадан сафарга чиқилганда фойдаланса бўлади. Ахборот тармоғига улангандан сўнг мен керакли маълумотни бош компьютерга ўтказиб оламан. Вақтни тежашнинг ажойиб усули!

Шу билан бирга, ушбу мўъжизавий электрон техника воситалари вақтни бехуда кеткизишга ҳам олиб келиши мумкин. Одамлар шу қадар дангаса бўлиб кетишиди, баъзан телефон рақамларини сақлаш учун ҳам компьютердан фойдаланишади. Бу девор орқали яшайдиган қўшниникига машинага ўтириб бориш билан баробар. Шунинг учун янги электрон воситаларидан фойдаланиш жиҳатларини обдон ўйлаб кўриш керак. Агарда сизнинг бизнесингиз ўзига яраша мураккаб бўлса, унда асосий ишни тирик одамларга – мутахассис ва эксперталрга қўйиб беринг. Бу айниқса таржимонлик фаолиятида жуда мухимдир – ҳозирда ҳеч бир компьютер дастури ҳеч бир матнни, - айниқса, адабий ва бадиий асарларни, - инсончалик таржима қилиш қобилиятига эга эмас.

### ТЎҒРИ САВОЛЛАР БЕРИШНИ ЎРГАНИНГ

Агарда сиз вақт тежамкорлиги бўйича энг етук мутахассислар сирасига кирадиган раҳбар ходимларга маҳсус саволлар берадиган бўлсангиз, унда саволларни тўғри беришни ўрганинг. Одам психологияси кўрсатишича, ҳар бир нарса бошқа нарсадан келиб чиқади. Қандайдир муаммо юзага кел-

ганида, бу қаердадир янада чуқурроқ сабаб борли-  
гидан далолат беради.

Мазмун-моҳиятни аниқлашнинг энг яхши усу-  
ли шошилинч хулосаларни чиқаришдан эмас, бал-  
ки саволлар бериб, уларга жавоб олишдан иборат.

Агар Мэри сотиш ҳажмини кўпайтира олмаётган  
бўлса, биз: “Окей, Мэрига сотиш йўллари ҳақида маъ-  
руза ўқишимиз керак”, - деймиз. Ёки биз уни супер-  
вайзеридан: “Нега Мэри сотишни эплолмаяпти?”, -  
деб сўрашимиз керак бўлади. Супервайзер: “У ми-  
жозларга етарли миқдорда қўнғироқ қилмаяпти”,  
- деб айтиши мумкин. Шунда биз: “Хўш, нега у етар-  
ли миқдорда қўнғироқ қилмаяпти”, - деб сўраймиз.  
“Чунки у эрталабдан ишлашини бошламайди”, - жа-  
воб беришади раҳбарлари.

Шу ерда биз савол-жавобга якун ясаб, Мэри иш  
кунини эртароқ бошлашини рағбатлантирувчи чо-  
ралар кўришга ҳаракат қилишимиз мумкин эди. Ле-  
кин буни ўрнига биз яна бир саволни берамиз: “Хўш,  
нима сабабдан Мэри иш кунини эрта бошлай олмай-  
ди?”. Энди, охир-оқибат, биз масалани асл моҳияти-  
га етиб бордик. Демак, Мэрида қандайдир шахсий  
муаммоси бўлиши мумкин. Балки гап у ривожлан-  
тириши керак бўлган касбий маҳоратида эмасдир.

Жиддий муаммоларнинг асл сабаблари чуқур  
яширган бўлади. Керакли ва тўғри қўйилган са-  
волларни беришни ўрганиб, сиз ўзингиз учун бир  
талай вақтингизни тежаб олишингиз мумкин, чунки  
бунда муаммони моҳиятини аниқлаш тезроқ кечади.

## **ФИКРЛАРНИ ҚОҒОЗДА БАЁН ЭТИШНИНГ ТҮРТ УСУЛИ**

Вақтни самарали бошқариш қобилиятининг энг  
улуғ усулларидан бири қоғоз орқали фикрлаш маҳо-

ратидир. Порлоқ корхона барпо этиш бинокорликка ўштайди. Миз миянгизда ғояларни ривожлантириб, уларни қофозга күчирасиз ва унга асосан лойихани амалга оширасиз. Компаниямда биз ушбу мақолни шиор қилиб олганмиз: **ФОЯ АСОСИДА ЭМАС, ҲУЖАТ БҮЙИЧА ИШЛАЙМИЗ!**

Кунни режалаштириш ҳам фикрларни қофозда баён этишни талаб этади. Одам эрталаб туриб: “Қани, бугун нима қилишимни бир ўйлаб олайчи?” дегани ҳеч нарсага ярамайди. Бу жуда кеч ҳаракат. Бажариши лозим бўлган ишлар билан шуғулланиш ўрнига у одам кун ярмини нима қилишни режалаштириш билан банд бўлиши мумкин. Энг яхиси, у ушбу йўқотган кунини режалаштиришга сарфлаб, эртага, кейинги ҳафтага, кейинги ойга қиладиган ишларини қофозга тушириб олгани маъкул. Фақат хиссиётларга берилиб, шеър ёзишни бошламаса бўлгани.

Фикрларни қофозда баён этиш – бу ижодий жараён. У фақатгина “қилинадиган ишлар” рўйхатини тузиш эмас, балки ишларнинг бошқа турли жабҳаларини ўз ичига олади. Ҳаётингизни режалаштиришда фойдаланишингиз лозим бўлган тўртта турли, аммо жуда муҳим бўлган усууллар мавжуд.

### Кундалик

Маъруза ва интенсив семинарларимда мен кундаликлар тутишни тарғиб қилишга кўп вақт ажратаман. Бундай қилганимни сабаби, улар ҳаётда муваффақият қозониш масаласини жиддий ўрганаётган кишилар учун бебаҳо восита эканлигига қаттиқ ишонаман.

Кундалик – бу сизнинг ҳаёт йўлингизда сизга учрайдиган бор ижобий ахборот ва доно фикрлар жамланадиган жой. Яхши фикрларни деярли ҳар бир киши айтиши мумкин. Сиз уларни жуда маъно-

ли диний маъruzалардан илиб олишингиз мумкин. Ёки бошқа манбалардан ахборотнинг сизга керак-ли қисми учраб қолиши мумкин. Сиз рулда кетаётганингизда ҳам миянгизга буюк ғоя ташриф буюриши мумкин. Энг асосийси: ЯХШИ ФОЯЛАР СИЗДАН ҚОЧИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ. Буюк ғоя сизни ҳаётингизни тубдан ўзгартириши мумкин – агар сиз уни илинтира олсангиз. Қаерда бўлишингиздан қатъий назар, ёнингизда кундалик бўлсин.

### *Лойиҳалар тўплами*

Сиздек олийжаноб ва ишчан инсонда ҳар доим кўпгина режалаштираётган лойиҳалар ва ҳамфи-кр ҳамкорлар бўлиши табиий. Сизга ўхшаш доимо банд одамлар кўпинча ўзларини циркда бирданига бир нечта ликобчаларни айлантиришга мажбур бўлган жонглёр каби хис қиласидилар. Бу эса жуда мурраккаб санъат.

“Ликобчалар” устидан назоратни сақлаб қолишинг энг яхши усулларидан бири – лойиҳалар тўпламини жамлаб боришдир. Агар сиз одамлар билан ишласангиз, тўпламингизда ҳар бир киши учун алоҳида бўлак ажратинг. Ҳар бир киши учун ажратилган бўлакда барча керакли маълумотларни жадвал шаклида жойлаштиринг. Ўша кишининг тавсифини, оиласи ҳақида маълумотларни, уни мақсадларини, кучли жиҳатларини, хоҳишларини ёки сиз керакли деб ҳисоблаган бошқа барча маълумотларни киритинг.

Сизга менежер сифатида сотишлар ҳақидаги маълумотлар ёки ишлар бажарилиши графиклари кепрек бўлиши мумкин. Ўшанде ишлар юришига баҳо бермоқчи бўлганингизда, кўл остингизда доимо аниқ ва фойдали маълумотлар бўлади.

Шундай қилиб, бизнесингиз ёки касбингиз хусусиятларига қараб, сизга ҳар бир офис ёки бўлим

Учун турли жадваллар керак бўлиши мумкин. Ёки сизга лойиҳаларда ишловчи мутахассисларнинг (шу жумладан, сизнинг ҳам) малакасига қараб бўлинган турли масалалар тақсимоти керак бўлади. Бу ерда энг асосийси – йўқолиб кетган сон-саноқсиз папкалардан керакли маълумотни қидириб топишга вақтни беҳуда сарфламасдан, барча маълумотларни жамлаб, уларга ўз эътиборингизни қартишдир.

Юқоридаги лойиҳалар тўплами юритиш таклифи сизнинг шахсий ишларингизда ҳам самара бериши мумкин.

Масалан, сиз фарзандларингизни ҳар бирига “жадвал юргизишингиз” мумкин бўлади. Ўз фарзандлари ҳақида ахборот йиғиш деганда бироз ғалати туюлиши турган гап. Лекин рухсатингиз билан сизга бир нечта саволлар билан мурожаат қилсан. Айтинг-чи, фардандингизни охирги баҳолар жадвалини эслайсизми? Эсласангиз агар, у олдингисидан нима билан фарқ қиласди? Болангиз қайси тадбирга сиз билан бирга боришини хоҳлайди? Сиз шуни ёзиб олганмисиз? Сиз у билан юзма юз бўлган охирги муҳим сұхбатни эслайсизми? Фарзандингизни энг кўп безовта қилаётган нарса нима?

Болалар ота-оналари билан биргаликда қилган ҳар бир машғулотни эслаб қолишини биласизми? Баҳтга қарши биз ота-оналар кўпинча жуда банд ва эътиборсиз бўламиз. Ҳар бир фарзандингиз учун алоҳида бўлим юритилиши юқоридаги муҳим масалалар ҳақида сизни эслатиб туради.

Табиийки, бундай системалаштиришдан сизнинг шахсий молиявий ишларингиз ҳам ютиб чиқади, чунки у сизнинг сармояларингиз, сугурта полисларингиз ва бошқа молиявий воситаларингизни ҳам изга солиши мумкин.

Савол туғилади – ҳақиқатда ҳам доимо сизнинг ёнингизда кундалик ёки лойиҳалар түплами бўлиши керакми? Йўқ, албатта! Агар сиз уларни доимо қўл остингизда олиб юрсангиз, бундан аслида ҳеч бир натижага чиқмайди. Лекин бойлик ва бахт йўлида бораётганлар учун бу усуллар мақсадга эришиш жараёнини ажойиб тарзда тезлаштиради.

### Тақвим

Фикрларингизни қофозга жамлашга имконият берувчи яна бир услуб – бу тақвимий кундалик дафтарини юргизишидир. Бу ерда мен тақвим деганда деворга осилган календарни назарда тутаётганим йўқ. Мен айтмоқчи бўлган тақвимни устига босмохона дизайнери “Тақвимий кундалик” (“Ежедневник”) деган ёзув туширган.

“Тақвимий кундалик” – бу учрашув ва режалингизни ёзиладиган кундалик журнал. Лекин унда кўп бошқа нарсалар учун ҳам жой бор. Унда бизнесингиздаги харажатларни кузатиш учун жой, анжуманлар натижалари учун, телефон сўзлашувлари ва бажариладиган ишлар рўйхати учун жой бор.

Тақвимий кундалигингиз шунингдек жорий кун ёки ҳафтанининг асосий воқеаларини ўз саҳифалирида акс эттириб, улар истасангиз кейинчалик катта кундалигингиз ёки лойиҳалар түпламига киритилиши мумкин. Тақвимингизни бир кун, бир ҳафта, бир ой ва ҳаттоқи бир йиллик ахборот олинадиган ва таҳлил этиладиган марказий қўлёзма манба деб хисоблашингиз мумкин.

### Ўйин режаси

Ўйин режаси дунёдаги ҳамма нарсани ўзгартириши ва сизнинг бу дунёдаги ўйинингиз қандай тугашини белгилаб беради. “Ўйин режаси” жумласи ҳазиломуз маънода айтилган, чунки биз футбол ёки баскетбол ўйинида ўйин стратегиясини тузиш

мұхимлигини тан олсак ҳам, орамизда камдан кам  
одам ўз ҳаёти учун ўйин режасини тузишга вакт  
ажратади.

Ҳаёtingиздаги ўйин режаси учун белгиланған  
биринчи ва эң мұхим қоида қуидагича: КУН РЕ-  
ЖАСИНИ ТУЗИШНИ ЯКУНЛАМАСДАН ТУРИБ ЯНГИ  
КУНИ БОШЛАМАНГ. Модомики, ҳар бир кунингиз  
ҳаёtingиз стратегиясининг бойлик ва баҳтта эри-  
шиш йүлидаги ранг-баранг нақшнинг бебақо қисми  
экан, унда ҳар доим янги кунингизни бошлашдан  
олдин уни режасини тузиб олинг. Буни ҳар куни  
амалға оширинг. Тұғри, бу ёзув-чизувлар жонин-  
гизга тегиб кетиши мүмкінлигини мен яхши ту-  
шунаман. Аммо шуны билингки, бойлик ва баҳт бу  
харакатларингизнинг самарали натижаси, орзу ва  
умиднинг мавҳум якуни эмас.

Янги кунингизни, ҳар бир кунингизни режалашти-  
риш санъатини ўзлаштириб олган бұлсанғиз, демек,  
сиз кейинги, янада катта муваффақиятга эришиш  
даражасига ўтишга тайёрсиз. Кейинги мұхим қои-  
да: ХАФТА РЕЖАСИНИ ТУЗИШНИ ЯКУНЛАМАСДАН  
ТУРИБ ЯНГИ ҲАФТАНИ БОШЛАМАНГ.

Янги ҳафтани бошламасдан олдин уни режасини  
тuzинг. Якшанба оқшомида ўз ўзингизга “Шу ҳафта  
ичида нималарни қилишим керак?” деган саволни  
беришингизни ўзи турмушингизни бироз мұракка-  
блаштириб юборишини тасаввур қилишингиз мүм-  
кин. Тұғри, бу ҳолат бир мунча зиддиятли бўлиши  
мүмкин, лекин сиз ҳар бир кунингизни ҳафталик  
ўйин режасининг бир қисми сифатида режалашти-  
ришни ўрганиб олсанғиз, унда барча қисмлар бир  
бирига анча равон уланади. Натижада ҳар бир ку-  
нингиз янада самаралироқ ўтади.

Ҳар бир ҳафтани режалаштириш санъатини ўз-  
лаштириб олган бұлсанғиз, унда сиз ҳаёtingизни

бирданига бир ойини режалаштиришга қодир була-  
сиз. Шунинг учун кейинги асосий қоидани эшигинг:  
**ОЙ РЕЖАСИНИ ТУЗИШНИ ЯКУНЛАМАСДАН ТУРИБ  
ЯНГИ ОЙНИ БОШЛАМАНГ.**

Кейин сиз кунлик, ҳафталик ва ойлик мақсадла-  
рингизни уч ойлик, олти ойлик ва йиллик мақсад-  
ларингиз билан мувофиқлаштиришни ўрганасиз.

Сиздан юқори интизомни намоён этиш талаб  
этилади. Аммо шу ишни амалласангиз, сизни ўз  
вақтини мохир хўжайини деб аташ мумкин бўлади.  
Вақтни бўйсиндириш санъатига олиб борувчи йўл-  
ни юқори тезликда ҳам босиб ўтиш мумкин, лекин  
сиз бу саёҳатни роҳатланиб, атрофдаги манзаралар-  
дан, йўл четидаги мевалар таъмидан ҳамда ўзин-  
гизга ўҳшаган бошқа мохир вақт хўжайнлари би-  
лан ўрнатилган шерикликдан баҳраманд бўласиз!

## **СУҲБАТЛАШИШ ТАМОЙИЛИ**

Шахс шаклланишига таъсир этувчи асосий фак-  
торлардан бири шу билан бирга тушунтириш та-  
лаб этадиган фактор ҳамдир. Бу – сизнинг бошқа  
одамлар билан мулоқотингиз. Бошқа одамлар де-  
ганда сиз ҳаётингизга кириб келишига рухсат бер-  
ган кишилар назарда тутилади. Бошқа одамлар  
сизнинг ҳаётингизни қай тарзда шакллантири-  
ши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу фикр усто-  
зим мистер Шоаффнинг бир гапигача мени ҳаё-  
лимга ҳам келмаган эди. Жаноб Шоафф бир куни:  
“Жим, ҳеч қачон бошқалар таъсирини паст баҳо-  
лама”, - деганди.

Албатта, у ҳақ эди. Атрофимиздагиларни биз-  
га ўтказадиган таъсири шу қадар кучли, шу қадар  
аниқ ва шу қадар доимий бўлиб, биз кўпинча буни  
тасаввур ҳам қилишимиз қийин.

Бир ўйлаб кўринг. Агар атрофингизда бор да-ромадини сарфлайдиган одамлар бўлса, сиз пул-ларини қадрига етмай кўкка совурадиган кишига айланишингизга ажойиб имконият туғилади. Агар атрофингиздагилар футболга қизиқса, сиз шу спорт ишқибози, мумтоз мусиқага қизиқса – шу санъат шайдосига айланишингиз мумкин. Атроф-муҳит таъсириининг кучи мана шунда.

Аммо бу таъсир янада чуқурлашиб кетиши мумкин. Агар сизни ёнингиздаги одамлар бошқаларни баъзи-баъзида алдаб туриш мумкинлигини жирканч одат деб билишмаса, улар сизни ҳам баъзи қонун-қоидаларни бузишга ўргатишлари мумкин. Одамлар ҳақиқатда ҳам аста секин сизни тўғри йўлдан адаштиришлари ҳамда орадан йиллар ўтгач кунлардан бирида сиз эрталаб уйқудан туриб ўзингизга ўзингиз: “Мен қандай шу ҳолатга тушиб қолдим?”, деган савол беришингиз мумкин.

Сизга тўғри келмайдиган одамларга шерик бўлиб, вақтингизни бехуда ўтказишнинг олдини олиш учун ўзингизга қўйидаги учта муҳим саволларни беринг:

1. Вақтимни қандай одамлар билан ўтказаяпман?
2. Улар менга нисбатан ўзларини қандай тутишади?
3. Улар билан бирга бўлиш менга ижобий таъсир қиласидими?

Шу саволларни инкор этманг. Танишларингизнинг ҳар бири билан ўтказган вақтингизга баҳо беринг. У ижобий ва самаралими ёки салбий ва фойдасизми? Жавоб топишингиз қийин бўлаётган бўлса, қўйидаги саволлар устида ўйланг:

- Улар сизни нималарни қилишга мажбурлашди?
- Улар сизни нималарни эшитишга мажбурлашди?
- Улар сизни нималарни ўқишга мажбурлашди?
- Улар сизни қаерларга боришни мажбурлашди?

- Улар сизни нималар ҳақида ўйлаб кўришга мажбурлашди?

- Улар сизнинг гапларингизга қандай таъсир ўтказиши?

- Улар сизнинг хиссиётларингизга қандай таъсир ўтказиши?

- Улар сизни фикрларингизга қандай таъсир ўтказиши?

Шу саволлар устида обдон фикр юритиб бўлганингиздан сўнг, ўзингизга яна битта якуний саол бериб кўринг: танлаган мақсадингиз сари интилишингизда ҳозирги оғайниларингиз сизга ёрдам беришяптими? Бахtingизга бунинг жавоби “ҳа” бўлса, муборак бўлсин. Лекин сиз бунга унча ишонмасангиз, ҳаётингиздаги баъзи асосий ўйинчилар билан ўзаро муносабатларингизга холисона баҳо бериш вақти келди деб хисоблайверинг.

Бошқаларни бизга ўтказадиган таъсири ҳақидаги ушбу масалани инкор этиш жуда осон. Сиз: “Яшаш муҳитимнинг менга аҳамияти йўқ. Атрофимдаги одамлар мени қизиқтирумайди” дейишингиз мумкин. Бу сизнинг хатоингиз. Ҳамма нарсанинг аҳамияти бор. Ҳа, айни шундай, шу изборани эсда тутинг: ҲАММА НАРСАНИНГ АҲАМИЯТИ БОР.

Ушбу китобнинг бошқалардан фарқи шуки, у асл ҳаёт билан боғлик, орзу-истакни ҳақиқат қилиб кўрсатмайди. Аслида ҳам бу китобнинг бош мақсадларидан бири сизни чин дилдан қўйидаги гапларни айтишга ундашдир: “Узини ўзи алдаш замонлари ўтиб кетди. Мен ким бўлиб етишганимни ва ким бўлаётганимни билишни ростдан ҳам истайман. Мен кучли томонларим ва камчиликларим қанақалигини, устимдан нима ҳукмдорлик қилаётганини, ҳаётимга нималар ўз таъсирини ўтказаётганини билмоқчиман”.

Шундай қилиб, шу саволларни күриб чиқиб, уларни яна бир бор ўрганиб чиқинг. Барча қадрга эга нарсалар қайта күриб чиқилишга лойиқ, бу айниқса таъсир кучига тегишли. Сиз кичкина қушча ҳақидаги қиссани эшитган бўлсангиз керак...

Бир қалдирғоч қаноти билан бир кўзини беркитиб, қаттиқ йиғлаётган эмиш. Бойўғли учиб келиб, ундан сўрабти: “Эй, қушча, сенга нима бўлди, нега йиғлаяпсан?”. Қалдирғоч қанотини ёйиб, кўзи ўрнидаги чукур жароҳатини кўрсатибди. Бойўғли кўзларига ишонмасдан, тахмин қилибди: “Тушундим, қарға кўзингни чўқиб кетганига йиғлаяпсан!”. “Йўқ, - ғамгин жавоб берибди қалдирғоч, - мен қарға кўзимни чўқиб кетганига эмас, шундай қилишига йўл кўйганимга йиғлаяпман!”.

Кимdir сизнинг орзуларингиз устидан кулади. Яна кимdir ўша орзуларингизни ёмонлаб, ер билан яксон қилади. Чунки ўзгалар таъсири ҳаётимизни шакллантиришига биз осонликча имкон берамиз. Айниқса салбий таъсирлар енгил йўл топади. Ҳаётимиз йўналишини атрофдагилар белгилашига, ўзгалар ақидалари бизни қамраб олишига, дengиз тўлқинларида ғарқ бўлишимизга, кимларни дир босими остида характеримиз шаклланишига биз осонликча йўл кўямиз.

Хўш, сиз ниятларингизга етиб, интилганингизга эришасизми ёки бошқалар сизни орзу-умидларингизни йўққа чиқаришларини истайсизми?!

### Ажралиш

Атрофингизда шаклланган одамлар гулзорини ўрганиб чиқиши натижасида у ерда бир нечта бегона ўтлар ҳам ўсиб чиққанини аниқласангиз, сиз қуйидаги чораларни кўришингиз мумкин.

Биринчидан, сизнинг соғлом турмушингизга салбий таъсир кўрсатаётган одамлар билан алоқани

узишингиз мумкин. Буни амалга ошириш мушкул-лигини мен тан оламан, айниқса агар у одам оилан-гиз аъзоси бўлса. Ким бўлганда ҳам, сизни орзуларингиз, мақсадларингиз ва дунёқарашингизни доимо танқид қилишдан роҳатланадиган кишилардан ва уларнинг таъсиридан озод бўлинг. Шу қарорингиз ҳаётингиз сифати ва жозибасини саклаб қолиши мумкинлигини унутманг.

Албатта, ҳаёт камдан кам ҳолатда осон кечади. Баъзида биз вақтимизни сарфлаб, бизга ёқимсиз бўлган ҳамкасларимиз, ҳамкорларимиз ва бошқа одамлар билан гаплашишга мажбур бўламиз. Одамлардан тўла-тўқис узоқлашиш имкони бўлмаган шунга ўхшаш ҳолатларда улар билан чегарали мулоқот урнатишга ҳаракат қилинг.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлади-ки, юзаки ёқимили бўлиб кўринган муносабатлар кўп вақт давомида ҳаётингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳафтада икки марта ошно-оғайнилар билан тун бўйи майхўрлик қилишга одатлансангиз, ҳаётингиз охири ўз мувозанатини йўқотиши мумкин. Бунинг оқибатлари беш, ўн, йигирма йилдан кейин фалокатга олиб бориши мумкин.

Кўримсиз одам бўлиб яшаш қийин эмас, албатта. Бунинг учун асосий вақтингизни кичкина одамлар билан майда-чуйда ишларга сарфласангиз бўлди. Оқил кишилар эса ўз хатти-ҳаракатларига тўғри баҳо беришади. Улар улуғвор мақсадлар ва майда-чуйда юмушлар фарқига етишади, ҳар бир нарсани ҳаётларидаги қадри ва аҳамиятини яхши билишади.

Оқил одамларда ҳам таниш-билишлари кўп бўлади, албатта. Лекин одми одамлардан фарқли равишида улар билан муносабатларга асосий вақтларини сарфламайдилар, фақатгина унчалик мухим бўлмаган дам олиш вақтларини ўшалар билан ўтказадилар. Улар бу-

гун бор, эртага йўқ дўстларга ва турли майшатпарвар нусхаларга ўз вақтларини беҳуда сарфламайдилар.

Насиҳат қилишдан узоқман – бу сизнинг ҳаётингиз, албатта. Сиз вақтингизни ким билан ва қандай ўтказишни ўзингиз биласиз. Лекин бу китобни сиз шунчаки кўнгилочарлик учун сотиб олмаган бўлсангиз керак. Сиз барча устивор қадриятларингизни, шу жумладан атрофингиздаги одамларни ҳам кўриб чиқишингиз ва уларга холисона баҳо беришингиз талаб этилади. Бу телба дунёдаги умримиз шу қадар қисқаки, уни мумкин қадар оқилона ўтказишга ҳаракат қиласли.

### Кенгайтирилган муносабатлар

Ажралиш масаласидан ёқимлироқ бўлган чуқур ва ижобий бўлган кенгайтирилган муносабатлар масаласига ўтайлик. Кенгайтирилган муносабатлар қонуни қўйидагича: ВАҚТИНГИЗНИ КЎПРОҚ ТЎҒРИ ОДАМЛАР БИЛАН ўТКАЗИНГ. Хўш, ўша тўғри одамлар ўзи ким? Уларни белгилаш сизнинг мақсад ва вазифаларингизга боғлиқ. Лекин асосан бадавлат ва маданиятли одамларни қидиринг, – улар ҳаёт мазмуни ҳақида ўйлаб, интизом ва куч-ғайратлари эвазига катта ишларни амалга ошириб яшайдилар.

Бу борада ҳам устозим мистер Шоафф менга қимматли маслаҳатини берганди. “Агар сиз ҳақиқатда муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, тўғри одамлар билан муносабатда бўлинг, – деган эди у. – Лекин ҳозирги шароитингизда буни амалда қўллаш учун сизга режа тузиш ва схема ишлаб чиқишингиз керак бўлади”. Аслида ҳам шундай эди. Атрофимда керакли одамлар бўлиши учун ҳақиқатда режа тузиш ва схема ишлаб чиқишимга тўғри келди.

Сотишлар бўйича презентациялар ташкил этишим керак бўлган биринчи кунларда овоз ўчиригичиз эски машинамни мен кўпинча учрашув жойидан

Бир неча квартал узоқда қолдириб келишга мажбур бўлганман. Баъзилар мендан албатта сўраб қоларди: “Айтмоқчи, Жим, сен бу ерга нимада келдинг?”. – “О! Мени ташлаб қўйиши”, - деб жавоб берардим мен. Шундан сўнг мен бир квартал узоқда турган “шалдироқ аравамда” уйга қайтардим.

Иш кўзини биладиган одамлар билан мулоқотга киришиш аслида унчалик қийин эмас. Менга таниш битта аёл, менинг яхшигина дўстим улгуржи савдо бизнеси билан иш бошлаган. Аста секин у ўз шахрининг савдо палатасига кирди, бир нечта комиссияларнинг фаол аъзоси бўлди, кейинчалик уни шаҳардаги энг мартабали кишилар билан теннис ўйнашга таклиф этиб қолиши. Шу тариқа хоним керакли одамлар даврасига кириб олди.

Шунингдек, сиз кўпчиликка таниш бўлган “бир пиёла чой” услубидан фойдаланишингиз мумкин. Керакли одамни тушликка таклиф қилинг.

Таниш-билишлар даврасини кенгайтиришда ҳаётингиздаги қадриятларни инобатга олинг. Бу мақсадли муносабат деб аталади.

Масалан, бир нечта иши юришаётган одамлар билан дўстлашсангиз, улар сизга муваффакиятга эришиш режасини тузишга ёрдам беришади; бир нечта соғлом ва бақувват кишилар – жисмоний машқлар ва тўғри овқатланиш режасини тузишга кўмаклашадилар; бир нечта бахти оила қурган одамлар – шахсий ҳаётингизни яхши ташкил этиш йўлларини кўрсатишади. Ушбу одамлар билан дўстлашишга эришиш мушкул бўлади деган фикрга борманг. Ҳакиқий ишбилармонлар оқил ва доно бўлишади, улар бошқалар билан ўз билимлари билан ўртоқлашишни яхши кўришади. (Шунинг учун ҳам уларни иши доимо юришади).

Оқил ишбилармонлар улардан завқланадиган одамларни қидириб юришади. Улар илҳом ва маъ-

рифатга мuloқotнинг тұғыр олиб бориш натижаси-  
да эга бўлиш мумкинлигини яхши билишади. Мен  
ҳам бу қоидадан холи эмасман. Менда ҳам шундай  
мuloқot ўтказадиган одамим бор, у билан мен мум-  
кин қадар кўп вақтимни ўтказишга ҳаракат қила-  
ман. У катта ҳайвонлар овчиси, миллионер, сайёҳ  
ва ишбилармон. У шунингдек, дунёдаги энг йирик  
файлласуфлардан бири ҳисобланади.

Дўстимнинг кўп истеъододлари бор, лекин унинг  
икки қобилияти жуда ажойиб. Биринчидан, у кун воқе-  
аларининг барча тафсилотларини дақиқама дақиқа  
эслаб қолиш истеъододига эга. У нафақат ҳар бир кун-  
ни, балки ақлини танигандан кейинги бутун ҳаётини  
ҳар бир кунини эслай олади. У қачондир ўқиган ҳар  
бир китобини эслай олади. Назаримда, у кўрган ва  
эшитган ҳар бир фактни эслаб қолишга қодир. Мен  
хориж сафарига чиқадиган бўлсан, у билан маслаҳат-  
лашиб, режаларимни ўзгартириш ва сайёҳатимизни  
бир вақтда ўтказишга қарор қилишим мумкин. Чунки  
у ҳеч бир мухим нарсани ўтказиб юбормайди. У ҳар  
бир воқеа тафсилотларини ўз ичига синдириб олади.

Дўстимнинг иккинчи таланти – ҳиссиётлари-  
нинг бойлиги. Сайёҳатдан қайтиб келиб, у мамла-  
катнинг оҳанг ва рангларини, унинг халқларининг  
урф-одатлари ва кечинмаларини, қилган сафари-  
нинг кичик ҳодисалари ва катта воқеаларини жон-  
ли тафсилолар билан тасвирлаб беради. У барча  
кўрган-билгандарини, қўли билан ушлагандарини  
ва ҳис этган туйғуларини эҳтиросли ва жонли сўз-  
лар билан баён қила олади.

Бундай ноёб ва бетакрор мuloқotдан одам қан-  
дай бойлик орттириши мумкин деган савол бери-  
шингиз мумкин. Буни билмадим, лекин ишонч би-  
лан айта оламанки, сухбатимиз натижасида мен бир  
неча маротаба ўз билимимни кенгайтириб, ўз ду-

нёқарашимни, малакамни, тадбиркорлигимни ва турмуш тарзимни чукурлашириб оламан.

Зиё тантанасини сиз яна қаерда ва ким билан хис этишингиз мумкин? Ёқтирган ресторани бор, лекин севимли тафаккуршунос дўсти йўқ одамга мени раҳмим келади. Бундай киши танасига роҳат бериш ҳақида қайғуриб, ўз ақл-фаросатига ва маънавиятига аҳамият бермайди.

Бугун ахборот технологиялари шарофати билан биз масофа ва вақт орқали мулоқот қилиш имкониятига эгамиз. Сиз инсон билан учрашишга шароитингиз бўлмаса ҳам, унинг сўзларини ўқишингиз ва ёзиб олинган овозини эшлишингиз мумкин. Черчилл, Арасту ва Линкольн орамизда йўқ, аммо уларнинг айтганлари ҳозиргача бизни ҳаяжонга солмоқда, руҳлантироқда ва сабоқ бўлмоқда.

Мулоқот қилиш – бу бойлик ва бахт йўлидаги етти стратегиялардан бири. “Бегона ўтлар”нинг салбий таъсирини ҳаётингиздан узокроқда тутишга ҳаракат қилинг. Бунинг ўрнига ҳаётбахш таъсирлар “уруғини парваришланг”. Ушанда нақадар катта омад ҳосилини йиғиб олишингизни сиз тасаввур ҳам қиломайсиз!

### **СИЗДАН БОЙРОҚ ОДАМНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЭЛТАДИГАН ЙЎЛ**

Мистер Шоафф устоз сифатида мендан доимий эътиборни талаб этарди. Унинг бир соҳадаги тамойилларини қўллашни бошлашим билан у шу заҳоти янада муҳим бўлган бошқа тамойилни олға сурарди.

Бизнесимни юргизиб, кўпроқ пул ишлаб топишни бошлашим билан, у: “Жим, сиз нафақат пул топиш йўлини ўрганишингиз, балки муносиб яшаш йўлини ҳам ўрганишингиз керак!”, - деб қолди.

Мен тушунмадим. Аввалига унинг бу гапига унча аҳамият ҳам бермадим. “Ахир мен берилиб ишлай-пман, қўйилган мақсадларимга эришишга интиля-пман, муваффакиятга эришишга ҳаракат қиляпман. У нима демоқчи? Унинг фикрича мен нимани назаримдан четда қолдирдим? Бу ерда яна нима булиши мумкин?”, - деб ўзимга ўзим савол берардим.

Фикрларимни ўқигандек, мистер Шоафф жилмайиб туриб деди: “Жим, шундай одамлар бор, улар ажойиб нарсалар қучоғида яшашади, лекин унчалик баҳтли эмаслар; бошқалар бир олам пул йиққанлар, лекин улар маънан қашшоқ ва ҳаётларида кувонч кўришмайди. Мен сизга турмуш тарзини режалаштириш санъатини, яхши яшаш санъатини ўргатмоқчиман”. “Яхши, -жавоб бердим мен, - менда ҳақиқатда кўп пулим бўлганида, мен бу такли-фингизни қабул қиласдим. Ҳозир эса мен уларни ишлаб топиш йўлларини ўрганишим керак. Сиз бунга нима дейсиз?”.

«Йўқ, Жим, - деди жаноб Шоафф, бошини чайқаб, - ўз турмуш тарзини режалаштириш санъатига пулнингиз миқдори унча кўп бўлмаган вақтда ўрганиш осонроқ. Аслида эса буни кармондаги иккита йигирма беш центлик танга билан бошласа ҳам бўлади”.

“Иккита танга? – бақириб юбордим мен. – Ярим доллар пул билан турмуш тарзини такомиллаштириш билан қандай шуғулланиш мумкин?”

Мистер Шоафф кулиб қўйди. Ажойиб коммерсант охири мени эътиборимни жалб этишга эришди: “Айтайлик, сизнинг пойафзалингизни тозалаб беришди. Косиб-бала ишини қойилмақом бажариб қўйди. Пойафзалингиз ялтираб турибди. Уни рози қилиш учун унга қанча чой чақа беришни ўйлайсиз: унга йигирма беш центлик тангани нечтасини беришни билмай қоласиз. Мени маслаҳатим, агар икки хил

пул миқдоридан бирини танлаш керак бўлса, ҳар доим кўп миқдорни танланг. Яъни косибга иккита йигирма беш центли тангани узатинг”.

“Мен ниманидир эшитмай қолдим, шекилли”, - ўйланиб қолдим мен. Жумбокни ечолмай, мен устозимдан: “Фарқи нима – ҳар икки тангани миқдори чорак доллардан бўлса?”- деб сўрадим.

“Бу дунёда ҳар бир нарса ўз фарқига эга, - давом этди Шоафф. – Агар сиз унга битта тангани берсангиз, бу кун давомида сизнинг кайфиятингизга таъсир қиласи. Сиз ўзингизни бир мунча айборд хис қиласиз, ҳаттоқи озгина довдираф ҳам қолишингиз мумкин. Кун бўйи пояфзалингизни ялтирашига бир бир қараб қўйиб: “Ҳақиқатда бу хизмат менга арzonга тушди. Шундай моҳирона иш учун бор ўғи йигирма беш цент!”, - деб қўясиз.

«Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, - давом этди устозим, - агар сиз иккита тангани берсангиз, унда кун давомида сизга омад ва ғуур ҳамроҳ бўлади”.

Мухим фикрлардан бири: БОРИГА ШУКУР ҚИЛИБ ЯШАБ, КУПИГА ИНТИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ КЕРАК. Мен умримнинг ҳар кунини шу қоида бўйича яшашга ҳаракат қиласман. Бунга ўрганишнинг аслида ҳеч қийин жойи йўқ. Камбағал одамлар ҳам нозик табиат инсон бўлишлари мумкин. Улар пивога атаган пулларидан тежаб, бир шиша тоза вино олишга ҳаракат қилишади. Улар ишга велосипед миниб бориб, тежалган йўл кирага ойда бир марта концерт ёки театрга боришади. Ёки бир йил тежамкорлик билан яшаб, сайёҳатга боришга ёки санъат асарини харид қилишга сарфлашади.

Барча пулларингизни бир марта сарфламанг. Оз-оз йигиб, бирон бир нозик, сифатли ва қадрли буюм сотиб олинг. Сифат даражаси сон миқдоридан устун туришини яхши биладиганлар ҳар йили

биттадан арzon пальто киймасдан, ўн йилга чидай-  
диган сифатли шуба кийишиади.

Хулоса қилиб айтганда, түғри турмуш тарзини олиб боришда пулларингиз миқдори асосий эмас. Бунда сизнинг маданиятингиз, дидингиз ва дунёга бўлган қизиқишингиз муҳим ўрин тутади.

## МУҲАББАТ ВА ДЎСТЛИК

Бойлик ва баҳт қасрининг эшигини очувчи яна бир калит – сиз севадиган ёки сизни севадиган инсоннинг қўлидадир. Агар сиз ҳақида ўйлайдиган одам бўлса, дунёда бундан катта бойлик йўқ. Бир одам иккинчиси учун яшаса, демак ҳаёт ўзининг тўлақонли шаклида намоён бўлади.

Муҳаббатни бор кучингиз билан ҳимоя қилинг. Унинг йўлида тўғаноқ бўлишга ҳеч кимга ва ҳеч нарсага имкон берманг.

Муҳаббатдан кейин энг муҳими дўстликдир. У ҳам бебаҳо. Дўстлар – сизнинг барча ютуқ ҳаётликларингизга қарамай сиз билан бирга бўладиган инсонлардир. Юқорида айтилган керакли одамлар оғир кунларингизда сиздан юз ўгиришиади. Аммо дўстлар доимо ёнингизда бўлишиади. Ҳақиқий дўст ютуқларингизга сиз билан бирга қувонади, ёмон кунларингизда оғирингизни енгил қиласди.

Якунида қўйидагиларнги эслаб қолинг: яхши яшаш – бу сон кўрсатгичлари эмас; яхши яшаш – бу ҳаётдаги ўрнингиз, бу ҳаракат, бу ғоя, бу кашфиёт, бу излашишлар. Яхши ҳаётни банқдаги пулларингиз миқдоридан қатъий назар яхши шакллантирилган турмуш тарзи белгилайди. Қолаверса, шахс бўлиб шаклланмаган одамни бойлиги бойлик эмас, моҳирликсиз ишлаб чиқариш саноат эмас, сифатсиз сон тўқлик эмас, хайр-эҳсонсиз бойлик тадбиркорлик эмас.

---



# **МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ**

---



*Ўз қадримизни билиш – юксалишининг  
бошидир...*

## СҰЗБОШИ

Муваффакиятнинг ҳақиқий табиати күпчилик учун номаълум бўлиб, ким уни англаб етиб, унинг ортидан тушса, у албатта ўз мақсадига эришади. Муваффакият шундай мураккаб ҳолатки, уни таъқиб қилганлардан қочади, аксинча уни ўзига жалб қилиш, тортиш керак. Муваффакиятга эришимиз уни тинимсиз излашимиз, қувишимиз туфайли эмас, балки ким бўлганимиз сабаблидир, охир-оқибат кимлигимиз асосий роль ўйнайди.

Бу ҳаётда каттароқ нарсага эришиш учун ўзимиз каттароқ одам бўлишимиз керак. Бу Жим Роннинг “Муваффакиятнинг беш калити” китобида баён этилган инсон шахси камоли, муваффакияти ва бахти ҳақидаги фалсафанинг асосий моҳиятидир.

Бизнинг дунёқарашимиз, шахсий фалсафамиз ҳаётга бўлган муносабатимизни белгилайди. Ҳаётга қандай муносабатда бўлсак, ҳаракатларимиз, фаолиятларимиз сифати ва суръати ҳам шу даражада бўлади. Ҳаракатимизга яраша эса натижа оламиз, натижалар ўз навбатида биз яшаётган ҳаётимиз даражасини белгилаб беради.

Натижалар ва турмуш даражамиз – бу ҳаракатларимиз оқибатидир, бироқ буларнинг бошида юқорида келтирганимдай, дунёқарааш, шахсий фалсафа, ҳаётга муносабат ва бизнинг фаолиятимиз турибди. Биз оқибатни ўзgartирмоқчи бўлсак, унинг сабабига таъсир қилишимиз керак. Лекин кўпчилик одамлар оқибатдан нолишади, шикоят қилишади, сабабни эса ё эслашмайди, ё ундан айб қидиришмайди.

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

Жим Роннинг мазкур учинчи китобида ҳаётини яхши томонга ўзгартириш илинжида юрган инсонлар учун бекиёс ажойиб ғоялар, фикрлар ва маслаҳатлар берилган. Муаллифнинг “Сиз ҳозирга қараганда кўпроқ нарсаларга эришишингиз мумкин, чунки сиз ҳозиргидан кўра яхшироқ бўлишингиз мумкин” деган ҳаётий позицияси кўплаб инсонлар учун ҳақиқий муваффақият калити бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобни шундай мутолаа қилингки, унинг фикрлари, ғоялари сизни ҳаёtingизни яхши томонга ўзгартириш мақсадида руҳлантира олсин.

Сиз китобни ўқиб, муваффақиятнинг беш калити нимадан иборат эканлигини англаб етганингиздан сўнг, илгари пайқамаган ўз имкониятларингизни кўра бошлайсиз!

*Кайл Уилсон  
Jim Rohn International  
корпорацияси президенти.*

## КИРИШ

Бу шунчаки китоб эмас, балки улкан кучдир, шундай кучки, сизнинг ҳаётингизни тубдан ўзгартиради. Мен уни ёзиш учун қандай масъулият билан ёндашган бўлсам, сиз уни шундай масъулият ва диққат билан ўқиб чиқасиз, деб умид қиласман.

Сиз кўриб турган саҳифаларда шунчаки сўзлар терилган. Сиз билан менинг вазифам мана шу сўзларни ҳаётингизни ўзгартирадиган воситага, кучга айлантиришдир.

Кўпчилик китоблар ўқувчининг вақтини чоғ қилиш, дам олдириш ёки шунчаки маълумот бериш учун ёзилади. Менинг китобим шундай ёзилганки, у руҳлантиради. Менинг китобим кўлингизда эканми, демак сиз бу борада изланишдасиз. Демак, сиз ҳаётингизни ўзгартироқчисиз. Балки сиз кўпроқ пул топа олишингиз, ҳозиргидан кўра кўпроқ ўзингизни, имкониятингизни ва қобилиятингизни кенгроқ намоён қила олишингизни истарсиз. Балки сиз боши берк кўчага кириб қолиб, бу ёғига нима қилишни билмай тургандирсиз.

Ҳозирги, шу китобни ўқишига ундалган ҳолатга келишингизга нима сабаб бўлишидан қатъий назар, сиз ўз саволларингизга жавоб қидирмоқдасиз. Сиз шундай баҳтли инсонлардан бирисизки, ҳаётингизни сиз истаган томонга ўзгартириш арафасида турибсиз. Энди ҳаётингиз сиз қандай хоҳласангиз шундай бўлади.

## ЎЗГАРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ БОШЛАНАДИ

Ўзгариш бошланиши учун икки сабаб мавжуд. Биринчидан, рухий тушкунлик, чорасизлик бизни ҳаётни ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Баъзида ҳаётий муаммоларимиз шундай мураккаблашиб кетадики, уларга ечим топиш учун ҳаракат қилмай қўяшимиз, чунки ҳаётимиз ечими йўқ чигалликлардан иборат деган фикрга бориб қоламиз. Ҳал этилмай қолиб кетган муаммолар йигилиб-йигилиб, охири бизни берк кўчага олиб кириб, бошимизни деворга уради, шундагина ноиложлик, тушкунлик оқибатида ҳаётимизда қандайдир ўзгартириш қилишимиз кераклигини англаб етамиз.

Бизни ҳаётда ўзгартириш қилишга ундейдиган иккинчи сабаб – бу рухланиш, илҳомланишdir. Мен умид қиласманки, китобим сизга шундай рухланиши бера олади.

Рухланиш сизга исталган вақтда турли манбадан келиши мумкин. Сиз бирон қўшиқ ёки китобдан илҳомланишингиз ёки кимнингдир рухлантирувчи нуқти сизга таъсир қилиши мумкин. Кўплаб қийинчиликларга қарамай муваффақиятга эришган инсон ҳикояси сизда кучли ҳисларни уйғотиши ҳеч гап эмас. Рухланиш манбаи қандай бўлишидан қатъий назар у бизда ўзимизга ишонч, қатъийлик ва умид уйғотади. Ҳатто бир оғиз қўллаб-қувватловчи сўзлар ҳам ўз имкониятларимиз борасида ишончимизни кучайтиради. Бизда имкониятларимизни янада кенгроқ намоён қилиш хоҳишини авж олдиради. Мана шундай рухланган, илҳомланган пайтда ё биз бирон ишга қўл уриб, имкониятимизни ишга соламиз, ёки ўз ўзимиздан мамнун бў-

либ, бу туйғулар ўчгунча унинг тафтидан лаззатланамиз-у, бироқ имкониятни қўлдан бой берамиз.

Айни пайтда ҳаётингиз қай тарзда бўлмасин, тушкунликдан қутулиш пайдамисиз ёки бирон ишга қўл уриш учун илҳом изляяпсизми, сиздан бир илтимосим шуки, китобни шунчаки ўқишини бошламанг, уни бутун диққат-эътиборингиз билан охиргача ўқиб чиқинг. Зеро, бизнинг ҳаётимиз борасида баҳо берилганда, унда сиз қўл урган ишлар эмас, балки муваффақиятли тарзда охирига етказган ишлар эътиборга олинади.

Мен астойдил ҳақиқатдан ҳам ҳаётни ўзгартира олиши мумкин бўлган ғояларни йиғдим. Мен ишонган ғоялар инсонни исталган вазиятда ҳаётини ўзгартиришга қодир. Бироқ бу ғоялар иш бериши учун сиз вақт ажратиб, ўз ҳаёт йўлингиз борасида ўйлаб кўришингиз, менинг ғояларимни астойдил ўзлаштириб, таклиф этган принципларимни ҳаётингизга тадбиқ қилишингиз керак.

Бошида имкон берсангиз, сизга муваффақият ва баҳтга эришишга ёрдам бериши мумкин бўлган бир қанча фикрларим билан ўртоқлашсам.

## МУВАФФАҚИЯТ ВА БАХТ КАЛИТИ

Атиги бир нечта принциплар борки, улар ҳаётда эришган аксарият муваффақиятларимиз асосидир. Бу асосий принциплар нафақат саломатлигимиз, баҳтимиз, турмушимизга таъсир қиласи, балки банқдаги ҳисобга ҳам алоқаси бор. Мен инсон ҳаётини ўзгартириши мумкин бўлган принциплар бор-йўғи бир неча демоқчи эмасман, албатта улар кўп. Бироқ мен ўз китобимда уларнинг бешта энг асосийларини келтирганман ва улар ҳаёт мозаика-сининг беш қисмини ташкил этади.

Сиз ҳаётнинг барча соҳасида уста бўлишингиз учун ҳаётингизнинг ўзи етмайди. Ҳар бир майда нарсага эътибор қилиш яхшиликка олиб келмайди. Бунинг ўрнига кўплаб принципларнинг ичида энг асосийси бўлмиш бир нечтасини яхши ўзлаштриб олишингиз мумкин. Бир қанча энг муҳим принципларгина сизнинг турмушингиз даражасини ошириб, ҳаётингизни тубдан яхшилашингиз имконини беради.

Ҳаётни яхшироқ қилиш йўлларини излаганингизда, сиз энг аввало энг яқин ва энг муҳим йўлларнигина изланг. Агар сиз шу йўлдан қолмасангиз, сиз албатта ўз мақсадингизга етасиз.

Айнан шу принциплар Ер юзида инсоният мавжуд эканки, улар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Боща асосий қоидалар ўйлаб топилган ҳам эмас. Асос ҳар доим асос бўлиб қолган, қолганлар эса бу асосни ривожлантириш ва мукаммаллаштиришга қаратилган. Бугунги аҳволингизни яхшилашда асрлар давомида синалган принциплардан чекинманг, улар баҳтли ҳаётингизнинг тамал тоши бўлсин.

### ҲАЁТ МОЗАИКАСИННИНГ АСОСИЙ БЕШ БЎЛАГИ

Агар ҳар бир ўкувчи ўтириб, ўз ҳаётининг беш асосий тамойилини белгилаб ёсса, бир биридан фарқ қилувчи юзлаб тамойилларга эга бўламиз. Қайси-дир маънода уларнинг барчаси тўғри бўлади, чунки ҳар биримиз ҳар хил принципларни бошқалардан устун қўямиз.

Бир нарсани тушуниш керакки, мен китобимда тавсия қиласиган беш асосий тамойил ягона эмас, улар бошқа тамойилларни рад этмайди. Мен барча саволларга жавобни биламан, менинг тамойилла-

рим ягона деб айта оладиган даражада дохий эмас-ман. Бироқ мен китобимда келтирган принциплар узоқ инсоният тарихи давомида синовдан ўтган ва сиз уларни бемалол ўз ҳаётингизда қўллашингиз мумкин. Мен кўплаб тақдирларни ўргандим, кўплаб сухбатларда бўлдим, изландим, тадқиқ қилдим, бироқ шу беш принцип беш ўзак сингари барча муваффакиятлар асосида кўрдим.

Мен биламан, шундай инсонлар борки, ҳаёт ҳақиқатини англаб етишгани, унинг саволига жавоб топишганини уқтиришади. Бироқ бу жавоб ягона бўлиши мумкин эмас, худди саволнинг ўзи аниқ битта бўлмаганидай. Шунинг учун ҳар доим асосни ушлаш кераклиги борасида маслаҳат бераман. Ушбу китобда мен келтирган ҳар бир асосий принципга вақт ажратиб, улар ҳақида ўйлаб кўринг. Энди эса ҳаёт мозаикасининг беш бўлагига ўтамиз.



## БИРИНЧИ БОБ

### ФАЛСАФА

Фалсафа – бу бутун мозаикадаги энг муҳим бүлак-дир. Бу муҳим омил бўлиб, ҳаётимиз қай тарзда ке-чишини белгилайди, бу фикрлаш тарзимиз, дунёқа-рашимиздир. Инсон онгида фикр, ўй ва ахборотлар ҳаммаси бир бўлиб, шахсий фалсафамизни ташкил этади. Бизнинг фалсафамиз хатти-ҳаракатларимиз, одатларимиз, фаолиятимизга таъсир қиласи, уму-ман айтганда, у ҳамма нарсанинг бошидир.

### ШАХСИЙ ФАЛСАФАМИЗ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ

Бизнинг шахсий фалсафамиз билган-кечирган-ларимиз асосида шаклланади. Ҳаётимиз давомида турли манбалардан турли ахборотларга эга бўла-миз. Биз билганларимизни мактабдан ўрганамиз, дўстларимиз, оила аъзоларимиз билан сухбатда, оммавий ахборот воситаларидан, кўча-куйдаги, жамоат жойлардаги одамлардан ахборот оламиз, китоб ўқиймиз, кино кўрамиз, барча маълумотларни ё эшитиш, ё кўриш орқали қабул қиласиз. Хул-лас, чексиз манбалардан олган ахборот ва билим-лар бизнинг бугунги фалсафамиз шаклланишига хизмат қиласи.

Катта бўлганимиздан сўнг қабул қилинадиган барча ахборотларимиз шахсий фалсафамиз филь-тридан ўтади. Бундан олдин биз хulosага келган

фикрларга маъқул келадиган, тўғри келадиган ахборотларни қабул қиласиз, зид келадиганларини эса рад этамиз.

Миямизга янги ахборотларни қабул қиласиз, тинимсиз тарэда илгари ўзимизга белгилаб олган нутаи назаримиз ёки ғояларимизнинг тўғрилиги, аниқлигига исбот қидирамиз, уларни текширамиз. Эски ва янги ахборотни бирлаштирган ҳолда дунёқарашимиз, фикрлаш тарзимизни ё янада мустаҳкамлаймиз, ё ўз доирасида кенгайтирамиз.

Бизнинг шахсий фалсафамиз ташкил этган ғоя ва фикрлар бизнинг қадриятларимизни аниқлаб беради. Улар биз учун нима қадрли-ю, нима қадрсизлигини белгилайди. Ҳар куни биз учун энг керакли ва энг қадрли бўлган ишни қилишга уринамиз. Агар инсон ҳар кун эрталаб бешда туриб, бор имкониятини оиласининг фаровон яшаши учун ишга солса, демак у учун оиласининг баҳтли ва тўкин ҳаёти қадрлироқ ва у шунга амал қилишга ҳаракат қиласи. Пешингача ухлашни маъқул кўрган инсон ҳам унинг шахсий фалсафа учун маъқул бўлган ишни қиласи. Бироқ бу инсонлар шахсий фалсафасидан келиб чиқадиган натижалар бир-биридан фарқ қиласи.

Ҳар биримизнинг ҳаёт ҳақида ўз фикрларимиз бор ва улар бундан олдин йиққан маълумотларимизга асосланади. Ҳар биримизнинг ҳукумат, таълим тизими, иқтисодиёт, бошликлар ва кўплаб бошқа масалаларда ўз нуқтаи назаримиз, ўз фикримиз бор. Бизнинг бу борадаги фикрлармиз шахсий фалсафамизни шакллантириб, ҳаёт ва унинг тузилиши борасида маълум бир хulosалар қилишимизга олиб келади.

Бу хulosалар қадриятлар тизимини шакллантиради, унга кўра ҳар куни ёки маълум вазиятларда қандай йўл тувишими, хатти-ҳаракатларимиз қандай

бўлиши келиб чиқади. Биз қабул қиладиган қарорлар муваффақият келтирадими ёки йўқми, шахсий фалсафамизни шакллантирган миямизда йиғилган ахборотлар қандайлигига боғлиқ.

## ШАХСИЙ ФАЛСАФА ХУДДИ ЕЛКАННИ ШАМОЛГА ТҮҒРИЛАШДАЙ

Биз яшар эканмиз, турли вазиятлар шамоллари тақдир елканларига эсиб, бизни турли томонларга элтиб қўяди.

Ҳар биримиз бошимиздан кўнгил қолиш, умидсизлик ва юрак оғриғи каби ҳолатларни кечирганимиз. Нима учун ҳаммамиз бир бандаргоҳдан бир манзилга қараб ўз кемалармизда сафарга чиқамиз, бироқ тақдир тақозоси билан турли томонга тарқалиб кетамиз? Ахир ҳаммамизни ўша-ўша вазиятлар шамоли учиради, ҳаммамизда муваффақиятсизлик тўфонлари бўлади.

Ҳаммамизни ҳар томонга учирган – бу бизнинг елканларни турлича ўрнатиш услубимиздир. Айнан фикрлаш тарзимиз, яъни қандай ўйлашимиз бизнинг йўлимиз қандай бўлишига таъсир қиласди. Гап шамолда эмас, балки елканинг қандай ўрнатилишида.

Ўша-ўша вазиятлар ҳар биримизда бўлади. Ҳаммамиз қайгули ва бахтсизликларни бошдан кечирамиз. Ҳаммамизда йиллаб қурган, йиллаб тер тўккан режамиз ёки ишимиз бир зумда қумдай тўкилиб тушган вазиятлар бўлган. Қийинчилик фақат фақир ва бечораларда бўлмайди. Бой ва камбағалнинг боласи бирдай касал бўлади ёки бирон бахтсизликка учрайди. Бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам оиласи-да ноҳушлик ва жанжаллар бўлади. Бойда ҳам, кам-

бағалда ҳам молиявий қийинчилик бұлади. Ҳәти-  
мизда бұлаётган воқеалар әмас, балки минг қийин-  
чилик билан елканни тұғрилашимиз биланоқ шамол  
йұналишини үзгартирғанда қандай йүл тутишимиз  
бизнинг турмуш тарзимизга күпроқ таъсир қиласы.

Агар шамол йұналишини үзгартирса, ҳеч нимага  
қарамай, үрнимиздан туриб, яна елканларни унга  
рүпаро қилишимиз лозим. Елканларни тұғрила-  
шимиз, яғни фикрлаш тарзимиз, вазиятларни қан-  
дай қабул қилишимиз аслы воқеанинг үзидан күра  
күпроқ бизга таъсир қиласы. Бошқача қилиб айт-  
ғанда, нохуш воқеаларга қанчалик тез ва масъули-  
ят билан ёндаша олишимиз, тезкор чора күра оли-  
шимиз, тұғри муносабатда бұла олишимиз унинг  
үзидан күра мұхимдир. Агар биз буни англаң етсак,  
ҳәётда эришган әнг катта ютуғимиз – бу үз фикр-  
лаш жараёнимизни назорат қила олишимиз экан-  
лигини тушунамыз.

Елканларни шамолга тұғрилашни үрганиб, уни  
биз истаган томонға әлтишига эришимиз учун янги  
күнікма ҳосил қилишимиз керак. Бизнинг ҳәти-  
мизга ижобий тарзда таъсир қиладиган кучли шах-  
сий фалсафани яратиш борасыда ишлашимиз керак  
бұлади. Агар биз буни үддаласак, ҳәётимиз үзгариб,  
турмуш даражамиз яхшиланади, молиявий жиҳат-  
дан ҳам муваффакиятларға эришамыз. Асосий ҳәёттій  
масалаларға нисбатан муносабатингизни, улар бо-  
расыда фикр ва қарорларингизни үзгартыра олсан-  
гиз, унда ҳәётингизни ҳам тубдан үзгартыра оласыз.

### КУЧЛИ ШАХСИЙ ФАЛСАФАНИ ҚАНДАЙ ЯРАТИШ МУМКИН

Олдимизда имкониятлар әшиги очилганида, биз  
бундан фойдаланамызми ёки йүкми, бу вазиятга

эмас, балки бизнинг фикрлаш тарзимизга боғлиқ. Бизнинг миямиздаги фикрлар ва хулосалар умримиз давомида шу вақтгача йиққан маълумотларимиз, билганларимиз умумий кўринишидир.

Шахсий фалсафамиз шаклланишида билим олиш жараёни катта роль ўйнайди. Ўтган давр мобайнида биз катта ҳажмда ахборотга эга бўлдик. Атрофимизни ўраб турган ва фикрлашимизга таъсир қилиб турган ахборотларсиз яшай олмаймиз. Инсон мияси тинимсиз равишда тасвир, овоз ва образларни ўзида қайд этиб боради. Ҳар бир ҳис бош миядаги нейронга ёзилади. Ҳар бир сўз, ҳар бир ашула, ҳар бир телекўрсатув, ҳар бир сұхбат ва ҳар бир китоб мия компьютерида ўз электрон ёки кимёвий изини қолдиради. Ҳар бир ҳиссиёт, фикр, ҳаракат мияга қабул қилиниши билан ўша ерда мавжуд ахборотлар билан боғлиқни топиб жойлашади. Ҳаётилиз давомида нимага дуч келган бўлсак, нимани кўриб ё эшитсак, ҳаммаси миямизда қайд этилиб, бир-бири билан мукаммал тарзда боғланган бир бутунликни ҳосил қиласди. Мана шу ўта мураккаб бир бутунликни инсон шахси – инсоният деб атаймиз.

Йиғилган ахборотдан қандай фойдаланамиз, қандай тартиб берамиз, қандай жойлаймиз – ҳаммаси бизнинг шахсий фалсафамизни шакллантиради. Муаммо шундаки, биз қабул қилаётган ахборотнинг анча қисми ҳаёт ҳақида нотўри хуласа қилишимизга сабаб бўлиб, ўз мақсадларимизга этишимизда катта ғовга айланишади. Миядаги бундай тўсиқларни йўқотиш учун мунтазам равишда шахсий фалсафага ишлов бериш, уни қайта кўриб чиқиб, тўғрилаб бориш керак.

Янги, кучли фалсафани вужудга келтиришнинг энг яхши усули – ҳаёт борасида барча хулоса ва фикрларни объектив тарзда қайта кўриб чиқишидир.

Биз учун хизмат қилмайдиган исталган ахборот аслида бизга қарши ишлайди. Масалан, айтайлик бир одам унга бошлиғи кам ҳақ тұлаяпти деб үйлади. У йиллар давомида йиғилған ахборотта асосланған қадрияттар тизимиға күра “Бу ноҳақлик!” деган холосага келади. Бундай фикр унинг ишлаш хоҳишига, шижаатига салбий таъсир қилади. Натижада у камроқ, хұжакүрсинга ишлашга ҳаракат қилади. Бу иш ҳақига яраша деб ҳисоблайди. Бу қарор аслида нотұғри әмас. Бироқ у умрининг охиригача үзига шуни әп күриб, кам маошга қониқиб, құл учиды ишлаб юришга қарор қилгани ёмон.

Бизга қарши хизмат қилувчи фикр ва холосалар күп йиллар давомида йиғилған нотұғри ахборот қабул қилиш ва нотұғри холоса қилишга боғлиқ. Шунчаки атрофимизда ёлғон ахборот манбалари жуда күп. Биз үзимиздеги ахборотта таяниб қарор чиқарамиз, ахбороттар ёлғон бұлғаны учун биз нотұғри холоса қиласыз. Ағсуски, бу нотұғри, ёлғон ахбороттар бизни мақсад сари ундамайды, аксинча узоклаштиради.

### ЯНГИ АХБОРОТ ҚАНЧАЛИК МУХИМ

Миямида йиғилған ахборотни үчириб таштай алмаймыз албатта, бироқ янги ахборот қабул қилиш орқали нотұғри фикрлаш тизимиға үзгартыриш кирита оламиз. Токи эскича фикрлаш, эскича қарашлардан қутула олмас эканмыз, уларнинг таъсирида үз үзимизга қарши иш тутишда, нотұғри холосалар қилишда давом этаверамиз.

Шуниси муҳимкі, бизнинг баҳт ва истиқболга ериштирадиган ахборотларга эга бўлишимиз керак. Акс ҳолда, үз үзимизни алдаб, бўлмағур фикр-хуло-

салар билан нотұғри йүлларда алданиб юришга ги-  
рифтор бўламиз.

Шу ўринда савол туғилади: бизни мақсадимизга элтадиган, бизга хизмат қиласиган фойдали ахборот ва ғояларни қаердан олсак бўлади? Бахтимизга атрофида ижобий мазмундаги ахборот манбалари кўп, улар бизнинг фойдаланишимизни кутмоқда.

## ШАХСИЙ ТАЖРИБАДА ЎРГАНИНГ

Билим чегарасини кенгайтиришнинг энг мақбул йўли – бошимиздан ўтган тажрибамизни жиддий тахлил қилишдир. Ҳар биримизда тажриба деган катта университет бор. Туғилганимиздан бошлаб йиғилган тажриба “китблари” миямиз жавонларида ўз жойини олган. Бу китблар бизга тұғри ва нотұғри йўлни кўрсатади, энг маъқул қарорларни қабул қилишимизда ёрдам беради, муаммоли ва қийин вазиятларда қандай йўл тутишимиз лозимлигини кўрсатади.

Ахир айтишади-ку, бирон ишни тұғри қилишни ўрганиш учун аввал уни нотұғри қилиб кўриш керак. Муваффақиятли ишларимиз каби хатоларимиз ҳам биз учун мактаб. Ҳар бир омадсиз ишимиз, хатоликларимиз, мағлубиятларимиз бизга дарс бериши керак, акс ҳолда муваффақият бизга кулиб боқмайди.

Ҳаммамиз миямизда олдин қилган ишларимиз ва уларнинг натижалари ҳақида ахборотни сақтаймиз. Мақсад шуки, бу тажриба бизга хизмат қилиши керак, акс ҳолда хатолар қайта-қайта такрорланаверади.

Хотирамизда қолган олдинги хатоларимиз ва ютуқларимиз кейинги хатти-харакатларимиз учун асос бўлиши керак. Биз ўтган кунларимиз, қилган ишларимиз борасида фикр юритишимиз, алохида

вазиятларни олиб, уларни таҳлил қилишимиз керак. Бироқ ўтмишда бўлган омадсизлик ва нохушликларда бошқаларни айблаш, ўзимизни бечорадай қабул қилиш учун фойдалансак, ўтмиш сабоқлари бизга ҳеч нима бермайди, аксинча бизни қўлидан бир иш келмайдиган ҳаётдан нолувчи инсонга айлантиради.

## БОШҚАЛАРНИНГ ФИКРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШНИ ЎРГАНИНГ

Ҳар биримизга озми-кўпми ҳаёт сабоғи керак. Мазкур китобнинг мақсади ҳам шу. Бу китоб янги ғоя ва тушунчаларни излаганлар учун янги фикрларга тўла дарслиқдай. Ҳар ким ўз хатосини тўғрилай олади, бироқ ўзгаларнинг фикри катта аҳамиятга эга. Биз хатти-ҳаракатларимиз ва ишларимизга нисбатан бошқаларнинг объектив баҳосини билишга интиlamиз.

Фикрлари биз учун қадрли бўлган холис инсоннинг баҳоси бизга қоронғу бўлган, бизга кўринмайдиган бўлган нарсаларни аён қилиши мумкин. Биз ўз ички дунёмиз, нуқтаи назаримиз билан битта дарахтни кўришимиз мумкин, бироқ шу вақтда холис дўст бутун ўрмонни кўра олади. Биз ҳурмат қилган ва ишонган доно инсон маслаҳати тўғри қарор қабул қилишда ва адашмасликда зарур ва тезкор ахборот сифатида хизмат қиласди. Бу бизни ўзимизда хотўғри ахборотга таяниб, хато қилиб қўйишимиздан сақлайди.

Агар бизга жон куйдирган доно кишилардан маслаҳат олмасак, бизга лоқайд бўлган ёки ёмонликни ҳам раво кўрадиганлар ўз “насиҳатлари” билан шошилиб қолишади.

Бизнес оламида ақлли раҳбар четдан консультант чакириб, муаммолар ечими борасида маслаҳат ола-

## МУВАФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

ди. Фирма ходимлари ўша муаммонинг ичида бўлиб, ундан бош кўтариб унга четдан қарай ва унга тўғри ечим ҳам топа олмайдилар. Аслида муаммонинг ечи-ми шундок бурнилари остида турган бўлиши мумкин.

Ҳар биримизда ҳаётнинг турли жабҳаларида зарур маслаҳатни сўраб мурожаат қиласиган инсонларимиз ёки инсонлар гуруҳи бўлиши керак. Улар бизга муаммони холис, атрофлича кўришга ёрдам беради, асосий йўлдан четга чиқиб кетмаганимизни кўрсата олишади, масаланинг бизга кўринмайдиган муҳим жиҳатларига ишора қилишади.

## БОШҚАЛАРНИНГ ХАТОЛИКЛАРИДАН ДАРС ОЛИНГ

Ҳаётий сабоқ олишимизда бошқа инсонларнинг тажрибаси бизга катта дарс бўла олади. Ҳаётлари бизга мактаб бўла оладиган икки тоифали инсонлар борки, уларнинг бошдан кечиргани, хато ва ютуқлари, фаолиятлари ва тақдирлари биз учун фойдали катта ахборот манбаи сифатида хизмат қиласиди. Уларнинг бир тоифасига тақлид қилиб, уларнинг ютуқли ишларини такрорлашга ҳаракат килсак, иккинчи тоифадаги инсонлар тажрибасига кўра, қайси ишларга қўл урмаслик, қандай вазиятлардан узоқроқ юриш кераклигини билиб оламиз.

Ҳаммамиз омадсизлик, хатолардан дарс олишимиз керак, улар ҳамманинг тажрибасида бор, улар ҳатто жаҳон тажрибасида бор. Айрим кишилар омади келмаган, баҳтсиз инсонлар билан суҳбат қилишдан қочишади, уларнинг бузғунчи фикрлашлари ёки одатлари ўтиб қолишидан қўрқишиади. Бироқ доно халқимиз “Хатолардан дарс олмаган, бутун умр хато қиласиди” дейди. Агар ўзгарларнинг хатоликлари-дан тўғри хулоса чиқариб, улардан ўз мақсадимиз

Йўлида фойдаланишни ўрганмасак, бу бизга қимматга тушади. Чунки ўша хатони ўзимизнинг бошимиздан ўтказиб, зарур ҳаётий сабоқни олишимизга тўғри келади. Бироқ бу хатолар вақтимизни олади, бизни қийнайди, бизга оғир бўлиши ва ҳаётимизни издан чиқариб ҳам юбориши мумкин.

Ҳаётда омади келмаганлар, баҳтсиз одамлар ўз тажрибалари ҳақида семинарлар ўтказганида, бу энг яхши сабоқ бўларди. Чунки ўзгалар тажрибасидан ўрганиб, улар йўл қўйган хатолардан қочиб қолиш бизга катта ютуқ келтиради.

### БОШҚАЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРИДАН ЎРГАНИНГ

Бошқаларнинг ютуқларини, омадли тажрибаларини ўрганишга қанча вақт ва маблағ сарфламанг – ҳаммаси ўзини оқлайди. Улар ҳақида исталган манбалардан ахборот изланг. Китоблар ўқинг, семинарларга боринг. Зарур ахборотни олиш учун вақт топинг. Муваффақиятга эришган инсонлар ҳаётини ўрганинг, юриш-туриши, кийиниши, муомаласи, одатлари, ишлаш услубини ўрганинг.

Ҳатто тарихий шахслар ҳаётини ўргансангиз ҳам, улар тарихда қолишига, китобда қайд этилишига лойик деб топилган ишлари, фаолиятларидан сабоқ оласиз. Уларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши билан танишасиз, уларни машҳур қилган, омад келтирган йўл ва услублардан хабардор бўласиз.

### ПОЗИТИВ ТАЪСИР КУЧИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ҳар биримиз биз ҳурмат қиласиган, ундан ҳайратланадиган, унга ўхшашга ҳаракат қиласиган ин-

сонни топишимиз керак. Ҳозир ким эканлигимиз шу кунгача бизга таъсир қилган кишиларга боғлик. Ёш бўлганимизда кўпинча китоблардаги қаҳрамонлар, киноюлдузлар, машҳур қўшиқчиларга тақлид қиласиз. Улардай кийинишга, ўзимизни тутишга ва ҳатто гапиришга уринганмиз. Йиллар ўтиб, ёшимиз катта бўлгач, биз тақлид қилган инсонлар у қадар машҳур бўлмас, бироқ улар кучли таъсирга эга инсонлардир.

Қайси ёшда ёки вазиятда бўлмайлик, бошқаларнинг таъсиридан бутунлай ёпиқ ҳолда яшомаймиз. Шундай қилишимиз керакки, бизни руҳлантира оладиган, ҳайратлантира оладиган ва мақсадимиз томон интилишда бизга туртки бўла оладиган кучли таъсирли одамни топишимиз лозим. Энг буюк лойиҳалар ҳам майда чизгилардан бошланади. Биз ҳам ҳаётимизни онгли тарзда босқичма-босқич, қадамма қадам ўзгартириб, мукаммал лойиҳага айлантишишимиз керак. Агар ҳаётимизда ҳақиқий ўзгаришлар бўлишини истасак, биз намуна олишимиз мумкин бўлган лойиҳаларни топишимиз зарур.

Барчамиз кимнингдир таъсирида бўламиз. Бу таъсир шунчаки таъсир эмас, у ҳаётимиз қайси йуналишда кетиши, қандай ўзгаришига таъсир қиласи, шундай экан нима учун ўзимиз ақл билан ёндашиб, бизга таъсир қиласиган одамни танламас эканмиз?

### ЯХШИ КУЗАТУВЧИ БЎЛИНГ

Биз ҳар кун қўйидаги саволларга жавоб излашимиз керак: “Саноатимизда нима рўй бермоқда? Бизнинг ҳукуматимизда қандай янги ўзгаришлар бўлмоқда? Жамиятимизда-чи? Атрофимизда-чи?”

Охирги пайтда қандай янгиликлар, кашфиётлар, имкониятлар, янги усул ва воситалар пайдо бўл-

моқда? Қайси шахслар жаҳон ва маҳаллий ижти-  
моий фикрга таъсир қилмоқда?"

Биз атрофимизда бўлаётган воқеаларнинг кузатувчиси ва таҳлилчиси бўлишимиз зарур. Барча содир бўлаётган воқеалар шубҳасизки бизда ўз изини қолдиради, демак, эртага ким бўлишимиз ва қандай яшашимида ўз ҳиссасини қўшади.

Одамлар муваффақиятга эришмай яшашларининг асосий сабабларидан шуки, улар бир амаллаб кун ўтказиш пайида бўлишади, лекин ҳар бир кундан унумли фойдаланиб қолиш ҳақида ўйлашмайди. Биз атрофимиздаги воқеа-ходисаларни кузатиб, уларни таҳлил қила оладиган даражада доно бўлишимиз, доимо сергак бўлишимиз керак. Арзимас воқеалар ҳам бизга катта сабоқ ёки имконият ҳадя қилиши мумкин. Шунинг учун ўта ҳушёр бўлиш керак.

## ЯХШИ ТИНГЛОВЧИ БЎЛ

Бизнинг давримизда яхши тингловчи бўлиш осон эмас. Кимни эшитишни билмай қоласиз, ҳамма гапиришга, ўз фикрини билдиришга, ўз ахборотини беришга интилади. Бундай вазиятдан чиқиб кетиш учун одам ўзида танлаб эшитиш қобилиятини шаклантириш керак.

Танлаб эшитиш худди радиони сиз маъқул кўрган каналга тўғрилашдай гап. Бизга керакли тўлқинни топиш учун радио мурватини бураймиз, бирон овоз эшитилса, уни бир-икки секунд тинглаб кўрамиз, маъқул келмаса, яна бурашда давом этамиз. Агар бирон жойда овоз маъқул келса, бир дақиқача эшитиб турамиз, ундаги ахборотни баҳолаймиз.

Бу ахборот бизни қизиқтирумаса, қидиришда давом этамиз. Ҳаётда ҳам худди шундай йўл тутишимиз

лозим. Сизга юзаки ва кераксиз бўлиб туюлган ах-  
боротни тинглашга вақтингизни кетказманг.

Биз эшитган барча ахборот мия компьютери-  
да қайд этилиб боради. Айрим овозларга қизиқиши  
юзасидан тинглаб туришимиз мумкин, бироқ бу ах-  
борот бизга ҳеч қандай қимматга эга бўлмаса, унга  
кўп вақт сарфлаб юбормаслигимизни назорат қила  
олишимиз зарур.

Одамлар орасида етакчи бўлиш мулоқот қила  
олиш орқали эришилади, бироқ яхши гапиришни  
ўрганишдан олдин яхши тинглашни ҳам билиш ке-  
рак. Бошқаларни эшита олиш – бу билим доира-  
мизни, имкониятларимизни кенгайтириш дега-  
нидир. Иккинчи томондан, мулоқот қилиш бу бил-  
ганларимизни экранга чиқаришдир. Биз бошқалар  
учун қимматли гапни айта оладиган нотик бўли-  
шимиздан аввал эшитиш санъатини ўзлаштири-  
шимиз керак.

Болаларимизга нима дейишни билиш учун ав-  
вал уларни тинглай олишимиз керак. Биз уларни  
яхшироқ тушунишимиз учун улар ўқийдиган кито-  
бларни ўқишимиз, улар турли манбалардан олади-  
ган ахборотдан хабардор бўлишимиз керак. Шун-  
дагина улар билан муҳим нарсалар ҳақида гапла-  
шимиз, тарбиясини назорат қилишимиз мумкин.

### КИТОБЛАР ЎҚИНГ

Бизнинг баҳтли, бадавлат, соғлом, доно ва омад-  
ли бўлишимизга ёрдам бериши мумкин бўлган ки-  
тобларнинг барчаси ёзиб бўлинган.

Барча соҳа, касб вакиллари, ноёб тақдирли, ул-  
кан зарьфарларга, катта бойлик ва омадларга эриш-  
ган, нолдан бошлаган ёки инқирозга учраб, кат-  
та давлат қила олган, омадсизликдан чиқиб улкан

марраларга етиб борган инсонлар ўз тажрибалари ҳақида китоблар ёзганлар. Бу одамлар тажрибаси шу билан қимматлики, улардан ўрнак олиб, улардан илхомланиб, ўз ҳаётимизни ўзгартиришимиз, унга янгиликлар киритишими мумкин. Уларнинг тажрибасига таянган ҳолда хатолардан қочиб, муваффакиятли йўллардан боришимиз мумкин. Уларнинг доно маслаҳатларига кириб, ҳаётимизни қайта кўриб чиқиб, қайси йўлдан бораётганимизни тўғри баҳолай олишимиз мумкин.

Биз ҳаётда чиқарадиган энг тўғри хулоса ва фикрлар аллақачон китобларда баён этилган. Шу ўринда мухим савол туғилади: бизнинг ҳаётимизни, саломатлигимизни, оиласий муносабатларимизни, жамиятдаги ўрнимизни, молиявий аҳволимизни яхши томонга ўзгартира оладиган китоблар ошиб-тошиб ётган бир вақтда ўзингиздан сўранг-чи, охирги тўқсон кунда нечта китоб ўқидингиз.

Нима учун бизнинг ҳаётимизни ўзгартириши мумкин бўлган китобларни назардан четда қолдирмиз? Нега ҳозирги ҳолатимиздан нолиймиз, бироқ шу аҳволда қолишда давом этамиз? Нега биз натижаларни қоралаймиз, бироқ уларга сабабчи омилларга эътибор қилмаймиз? Одамлар борган сари китоб ўқишдан, кутубхоналарга борищдан воз кечишмоқда. Китоб ўқимаган инсон ҳаётини яхши томонга ўзгартира олмайди. Билиб қўйинг, сиз ўқимаган китоблар ҳаётингизни ўзгартира олмайди.

Китобларни қиммат туришида баҳона изламанг. Агар бирон фойдали китобнинг нархини баланд хисоблаб, уни олиб ўқимасангиз, бундан бир неча баробар кўп маблағни билмаганларингиз оқибатида дуч келган муаммоларингизга сарфлайсиз.

Ўқишни билмаган билан ўқишни истамаганлар ўртасида фарқ унчалик катта эмас. Уларнинг икки-

си ҳам ношуддир. Шахсий камолини истаган киши китоб ўқишида тўсиқ бўлувчи омилларни йўқ қилиши керак. Юксак мақсадларга эришишни, кўтарилишни, муваффақиятли бўлишни истаган одам китоб ўқишни канда қилмаслиги лозим.

Агар ҳар куни оз-оздан бўлса ҳам ўқиб борсак, маълум вақтда бизга фойдали бўлган катта ахборотга эга бўламиз. Бироқ зарур китобни ўқиш учун вақт ё маблағ топа олмасангиз, китоб ўқишида ўзимизни тартибга сола олмасак, керакли китобларни излашда эринчоқлик қилсак, билингки, китоб эгаллаши керак бўлган бўшлиқни нодонлик эгаллайди.

Агар яхшироқ яшашини истасангиз, аввал ҳозиргидан яхшироқ бўла олишингиз керак. Улар тинимсиз равишда ўз устида ишлаб, кучли ҳаётий фалсафани ишлаб чиқаришлари ва унинг қоидалари асосида яшашини лозим. Бу баҳт ва омадга эришда асосий қоиданинг бири.

### ШАХСИЙ КУНДАЛИК ТУТИНГ

Ҳаётимизни ўзgartиришда ўз ўзимизни тартибга солиш учун қилинадиган муҳим ишлардан бири шахсий кундалик тутишdir.

Кундаликка ҳаёт билан боғлиқ барча кузатишларингиз ва билган янгиликларингиз баён этиб борилади. Кундаликка ўз тилимиз билан кўрган-кечиргандаримиз, ортирган билим ва тажрибаларимиз, ғояларимиз ва фикрларимиз ёзилади.

Кундалик икки муҳим жиҳати билан қадрли. Биринчидан, келгусида таҳлил қилишимиз учун бугунги зарур ахборот ва фикрларни қайд этиб боради. Айни вақтда содир бўлаётган воқеалар, қилган ишларимиз, кузатишларимиз эртанги кун учун сабоқ бўлиши керак.

Тұғри, ҳар бир воқеа, ҳар бир ахборот миямизда қайд этилади. Лекин тан олинг, ҳамма нарсани исталған вактда тұлиқлигича эслай олмаймиз, күп нарса ёддан чиқади, изсиз унutilади. Күпинча на-тижани яхши эслай оламиз, бироқ унга олиб келган сабаб, қарор ёки воқеалар кетма-кетлигини яхши эслай олмаймиз. Гарчи хотирамизда воқеаларнинг қайсиidir жиҳатларини сақлай олсак-да, аниқ ахборот бұлмаса, худди үша хатоликни яна такрорлаши-миз мумкин. Агар кундаликка қайд этиб бормасак, бошимиздан үтказған воқеалардан олган олтин тажрибамиздан айриламиз.

Кундалик тутишнинг иккинчи афзalлік жиҳати – ҳаётимизни үзимиз қоғозга тушириш жараёни унга холис назар билан қарап имконини беради. Ёзиш жараёнида ахборотни бирма-бир миядан үтказиб, улар устида етарлича вакт мобайнида үйлаб күриш, таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз. Биз ҳаёти-миздаги фактлар, муаммоларни теранрок кўрамиз, уларнинг оқибати ва сабабларини тушуна бошлай-миз, улар борасида шоша-пиша қабул қилган хато хulosаларимизни инкор қиласиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётимизни қоғозга туширганда, нафақат воқеликнинг үзи, балки фикрлашимиз, муносабати-миз, хуллас, шахсий фалсафамиз чирикдан утади.

Кундалик тутишни одат қилиш муомала қилиш, үз фикрини тұғри айта олиш, хоҳиш-истакларни бошқа-ларга етказа олиш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Аввалдан буюк ва машхур шахслар кундалик тутишган. Шуниси қизиқки, АҚШ президенти Кеннеди үлдирилиши давлатнинг үша вактдаги бир қан-ча етакчи шахслари кундаликларида қайд этилған экан. Президент тобути самолёттда Далласдан Ва-шингтонга олиб кетилаётганда, унинг яқын-кишила-ри бу фожеадан олган жонли таассуротларини стол

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

атрофида жим ўтириб, кундаликлариға ёзиб бориши ган экан. Бу тарихни ўша оннинг ўзида ёзилишига мисолдир, орадан кўплаб вақт ўтиб тарихчилар томонидан тахмин қилиниб ёзилгани бунчалик аниқ бўлмайди, албатта. Мана шу кундаликлар энг яхши ёзилган тарихий ҳужжатли китоб - Уильям Манчестернинг “Президент ўлими” асарига асос бўлган.

Турли соҳаларда чўққиларга эришган аёл ва эрка-кларнинг кўпчилиги кундалик тутади. Бу уларнинг иккинчи овозидай. Улар яшашга арзигудай бўлган ҳаётни қоғозга туширишга арзийди деб ҳисоблашади. Айнан кундалик сабаб улар ҳаётларини мазмунли, фаол қилишга уринишлари ҳам бежиз эмас.

Бир қанча, кўп бўлмаган қоидалар катта ютуқларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Оддий одам уларга амал қилса, унинг ўртамиёна тоифадан буюклик сари чиқиши ўз вақти соати билан содир бўлади.

Тўғри, юксак мақсадларга эришиш учун кундалик тутиш шарт эмас. Бироқ шахсий фалсафани шакллантиришда кундалик керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир ҳаётимиз биргина туғилганлик тўғрисида ҳужжат ва қабр тошида акс этиши билан чекланиб қолмаслиги керак.

Биз борган сари китоб ўқишиш ва ёзишни хуш кўрмайдиганлар тоифасига кириб бормоқдамиз, борган сари фикрлашдан қочадиганларга айланиб қолмоқдамиз. Атрофга қаранг, қанча одамлар алкоголь, наркотикка ружу қўймоқда, жиноятчилик сони кўпаймоқда, болаларимиз ўқищдан воз кечишишмоқда. Буларнинг сабаб нотўғри фикрлаш, нотўғри мақсад белгилаш эмасми? Агар биз фикрлашдан тўхтасак, атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қилиб, хulosса чиқара олмасак, ўзимизни, ҳаётимизни идора қилишдан маҳрум бўламиз. Ўзимиз учун, жамиятимиз ва

давлатимиз учун тұғри ва холис фикрловчи ва ху-  
лоса чиқарувчи фуқаро бұлишимиз керак. Бунинг  
учун эса мунтазам равищда китоб ўқишимиз, кун-  
далик тутишимиз ва ўз устимизда ишлашимиз ке-  
рак. Агар ҳар биримиз шунга интилмасақ, биз ҳеч  
қачон кучли миллатта айланмаймиз.

## **ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ**

Хар сафар бирон янги ғояга дүч келсак, унга қан-  
чалик күч сарфлашға лойиқлигини күрінмас таро-  
зиларда үлчаб күрамиз. Қадриятлар күрсаткичида  
юқори жой олган ғояларға күпроқ өзтибор қаратыб,  
пастрокдан жой олғанларға номига қараб құямыз.

Янги ғояни амалға оширишда қанча күч ишлатиш  
тұғри деб ҳисоблашимиз түлиқ шахсий фалсафа-  
мизга боғлиқ бұлади. Агар биз етарлича билимга эга  
бұлмасақ, билгандаримизни етарлича чукурлашти-  
ра олмасақ, аксарият қабул қылған қарорларимиз  
бизни мақсадға әлтишдан күра ундан узоклаштира-  
ди. Агар зарур бўлмаган нарсаларға кўп вақтимиз-  
ни ёки маблагимизни сарфлаётган бўлсак, унда қа-  
рор қабул қилиш жараёнини таҳлил қилиш керак.

Орамизда бирон мақсадға интилган, бироқ ўзи-  
ни ундан йироқлаштирадиган қарорлар қабул қи-  
ладиган инсонлар кўп. Кучли фалсафага асосла-  
ниб иш тутмайдиган инсонлар кўпинча қилиши  
зарур ишларни четга суриб, қилиши керак бўлма-  
ган ишларга қўл урадилар. Аслида бу одамлар мақ-  
садни белгилаш ва унга муҳим бўлган масалаларни  
аниқлай олишмайди. Улар у томондан бу томонга  
овора бўлиб юрадилар. Улар нимадир қилишлари-  
ни ичларида тушуниб турадилар, бироқ билимла-  
рини амалға кўчиришлари учун уларга тартиб-ин-  
тизомлик етишмайди.

Ҳар куни бизни ўйлантириб қўядиган қарорлар қабул қилиш устида туриб қоламиз. Бу оддий ва жиддий масалалар юзасидан қарорлар бўлиши мумкин. Қарор қабул қилишда уларнинг ҳар бири бизни мақсад сари олиб боришини унутмаслигимиз керак. Олдин қабул қилган барча қарорларимиз бугунги ҳолатимизни келтириб чиқарган, бугунги қарорларимиз эса келажақдаги ҳаётимизни белгилайди.

Танлаш, қарор қилиш орқали эртанги кунимизни белгилаймиз. Ақлли ва тўғри қарорларни атрофича мушоҳада юритиб, таҳлил қилиш орқалигина қабул қиласиз. Биз ўйлаганларимиз нимага ишоншишимизни белгилайди, ишонгандаримиз қандай танлов қилишимизни аниқлайди, бизнинг танловимиз шахсимизни шакллантиради, шахсимиз қандай бўлса, ҳаётимиз шундай бўлади. Агар ўтган қарорларимиз олиб келган натижалардан қониқмасак, демак бугунги фикрлаш тарзимизда ишни бошлаш керак. Янги билимларга эга бўлганимиз сари фалсафамизни мукаммаллаштириб борамиз. Яхши танлов эса яхши натижаларни беради.

Агар фалсафамиз мустаҳкам бўлса, қабул қилган қарорларимиз ҳам қатъий бўлади. Худди архитектор сингари хаёлан курмоқчи бўлган биномизни, яъни эришмоқчи бўлган натижамизни кўз олдимизга келтира олишимиз зарур, кейин эса уни маҳкам ушлаб турадиган тамал тошига ўтишимиз лозим. Агар сиз интилган мақсад аниқ бўлса, унинг асоси мустаҳкам қилинса, сиз унга олиб борувчи қарорларни осон ва тўғри қабул қиласиз.

## ОМАДСИЗЛИК ФОРМУЛАСИ

Омадсизлик алоҳида бошга тушган воқеа сифатида келмайди. Бир кун эрталаб турсангиз, омадсиз бўлиб

қолишингиз мүмкін эмас. Омадсизлик бу нотұғри фикрлаш ва хулоса чиқариш тарзининг оқибатидир. Бошқача қилиб айтганда, омадсизлик ҳар куни биз йўл қўядиган хато фикрлашлар йифиндисидир.

Нима учун инсон фикрлашда хато қилади ва яна уни ҳар куни қайтаради? Жавоби оддий: у шунчаки бунга аҳамият бермайди.

Унинг фикрича, бизнинг ҳар кунги қиладиган ишларимиз у қадар мухим эмас. Бир-икки хато ишлар, нотұғри қарорлар ёки бекорга йўқотилган вақтлар ўша вақтнинг ўзида сезиларли таъсири йўқ деб ҳисоблаймиз. Кўпинча оқибати бирдан намоён бўладиган хатоликлардан қочиб қолишга уринамиз.

Агар охирги тўқсон кунда битта ҳам китоб ўқиши учун жон куйдирмаган бўлсангиз, бунинг салбий оқибатларини яққол ва бирдан сезмаймиз. Айнан шунинг учун ҳам бу ҳолат хавфлидир. Биз катта хатоликка йўл қўяётганимизни пайқамаймиз.

Зараарли овқатларни хуш кўрувчилар эртага соғлиқларига путур етишини ўйламайдилар, ўша вақтдаги лаззатланиш билан банд бўлади. Бундай овқатдан воз кечишни мухим деб ўйламайди. Чекувчи ва ичувчилар ҳам худди шу тарзда хатоликларни қайтараверадилар, чунки улар айни вақтда буни мухим деб ҳисоблашмайди. Бироқ бундай хато қилмишлиари учун маълум вақт ўтганидан сўнг қаттиқ пушаймон бўладилар. Ҳар қандай хато ишимиз, нотұғри танловимиз учун бир кунмас бир кун жавоб берамиз, бу вақт билан боғлиқ.

Келажак мавҳум кўринишда эканлиги билан кўрқинчлидир. Кисқа вақтда бу кичик хатоликларимиз оқибати билинмайди, бу билан ҳеч нима ўзгармайдигандай. Баъзизда айнан ҳаётимиздаги энг баҳтли ва гуллаган даврида фикрлаш борасидаги хатоликлар йиғилиб қолади. Ўша вақтда бизни ҳеч нима безовта қизмай-

## **МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ**

ди, эътиборимизни ҳеч нима тортмайди, биз шунчаки кунма кун бир хил хатоларни тақрорлашда давом этаверамиз, нотўғри фикрлаймиз, нотўғри хуоса ва танлов қиласиз. Нима ҳам бўларди, осмон узилиб тушармидими, деб яшаща давом этамиз.

Бироқ энди ақллироқ бўлишимиз керак!

Агар ҳақиқатдан ҳам ўша заҳоти осмон ўпирилиб тушганда эди, биз тезда бирон чорани кўрган бўлардик, хатони яна қайтаришдан ўзимизни олиб қочардик. Худди ёш бола онасининг огоҳлантиришига қарамай қайноқ сувга қўлини теккизгандай, биз дарҳол нотўғри иш қилганимиздан огоҳ бўлардик.

Бироқ ўзингизга маълум, нохушликлар ва салбий оқибатлар ҳар доим ҳам яққол кўзга ташланмайди. Мана шунинг учун ҳам биз факат тўғри танлов қилишимизни таъминлайдиган кучли фалсафага эга бўлишимиз лозим. Бизни тўғри йўлга солувчи мустаҳкам шахсий фалсафага эга бўлиб, фикрлаш тарзимиздаги хатоларимизни аниқ қўрамиз ва ҳар бир хатолик салбий оқибатга олиб келишини яхши тушунамиз.

## **МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ**

Муваффакиятсизлик каби омад формуласига амал қилиш қийин эмас.

### **ҲАР КУНИ БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БИР ҚАНЧА ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ҚОИДАЛАРИ**

Лекин бир ўйлаб кўрайлик, қандай қилиб хатоликларимизни муваффакиятга айлантиришимиз мумкин? Жавоб шуки, ҳар бир ишимиз, у хатобўладими ёки тўғрими, унинг оқибатини келажакда кўрамиз, у ё пушаймонлик бўлади ёки тақдирланиш.

Шундай экан, нима учун ҳамма ҳам келажак ҳақида ўйлаб ўтирумайди? Бу саволга жавоб оддий: одамлар бугунги кун билан яшашади, эртага нима бўлиши ҳақида бош қотиришни эса исташмайди. Одамлар шунчалик бугунги, ҳозирги муаммо ва ташвишлар билан бандки, келажак ҳақида ўйлаб кўришга вақт топа олишмайди.

Лекин ҳар куни бир неча дақиқани эртанги кун, келажак ҳақида ўйлаб кўриш учун ажратсак, нима бўлади? Балки шунда ҳозирги ишларимизнинг эртанги кунда намоён бўладиган салбий оқибатларини кўра олармиз. Агар келажак борасида ўйлашни бошласак, бугундан бошлаб бизни муваффақиятга элтадиган, хатоликлардан узоклаштирадиган чораларни кўрамиз, бизга муваффақиятсизлик ва нохушлик келтириши мумкин бўлган ишлардан ўзимизни олиб қочамиз.

## **ҲАР КУНИ БАЖАРИЛАДИГАН ОДДИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ҚОИДАЛАРИ**

Муваффақият формуласининг ўзига хос жихати шундаки унинг ижобий натижалари ўзини куттириб кўймайди. Онгли тарзда ҳар кунги хато ишларимизни бизни тартиб интизомга солувчи қоидаларга алмаштирганимиз сари ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Агар овқатланишда фойдали таомларни танавул қилишни йўлга қўйсак, бир-икки ҳафтадан сўнг ўзимизни енгил, яхши ҳис қиласиз. Жисмоний машқларни қила бошласак, ўзимизни тетик сезамиз. Китоб ўқишини одат қиласак, ўзимизни маълумотли, ўзига ишонган тарзда кўрамиз. Ҳар кунги одатларга янги қоидаларни киритганимиз сари, уларнинг ижобий натижаларидан баҳраманд бўлиб борамиз, бу эса яна янгилик киритишимизга раҳбат бўлади.

Янги тартиб-интизомнинг мўъжизавий томони шундаки, фикрлашимизни тўғрилашга имкон беради. Агар бугун китоб ўқишни, кундалик тушишни, ўқув курсларига боришни, кўпроқ эшитиш ва тинглашни одат қилсак, шу кун янги ҳаётимизнинг биринчи куни бўлиб қолади. Агар бугундан бошлаб хатоликларингизни фойдали қоидаларга ўзгартирангиз, тез орада сиз бунинг фарқини аниқ сезасиз ва ҳеч қандай шарт билан олдинги турмуш тарзингизга, шунчаки кун кўришга қайтишни истамайсиз.

Шундай одамлар борки, ҳаётни ўзгартириш учун тартиб-интизом шарт эмас, шунчаки мотивация керак деб ҳисоблашади. Бироқ мотивация ҳаётни ўзгартирадиган омил эмас. Ҳаётимизнинг ўзгартиришдан олдин фикрлашдаги эскичалиқдан қутулишимиз лозим. Агар инсон аҳмоқ бўлса, унга мотивация берилса, у шунчаки мотивацияланган аҳмоқ бўлиб қолади.

Ўзимизни ўзгартириш ва ўзимиз истагандай одам бўлишимиз учун аввал фикрлаш тарзимизга таъсир қиласиган асослар устида ишлашимиз лозим. Биз сезиларли равишда ҳаётимиз оқимини ўзгартира олишимиз мумкин, бунинг учун шахсий фалсафамизни мукаммаллаштириш учун кўпроқ вақт ва куч сарфлашимиз зарур.

Сизга айтсам, ҳаётимиз яхши томонга ўзгариши учун кўп нарсани ўзгартириш шарт эмас.

### **ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ҚОИДАЛАРИ КЎПАЙИШ ТАБИАТИГА ЭГА**

Барча тартиб-интизом қоидалари бир-бирига таъсир қилиш хусусиятига эга. Ҳар бир янги қоидада нафақат олдинги қоидаларга, балки энди қабул қилмоқчи бўлганларимизга ҳам таъсир қиласи.

Бу дунёда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ. Баъзи нарсалар бизга кўпроқ боғлиқ, бошқалари камроқ. Бироқ нима ишга қўл урмайлик, ҳаммаси бир-бирига таъсир қиласди. Бошқача ўйлашнинг ўзи хато. Яъни, кичик хато ишларимиз изсиз қолади деб ўйлаш хато.

Ҳар биримиз қайсиdir қоидани бажармасликни ўзимизга рухсат беришга мойил бўламиш: бир марта ўзимга эркинлик берсам нима қилибди деймиз. Бироқ билмаймизки, бир марталик узилиш бошқа тартиб-интизом қоидаларига амал қилмасликларга олиб келади. Бирон қоидани бир марталик бузиш оқибати ўша вақтда билинмас, бироқ вақт ўтиши билан барибир у ўзини намоён қиласди.

Бир қоида бошқалари билан боғлиқ экан, уларга амал қилишда қатъий бўлишимиз шарт. Ҳар кун ўзимизга эркинлик бериб, хатоликларга йўл қўяверсак, бу эртанги кундаги аҳволимизга жиддий таъсир қиласди.

Ҳар бир янги тартиб-интизом қоидалари бошқа қоидаларга ижобий таъсир қиласди. Муҳими, бизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирадиган, хатоларимизни кўришга ва ютуқларимизни оширишга хизмат қиладиган қоидаларни излаб киритишни йўлга қўйиш керак. Хатти-ҳаракатимиздаги энг кичик хатоларни ҳам топиб уларни янги тартиб-интизом қоидаларига алмаштиришимиз керак. Ўз ўзимизни тартибга солиш йўлига чиқиб олсак, хато ишларимиз тез орада йўқ бўлиб бориб, биз муваффақиятли манзилга етамиз.

## БАХТ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ ҚИЙИН ЭМАС

Агар босқичма босқич бажарсак, бизга баҳт ва омад келтирувчи ишлар қийинчилик туғдирмайди. Хатоларни қоидаларга алмаштириш осон ке-

чиб, ўз ўзидан омадсизлик омадга айланиб бора-  
веради. Қайсиdir тартиб интизом-қоидаларига  
амал қилиб бориш у қадар осон бўлmas балки, би-  
роқ умуман олганда муваффақиятга эришиш сиз  
учун енгил бўлади. Ахир гап бор-ку, одам қилган  
ишни одам қилади.

Агар шунчалик осон экан, унда орамизда кўпчи-  
лик нега уни қилмайди? Чунки бизга баҳт келтирув-  
чи ишларни қилиш осон бўлгандай, худди шундай  
қилмаслик ҳам осон.

### БЕПАРВОЛИК ХАВФИ

Айтиб ўтганимиздай, қилиниши осон бўлган  
ишларни қилмаслик ҳам осон. Қўлидан келиб, бироқ  
бу ишларни қилмайдиган инсонларга фақат бир сўз  
ишлатиш мумкин: безътиборлик ёки бепарволик.

Гап пул озлигига эмас, банклар пулга тўла. Гап  
имкониятлар чекланганида эмас, атрофга бир қа-  
ранг, бугунги кун имкониятлар даври. Гап китобга  
пул йўқлигига ҳам эмас, интернетдан ҳам китоб то-  
пиб ўқисангиз бўлади, кутубхоналарда эса бутун-  
лай бепул. Мактабларни ҳам айбламанг, яхши ўқи-  
түвчиларимиз кўп.

Нимаики бизни бадавлат, баҳтли, кучли ва соғлом  
қилса – ҳаммаси шундоқ кўл остимизда. Шундай  
екан, нега улардан фойдаланиб қолувчилар у қа-  
дар кўп эмас. Сабаби ўша – бепарволик.

“Ҳар куни битта олма енг ва шифокорга бутунлай  
хайр денг” деган наклни кўп эшигандирсиз. Ким-  
дир бунга ишонмасдир. Лекин бу тўғри бўлса-чи,  
олма ейишдай ҳар куни қилинадиган оддий ишлар  
бир куни ўз натижасини кўрсатади. Бу мақолнинг  
тўғрилигига кўпчилик ишонади, бироқ олмани емай-  
ди. Нима учун? Чунки бепарво! Ҳар куни биттадан

олма ейиш нима деган гап. Шуни қилиш шунчалик қийинми? Қийин эмас, осон, бироқ қилмаслик ундан ҳам осон. Бепарвогимиз, ўзимизга, ҳаётимизга ва саломатлигимизга беэтибор бўлганимиз туфайли буни қилмаймиз. Озгина эътиборсизлик келажакда катта пушаймонликка олиб келади.

Бепарволик инфекция кабидир. У билдирилмай, ичимишга кириб боради ва бутун тизимни ишдан чиқаради. Бир жойда лоқайдликка йўл қўйдикми, унинг асорати бутун тартиб-интизомимизга, бутун фаолиятимизга, хуллас бутун ҳаётимизга таъсир қилмай қолмайди.

Ҳаммаси бир бири билан узвий боғлиқ. Қилиши миз лозим бўлган ишларни қилмаслигимиз оқибатида ўзимизни айблаш ҳисси пайдо бўлади, ўзимизни айблар эканмиз ўзимизга ишончимиз камаяди, ишонч камайган сари фаоллиги сусаяди, фаоллик йўқолган сари фаолиятимиздан самара камаяди. Фаолиятимиз самарасиз бўлиб борар экан, ҳаётимиз сифати тушиб боради. Бу эса ўз навбатида ўзимизга ишончни яна тушишига сабаб бўлади. Шу тарзда спирал тарзда айланаверади.

### ТЎҒРИ ОВОЗГА ҚУЛОҚ СОЛИШНИ ЎРГАНИНГ

Нима учун унчалик муҳим бўлмаган ишларни қилиб борамиз-у, ҳаётимизни яхшилашда зарур бўлган ишларни қилмаймиз? Ичимиизда бир овоз борки: “Сенга нима зарил, уриниб нима қиласан, ташлаб қўй, ҳаммаси ўз ҳолича кетаверсин” дейди. Бу бизнинг иштиёқимизни сўндирувчи, бизга нотўғри йўлни кўрсатувчи овоздир.



Бу овозни учириси учун ҳар бир ичимиздаги сенинг эшитилувчи омад овозига қулоқ солишимиз келади.

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

рак. Омад овози жарангдор омадсизлик овози ичида эшитилиб қолишга уринади.

Биз қайси овозга қулоқ солишни танлаймиз. Ҳар сафар бепарволикка йўл қўйиб, хатоликларни қилсак, омадсизлик овози кучайиб бораверади. Аксинча, унга қарши чиққанимиз сари, омад овози кучяди. Биз ҳеч қачон омадсизлик овозини бутунлай ўчира олмаймиз. У ҳар доим бизнинг баҳтли келаҗагимизга қарши чиқиб, бизни ўз йўриғига солишга уринаверади. Бироқ шахсий фалсафамиз ва ҳаётга ижобий муносабатимизни кучайтирган сари бу овознинг жаранглашини камайтириб туришимиз мумкин.

Бизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирувчи барча амалларни бажариш осон, бироқ уларни бажармаслик ҳам осон. Биз кичик хатолар бўлмаслигини англаб этишимиз керак. Бирон ишда кичик бепарволик, катта салбий оқибатларга олиб келишини унутмайлик. Ҳар бир қабул қилаётган қарорларимиз устида ўйлаб қўрайлик, фикрлаш тарзимизни назоратга олайлик, хато ишларимизни фойдали қоидаларга алмаштирайлик, шундагина ҳаётимиз тубдан ўзгаради.



## ИККИНЧИ БОБ

### ҲАЁТГА МУНОСАБАТ

Бизнинг ҳаётимиз кўп жиҳатдан нимани билишимиизга боғлиқ. Чунки билганларимизга асосланниб қарорлар қабул қиласиз, қарорларимиз эса ҳаётимизни ўзгартиради. Худди шундай, билганларимизга нимани ҳис қилишимиз боғлиқ. Билганларимиз бизнинг фалсафамиизни белгилайди, билганларимизга бўлган муносабат эса бизнинг ёндашувимиз, муносабатимизга боғлиқ.

Айнан ҳиссий омил ҳар кунги шахсий ҳаётдаги ва ишдаги хатти-ҳаракатларимиз ва фаолиятимизга таъсир қилади. Ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ҳиссиётимиз катта кучга эга бўлиб, ё бизни караҳт қилиб қўйиши, ё дарҳол бирон ишга қўл уришимизга сабаб бўлиши мумкин.

Худди фикрлаш каби ҳислар ҳам ё бизни баҳтга элтиши мумкин, ё баҳтсизликка гирифтор қилади. Биз атрофдаги инсонларга, ишимизга, ҳамкасларимизга, уйимизга, моливий ҳолатимизга нисбатан бўлган ҳис-туйғуларимиз ҳаётга бўлган муносабатимизни белгилайди. Агар ҳаётга муносабатимиз тўғри бўлса, биз тоғларни суришга ҳам қодирмиз. Агар ҳаётга муносабатимиз нотўғри бўлса, энг кичик тош ҳам бизни синдириши мумкин.

Тўғри муносабат – бу баҳт ва омадга эришишда муҳим бошланғич шартдир. Тўғри муносабат – яхши ҳаётнинг асосларидан бири. Мана шунинг учун ҳам бу ҳаётдаги ва орзуларимиз ушалиши борасидаги

имкониятларимизга нисбатан ҳисларимизни на-  
зорат қилиб боришимиз лозим. Ҳисларимиз ҳаётга  
қандай ёндашувда бўлишимизни белгилайди, қан-  
дай ёндашсак, шундай яшаймиз.

Муносабат – ҳаётимиз қандай ахволда бўлишида  
ҳал қилувчи омил. Бу дунёда ҳамма нарса ўзаро боғ-  
лиқ экан, бизнинг ҳаётга муносабатимизга салбий  
таъсир қилувчи салбий таъсирлардан воз кечинг.

### ЎТМИШ

Ўтмишга соғлом ва онгли муносабат исталган ин-  
сон ҳаётига сезиларли ўзгартириш киритиши мум-  
кин. Ўтмишга энг яхши муносабат – ундан қурол  
сифатида эмас, балки мактаб сифатида фойдала-  
нишдир. Ўзимизни бир вақтлар йўл қўйган хатола-  
римиз, нотўғри ишларимиз учун ўлгунча қийнаши-  
миз керак эмас. Ўтмишда бўлган яхши ва ёмон кун-  
лар – ҳаммаси ҳаётимизнинг бир қисми, бизнинг  
тажрибамиз. Биз ўтмишдан дарс олиб, бугунги ҳа-  
ётимиз яхшиланишида фойдаланишимиз лозим.

Ўтмиш бизни эзib қўйиши ҳеч гап эмас. Бироқ  
шу ўтмишни бизга мактаб сифатида хизмат қи-  
лишга, қадримизни оширишга йўналтиришнинг  
ҳеч қийин жойи йўқ.

Ёрқин келажагимизнинг бир учи ўтмишда. Ўт-  
ган хатолар, ўтган ютуқлар, ўтган дарслар – булар-  
нинг ҳаммаси тажрибани ташкил этиб, ё бизнинг  
хўжайинимиз бўлади, ё бизнинг қулимиз. Ё у биз-  
нинг фойдамизга ишлайди, ё биз унинг йўриғи-  
да бўламиз – буни ўзимиз ҳал қиласиз. Агар ўт-  
мишга нисбатан тўғри муносабатни шаклланти-  
ра олсак, кейинги ўн икки ой ичидаги ҳаётимизни  
кескин тарзда ўзгартиришга қодир бўламиз. Ҳар  
бирамиз бир йилдан сўнг қаердадир бўламиз, хо-

зир ўзимизга беришимиз керак бўлган савол - ай-  
нан қаерда?

Ўтмишга нисбатан янги фалсафани ишлаб чиқа-  
риш орқали ҳаётга бугунги ёндашувимизни ўзгар-  
тирамиз. Ўтмишни ўзgartириб бўлмайди, буни ан-  
глаб етиш керак, афсусланиш, ҳафагарчилик, ви-  
ждан қийналишлари – буларнинг ҳаммаси баҳтли  
келажакни қуришга халақит беради.

Бугунги кунимиздан қанчалик самарали фойда-  
ланишимиз кўп жиҳатдан ўтмишга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Бу муносабат тўғри бўлмас экан,  
ҳаётга бўлган муносабатимизни ўзgartира олмай-  
миз. Натижада келажак ҳам бизга ҳафагарчилик,  
пушаймонлик, бирорларни айлашлар билан тўла  
бўлади. Қоронғу ўтмишнинг эшигини ёпмасдан ту-  
риб, ёрқин келажак томон ҳаракат қила олмаймиз.

### ҲОЗИРГИ КУН

Бизнинг ёрқин келажагимиз бугундан бошланади. Ўтмиш бизга хотиралар ва ҳаётий тажриба бе-  
ради, ҳозирги кун эса имкониятлар беради.

Ҳозирги кун бизга ажойиб келажак яратиш им-  
конини ҳадя этади. Бироқ яхши келажак учун бу-  
гун ҳақ тўлаш керак. Бугунги кун бераётган имко-  
ниятлардан фойдаланиб қолиш керак, акс ҳолда ке-  
лажақда ҳеч нимасиз қоламиз.

Ўтмишдаги мақсад ва шиҷоатларимиз бугун-  
да ўз мевасини берган. Агар бу мевалардан қоник-  
масак, демак ўтмишда кўчат ўтказиш ва парвари-  
шлашда у қадар ҳаракат қилмаганмиз. Агар бугун  
ҳам ҳаракат қилмасак, эртанги ҳосилдан ҳам кўн-  
глимиз тўлмайди.

Бугунги кун ҳар биримизга 1440 дақиқа ёки 86400  
сония беради. Бой ҳам, бечора ҳам суткада 24 соат-

га эга. Вақт ҳеч кимни афзал күрмайды, у ҳаммага баробар. Бугунги кун “Мна мен. Мени нима қилиб сарф қиласан?” дейди.

Бугунги кундан қанчалик унумли фойдаланиб қолишимиз ҳаётга бўлган муносабатимизга ҳам боғлиқ. Агар муносабатимизни тўғри қилсак, бугунги кун янги ҳаётимизнинг бошланиши бўлади. Ҳар кун бизга 24 соат беради ва ундан қандай фойдаланишимизни кузатиб туради.

Бугуннинг энг катта афзаллиги ўзгаришни бошлаш имкониятидир. Бугун – бу айни вақт бўлиб, ундан бошлаб ҳаётимизни ўзгартира оламиз. Бугундан бошлаб ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин, ёки худди кеча, ўтган кунидай бир хил ўтиши учун ташлаб қўйишими мумкин.

### КЕЛАЖАК

Келажакка бўлган муносабатимиз ҳам катта аҳамиятга эга. Мумтоз асарга айланган Уилл ва Ариэль Дюраннинг “Ўтмишдан олинган сабоқлар” асарида шундай ёзилган: “Хозир бор нарсага сабр қилиш учун олдин нима бўлганини ёдда сақлашимиз ва қачондир бўладиган нарсаларни орзу қилишимиз керак”.

Келажакка бўлган муносабатимиз уни қанчалик кўра олиш қобилиятимизга боғлиқ. Ҳар биримиз ички тасаввуримиз орқали келажакни орзу қилиш, режалаштириш ва ҳис қилиш қобилиятига эгамиз. Биз тасаввур қилиш, ижод қилишни биламиз.

Инсон танаси ўз ўзини қандай соғломлаштиришни билганидай, онг ҳам яхши ҳаётга қандай эришиш мумкинлигини билади.

## БОШЛАШДАН АВВАЛ ҲАММАСИ ТУГАШИ ЛОЗИМ

Атрофимиздаги ҳамма нарса аввал уларни яратган инсонлар миясида пайдо бўлган. Биз яшаётган уй, ҳайдаётган автомобиль, кўчадаги кўприклар, иншоотлар – буларнинг ҳаммаси аввал ғоя бўлган. Бу ғоялар мияда ёки қоғозда, компьютерда қайта ишланган, мукаммаллаштирилган, аниқлаштирилган – кейингина уни яратишга ўтилган. Ғоя жисмоний кўринишга эга бўлишидан олдин инсонлар уни яққол тасаввур қила олишган.

Инсон ҳам ўз келажагини худди шу тарзда яратади. Биз келажагимиз қандай бўлиши керак деган фикрдан бошлаймиз.

Шунинг учун ўтмишга ҳам, келажакка ҳам тўғри муносабатда бўлиш муҳимдир. Агар ўтмишга соғлом кўз билан қарасак, бугунги имкониятлар ва ўзимизга тўғри муносабатда бўлсак, онгимизнинг ўзи бизни орзуларимиз рӯёби томон олиб боради. Бироқ ўтмиш борасида пушаймон бўлишни, бугунги кун ҳақида хавотирланишни йўқ қиласак, келажагимиз худди ўтмишдай афсус-надоматларга тўла бўлади.

Бугунги фикр ва ҳисларимиз узвий тарзда эртанги кун билан боғлиқ. Бугун ҳаётга қандай муносабатда бўлишимиз ва фалсафамиз келажак кўзгусида ўз аксини топади.

## ЁРҚИН КЕЛАЖАКНИ БАРПО ЭТИШ

Биз янги мақсадларни олдимизга қўйиб, келажакни режалаштирганимизда, қандайдир мўъжизавий ҳолат юзага келади. Биз келажагимизни кўз олдимизга келтириб, орзуларимизни тасаввур қил-

ганды, күнглимиизни ёқимли ҳислар эгаллади. Қанчалик келажакни аникроқ күз олдимизга келтира олсак, шунчалик ундан илхом оламиз. Бу илхом гап-сұзларимизда, қарашларимизда, хатти-хара-катларимизда сезилиб туради. Қанчалик күп келажакдан илхом олсак, шунча осонлик билан кундалик одатларимизга үзгартыриш кирита оламиз ва шахсий фалсафамизни тұғрилаймиз. Бошқача қилиб айтганда, орзуларимиз бизни үйлантиради, ҳаракатга ундейди, уни амалга ошира оладиган инсонга айланишимизга олиб келади.

Агар үтмишдан сабоқ, келажакдан эса илхом оладиган тарзда үз муносабатларимизни үзгартира олсак, бугун бизга үз имкониятларини очади. Бугун тұғри қарор қилишимиз орқали, үтмиш йұналтирадиган, келажак эса жалб этадиган инсонга айланамиз.

Үтган тажрибадан фойдаланиш ва келажакдан илхом олиш катта кучга эга. Шуниси қувонарлыки, уни ҳамма амалга ошира олади. Ҳаммамиз келажакни режалаштира оламиз, шу орқали эртанги кун келиб, бизга бериши мумкин бұлғандан күпрөгини ҳадя этиб кетади. Чунки биз бугунни яратиш учун үтмиш ва келажакдан унумли фойдаландик.

Келажак кучи – қудратли куч. Бұлиши мумкин бұлған нарсалар бизни құлимиздан келганча ҳаратқат қилишга ундейди.

## КЕЛАЖАК ҲАР ДОИМ ҮЗ НАРХИГА ЭГА БҰЛАДИ

Келажак истиқболи бепул эмас. Келажакнинг ҳар бир ҳадяси учун ҳақ тұлаш керак. Бу ҳақ тартиб-интизом қоидаларига риоя қилишимиз, меңнат қилишимиз, қатъиятлик күрсатишимиз, хуллас келажак

учун қилган ишларимиздан иборат. Бироқ кела-жак ҳақи үзини оқлади, бизни нима кутаётганини билсак, унинг ҳақини тұлаш қийин бўлмай қолади. Биз келажакни яққол кўришимиз ва уни қаттиқ исташимиз керак, акс ҳолда тўланадиган ҳақ нима учунлигини англамай, уни тўламай қўямиз ва яна олдинги ҳолатга қайтиб келамиз.

Агар ҳақиқатдан ҳаётимиз яхши томонга ўзгаришини истасак, ўзимиздан келажакда бизга илҳом ва ишонч берадиган нима бор деб сўрашимиз лозим. Келажакни шундай яққол кўра олишимиз керакки, унга бўлган интилишимиз бизни эрта ўриндан туришга, астойдил меҳнат қилишга, зарур ишларни битириш учун сабр қилишга мажбур қилсин.

Ёрқинроқ келажакка тасодифан келиб қолмаймиз. Олдимизга қўйган мақсадга ҳам тасодифан интилмаймиз. Шунчаки мақсад қўйиб унинг рўёбга чиқишини кутсангиз, демак, бу мақсад эмас, шунчаки хоҳиш. Хоҳиш-истаклар, орзулар ношудлар учун наркотикдай гапдир.

Келажакни астойдил режалаштириб, режа тайёр бўлганда, уни амалга ошириш ғояси сизнинг асосий мақсадингиз бўлиб қолади.

Агар келажакни режалаштиришга жиддий қараб, уни амалга оширсак, бундан ҳиссий ютуққа эга бўламиз. Келажак мўъжизавийдир. Қанчалик келажакни яққол кўра олсак, шунча уни амалга ошира олишимизга ишонамиз, шунчалик унга қаттиқ интиламиз.

### БИР ЎЗИМИЗ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИША ОЛМАЙМИЗ

Хар биримиз орзуларимизни амалга ошиши учун бошқалар кўмагига муҳтожмиз. Ҳаммамиз бир бি-

римизга керакмиз. Бизнес оламида турли ғоялар ва бозорлар керак. Инсонлараро муносабатда эса бизга илҳом олиш ва бошқаларни тушуниш керак. Бошқа одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати бизга, бизнинг муносабатимиз эса бошқаларга таъсир қилмай қолмайди.

Куч бирликда эканлигини англаганимизнинг ўзи катта кучдир. Ҳаммамиз бир бўлиб нима қила оламиз? Агар бирлашсак, қўлимиздан ақлбовар қилмайдиган ишлар келади. Биз ҳатто ойга ва ундан нарига ҳам учиб боришимиз мумкин. Биз инсоният ҳаётини яхшилашимиз, касалликларга даво топишимиз, умрни узайтиришимиз ва бошқаларни қилишимиз мумкин. Биз уруш, жиноятчилик, қашшоқликка қарши курашимиз мумкин. Биз чексиз фазоларни, тубсиз уммонларни, мўъжизавий инсон онгини тадқиқ қилишимиз мумкин. Ҳаммамиз бир биримиз билан боғлиқмиз ва ҳар биримизнинг хиссамиз муҳим.

Бу ўзаро боғлиқликка бўлган муносабатимиз келажагимизни белгилайди. Жон Донн шундай ёзган эди: “Инсон – ўз ҳолича турган орол эмас, у қитъа, материкнинг бир қисми... исталган инсоннинг ўлими менинг бир қисмимни олиб кетади, чунки мен инсониятнинг бир қисмиман. Шунинг учун ҳеч қаҷон черковдаги қўнғироқ кимнинг ўлими туфайли жаранглаяпти деб сўрама, у сенга ҳам жаранглаяпти”.

### ЎЗ ҚАДРИМИЗНИ БИЛИШ – ЮҚСАЛИШНИНГ БОШИДИР

Агар бутун ақлий қобилиятилизни ўз устимизда ишлашга, китоб ўқишга, шахсий фалсафамизни мукаммаллаштиришга қаратсак, нима бўлади? Агар

үтмиш, бугунги кун ва келажакка нисбатан янгича ёндашувни вужудга келтирсак, нима бўлади? Бошқаларга нисбатан муносабатимизни ўзгартирсак, ҳар биримиз мухим инсонлигимиз ва жамоа тақдирiga ҳар биримиз ўз таъсиригимизга эгалигимизни тан олсак, нима бўлади? Агар буларнинг ҳаммасини қила олсак, тасаввур қилинг, келажагимиз қандай ёрқин бўларди.

Шуниси ажойибки, буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун бизда ақлий, маънавий ва ижодий салоҳият бор. Буларнинг ҳаммасига эгамиз. Фақат буни англаб етиб, уни ўзимиз фойдамизга ишлатишмиз учун вақт ажратса олишимиз керак.

Шунчаки бизнинг ўзимизга бўлган нотўғри муносабатимиз ўзимизда бор имкониятларни кўришга ҳалақит бермоқда. Нега бошқаларнинг ютуқли томонларини кўра оламиз-у, ўзимизда уларни пайқамаймиз. Нима учун бошқаларни эришган муваффақиятлари билан қутлаймиз, ўзимизнигини айтишга уяламиз?

### ЎЗИМИЗГА БЎЛГАН МУНОСАБАТНИ ЎЗИМИЗ ТАНЛАЙМИЗ

Ўзимизга қандай муносабатда бўлишимиз, ўзимиз ҳақида қандай фикрда эканлигимиз – маълум вазиятларга эмас, балки бизнинг танловимизга боғлиқ, шахсий фалсафамизга боғлиқ.

Баъзида бирон нарсаларни унчалик хуш кўрмаймиз. Бироқ ўша нарсани яқиндан ўрганганимизда унга бўлган муносабатимиз ўзгаради. Чунки ундан олдин тўлиқ эмас, узуқ-юлуқ ахборотга таяниб нотўғри хулоса чиқарганмиз. Бироқ батафсил маълумотга эга бўлганимиздан сўнг, у ҳақида яхшироқ билганимиз ва олдин нотўғри фикрда эканлигимизни англаб етганмиз.

Биз эга бўлган ахборотимизга кўра хулоса чиқармиз ва шунга кўра муносабатимиз шаклланади. Тасаввур қилинг, бир рассом гўзал табиат манзарасини қоғозга туширмоқчи, бироқ унинг қўли остида бир-иккитагина ранг бор. Ҳақиқий санъат асарини яратиши учун унга кўплаб ранглар керак бўлади.

Ўзимизнинг қанчалик нодир инсонлигимиз ҳақида билмаслик кечириб бўлмас ҳолатдир. Ўзимизни ўзимиз яхши билмаганимиз учун ўзимизни вақти келса тушунмай қоламиз. Агар ўз имкониятларимиз, қобилиятларимиз, кучимиз, иродамиз, ҳиссиётларимиз, афзал жиҳатларимизни яхши билсак, ёрқин келажакни барпо этишимиз борасида бир сония ҳам шубҳага бормаган бўлардик.

Ҳар биримиз бекиёсмиз. Айнан бизга ўхшаган инсоннинг ўзи йўқ. Биз қилган ишни айнан қила оладиган одам ҳам йўқ. Демак, қилаётган ишларимиз ҳам бекиёс. Биз оламнинг, мамлакатимизни, атроф-теварагимизни яхшилашга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Биз ўз ҳаракатларимиз билан оиласизни баҳтли қиламиз, фирмани ривожлантирамиз, жамиятимизни гуллатамиз, чунки биз бу биз.

Ўзимизга бўлган муносабатни яхши томонга ўзгартиришда ҳамма инсонлар, шу жумладан ўзимиз қанчалик қадрли эканлигини англашдан бошланади. Кўпчилик ўз ҳаёти билан банд бўлиб, бир зум тўхтаб ҳаёти ва атрофдагилар ҳақида ўйлаб кўриш учун вақт топа олмайди. Биз ўзимиз ҳақимизда етарлича билмаганлигимиз туфайли ўзимизни қадрламаймиз.

Ўз ўзини англаш – ҳаёт сир-синоатларини билишнинг бир босқичидир. Қанчалик ўзмизни яхши билсак, шунчалик тўғри танлов қиламиз, тўғри хулоса чиқарамиз. Танловимиз, фикрлаш тарзимиз ўзгарган сари ҳаётимиз ҳам яхши томонга ўзгаради.

## БОШҚАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ БИЗНИНГ ҲИССИЁТИМИЗГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Биз мuloқot қиладиган одамлар билганларимиз ва хис-туйғуларимизнинг асосий манбайдир.

Ҳаётини яхшилаш учун интилганлар ўзига учта асосий саволни бериши керак:

### 1-савол: *Афтрофимда кимлар?*

Атрофингиздаги, сиз ҳар куни күрадиган, мuloқot қиладиган одамларни бирма бир кўз олдингиздан ўтказиб, уларнинг сизга қандай таъсир қилишларини мушоҳада қилиб кўринг. Уларнинг жамиятдаги ўрнилари қандай, фикрлаш тарзи, ҳаётга ва ўзларига бўлган муносабати қанақа, улар қандай ютуқларга эришган, билими қанақа? Ҳаётдаги мақсадлари нима? Улар ўз устида ишлайдими, китоб ўқийдими? Сиз учун уларнинг фикрлари, маслаҳатларини қадрли қиладиган нима?

Умид қиласманки, атрофингизда сарқит фикрли ва фақат кулгили латифалар айтиши билан қадрли бўлган инсонлар эмас.

Биз ҳар куни учрашадиган ва мuloқot қиладиган инсон бизга илҳом бериши, қўллаб-қувватлаши керак. Аксинча, бизни шаштимиздан қайтарадиган, шубҳалантирадиган, пессимитик фикрлайдиган, нолийдиган ва бошқаларнинг устидан кулиб юрадиганлар билан мuloқотни чеклаш лозим.

### 2-савол: *Уларнинг таъсири қандай?*

Мухим савол. Улар бизни қаерга олиб боришади?

Бизга қандай фикрларни беришади? Бизни мушоҳада қилдирадиган, бирон ҳаракатга ундейдиган ё қандайдир китоб ўқишига чорлайдиган гапларни айтиша-

ди. Улар билан мuloқot бизга қандай таъсир қилади, бизнинг ишимизга, имкониятларимизга, қобилият-ларимизга ва ҳиссиётимига яхши таъсир қиладими?

Ҳаётимизга салбий таъсирли одамларни киритиб қўйишимиз жуда осон. Шунинг учун доимо кимлар билан мuloқot қилаётганимизни назорат қилиб туришимиз керак. Атрофимизда шундай инсонлар борки, бир қараганда улардан меҳрибон, улардан яқин одам йўқдай. Бироқ уларнинг ҳаётимизга, ишимизга салбий таъсири катта. Қандай қийин бўлмасин, бундай одамлар билан мuloқotни чеклаш лозим. Бизга ижобий таъсир қиладиган, мақсадимизга интилишда, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартиришда бизни раҳбатлантирадиган, қўллаб-қувватлайдиган инсонлар билан кўпроқ мuloқot қилишимиз зарур.

### *З-савол: буни амалга ошириш мумкини?*

Биз мuloқot қиладиган одамларни баҳолаш қийин бўлиши мумкин? Баъзида салбий таъсир эга одамлардан воз кечиш оғрикли бўлиши мумкин, бироқ уларнинг бизга келтирадиган зарари ҳақида унумаслик керак.

Яна шуни ёдда тутиш керакки, ўзимизни ҳимоя қилиш билан ўзгаларга ҳам яхшилик келтирамиз. Ўзимиз кучли, омадли инсон бўлганимиздан кейин бошқаларга ёрдам беришимиз мумкин.

Келажагимизни ҳимоя қилиш учун бизга зарар келтирувчи одамлардан йироқлашишни танлашга мажбурмиз. Ҳаммамиз баъзида эҳтиётсизликка йўл қўямиз, шунда ёмон ниятли одамлар, ёмон хаёл ёки ёмон имкониятлар ҳаётимизга кириб олиши мумкин. Биз бундай ёмон таъсирни ўз вақтида аниқлаб, дарҳол чеклашимиз лозим.

Бу каби кескин чоралар шартми? Шарт, чунки салбий таъсир оқибатлари катта бўлади. Салбий таъ-

сир бизни ўзгартириб юбориши ва анчагача бу ҳолатдан қутула олмай қолишимиз мумкин.

Худди омадсизлик каби салбий таъсир ҳам маккор табиатига эга. Бизни кимдир атайлаб йўлдан адаштиришига қўймаймиз. Бироқ эҳтиётсизлигимиз ва беэътиборлигимиз туфайли кимгадир бизни ҳар куни аста-секин жар томон қулатишига имкон бериб қўямиз. Улар бу ишда шундай чақон бўладиларки, биз буни англаб етгунимизча, улар анча ишни қилиб қўйган бўлади. Ҳатто уларни дўст деб ҳисоблашимиз ҳам мумкин.

Аста у ёқдан итаради, аста буёқдан, маълум вақт ўтиб қарасакки, биз умуман истамаган жойимизда бўлиб қоламиз. Кейин ўз йўлимизга қайтиш учун ойлар, йиллар сарфлаймиз.

Ким биландир гаплашмай қўйиш – осон иш эмас. Буни юмшоқлик билан ва ўйлаб қилиш кепрак. Агар ҳақиқатдан ҳам ўзимизни ва ҳаётимизни ўзгартирмоқчи бўлсанк, бизга ёмон таъсир қилувчи одамлардан қочишимиз лозим. Агар буни қилмасак, кейин қаттиқ афсусда бўламиз.

## ЧЕКЛАНГАН МУЛОҚОТ ФОЙДАЛИГИ

Ўз позициямизни ҳимоялашнинг яна бир тури бу чекланган мuloқotdir. Биз ҳаётимиз давомида ҳамкаслар ёки қариндошлар билан учрашишга мажбурмиз. Бироқ биз бу одамлар билан бўладиган мuloқotни чеклаб, уларнинг бизга таъсирини камайтиришимиз мумкин.

Ҳаддан ташқари кўп таъсир – бу ёмон таъсир. Бизга ёмон таъсир қилувчи дўст билан мuloқotни камайтириб бориш билан алоқани узишимиз мумкин. Кутимаган таъсир ҳам макрлидир. У узоқ вақт

давомида йигилиб бориши ва бизга билинмаслиги мумкин. Шуни унутмаслигимиз керакки, омадсизлик узоқ вақт фикрлашда ва қарор қабул қилишдаги хатоликлар йиғиндисидир.

Шахсий ҳаёт ва бизнесда атрофидаги 80% одамлар ҳиссасига биз эришган ютуқнинг 20% фоизи тўғри келса, қолган 20% одамларга ютуғимизнинг 80 фоизи тегишлидир. Шуниси ачинарлики, бизга бор-йўғи 20 % ютуқ келтирадиган 80% одамларга вақтимизнинг 80 фоизини, 80 фоиз ютуқ берадиган 20 фоизга эга 20 фоизимизни сарфлаймиз.

Бу ерда бизнинг танловимиз аниқ бўлиши керак. Биз кўпроқ вақтимизни кўпроқ ютуқ келтирувчиларга, камроқ вақтимизни эса камроқ ютуқ берувчиларга ишлатишимиш зарур. Бу осон эмас. Шундай одамлар борки, улар бизга сездирмай вақтимизни ўғирлайди. Муваффақият ва баҳтга эришмоқчи бўлган одам атрофидаги 80 фоиз кишилар қандай ҳаракатланишларини яхши билишлари керак. Уларнинг кўпчилиги ёмон одамлар эмас, улар ҳам муваффақият сари интилишади. Бироқ улар ҳали ўзларини англаб етмаган, мақсадни қўйиш ва унга интилиш учун алоҳида курслар ёки йўриқномалар шарт эмаслигини тушуниб етишмаган. Шундай одамлар борки, тушуниб етиш учун билишни истайди, бошқа тоифадагилар эса билмасалар ҳам тушунаман деб ҳисоблайдилар.

Инсон камоли ва ривожланиши борасида яхши билувчи инсонлар жуда кам. Агар энг яқин дўстларингизни танлаб, уларга ўз интилишларингиз ҳақида сўз очсангиз, уларнинг фикри сизнинг кўнглингиз қолишига сабаб бўлади. Ҳамма ҳам сизни тушунавермайди. Лекин шуни билингки, бу йўлдаги энг машаққатли кунингиз бу йўлга қадам қўймаган одамнинг энг баҳтли кунидан яхшироқ.

Дўстларимиз бизга содик ва меҳрибон бўлиши мумкин. Бироқ интилишларимизда бизни қўллаб-қувватламаса, аксинча, шаштимиздан қайтарса, улардан воз кечишига тўғри келади. Акс ҳолда орзуларимиздан маҳрум бўламиз.

### **КЕНГАЙТИРИЛГАН МУЛОҚОТ АҲАМИЯТИ**

Кенг ва соғлом фикрлайдиган, мақсадга интилган ва бизга ижобий таъсир қилиши мумкин бўлган инсонлар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилиш керак. Бундай одамларни излаб топиб, кун тартибини шундай ташкиллаштириш лозимки, улар билан кўпроқ мулоқот қилиш имкони бўлсин.

Бундай тоифадаги одамлар билан озгина суҳбат ҳам катта натижа беради, улар бизни интилишларимизда қўллаб-қувватлаб, илҳом беради ёки тўғри йўлни кўрсатади.

Бемаъни кишилар билан узоқ суҳбатдан кўра яхши таъсирли инсонлар билан оз мулоқот яхши. Биз салбий таъсирли кишилардан чекланиб, ижобий таъсирли одамлар билан мулоқотни кенгайтириш орқали, атрофдаги одамларнинг бизга таъсирини яхши томонга ўзгартирган бўламиз.

### **ТАЪСИРНИНГ ЯНГИ ВА ЭНГ ЯХШИ МАНБАЛАРИ**

Позициямизга ижобий таъсир қилувчи ахборот ва янги ғоялар манбаларидан ҳамма фойдаланиши мумкин. Муваффакиятга эришишда зарур бўлган ахборотни турли манбалардан олиш мумкин. Манблар атрофида кўп, фақат уларни излаб топиш керак.

Ҳатто бизга керакли инсон билан шахсан гаплашиш имконимиз бўлмаган тақдир ҳам уларнинг фикр-ўйлари баён этилган турли манбалар бор. Кучли форя ва фикрга эга кишилар ўз ғояларини нафақат ёзма, электрон ахборот тарқатувчиларда ҳам қайд этишади. Улардан ўз олдимизга мақсад қўйиш, ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш, вақтни тақсимлаш, етакчи бўлиш санъати, молиявий ишларни бошқариш, шунинг бошқа соҳалар бўйича қимматли ахборотларни бера олади. Уларни ишга ёки бошқа манзилга кетишда қўл телефони орқали эшитиб, кўриб кетиш мумкин. Улар бизга ўз ғоялари билан бўлишиб, бизга янгича, бунёдкорона фикрлашни ўргата оладилар.

Бундай ахборот манбалари таъсири самарали бўлиши учун уларни мунтазам эшитиб бориш керак. Уларни қайта-қайта тинглаб, илфор, бунёдкор фикрларнинг бизга таъсир қилишига имкон бериш лозим. Қайтаришда гап кўп. Бизга илҳом берадиган, тўғри йўналтирадиган ахборотни топиш бизнинг ёндашувимизга боғлиқ. Биз ўзимиз истаб, такомиллашиш томон интилсак, муваффақият биз билан бўлади.

### ҲАЁТГА МУНОСАБАТ – БУ ЭНГ МУҲИМИ

Ҳаётимиз ўзгариш жараёни ичимизда бошланади. Ҳаммамиизда катта салоҳият бор. Ҳаммамииз ҳаракатларимиздан катта самара кутамиз. Кўпчилигимиз астойдил меҳнат қилиб, муваффақият ва баҳт учун суралган ҳақни тўлашга тайёрмиз.

Ҳар биримиз катта салоҳиятга эгамиз ва уни ўз фойдамиизга фойдалана олишга қодирмиз. Бироқ айнан ҳаётга ёндашув, ҳаётий позициямиз туфайли кимдир буни амалга оширади, кимдир эса йўқ.

Айнан ҳаётга бўлган муносабатимиз келажагимиз қандай бўлишини белгилайди. Орзуларимиз қамрови

ва муаммолар олдида қатъийлигимиз қандай бўлиши шу муносабатга боғлиқ. Ўзимиздан бошқа ҳеч ким бу муносабатни шакллантира олмайди. Кимдир бизга салбий таъсир қилиши, бузғунчи foяларни сингдириши мумкин, бироқ ўзимиз имкон бермагунча хаётга бўлган муносабатимизни бошқара олмайди.

Ҳеч ким бизни ҳафа қила олмайди. Биз ўзимиз бирорларнинг таъсирига берилиб, ҳафа бўламиз. Бошқалар нима қилиши аҳамиятга эга эмас. Танловни ўзимиз қиламиз, бошқалар эмас. Улар шунчаки бизнинг ҳаётга бўлган муносабатимизни синовдан ўтказади. Агар биз ҳаётга қатъий муносабатда бўлмасак, бир жаҳлга минсак, бир ҳасадга берилсак, унда биз синовдан ўта олмадик дегани. Агар ўзимизни лойиқ эмас, деб ҳисоблаб, ўз ўзимизни айбласак, бу ҳолатда ҳам синовдан ўтмаган бўламиз.

Агар ўзимизга бефарқ бўлмасак, туйғуларимиз борасида жавобгарликни ўз қўлимизга олишимиз лозим. Бизни ёлғон йўлларга бошлайдиган туйғулардан ҳимояланишни, бизга ишонч, қатъийлик ва илҳом берадиган туйғуларни кучайтиришни ўрганишимиз лозим.

Ҳаётга бўлган позитив қарашларимизни ҳимоя қилишимиз керак. Бу бизнинг энг қиммат бойлигимиз, бу бизнинг фахримиз ва фазилатимиз. Унга зиён келтириши мумкин бўлган бузғунчи инсонлардан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Ҳаётга нисбатан муносабатни тўғри танлаш муваффақиятга элтувчи асосларнинг бири бўлиб, мустаҳкам шахсий фалсафа билан биргаликда инсоннинг асосини белгилайди. Бу иккиси инсон иродасига, қатъиятлигига, интилувчанлиги ва шиҷоатига таъсир қиласи. Бу икки унсур кейинги бобда ўрганиладиган учинчи унсурга ҳам узвий боғлиқ бўлади.

## УЧИНЧИ БОБ

### ФАОЛИЯТ

Талант (Юнонистон ва Сурияда пул бирлиги) ҳақида эски масал бор. Унга кўра, бир бадавлат киши учхизматкорини йифиб, уларга узок йўлга отланганини маълум қилибди. Сафарга чиқишидан олдин ҳар бир хизматкорига маълум миқдорда талант улашибди. Ўша даврда узок йиллик хизмат ҳақи сифатида талант берилар экан, у катта миқдордаги маблағга teng келар экан. Хўжайн биринчи хизматкорига бешта талант, иккинчисига учта, учинчисига эса битта берибди. У хизматкорларидан бу талантларга қараб туришларини сўраб, уйдан чиқиб кетибди.

Хўжайн сафарга кетганда, биринчи хизматкор бешта талантни бозорга олиб чиқиб, савдога тикибди, уни айлантириб, 10 та талант қилибди. Иккинчи хизматкор ҳам учта талантини фойдали ишга тикиб, уларни бештагача кўпайтирибди. Учинчи хизматкор эса жуда эҳтиёткор экан, унга берилган битта талантни олиб, ерга кўмиб қўйибди. Шу тарзда уни сақламоқчи бўлибди.

Маълум вақт ўтиб хўжайн қайтиб келибди ва учала хизматкорини йифибди. Биринчи хизматкор бешта талантини савдога тиккани, натижада улар 10 та бўлгани ҳақида гапириб берибди ва хўжанини олдига ўнта талантни қўйибди. Иккинчи хизматкор ҳам талантларини тадбиркорлик билан 5 та қилгани сўзлаб, унинг олдига қўйибди. Учинчи хизматкор эса битта талантни сақлаб туриш мақсадида ерга кў-

миб қўйганини сўзлаб берибди. Хўжаин биринчи ва иккинчи хизматкорини мақтаб қўйибди ва талантларни ўзларида қолдиришлари мумкинлигини айтибди. Учинчи хизматкорга эса ўша битта талантни ўнта таланти бор хизматкорга беришга буорибди.

Баъзилар бу масалнинг охири борасида эътиroz билдиришади. Улар ўзи биттагина таланти бўлган хизматкордан олиб, ўнта таланти борга беришни ноҳақлик деб ҳисоблашади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, ҳаёт эктиёжларимизга қараб эмас, хизматимизга кўра насиба улашади. Киссадан ҳисса шуки, ҳаёт сизга қанча талант бермасин, уларни ақл ва билим билан кўпайтиришингиз керак. Шутарзда, чақалар катта маблағга айланади, шу тарзда кичик имкониятлар катта заъфарлар келтиради. Нимагаки эга бўлсак, ундан фойдаланиб, кўпайтириб, ошириб қолишимиз керак.

Эртами ё кечми билим ва тўғри қарашларимизни фаол ишга йўналтирамиз. Масалдан кўриниб турганидай, бошланғич сармоя қанчалик катта бўлса, шунча меҳнатимизга яраша ҳақ оламиз. Мана шунинг учун мустаҳкам шахсий фалсафа ва ҳаётга тўғри муносабат билан ҳаётни ўзгартиришни бошлаш керак. Қанчалик кўп билсак, шунчалик ўзимизни ва ўз имкониятларимизни яхши тушунамиз, шунчалик кўп муваффақиятга эришиш имконияти бўлади.

Билимимизни ошириб боришимиз, ҳаётга позитив муносабатда бўлишимизнинг ўзи етарли эмас. Билганларимиз, англаб етганларимиз - муваффақиятга эришишда салоҳият вазифасини ўтайди. Лекин охир-оқибат қўйилган мақсадга эришамизми ёйўқми, бизнинг фаолиятимизга боғлиқ бўлади.

Биз мукаммал фалсафага эга бўлишимиз мумкин, ўзимизга ва ҳаётга кучли позитив муносабатда бўлишимиз мумкин, бироқ буларнинг ҳаммасини ўзмизнинг фойдамизга ишлашини таъминламасак,

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

охири маълум бўладики, биз олдинга интилиш ўрнига ҳаракатсизлигимизга баҳона излаётган бўламиз. Билим ва қарашларимиз ҳаёт сифатини белгиловчи муҳим омиллардир. Бироқ шуни унутмангки, бу фақат асос, тамал тоши, унинг устига келажак қурилади. Ҳаракатдан баракат дейилганидай, ҳаракат қилмасангиз, позитив қараш ва кучли фалсафа билан уй қурилиб қолмайди.

### НИМА УЧУН КЎПИНЧА БИЗ БИРИНЧИ ҚАВАТДА УШЛАНИБ ҚОЛАМИЗ

Агар ҳақиқатдан ҳам олдинга интилишга кучли хоҳишингиз бўлса, билган ва тушунгандарингизнинг ҳаммасини ҳаётга тадбиқ қилиш учун барча имкониятдан фойдаланиб қолишингиз керак. Ички дунёмиздаги барча қадриятлар ташқи оламда ўз шаклини топиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Акс ҳолда, бизнинг ички қадриятларимиз, истеъдодимиз кераксиз бўлиб қолади.

Нима айрим кишилар муваффақиятга эришади, айримлар қоқилади. Баъзида бу ҳолатда ноҳақликни кўрамиз. Билими кучли, олий маълумотли, ҳаётга тўғри муносабатда бўлган ва сидқи дилдан ҳаётда катта мақсадларга эришишни истайдиган инсонларни биламиз. Улар яхши ота-она, масъулиятли ходим ва содик дўст бўладилар. Бироқ уларнинг билими, қарашлари ва хоҳишиларига қарамай, бирон катта ютуқларга эришмай бир хил ҳаёт кечирадилар. Улар бундай ҳаётга лойик эмас, деб ҳисоблаймиз.

Аксинча, шундай одамлар борки, бизнинг наздимизда, улар лойик бўлгандан кўра анча кўп нарсага эришган. Улар ўқимаган, бошқаларга нисбатан муносабати ҳавас қилгудек эмас, маданиятсиз ва тарбиясиздир. Бироқ улар ҳам мақсадга интилган, ҳа-

ётда күп нарсага эришни қаттиқ истайди. Билими, ижобий жиҳатлари камлигига қарамай бу одамлар күпинча олдинга кетишади.

Нега шундай ноҳақлик содир бұлади – яхши одамлар камга эришади, ёмонлар эса күпга? Нима учун жамиятда гиёхванд сотувчилар, турли жиной гурух аъзолари ҳашаматда яшашади-ю, жон жаҳди билан эл-юрт фойдасига меҳнат қылувчи күплаб инсонлар зўрға кун ўtkазишади. Биз ҳам улардай мақсадга интилган бўлсак, улардай сидқидилдан истасак, боз устига улардан фарқли ҳаётга муносабати ва фалсафамиз кучли бўлса, нега биз эмас, улар катта ютуқларга эришмоқда?

Бу саволга жавоб шуки, улар мақсадга эришиш учун ишлашади, биз эса йўқ. Ўзимизда бор нарсаларни, билганларимизни биз эришмоқчи бўлган мақсад йўлида сарф этмаймиз. Улар эса буни қиласди. Биз ҳаётимизнинг мукаммал режасини тузиш учун кечгача мижона қоқмай ўтирумаймиз, уни такомиллаштириш учун жон куйдирмаймиз. Улар буни қилишади. Биз бугунги кун талаби, саноат ва бозорни ўрганишга интилмаймиз. Улар эса ўрганади. Биз мақсадимизга эришишда бизга ёрдам бериши мумкин бўлган манбаларга эга бўлиш учун, зарур инсонлар билан мулоқот қилиш учун ҳаракат қилмаймиз. Улар эса ҳаракат қиласди, топади. Биз шунчаки келажак ҳакида орзулар билан яшаганда, улар реал нимадир қиласди. Тўғри улар ёмон ишларни ҳам қилишади, бироқ мақсадга интилишда астойдил, бетиним, жону жаҳди билан ҳаракат қиласдилар.

Яхшилил қолдирган бўшлиқни ёмонлик эгаллашга ҳаракат қиласди. Ёмонлик устун чиқиши учун, яхши одамлар ҳеч нима қилиши керак, афсуски, кўпинча яхши одамлар шундай йўл тутишади. Шаштимиз сустлиги, фаол эмаслигимиз, олдинга ҳаракат қилмаслигимиз оқибатида ёмонлик гуллаб, яхши одамлар оғзиларини очиб қолмоқдалар.

Тасаввур қилинг, агар бор имкониятимиз, билимизни ишга солсак, айни вақтда ким бўлишимиздан қатъий назар қандай ҳаётимиз ўзгарган бўларди. Бор имкониятларимизни ишга солиб, оила ва жамият учун қанчалик кўп фойда келтирган бўлардик. Айнан ҳозирдан китоб ўқиши бошласак, хатоларимизни ўнглассак, бизга фойда келтирадиган, илҳом берадиган инсонлар билан мулоқот қилишни йўлга қўйсак, қанчалик катта ўзгаришларга эга бўлардик. Ҳозирнинг ўзида орзуларимизни режага, режаларни эса аниқ ҳаракатга айлантиrsак, орзулар армон бўлиб қолмай, ўз рўёбини топган бўларди. Агар буларнинг ҳаммасини қилганимизда эди, ҳаётимиз ақл бовар қилмайдиган тарзда ўзгарган бўларди. Шунда эзгулик, яхшилик олдинга ҳаракат қилиб, ёмонлик чекинган бўларди. Биз оиласиз билан тўлақонли, илҳомбаҳш, ютуқларга бой саодатли ҳаётни кечирар эдик. Келажакка ҳам реал яхши томонга ўзгарган, баҳтли ва қувончга тўла оламни қолдирган бўлардик. Буларнинг ҳаммасига шунчаки кун санашдан воз кечиб, билим ва истеъодни амалда қўллаб, реал ҳаракат қилиш орқали эришамиз.

### **КЕЛАЖАК СИЙМОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ниагара шаршараси – Ер юзидаги энг гўзал манзаранинг бири. Ҳар соатда бир неча тонна сув бир неча юз метр баландликдан тушиб, кўпирган, жўшиган сувга қўшилади. Инсон ақл-заковати билан юқоридан тушаётган сувнинг қудратли кучидан фойдаланиб, электр энергия олинади.

Бизнинг орзуларимиз худди шу шаршара мисол жўшқин ва кучли бўлиши мумкин. Бироқ биз ҳам уларни бўлиб-бўлиб, реал ҳаётга айлантириши-

миз лозим. Акс ҳолда, улар шунчаки хаёлларимиз-да жўш уриб юради.

Ҳаммамиз бирон ютуқقا эришишни истаймиз. Бироқ эртами ҳечми ҳаракатимиз хоҳишларимиз даражасида фаол бўлиши керак. Ютуқлар ҳақида гапириш бошқа, унга реал эришиш учун ҳаракат қилиш бошқа. Шундай одамлар борки, эришмоқчи бўлган ютуқлари, мақсадлари ҳақида соатлаб гапирадилар, бироқ амалда бирон тайинли иш қилмайди. Улар шу орзуларига сармаст бўлиб, ҳар куни қилиши зарур бўлган ишлари қилинмай қолиб кетаверади.

Холва деган билан оғиз чучук бўлмайди. Бироқ уни орзу қилиш ҳам ёқимли ҳолат. Айнан мана шундай ўз ўзини алдаш оқибатида орзулар армонга айланади, мақсадлар эришилмай қолади, вақт эса ўтган бўлади. Шуниси аниқки, охирги пушаймон ўзинга душман, мақсадга йўналтирилган арзимас ҳар кунги ишлар эса бу душмандан асрайди.

Ҳаракатдан – баракат, агар ҳаракат бўлмаса, билганиларимиз, ҳис қилганиларимиз, орзу-истакларимиз, интилишларимиз ўзимизга эмас, бизга қарши ишлайди.

### ФАОЛИЯТ ДАМ ОЛИШДАН ЯХШИ

Агар бир лойиҳада ишлашни бошласак, унга қанча кучимизни сарфлашимиз, қанча вақтимизни кетказишимиз керак?

Фаолиятимиз, ишимизга нисбатан тўғри муносабатимиз ва қарашларимиз ҳаётимиз сифатига таъсир қиласди. Иш билан дам олишни мувофиқ олиб боришимиз маълум иш этикасини белгилайди. Иш этикаси – бу келажагимиз учун сарф қилишга тайёр бўлган иш-мехнат миқдори бўлиб, унга натижা қанчалик катта ёки чекланган бўлиши боғлиқ бўлади.

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

Фаолият ҳар доим дам олишдан яхши. Ҳар сафар қўлимиздан келгандан кўра камроқни амалга оширганимизда, бу фикрлашдаги хатолик ўзимизга бўлган ишончга салбий таъсир қиласди. Агар ҳар куни шу хотони такрорласак, маълум вақт ўтганидан сўнг, қилишимиз мумкин бўлгандан анча камни амалга оширганимиз, эришишимиз мумкин бўлгандан камга эришганимизни кўрамиз. Бу хатолик йиғилиб, ўнгланиши қийин салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бахтимизга, бу жараённи осонлик билан тўхташиб мумкин. Исталган вақтда ўзимиз учун янги қоида ишлаб чиқиб, унга амал қилишга қарор қилишимиз мумкин. Ҳар сафар иш-мехнат, фаол ҳаракат ўрнига ҳаракатсизликни, дам олишни танласак, ўша вақтда ўзимизга бўлган ишонч ва ҳурмат тушиб боради. Охир оқибат ўзимизни қандай ҳис қилишимиз исталган фаолиятнинг ҳақиқий мукофотидир. Иш фаолиятидан оладиган ҳақдан кўра, бу фаолият жараёнида ким бўлганимиз, ҳаётимизни бойитища нимага эришганларимиздир. Айнан фаоллик орзулаrimизни рўёбга чиқаради, ғояларимизнинг реалликка айланиши эса бизнинг ҳақиқий баҳомизни беради, бизга берилган бошқа барча баҳолар асоссиздир.

Ҳар ким ўз баҳосига эга, ҳамманинг ўз ташвиши ва қийинчилиги бор. Бироқ истиқболли келажак аниқ-равшан бўлса, одам кўзига йўлдаги мاشаққатлар кўринмайди. Биз қанчалик мақсадимизни аниқ кўра олсак, орзулар рўёбини кўз олдимизга келтира олсак, унга эришишда нафақат биз сарфлаган куч ва билим, балки илҳом ҳам катта роль ўйнайди.

## **МЕҲНАТ ВА ҲОРДИҚНИНГ ЎЗАРО МУВОФИҚЛИГИ**

Ҳаётимиз фақат меҳнатдан иборат бўлиши мумкин эмас. Кучимизни тиклаш учун етарлича вақт ажра-

тишимиз зарур. Асосий вазифамиз – меҳнат билан ҳордиқнинг мувофиқ нисбатини топишимиз лозим.

Инжилга кўра, инсон олти кун ишлаб, бир кун дам олиши керак. Кимлар учундир бу қийиндай туюлиши мумкин. Бироқ бугунги кунда ҳозир кўп жойда жорий этилган беш кун иш ва икки кун дам олиш ҳам баъзиларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Улар тўрт кун ишлаб, уч кун дам олишни ёки аксинчани таклиф қилишмоқда.

Ҳар ким ўзи учун иш билан ҳордик ўртасида ўзаро мувофиқликни белгилаб олиши керак. Лекин шуни унутмаслик керакки, иш вақти қисқариши билан унга мукофот ҳам камаяди. Агар узоқ дам олиб юборсак, далани бегона ўт эгаллаши мумкин. Биз дам олишни бошлаган чоғда амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз секин ортга қараб кета бошлайди. Шунинг учун дам олиш бизнинг асосий мақсадимиз эмас, балки эҳтиёжимиз бўлиши керак. Фақатгина кучни тиклаш, кейинги шижаатли меҳнат суръатига тайёргарлик кўриб олиш учун дам олиш керак.

## **МАҚСАДГА ЭРИШИШДА ҚИСҚАРОК ЙЎЛНИ АХТАРИШ ХАВФИ**

Айрим позитив фикрлаш тарафдорлари фаолиятдан кўра, ижобий фикрлаш муҳим деб ҳисоблашади. Улар ҳар куни аниқ ишларга қўл уриш ўрнига “Кундан кун мен ҳар тарафлама яхшироқ бўлиб боряпман” каби шиорларни ичимизда қайтариб юришни уқтиришади.

Шуни унутмаслик керакки, тартиб-интизом – ривожланишнинг талаби ва тартиб-интизомсиз позитив қайдлар алданишнинг бошланишидир.

Позитив шиорларнинг асло ёмон томони йўқ, бир шарт биланки, икки асосий қоидани унутмаслиги-

миз керак. Бириңчиси шуки, позитив қайдлар фалолият, ҳаракат ўрнини боса олмайди. Яхшироқ тушиуниш – яхшироқ қилиш деганидир. Иккинчидан, биз ичимизда қайд этиб юрадиган барча ижобий фикрлар рост бўлиши керак.

Агар айни вақтда инқирозга учраган бўлсак, “мен инқирозга учрадим” деб такрорлаш тўғри бўлади. Бу бизни айнан муаммо хусусида ўйлашга мажбур қилган бўларди. Шундан сўнг нима қилиш зарур бўлса, ўшани қилган бўлардик.

Касал одам “Мен соппа соғман”, “Менда касаллик йўқ” деб ичида такрорлаб юриши, кайфиятини кўтариши мумкин. Бироқ бундан ўзига нима фойда, ахир касалликни даволаш учун аниқ чоралар кўриш керак. Бор ҳақиқатни тан олган ва англаған инсонгина зарур чораларни амалга оширади.

Реал вазиятни тан олиш – бу энг яхши бошланышидир. Реал вазиятни тан олганимиздан сўнггина ҳақиқий имкониятларимиз намоён бўлади, ўз кучимизга ишонч пайдо бўлади. Биз муаммони тан олиб, унга тик қараганимиз, у биздан чекинишни бошлайди. Акс ҳолда атрофимизда ўралашиб юраверади.

Эртами ё кечми биз давлатимизни, банкларни, турли ташкилотларни, қўшниларни, юқори нархларни, касбларимизни, ўтмишимизни, ота-онамизни, транспорт ёки об-ҳавони эришолмай қолган баҳти-миз учун айблашни бас қиласиз.

Ким эканлигимиз ва қаерда эканлигимиз, ҳар кунги билинмас хатоларимиз катта салбий оқибатларга олиб келгани ва ҳамма нарса ўзимиздан эканлигини англаған чоғимизда, билингки, биз учун янги давр бошланади, биз қашшоқликдан бойлик томон йўл олган бўласиз.

## ЎЗГАРИШ ТАНЛОВДАН БОШЛАНАДИ

Истаган вақтимизда буларнинг ҳаммасини ўзгартиришимиз мумкин. Истаган вақтимизда бизга янги ахборотларни берадиган китобни олиб ўқишимиз мумкин. Истаган вақтимизда янги фаолият бошлашимиз мумкин. Истаган вақтимизда ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин. Буни бирдан қилишимиз мумкин, буни кейинги ҳафта, кейинги ой, кейинги йил қилишимиз мумкин.

Шунингдек, ҳеч нима қилмаслигимиз мумкин. Қилиш ўрнига ўзимизни турли ҳолатларга солишимиз мумкин. Ўзимизни ўзгартириш ғояси бизга ғалати туюлса, уни шундайлигича қолдиришимиз мумкин. Биз иш ўрнига ҳордикни, ўқиш ўрнига кўнгилхушликни, ҳақиқат ўрнига саробни ва ўзимизга ишонч ўрнига шубҳаланишни танлашимиз мумкин. Биз оқибатдан норози бўлиб қарғанимиз сари, унинг сабабини қўллаб-қувватланган бўламиз. Шекспир айтганидай “Айб юлдузларда эмас, айб ўзимизда”.

Биз ўтмишдаги қарорларимиз орқали бугунги вазиятни келтириб чиқардик. Бугунги кундан бошлаб энг яхши танловни қилиш учун имкониятимиз ҳам, қобилиятимиз ҳам бор. Яхшироқ ҳаётни излаган одамлар учун яхши натижаларга эришишда узоқ ўйлашнинг кераги йўқ. Бу одамларга ҳақиқат керак. Уларга бутун ҳақиқат керак. Уларга ҳақиқатдан бошқа ҳеч нима керак эмас.

Биз ҳар куни такрорланадиган хатоларимизга бизни ёлғон йўлдан юргизишларига чек қўйишимиз керак. Бизнинг ҳаётимизни тўғри йўлга йўналтирадиган асосларга қайтишимиз зарур. Фаол ҳа-

ракат – эътибордан четда қолиши мумкин бўлмаган асослардан биридир.

## **ПУХТА ЎЙЛАНГАН ФАОЛИЯТНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

Бахт ва омад излаган одамларнинг кўпи бу йўлда астойдил меҳнат қилишни бошлаган, бироқ уларнинг олдинга қадам ташлаганликлари кўзга кўринмайди. Муаммо шундаки, керакли натижага эришиш учун фаолиятимизга жадаллик, шижаотни қўшиш билан бирга ақлни ҳам ишлатишимиш керак. Ўйлаб қилинмаган, ақл билан ёндашилмаган иш оқибати ноль бўлиши мумкин. Бироқ бирон ишда узок йўлаш ҳам яхши эмас. Ўйчи йийга етгунча, таваккалчи тўйига етади. Ҳаммаси меъёрда бўлиши керак.

Шунчаки ҳаракат қилишни прогресс деб қабул қилиш осон. Бунда одам алданиб қолиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун барча ҳаракатларни йўлаб режалаштириш, астойдил тайёрланиш ва кетма-кет бажариш керак.

## **ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ КЕРАК**

Энди биз эртанги кунимизни режалаштириш кераклигини англаб етган одамлармиз. Биз шунчаки орзу қилишдан воз кечиб, келажакни лойиҳалаштиришимиз лозим. Агар ақлимизни бу режаларни тузишда ишлатсак, унда биз истаган келажак амалга ошишига муваффакиятни киритган бўламиз.

Муваффакият томон олиб борадиган йўлими катта боғдаги сайрга ўхшамаслиги керак. Биз аниқ маҳсус мақсадни танлашимиз зарур. Шунингдек, бу йўлда учраши мумкин бўлган хавф ва тўсиқлар-

ни олдиндан күра олишимиз, улар пайдо бўлганда қандай чора кўришга тайёр бўлишимиз керак.

Аниқ шакллантирилган мақсад – исталган ҳаётий режанинг асосий талабларидан биридир. Бу мақсад қоғозда қайд этилган бўлиб, унда узоқ ва қисқа муддатли вазифалар қайд этилиши лозим. Қисқа муддатли вазифалар катта мақсад йўлида бизнинг четга чиқишимиздан сақлайди, биргаликда узоқ муддатли вазифалар бажарилишига олиб келади.

Узоқ муддатли мақсадлар амалга ошиши бизнинг тўғри йўлда эканлигимиздан дарак беради ва уларни нишонлашимиз учун сабаб бўла олади.

Бироқ режа тузиш ва мақсад қўйишнинг энг муҳим қисми шундаки, биз кўз олдимизга энг олий мақсадимизни кўра олишимиз зарур. Айнан шу бизга йўлчи чироқ бўлиб хизмат қиласди, олдинга ҳеч нимага қарамай интилишимизда илҳом ва раҳбат беради.

Бош мақсад – бизни келажак томон тортувчи кўринмас кучдир. Ҳар кунги фаолиятимиз ва тартиб-интизомимиз орқали муваффақият тўмон қадамларимизни тезлаштирамиз. Бироқ келажакда мақсадимизга эришимиз ҳақидаги орзу бизга илҳом беради, бизни жўшқинлантиради, куч ато қиласди. Агар биз кучли хоҳиш билан хатоликларимизни ўнгласак, мақсад йўлида қийинчиллик ва тўсиқларни енгсак, ичимида албатта муваффақиятга эришимиз ҳақида овоз пайдо бўлади. Агар бу овозга кулоқ солсак, унда мақсад томон интилишимиз янада кучаяди, янада ҳаракатимизга шижоат қўшилади, келажак эса борган сари ойдинлашиб бораверади.

## ЯХШИ РЕЖА – БУ ОДДИЙ РЕЖА

Бизнинг орзу қилган келажагимиз аниқ қўйилган мақсад ва оддий режадан бошланади. Режани

турли мураккабликлар билан тўлдириб ташлаш керак эмас. Кўплаб жавобларни излаш учун кўп вақт керак. Ҳар бир майда нарсани режалаштириб бўлмайди, олдиндан ҳар бир тўсиқни билиб бўлмайди.

Бошқаларнинг фикри режамиз тузилишига салбий таъсир қилишига йўл қўймаслигимиз керак. Бошқаларда биз нима қилишимиз зарурлиги борасида турлича фикрлар бўлиши мумкин, бироқ ўз режамизни ўзимиз тузишимиш керак. Тўғри, қимматли маслаҳатларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак, бироқ ўзимиздан бошқа ҳеч ким мақсадимизни аниқ кўра олмайди, бизчалик тўғри режа туза олмайди.

### ФАОЛИЯТИМИЗ ТАРТИБ-ИНТИЗОМГА ТУШИРИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК

Мазкур китобда тартиб-интизом сўзи кўп марта ишлатилгани бежиз эмас. Ҳаётнинг салбий жиҳатлари аста режаларимиз, орзуларимиз устидан назоратни ўз қўлига олиб қўйиш одати бор. Шубҳаланиш бўлганда ишонч йўқолади, оптимизм чекинади. Оддий режа мураккаблашиб кетиши мумкин, мардлик кўрқоқликка жой бўшатиши, ишонч эса хавотирга енгилиши мумкин.

Фақатгина доимо тартиб-интизомга риоя қилсаккина, ҳаётнинг бу салбий жиҳатларига қарши тура оламиш ва режаларимизни бузилишига йўл қўймаймиз. Маълум вақт ўтиб, озроқ ютуқларга эришганимиздан сўнг, биз бепарво бўлиб қолишимиз мумкин. Мана шунинг учун ҳам ҳаётини яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлганлар доимо тартиб-интизомга нисбатан хурмат ҳиссини уйғотиб туришлари ва айнан шу йўл билан орзу қилинган мақсад эришишини англаб етишлари лозим.

Буни ҳар ким бажара олиши мумкинлиги – яхши. Тартиб-интизомни маҳкам ушлаган одам жуда катта ишларга қодир бўлади. Бу орқали янги фалсафа барпо этилади, ҳаётга тўғри муносабат шаклланади ва интенсив фаолият янги даражага чиқади.

Ҳар кун битта-битта қадам ташлаб, бир бобдан китоб ўқиб, биттадан янги қоидани жорий қилиб, янги ҳаёт томон борамиз. Шу бугунимиз янги ҳаётнинг бошланиши бўлиши мумкин. Ҳар ким буни қила олади.

Биз буни яхши режа тузиб амалга ошира оламиз. Биз буни янги мақсадлар қўйиш орқали қиласмиз. Биз буни ҳар куни арзимас ишларни бажариш орқали қиласмиз. Шуни унутмаслик керакки, орзуларимизнинг рўёбини таъминлайдиган тартиб-интизом қоидаларини бажариш осон бўлгани билан бажармаслик ҳам осон эмас.

### ТАРТИБ-ИНТИЗОМГА СОЛИНГАН ФАОЛИЯТ БОШЛАНИШ НУҚТАСИ

Қуйида янги тартиб-интизом қоидаларини ишлаб чиқишининг энг яхши усули берилган: ҳар биримизни “Мен қилишим керак эди” деган мазмунда қўплаб хаёллар тинчлик бермайди.

“Бу ҳафтада мақола ёзишим керак эди”.

“Мен аллақачон унга яхши кўришимни айтишим керак эди”.

“Ўтган ой кредиторга қўнгироқ қилиб, бор гапни айтишим керак эди”.

“Бир неча йил аввал жисмоний тарбия билан шугулланишни бошлашим керак эди”.

Исталган куни тартиб-интизомга риоя қилишни бошлаб, бундан ҳаётимиз қанчалик ўзгариб бораётганини кўриб хурсанд бўламиз. Бу хурсандчилик эса орзу қилинган келажакнинг бошланишидир.

Ҳар кунимизга жорий этиладиган кичик-кичик қоидалар муваффақият томон пиллапоянинг вазифасини ўтайди. Бу мўъжизавий зина бизни қоронгулик, ноаниқлиқдан, гўзал ҳаётга, орзулар рўёбига олиб чиқади. Юқорига кўтарилиганингиз сари ҳаётдан нолийдиган, ўз бахтсизликларида бошқаларни айблайдиган, омадсиз ва адашган инсонлар пастда қолиб кетаверади.

Бу зинани қуриш осон, қурмаслик ҳам осон.

Энг кичик қоидалар ҳам ҳар куни бажарилиши натижасида бизнинг ҳаётимизни бутунлай ўзгартиришга қодир жараёнларни бошлаб бериши мумкин.

Катта муваффақиятлар кичик қоидаларни ўзлаштиришдан бошланади. Ҳаёт бизга тортиқ этаётган бу имкониятлардан воз кечишимиз керак эмас, уларнинг натижаси биз кутгандан бир неча марта катта бўлиши мумкин. Хат ёзиш, гараж тозалаш ёки тўловларни тўлашда ишлатган ақлий, ҳиссий ва фалсафий кучимиз фирма ёки департаментни бошқаришга ҳам етади. Бир доно пайғамбар айтганидай, “Хайрли ишларда чарчамант, бир кун мевасини оласиз, агар кучсизланиб қолмасангиз”.

Биз ўзимизни ўзимиз бошқаришни ўргана олмасак, шаҳарни ё мамлакатни бошқара олмаймиз.

Биз одатларимизни ташкил эта олмай, келажагимизни қура олмаймиз.

Биз ақлий фаолиятимиз даражасини оширмасдан туриб, мукофотларимизни ошира олмаймиз.

Муваффақиятга йўл ичимиизда янги қоидаларни ишлаб чиқиш орқали бошланади. Айнан шундан муваффақият бошланади, биз ҳаётимизнинг майда деталларини ўзлаштира бошлаймиз. Ҳаётдаги барча юксак ютуқларга ҳар ким эриши мумкин, бунинг учун ўз ўзини тартиб-интизомга солиб, биронта қоидани эътибордан четда қолдирмасли-

ги лозим. Бирон қоидани бўш қўймаслигимиз керак: “Битта шунда ўзимга эркинлик берсам нима қилибди?”, “Бир кун шуни бажармасам нима қила-ди? Ҳеч қанақа ўзгариш бўлмайди-ку” деган хато фикрлашга йўл қўйманг, шу фикр миянгизни эгал-лаб, сизнинг фаолиятингизга таъсир қилдими, билингки сиз ортга қараб кетдингиз.

Энг жиддий муаммо – бу фаолиятимизни тартиб-инзомга солишидир. Биз мунтазам маълум миқдорда билим олишимиз учун ўз устимизда ишлashingизни тартиб келтиришимиз керак.

Астойдиллик билан шакллантирган ҳаётий муносабатимизни турли омиллар емиришидан сақлашимиз учун ҳам ўзимизни тартиб-интизомга солишимиз лозим. Биз орзуларимизни режага, режаларни мақсадга, мақсадларни эса ҳар куни бажариладиган ишларга айлантиришимиз учун ҳам тартиб-интизом керак.

Ва ниҳоят, тасаввур қила олиш қобилиятимиздан ҳам фойдаланиб қолишимиз керак. Шуни унтурмаслигимиз керакки, қўлимиздан келганни амалга ошиrimiz учун аввал қўлимиздан келмаганини ўзимиздан талаб қилишимиз керак. “Бургутни мўлжал қилиб, ерга отгандан кўра, ойни мўлжалга олиб, бургутни уриб туширган яхши” деган экан бир тажрибали жангчи.

Режалаштириш, тасаввур қилиш ва интенсив ишлаш ҳаётимиз сифатини кескин ўзgartириши мумкин бўлган кучлардир.

Фаолият – ҳаёт мўъжизасининг асосий ўзагидир. Фаолият бор эканки, фалсафамиз, ҳаётга муносабатимиз, ижобий фикрлашимиздан фойда бор, уларда маъно бор. Ақлан ёндашилган, режалаштирилган, жадал суръатли ва босқичма босқич амалга ошадиган фаолият бизни янги энергия билан тўлди-риб, орзу қилган келажагимиз томон олиб боради.

## ТҮРТИНЧИ БОБ НАТИЖАЛАР

Иш ёки шахсий ҳаётдаги исталган фаолият ўз вақтида ва керакли вақт мойнида бажарилса, кутилган натижани беради. Зарур вақтни танлаш самарадорликни оширади, фаолиятдан мақсад эса натижадир.

Натижалар – олдин қылган ишларимиз мевасидир. Агар фермер баҳорда бир ҳовучгина уруғ қадаған бўлса, унда у катта ҳосил олишга умид қилмайди. Худди шунингдек, инсон ҳам ўтмишда кам ҳаракат қылган бўлса, унда бугунги кунда катта натижаларга эришишни орзу қиласлиги керак.

Натижалар ҳар доим сарфланган ҳаракатга тўғри пропорционалдир. Қанча эҳтиёж ва қанча хоҳиш бўлмасин, кам эккан кам ҳосил олади. Натижалар – ўз вақтида имкониятлардан фойдаланиб қолгандар учун мукофотдир. Агар бу имкониятлар қўлдан бой берилган бўлса, унда мукофот ҳам йўқ.

Баҳорнинг имконият даври қисқа. Бу давр яқинлашади, бошланади ва тезда ўтиб кетади. У кутмайди ва атрофга аланглаб қарамайди ҳам. Имконият шунчаки ўзини намоён қиласди, ким уни тезда билib, фойдаланиб қолса, ўшани натижа кутади.

Нимаики қилмайлик, уларни натижалар баҳолайди. Дехқон уруғ қадаш олдидан ерга ишлов берганидай, биз ҳам шахсий фалсафамизни мустаҳкамлаш билан тайёргарлик кўришимиз керак. Дехқон фойдалани бегона ўтлардан тозалайди, уруғнинг униб чиқиши учун барча чораларни кўради. Худди шу

тарзда биз ҳам янги ҳаётый позициямизни ишлаб чиқишимиз лозим. Дехқон куну тун ерга меҳр бериб ишлайди, биз ҳам жон-жаҳдимиз билан иши-мизга –фаолиятимизга киришимиз лозим.

Агар олдинги ҳаракатларимиз ёмон ҳосил берса, биз бунда ҳеч нима қила олмаймиз. Биз ўтмишни ўзгартира олмаймиз. Табиат бизни оч қолдирмаслик учун атайлаб ҳосилни кўпайтириб бермайди. Ягона қилишимиз мумкин бўлган нарса бу кейинги баҳорга тайёргарлик кўришдир. Яъни кейинги имкониятни кутиб, унга тайёрланиш, уни бой бермаслик чораларини кўриш. Бироқ ўтмиш хотиралари бизни эзib қўймаслиги керак. Улар бизга дарс бўлиши керак.

Умримиз давомида кўплаб баҳорларни бошдан ўтказамиз, қайта-қайта ҳосил йигамиз. Келажақдаги баҳтимиз албатта битта имкониятга боғлиқ эмас. Кўплаб имкониятлар ё унумли фойдаланиши ёки кўлдан бой берилишига яраша натижаларга эришамиз. Бизнинг баҳтимиз олдинги фаолиятимизнинг йифиндиси. Шунинг учун ҳам натижаларни ўрганиш муҳим. Мунтазам натижаларни текшириб туриш қанчалик имкониятларимиздан фойдалана олаётганимизни кўрсатади. Жорий натижалар келажақда қанча муваффакиятга эришамиз, тўғри йўлда кетаётганимизни кўрсатади. Агар бутунги натижаларимиз қониқарли бўлса, унда йиғиб оладиган ҳосилимиз ҳам кўнгилдагидек бўлади. Агар жорий натижаларимиз биз истаганчалик бўлмаса, унда бизни нотўғри йўлга бошлаган ё ундаган омилларни қайта кўриб чиқишимиз лозим.

## НАТИЖАЛАРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ЎЛЧАЙМИЗ

Ўтмишдаги ҳаракатларимиз натижаларини ўл-чашнинг бир неча усуллари мавжуд. Биринчи усул

шундан иборатки, бугунги кунда нимага эга экан-лигимизни кўриб чиқишимиз лозим. Уй, автомобиль, банкдаги ҳисоб, қимматбаҳо буюмлар, катта маблағ ва бошқа моддий бойликлар ҳозирги моддий ривожланиш даражамизни кўрсатади.

Моддий ривожланиш даражаси бу эришган муваффакиятимизнинг бир соҳаси холос. Мен моддий бойлик асосий эришган ютуғимиз деган фикри бермоқчи эмасман, шуни эътиборга олинг. Моддий бойлик билан бирга – хурсандчилик, баҳт, саломатлик, муҳаббат, оила, ҳаётий тажриба, дўстлик, таниш орттириш, касб-хунар ёки таълим каби қадриятлар борки, уларнинг баҳоси йўқ. Бироқ моддий бойлик ўтмишда қанча ҳаракат қилганимизни кўрсатувчи кўрсаткич вазифасини ўтайди.

Агар айни вақти етарлича маблағ ва моддий бойликка эга бўлсак, демак, маълум вақтдан сўнг, “мoliaвий мустақиллик”ка эришимиз мумкин. Эришган ютуқларимиз охирги ўн, йигирма, ўттиз йил давомидаги ҳаракатларимиз натижасида керакли даражада кўп бўлмаса, унда ниманидир ўзгартириш керак. Балки бугунги фаолият даражамизни кўтаришимиз керак бўлади. Балки билимимизни ёки маҳоратимизни ошириш керакдир. Балки пулга нисбатан шахсий фалсафамизни ёки сарф-ҳаражатларимизни ўзгартиришимиз керак бўлади.

Агар бугун ҳаётда эришган натижалардан қоник-маётган бўлсангиз, унда келажакни ўзгартирадиган вақт келганини англатади. Агар ҳозир ўзимизни ўзгартирмасак, унда эртага шулигимизча қоламиз, натижалар ҳам қониқарсиз бўлади.

Агар ҳосил бизни қониқтирмаётган бўлса, унда ургуни, ерни, ўғитни, балки дехқоннинг ўзини ҳам ўзгартиришимиз керак. Балки дехқон эскича усулда ишлайтгандир, ҳосилни кўпайтириш учун бор

имкониятларни кўрмаётгандир. Дехқон кам ҳосил олаётганидан нолишни бир чеккага қўйиб, қасерда хато қилаётганини ўйлаб кўриши керак, қайси имкониятлардан фойдалана олмади, ҳосил куттилган даражада бўлиши учун қандай чораларни амалга оширмади.

Хозир йиғиб олганимиз ўтмишдаги саъи-ҳаракатларимиз ва фикрлашларимиз натижасидир. Биз донолик ёки нодонликни ҳам йиғиб борамиз, келажак эса шунга қараб мукофот беради. Биз ўз вақтимизни режалаштириш, ишлаш, баҳолаш, сармоя қилиш, бўлишиш, олдинги фаолиятларимизни такомиллаштириш ва билим захирасини ошириш учун сарфлашимиз зарур. Бу шундай уруғларки, улар униб чиқиб, ўсган сари бизнинг ҳаётимиз сифати ошиб боради.

Натижаларимизнинг ўлчашнинг яна бир усули – биз ким бўлганимиздир. Ҳаётимизга қандай одамларни жалб қилдик? Ҳамкасларимиз ва кўшниларимиз бизни ҳурмат қилишадими? Ўз шахсий фикримизни ҳурмат қиласизми? Бошқаларнинг нуқтаи назарини тушунишга уринамизми? Болаларимиз бизга қулоқ соладими? Ота-онамиз, турмуш ўртоғимиз ва дўстларимизга самимий муносабатда бўла оламизми? Ўз доирамиздаги кишилар орасида ўз ўрнимизга эгамизми? Ўзимиздан мамнунмизми?

Хозир кимлигимиз ўтмишдаги ҳаётий синовлар ва уларни қанчалик уddyалай олганимиз натижасидир. Ким эканлигимиз ўтган давр мобайнида ўзимиз учун билиб ва билмай қилган яхши ва ёмон ишларимиз натижасидир. Ким эканлигимиздан кўнглимиз тўлмаётган бўлса, унда ўзимизни ўзгартиришимиз керак. Вазиятни ўзгартириш учун ўзимизни ўзгартиришимиз даркор – бу ҳаётий асосларнинг бири.

## КИМ БҮЛИШИМИЗГА ҚАРАБ МУВАФФАҚИЯТНИ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ

Ёрқин келажакни режалаштирганда, биз ҳозирги кундан яхшироқ шахс бўлишимизга эътибор қаратишимиз керак. Агар бугунги натижалардан қониқмасак, демак ўзимизни ўзгартиришдан ишни бошлаш керак.

Хаётда нимагаки эга бўлмайлик – моддий ва номоддий бойликлар барчаси биз ким эканлигимизни белгилайди. Яхши ҳаётга эришиш борасида саволга жавоб шуки, биз каттароқ нарсаларга эга бўлишимиз учун ҳозиргидан кўра каттароқ одам бўлишимиз керак.

Агар эртага боримиздан айрилсак, буни тез орада ўрнини қоплашимиз мумкин. Нима учун? Чunksи буларнинг ҳаммасини бугунда ким эканлигимиз на-тижасида топганмиз. Бойлигимиз йўқолгани билан биз ўша-ўша бўлиб қоламиз, билимимиз, дунёқара-шимиз, шахсий тажрибамиз, ҳунаримиз ва бошқалар яна ўша бойликка эришимизга олиб келади.

Бу асосий принципларнинг бири бўлиб, у бизда илҳомланиш билан бирга хавотирланиши ҳам уйғотиши мумкин. Биз исталган вақтда ўзимизни ўзгартириб, бу орқали ҳаётимизни яхши томонга ўзгартира олишимиз мумкинлигидан илҳом оламиз. Хавотирланиш эса керакли ўзгаришларни амалга ошира олмасак, хатоларни қоидаларга алмашти-масак, орзуларни режага солмасак, фаол ҳаракат қилмасак, келажакда ҳам шу ҳолимизча қолиб кетишимиз мумкинлигидан қўрқишимиз билан боғлик.

Кўпроқ қилиш – бу жавобнинг бир қисми. Тўлиқ жавоб шуки, биз каттароқ инсон бўлишимиз керак,

бизнинг кенгайган салоҳиятимиз ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли бўлиб, барча фаолиятимизга бориб тақалади. Ўзимиз ўсмасак, ҳосилни ўстира олмаймиз. Бу ҳаётнинг асосларидан бири.

## **МУВАФФАҚИЯТ ОРТИДАН ҚУВМАНГ, УНИ ЖАЛБ ҚИЛИНГ**

Шахс қадри – бу ҳаётга энг яхши нарсаларни жалб қилувчи магнитдир. Қанча шахс қадри баланд бўлса, шунча унга катта мукофот ажратилади. Кўпроққа эришиш учун каттароқ инсон бўлишимиз даркор экан, унда мунтазам равишда ўз қадримизни ошириш борасида бош қотиришимиз керак. Ўз ўзимизни назорат қилиш, тартибга солиш, сабр қилиш, режалаштириш, ҳаракатни жадаллаштириш, ҳаётга тўғри муносабатни шакллантириш, билим тўплаш, китоб ўқиши, режа тузиш ва уни босқича босқич амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси бизнинг қадримизни оширишга хизмат қилувчи йўллардир.

Моддий қимматдан кўра шахс қадрини оширишга ҳаракат қилишимиз керак. Мақсад ўз устимиизда кўпроқ ишлашимиз лозим. Агар биз шахсий фалсафа, ҳаётга муносабат ва фаолиятимизга етарлича эътибор қила олсак, ҳозиргидан кўра кўпроқ яхши нарсаларни жалб қила оламиз.

## **НИСБАТАН КЎПРОҚ КАМОЛ ТОПГАН ШАХС КЎПРОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ**

Аввал кимдир бўламиз, кейин жалб қиласиз. Аввал шахс сифатида ўсамиз, кейин моддий жиҳатдан муваффакиятларга эришамиз. Бироқ афсу-

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

ски, күпчилик буни аксинча тартибда бўлади деб ўйлайди. Улар “Агар пулим кўпроқ бўлганида эди, мен яхшироқ инсон бўлардим” деб ўйлашади. Бироқ ҳаёт бошқача тузилган. Кўпроққа эришганимиз билан ўзимиз каттароқ бўлиб қолмаймиз. Биз шунчаки ким бўлган бўлсак, ўшани кучайтирган бўламиз. Кичик маошидан бир неча тангани тежаб қолмаган одам эртага катта маблағни ҳам иқтисод қила олмайди. Ҳар ҳафта бир неча тангани жамғарив қолишни уddaлаган одам бир кун ўзига катта ҳисоблар очиб, йирик сармояни бошқарадиган бўлади.

Ўз устимизда ишлашга қарор қилганимиз, бу ҳақида гапирганимиз, ўзимизга ваъда берганимиз билан ҳеч нима ўзгармайди. Ўзгармоқчимизми, буни амалда қилиш керак. Агар қилмасак, ўзимизга бўлган хурмат пасаяди, одамларнинг бизга ишончи ҳам сўниб боради.

Бажарилмаган ваъдалар, қилинмаган ишлар учун пушаймонлик аччик бўлади, ўшанда ўзимизни қанча койимайлик, энди кеч бўлади.

Биз китоб ўқиймизми, режа тузамизми, вақтдан унумли фойдаланамизми, ўрганганларимизни ҳаётга тадбиқ қиласизми, маҳоратимизни оширамизми, ўкув курсларига борамизми ва муваффақият учун имкониятларимизни оширамизми? Буларнинг ҳаммасини қиласизми ёки вақт бармоқларимиз орасидан худди қумдай тўкилиб кетишига анқайиб яшайверамизми? Албатта йўқ.

## КЕЛАЖАК МУКОФОТИ БИЗНИ КУТАДИ

Қачонлардир орзу қилганимиздай, кейин ҳам орзу қилиб юрамиз. Олдин қандай ишониб яшаган

бұлсак, шундай ишонишда давом этишимиз мүмкін. Хозир қанақа вазиятда бўлманг, сиз буларнинг ҳаммасини ўзгартира оласиз.

Муваффақиятга йўл – бу минглаб зиналардан иборат бўлиб, у битта китоб ўқиши ёки ўз ўзига ваъда бериш ҳамда уни амалга оширишдан бошланади. Бу йўл ичимизда мудраб ётган руҳимизни уйғотади, у эса барча орзуларимизни жўш урдириб юборади.

Исталган вақт ўрнимиздан туриб, биринчи қадами ташлашимиз мумкин ва бу қадам орзуимиздаги келажак томон ташланган бўлади. Тўғри, битта қадам билан иш битмайди, бироқ ўша қадам кейинги қадамларга сабаб бўлади.

### МАҲОРАТНИ ОШИРИШ АҲАМИЯТИ

Қилаётган ишимиш сифатини ошириш учун маҳорат ва хунарни ривожлантиришимиз керак. Одам бир дараҳтни болға билан бир ой давомида чопиши мумкин. Бироқ болта билан ишлашни ўрганса, бир соатга қолмай дараҳтни қулатади.

Олган билимимиз маҳоратимизни оширса, ҳаётимиз ва ишимиш сифати ошади, меҳнат енгиллашади, мақсад томон йўл яқинлашади. Маҳорат – бу бор қобилиятимизни, хунаримизни, кўникмаларимизни такомиллаштириш, янги билимларни ортириш, фаолиятимизга янгиликлар киритишdir. Бу қизиқувчанлик, изланувчанлик туфайли қилинадиган изланишлар натижасидир. Бу ижод ва тасаввур натижаси, бу янги усулларни моҳирона амалга киритишdir. Астойдил изланиш ва жиддий кузатувдан сўнг қандай ишларни амалга ошириш лозимлигини англаб этишdir.

Маҳорат – бу олдинга қўйилган вазифаларни тўлиқ тушуниб этишdir. Маҳорат – бу ўз иши, ўз ху-

## **МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ**

нари устаси дегани. Маҳорат – бу ўрганиш жараёнидир. Маҳорат – бу катта тажриба ва тинмай янада яхшироқ ишлашга интилишдир.

Ким баҳт ва муваффақиятга эришмоқчи бўлса, тинмай ўз устида ишлаб, изланиб, янги билим ва кўникмалар ортириб, уларни амалда қўллаб, бекиёс маҳорат эгасига айланиши керак.

## **НАТИЖАЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ ҚАДАМ**

Қанчалик натижани яхшилай олишимиз кўп жиҳатдан тасаввуримизга ҳам боғлик. 1960 йилгача инсоннинг фазога парвоз қилиши амалга ошириб бўлмайдиган фикр деб ҳисобланарди. Бироқ инсон фазога чиқди, ойга ҳам етиб борди. Буларга сабаб бир инсоннинг ҳаммага қарши чиқиб, фазога учиш мумкинлиги борасида фикрни олға суришидир. У инсониятга бунинг имкониятини топиш борасида уруғни қадади.

Камбағал инсон бадавлат бўлиши мумкинми? Албатта! Хоҳиш, режалаштириш, астойдил меҳнат ва қатъиятлик биргаликда мўъжизавий кучга айланади. Гап муваффақият формуласи иш бериши ё бермаслигига эмас, балки инсоннинг ўзи формуланинг устида ишлайдими ё йўқми? Ҳар биримиз ўзимиз учун янги ҳаёт томон йўл очишимиз мумкин ёки кўп нарсаларни орзу қилганча бир жойда турганча умримизни ўтказишимиз мумкин.

## **КИМ ҲАҚҚИНИ ТЎЛАСА, ЎША МУКОФОТИНИ ОЛАДИ**

Молиявий муаммоларни ҳал қилиш осон. Уларни ҳал қиласлик ҳам осон. Агар биздан мукофот-

лар йироқлашиб бораётган бұлса, унда натижала-  
римизни ҳаққона күриб чиқиш вақти келибди.

Агар натижа йүқ бұлса, демек, нимадир нотүғри  
кетмоқда. Натижанинг йүқлиги – бу муаммонинг  
белгиси, уни аниқлаб, бартараф қилиш лозим. Бел-  
гиларга эътибор қиласлик муаммони янада ри-  
вожлантиради. Камдан кам муаммо ўз ўзидан ҳал  
бұлади. Аксинча, ўз вақтида чора күрилмаган, эъ-  
тибор қилинмаган муаммо кучайиб боради.

Ҳаракатлари кам натижа берган одамларга қулоқ  
солсанғиз, минг хил баҳона қилишади, шу орқали  
кам натижага эга эканликларини оқлашади. Улар  
кам ҳақ олғанда, фирмани айлашади, бошлиқла-  
рини қарғашади. Солиқлар айбдор деңишади. Улар  
ота-оналарини, ўқитувчиларини ва тизимларни ай-  
лашади. Ҳатто ҳукуматдан ҳам айб қидиришади.

Лекин атрофга қаранг, атроф имкониятга тұла.  
Америкада имкониятлар күп, фақат улардан фой-  
даланиб қоламан деганлар күп эмас.

### ТЕЗ-ТЕЗ НАТИЖАНИ ТЕКШИРИНГ

Режамиз, фалсафамиз, ҳаётий позициямиз ёки  
саъий ҳаракатларимиз тузатиши га мұхтожми ё йүқ-  
ми, буни билиш учун үн йил кута олмаймиз. Буни  
ташлаб қўйиш ёки эътибор қиласлигимиз бизга  
қимматга тушади.

Прогрессни мунтазам равищда күзатиб бориш  
керак. Қанчалик тез-тез текшириб туришимиз ке-  
раклиги йўлимиз қанчалик узунлигига боғлиқ. Ма-  
салан, нариги мавзега ўтмоқчи бұлсак, унда мұл-  
жалдан бироз адашганимиз катта салбий оқибатни  
келтирмайди. Бирок бошқа шаҳарга йўл олсак, йўли-  
миз тўғрилигини тез-тез текшириб туришимиз ло-  
зим, акс ҳолда бошқа шаҳарга бориб қолишимиз ҳеч

гап эмас. Энди истаган манзилимизга етиб бориши-  
миз қийинлашади, унга интилиш ҳам сўниши мум-  
кин. Шунинг учун катта салбий оқибатлардан қочиб  
қолиш учун кичик хатоларга йўл қўймаслик керак.

### ЕТАРЛИЧА ВАҚТ ИЧИДА СЕЗИЛАРЛИ МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Бу жуда жиддий чақирав – етарлича вақт ичида  
сезиларли муваффақиятни қилиш. Бу ҳаётимизда-  
ги мақсад билан қадрият асосидир.

Биз бу чақиравни бажону дил қабул қилишимиз  
лозим. Ҳозир сезирларли натижаларга эриша ол-  
маслигимизни вазият тақозо қиласи, деб баҳона қи-  
лишга ҳаққимиз йўқ. Агар ҳақиқатдан ҳам ҳозирги  
вазиятимиз бизга қийинчиллик туғдираётган бўлса,  
билингки бу баҳона қилиш учун эмас, балки янада  
кўпроқ меҳнат қилишимизга хизмат қилиши керак.

Қийинчилклар бизнинг қатъиятимизни синай-  
ди. Агар хоҳишистагимиз етарлича кучли бўлса, унда  
биз ечим қидирамиз. Бунда ижодий қобилиятимиз-  
ни жалб қилиб, саъии ҳаракатимизни оширсак, унда  
анча олдинга қараб силжиб борамиз. Акс ҳолда, қий-  
инчилкларнинг баҳонаси билан бир жойда туриб қо-  
лишимиз ва ҳатто орқага кетиб қолишимиз мумкин.

Бу қийинчилклар бўлмаса, биз зарур диққатни  
жамлай олишимиз ва қатъиятлик кўрсатишимиз  
қийин бўлиб, йўлимиз узоқ бўлиши мумкин. Эшак-  
нинг юки қанча енгил бўлса, шунча ётағон бўлади.  
Агар йўл етарлича қийин бўлса, ички резервлари-  
миздан фойдаланиб, турли қобилият ва имконият-  
ларимизни кашф қиласи, ўйланамиз, изланамиз  
– бу ларнинг ҳаммаси биз учун, шахс камоли учун  
хизмат қиласи. Бу қийинчилкларни босиб ўти-

шимииз, уларни ҳал қилишимиз бизнинг баҳомизни, ўзимизга ишончимизни оширади, янада олға юриш учун завқу шафқ уйғотади.

Етарлича вақт ичида сезиларли ютуққа эриша олмасак, демак мақсадимиз жуда кичик. Олдинда арзирли мукофотлар бўлмаса, бундан илҳом олиш жуда қийин.

Муаммо шундаки, биз ўз орзуларимизга ва уларни рӯёбга чиқара олишимизга ишонмаймиз. Биз муваммоларни енгиб, тўсиқлардан ошиб ўтиш ўрнига уларни баҳона қилиб, орзуларимиздан воз кечамиз. Айнан шунинг учун ўз натижаларингизни тез-тез баҳолаб туриング. Агар маълум вақт ичида сезиларли ютуққа эришмаган бўлсак, унда ё мақсадимиз ё режамиз борасида ўзгариш қилиш керак.

### СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕАЛАР ҲАММАНИНГ БОШИДАН ЎТАДИ

Охир-оқибат ҳаммамиз бир хил вазият, бир хил воқеаларга дуч келамиз. Кимdir улардан ўз ношудлигини оқлаш учун фойдаланса, кимdir худди шувазиятни ўсиш учун, мақсадга эришиш учун, янги ютуқларга етиш учун раҳбат сифатида қўллади.

Ҳаммамиз қийинчилик билан аралашган имканиятларга эга бўламиз. Саломатлигимиз мустаҳкамланиб борган сари касалликка чалинишимиз ҳам ортиб боради. Қийинчиликлар бурони камбағалга ҳам, бойга ҳам бир хил ёпирилиб келади.

Нима бўлганда ҳам, буларнинг ҳаммаси ҳаммамизда бўлади. Биргина фарқи – ҳаммамиз ҳар хил ёндашамиз. Ҳаётимиз сифати нима содир бўлаётганига эмас, балки биз ўша вазиятда қандай ҳаратни танлашимизга боғлиқ.

Ҳаммамизда туғма “касаллик” бор – биз натижаларни хоҳлаганимизда ёки бизга керак бўлганда

бўлишини истаймиз. Бироқ табиат қонунига кўра агар баҳорда уруг қадалган бўлсагина, кузда ҳосил олишимиз мумкинлигини қайд этади. Биз ёздан ўсимликни кучли ўсишига, турли заараркунандалардан асрашга, ёввойи ўтларни йўқотиш мақсадида фойдаланишимиз керак. Жорий эҳтиёжларимизга қарамай, биз фаолиятимизни давом этиришимиз керак. Ҳосил албатта бўлади, бироқ ўз вақтида: “ҳар бир нарсанинг ўз вақти бор – туғилиш ва ўлим вақти, экин экиш ва ҳосил олиш вақти, йиғлаш ва кулиш вақти, ғамга ботиш ва рақсга тушиш вақти, муҳаббат ва нафрат вақти, уруш ва тинчлик вақти...”

Натижалар эҳтиёжимизга боғлиқ эмас. Натижа ҳаракатга, меҳнатга, фаолиятга боғлиқ. Агар қўлимииздан келганини қилиб қўйган бўлсак, унда натижа маълум вақтдан сўнг намоён бўлади.

### ЭЪТИБОРСИЗЛИК КЕЛАЖАҚДАГИ МУАММОЛАРНИ КЎПАЙТИРАДИ

Мақсадларимизга эришишда қийинчилик ва муаммолар қатъиятлигимизни оширишда катта аҳамияти бўлса-да, уларни атайлаб ҳаётимизга жалб қилишнинг кераги йўқ.

Бугунги кундан ўн йил ўтиб, ҳаммамиз қаердадир бўламиз, савол шуки –айнан қаерда? Бугун – кейинги ўн йилликка аниқлик киритувчи даврdir. Ҳаёт бизга етарлича қийинчилик яратиб беради, шунинг учун уларни атайлаб вужудга келтиришнинг кераги йўқ.

Келажақдаги тўсиқларни камайтиришнинг энг яхши усусларидан бири – айни вақтда муҳим масалаларга эътиборсизлигимиз туфайли келиб чиқадиган салбий оқибатларнинг олдини олишимиз мум-

кин. Бунинг учун ўзимизга ҳаётий принципларга боғлиқ жиддий саволларни беришимиз керак:

Охириги уч ой ичида нечта китоб ўқиб чиқдим?

Ўтган ойда қанчалик мунтазам ўз устимда ишладим?

Ўтган йилги қанча даромадимни сармоя сифатида тиқдим?

Охириги ҳафтада қанча хат ёза олдим?

Бу ойда кундалигимга неча марта ёзишга имкон топдим?

Бу ва бошқа кўплаб саволларга жавоб биз қанчалик тўғри йўлда кетаётганимиз ва қандай мукофотга лойик эканлигимизни кўрсатади. Агар ўзимизни ўзимиз кичик ишларда тартибга сола олмасак, унда сармоя киритиш ва фойдаланиш борасида катта имкониятлар бўлганда, оддий тартиб-интизомсизлигимиз панд бериб қолади.

Тартиб-интизомли меҳнатимиз орқали ҳар бир хатони тўғрилаш билан ўзимизга ёрқин келажак томон кўприк ташлаймиз. Айнан шундай тарзда ҳаёт мозаикаси қурилади, кичик ғалабалар бирин-кетин қўйилади.

## ИШОНЧ НАТИЖАЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Ёрқин ҳаётни истаганлар қўлидан келиши мумкин бўлгандан камроқда тўхтаб қолмасликлари керак. Агар одам имкониятидан кўра камроқни амалга ошираётган бўлса, бир кун бу вазият уни барбод қилади. Бу унинг ўзига бўлган баҳоси ва ишончини емиради.

Агар қўлимиздан келганидан камроғини қилаётган бўлсан, унда бу ўз ўзидан ҳаётга бўлган муносабатимиз, бизнинг позиямизга салбий таъсир ки-

лади. Бу бизни тубсиз жарликка улоқтиради, бизни пушаймонлик ва армон эгаллайди.

Кўлимиздан камроғини қилганимиз учун ўзимизни айбдор ҳис қиласиз, айбдорлик ҳисси эса хотиржамликни йўқотади, бехотиржамлик эса ўзимиз бўлган ишончни емиради. Натижада ўнглаб бўлмайдиган ўз ўзига ишонмаслик ҳолати юзага келади – шу билан омадсизликка чалиниш, ношуд бўлиб қолиш схемаси тугайди. Қанча ўзимизни кам қобилиятли деб билсак, шунча камроқقا қўл урамиз, қанча кам қилсак, шунча кам натижага эга бўламиз. Натижаларимиз тушгани сари ҳаётий позициямиз дараҷаси тушиб боради. Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Тез орада ҳаётимизни назоратини қўлдан чиқариб юборганимизни англаб етамиз.

Буларнинг ҳаммаси қандай бошланади? Буларнинг ҳаммаси қўлимиздан келгандан кўра камроғини қилишни ўзимизга эп кўрганимиздан бошланади? Амалга өширилмаган ишлар юки нафақат ўзимизга бўлган ишончни, балки ёрқин келажакка бўлган ишончни ҳам босиб қўяди.

Бироқ бундай чигалликка тушиб қолганлар учун чиқиш йўли мавжуд. Ҳаётга бўлган муносабатимиз хусусида ўйлашни бошлишимиз билан яна ҳаракат қилиш учун яхши вазиятга кириб борамиз. Фаолиятимизни жадаллаштириш оқибатида янги натижаларга эришамиз. Илк натижаларни кўриб, ўзимизга бўлган ишонч ортади, у эса янги ҳаракатга, янги фаолиятга ундейди. Янги ҳаракат, янги фаолият янги натижаларни келтиради, бу эса ҳаётга бўлган муносабатимизни яхшилайди, мустаҳкамлайди. Бир вақтлар ўз ҳолича оқсан ҳаётимиз ёрқин келажакка қаратилган бизнинг назоратимиздаги ҳаётга айланади. Ҳаммаси ҳаётга бўлган муносабатимизни ўзгартириш заруратини англағанимиздан бошлана-

ди – бу бизнинг муваффакият томон ташлаган илк қадамимиз бўлади.

Баъзида ҳаётга нотўғри муносабатдан қутулишнинг энг яхши йўли – фаолиятнинг ўзи бўлади. Баъзида ўртамиёна ҳаётга муносабатга эга бўламиз, фақат бизнинг ички қобилиятимизни очадиган фаолият етишмайди. Қўйидаги гап жуда донолик билан айтилган: “Ҳаётга бўлган муносабати ҳаракатлари билан бошқарилишига йўл қўйган кучсиздир, ҳаракатларини фикрлари билан бошқаришни уддалаган эса кучлидир”. Муваффакият томон йўл ҳақидаги рецепт нимадан бошланмасин – ҳаракат ёки ҳаётга тўғри муносатни шакллаштириш бўлмасин, энг муҳими бошлашдир. Ҳаракатсизлик эса унинг сабаби қандай бўлишидан қатъий назар – йўл қўйиб бўлмайдиган хатоликдир.

Ҳаракат анчадан бери ёзилмаган хат ёки телефон қўнғироғидан бошланиши мумкин. Кундалик сотиб олиш ёки китоб ўқиш билан ҳам бошлаш мумкин.

Ҳаётимиз чигалликка тўла бўлса-да, яхши томонга ўзгариш учун нимадир қилишимиз керак. Балки бошида ишончнинг ўзи ҳам бўлмас, шунда ҳам давом этавериш керак. Биз буни ички қўрқувларимизга қарши чиқиб бўлса ҳам амалга оширишимиз керак. Қатъиятли ҳаракат қилишимиз, тартиб-интизомга риоя этишимиз орқали шубҳа ва гумонларга чек қўямиз. Илк натижалар бизга асос бўлиб, ўзимизга, ҳаётимизга бўлган ишончимизни кучайтиради, фаолиятимизни янада жадаллаштириш учун бизга илҳом беради.

## **ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ҚАНЧАЛИК УЗОҚҚА ҚАРАТИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК?**

Менимча, Ер юзида исталган жонзор ўзининг максимал салоҳиятига эга бўлишга интилади, фақат инсон эмас.

Дарахт потенциал баландлигининг ярмигача ўсиб, “Шунинг ўзи етарли, менимча” деб қўя қолмайди. Дарахт илдизларини чуқурроқ отади. У имкони даражасида озиқавий моддаларни сўриб, табиат томонидан белгиланган баландлик ва кенгликка қараб шохланади, ўсади. Ўзининг ҳайбати билан инсон агар қўлидан келганини қилганида, шундай катта натижаларга эриши мумкинлигини эслатиб туради.

Нега инсон Ер юзида энг ривожланган, энг ақлли жонзот бўлиб туриб, максимал салоҳиятини очишга интилмайди? Нима учун ярим йўлда тўхтаб қолиши ўзимизга эп кўрамиз? Нима учун имконимиз даражасида камол топиб, бундан яхшироқ бўлиш учун интилмаймиз? Сабаби оддий: бизга танлаш эркинлиги берилган.

Аксарият ҳолатда танлов бу мукофот, ҳадядир. Бироқ бор имконимиз ва қобилиятимиздан фойдаланиб, қўлимиздан келганини қилиш борасида гап кетганда, танлов эркинлиги бизга қарши ишлайди. Чунки биз қилишимиз мумкин бўлгандан кўра камроғини қилишга қарор қиласиз. Биз дарахтдан ўсиш борасида ўрнак олиш ўрнига унинг соясида дам олиб ётишни афзал кўрамиз.

### ТАНЛАШ УЧУН ИККИ ЙЎЛ

Ҳаётимиз билан нима қилишимиз борасида икки танлаш йўли бор. Биринчи йўл – қўлимиздан келганидан, имконимизга нисбатан камроқни қилиш, кичикроқ одам бўлиш. Камроқ пул топиш. Камроққа эга бўлиш. Камроқ ўқиш ва фикрлаш. Камроқ ҳаракат қилиш ва камроқ тартиб-интизомга риоя қилиш. Бу йўл бизни бўшлиқдан иборат ҳаётга олиб боради. Бу йўл афсус-надомат, пушаймонлик, армонларга тўла ҳаётга олиб боради.

Иккинчи йўл-чи? Кўлдан келганинг барини қи-  
лиш! Имкон даражасида камол топиш. Истиқболи-  
миз учун зарур барча китобларни ўқиб чиқиши. Қан-  
чага имконимиз етса, шунча пул топиш. Ёрқин ке-  
лажак учун барча имконият ва қобилиятни ишга  
солиш. Ҳаммамиизда бу танлов бор.

Килиш ёки қилмаслик. Бўлиш ёки бўлмаслик. Ко-  
милликка эришиш ёки кичик, қадрсиз инсон бўлиш.

Худди дарахт каби салоҳиятимиздан тўлиқ фой-  
даланиб, баландга ва ён тарафга ўсиб боришимиз  
керак. Нима учун ҳар он, ҳар соат, ҳар куни қўли-  
миздан келганини қилмаймиз.

Бизнинг ҳаётий мақсадимиз бу дунёда истеъдо-  
димиз, қобилиятимиз ва истагимиз имкон берган  
даражада ўзимизни намоён қилиш, ютуқларга эри-  
шишдир. Имконимиздан кўра камроққа қўл уриш –  
бу йўлда беҳуда яшаб ўтиш, омадсизликка учраш-  
ни билдиради.

Натижалар – инсон камолотининг ўлчашнинг энг  
яхши кўрсаткичидир. Гап-сўзлар эмас. Тушунтири-  
шлар эмас. Оқлашлар эмас. Айнан натижалар! Агар  
кечаги натижалар биз истагандан камроқ бўлса, унда  
bugун кўпроқ ҳаракат қилиб, эртага кўпроқ натижага  
эришишга ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзи комил-  
ликка етган шахсга кўпроқ мукофот тегиб, у ўзи ва  
атрофдагиларга кўпроқ яхшилик қилиши мумкин.

## БЕШИНЧИ БОБ

### ҲАЁТ УСЛУБИ

Шахсий фалсафамиз, ҳаётга бўлган муносабатимиз, фаолиятимиз ва унинг натижалари – буларнинг ҳаммаси биргалиқда ҳаёт услуби деб номланувчи шахс категориясини шакллантиради.

Кўпчилик кўп пул топишни ўрганиб олишган, бироқ улар яхши яшашни билишмайди. Натижада топган пуллари баҳтли бўлишларига етарли эмас деб ҳисоблаб, яна пул топишга киришиб кетадилар. Айтишади-ку, пул топиб ақл топмаганлар, деб.

Баъзилар кам пул топгани учун ҳаётга муносабати салбий эканлигини айтади. Уларнинг фикрича, агар молиявий аҳволларини яхшилашганда, бизга қандай яшаш кераклигини кўрсатиб қўйишган бўларди. Бироқ улар шуни тушунишмайдики, ўтмишда баҳтли келажакни қуришни билмаганликлари учун бугун шундай ночор аҳволда қолишган. Агар улар шундай фикрлашда давом этсалар, айни вактдаги баҳт этишмаслиги ҳолати келажакда ҳам давом этади, молиявий қийинчиликлар эса ҳеч қаерга кетиб қолмайди.

## ҲАЁТ УСЛУБИ – БУ БИЗНИНГ ҲАЁТГА МУНОСАБАТИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ КЎЗГУДАГИ АКСИДИР

Хис қилганларимиз ва нимани қадрли деб ҳисоблашларимиз – фикрлаш жараёнининг бир қисми булиб, ҳаётимизга нимани жалб қилишимизни белгилашини тушундик. Агар биз ҳозирги вазиятдан қониқмаётган бўлсак, фикрлаш ва хис қилиш тарзимизни ўзгартириш орқали яхши томонга ўнглашни бошлашимиз мумкин.

Ҳаёт услуби – ўша фикрлаш жараёнининг функциясиdir. Исталган вақтимизда ўз ҳаёт услубимизни ўзгартиришимиз мумкин, бунинг учун тўғри хис қилиш ва қарор чиқаришни бошлашимиз лозим.

Ҳаёт услуби билан боғлиқ энг ажойиб ҳолат шуки, баҳтли бўлишимиз учун ҳамма нарсага эгамиз. Баҳтни хис қилиш учун бой ёки машхур бўлишимизни кутишимиз керак эмас. Тўлақонли ҳаёт билан, қувонч билан яшашни айнан ҳозирдан бошлашимиз мумкин.

Ҳар ким хайрия учун маблағ ажратади. Бироқ ўзимизни ва вақтимизни бағишлаганимизда, унга мукофот оламиз.

Ҳар ким симфоник оркестрга билет олиши мумкин. Мусиқадан завқланишингиз учун концерт залида сизга тегишли хусусий ложа бўлиши шарт эмас, орқа ўриндиқда ҳам мусиқа худди шундай эшитилади.

Рембрантнинг асарларини томоша қилиш учун унинг расмларини сотиб олишнинг кераги йўқ. Юракдан совға қилинган ягона атиргул бир қучоқ орхидеядан афзал.

Кўёш ботишининг гўзал манзарасини томоша қилиш эса бепул.

Биз бадавлат ҳаёт кечиришимиз учун бадавлат бўлишилизнинг кераги йўқ. Биз ҳозирдан бошлаб тўлақонли ва қувончли ҳаёт кечиришимиз мумкин, бунинг учун ҳаёт услуби деб номланувчи тушунчага нисбатан муносабатимиз ва қарашларимизни ўзgartирсак бас.

## ҲАЁТ УСЛУБИ - МИҚДОРИЙ ТУШУНЧА ЭМАС

Маданият – миқдорий тушунча эмас. Нафислик – бу ҳам миқдорий тушунча эмас. Ҳаёт услуби ҳам шу жумладан. Бу ҳаётнинг шундай соҳаларики, улар санъат даражасида, ёрқин келажакни истаган инсонлар эса буларни амалда қилиши керак. Бу санъат турларида маҳоратли бўлиш учун эса қўлимизда бор имкониятдан фойдаланишдан бошлashingиз керак.

Юкори маданиятли, нафис феъл-авторга эга бўлиш учун бугундан бошлаб машқ қилишимиз мумкин. Масалан, ҳар кимга “чой чақа” сўзи таниш, уни ресторонда хизмат қилган официантга берамиз. Бироқ ҳар ким ҳам унинг асл маъноси ва мақсадини билмайди. “Чойчақа”, яъни “Tip” сўзи “Тез хизмат учун” (To insure promptness) жумласининг қисқартмасидир. Демак, чойчақа хизмат кўрсатилганидан сўнг эмас, балки унгача берилади.

Ресторонда кечки таомни қабул қилишга нафислик, моҳирлик билан ёндашилганда, бизга хизмат қилувчи официантни бир чеккага чақириб, “Мен билан келган меҳмонлар жуда нозик одамлар, улар бу кечки таомдан мамнун бўлиб қайтишларини истардим. Сиздан илтимос, кичик зиёфатимизни чиройли ташкиллаштириб беринг, бу эса Сизга”, деб кармонига чойчақани солиб қўйиш керак.

Бу қисқа сұхбат ва озроқ пул биргаликда мұйжизани яратади. Айниңса, бу сүзлар самимий, илиқ табассум билан айтиса, самаралироқ бўлади. Нифислик, уддабуронлик – бекиёс ҳаёт кечириш учун оддий ечимларни топишдир. Буни ҳар ким қила олади, буни қилиш осон.

Бироқ қилмаслик ҳам худди шундай осон. Официант қўполлигига, ёмон хизматига чидаш, олдингизга олиб келиб қўйганини ейиш ҳам осон, муҳим кичик чораларни қилмай, кечани бузиш ҳам осон, пулингизга ҳордиқ эмас, дилхираликни сотиб олиш ҳам осон.

Ҳаёт услуби – бу оддий нарсаларни ноодатий тарзда қилишдир. Бу шартта ўрнингиздан туриб, столга чойчақани отиб, официантга ёмон қараб қўйиб, жаҳл билан чиқиб кетиш эмас. Бу билан ўзингиз билан олиб келган меҳмонларингизни дам олдирмайсиз. Бу дилхиралик узоқ юрагингизда сақланиб, сизга ўша ўхшамаган кечани эслатиб туради. Лекин бор-йуғи бир-икки оғиз сўз ва чойчақа қанчалик ва зиятни ўзгартирган бўларди.

Биз озроқ пулни ҳам моҳирлик билан сарф қилишни ўрганишимиз керак, токи катта пуллар келганда ўзимизни йўқотиб қўймай, уларни ишлатиш саъатини эгаллаган бўламиз.

### ҲАЁТ УСЛУБИ – БУ БИЗ КИМЛИГИМИЗ ВА ҚАНДАЙЛИГИМИЗНИ КЎРСАТУВЧИ КЎЗГУДИР

Бизнинг ҳаёт услубимиз кимлигимиз ва фикрлаш тарзимиз қандайлиги борасида аниқ тасаввурни бера олади. Ҳаёт услуби – бу қаерга кетаётганимиз, нима қилаётганимиз ва ўзимизни қандай ҳис қилишимиз. Ҳаёт услуби – қандай кийиняпмиз, нимада ҳаракатланамиз, қандай кўнгилхушликни танлаймиз.

## МУВАФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

Ҳаёт услуби – реал қадриятлар, услуг, нозик дид ва интеллектнинг ўзаро мувофиқлиги, бу қийинчилик даврида ўзини, ҳиссиётини идора қила олишдир, баҳт ва қувончли дамда ҳиссий бўшалишдир.

Муваффақиятга эришган ва унга жиддий тарзда интилган инсонлар қанчалик нафис феъл-атвор ва ақл-заковатга эришишни уddyалай олишганларини намоён қиладилар, ўзларини тутишлари улар шахс сифатида қандай ривожланиш даражасига етганиклиарини кўрсатади.

Ўзимизни қандай намоён қилсак, бошқалар учун шахс сифатида қандай даражага етканимиз борасида тўлиқ ахборот беради. Нимаики қилмайлик, нимаики гапирмайлик, ҳатто ташки кўринишимиз ҳам ҳаётга муносабатимиз қандайлиги борасида кўп маълумот бериши мумкин. Агар китобга нисбатан ширинликларга кўпроқ сарф қилсак, бу ҳам ташки кўринишимизда намоён бўлиб, бошқаларга танловимиз борасида маълумот беради.

Ҳаммамиз яхшироқ ҳаёт кечиришга имконига эгамиз. Бунинг учун аввал бойиш шарт эмас. Яхшироқ яшаш учун кўпроқ фикрлаш ва ҳаётдаги ҳақиқий қадриятлар баҳосини билиш керак.

## ҲАЁТ УСЛУБИ – БУ НОАВТОМАТИК МУКОФОТДИР

Ҳаёт услуби беқиёс ҳаёт кечириш усулларини яратиш демакдир. Бу бажарилиши шарт бўлган шарт эмас, балки эгалланиши керак бўлган санъатдир. Ҳаёт услуби фақат мақсадга эришганда эмас, балки унга эришиш йўлида ўз ҳаётимиз ва яқинларимизга қувонч ва баҳт келтиришдир. Бадавлат яшаш айнан баҳтли ҳаёт услуби дегани эмас.

Орамизда күпчилик бадавлат бўлишни, ҳашаматли уйда яшаши, унда меҳмонларни кутишни ва бахтли эркин ҳаётни орзу қилишади. Биз лото-реядан ютиб, ишимизни ташлаб, яхши турмуш қилишни хаёл қиласиз.

Биз шахсий ҳайдовчига эга бўлишни, уйда хизматкорларимиз хизмат қилиши, кунимизни ўзимиз истаганча ўтказишни орзу қиласиз.

Хўш, ўшанда нима қилишни истаган бўлардик? Тез орада бир вактлар биз орзу қилган ишлар оддий нарсаларга айланиб қолади. Биз орзу қилган саёҳатлар, зиёфатлар, узоқ ухлаш ва умуман кўнгилхушликлар оддий ҳолат бўлиб қолиб, бизга лаззат бермай қўяди.

Агар бизга ўша ҳолат хурсанчилик, кўнгилхушлик бермаса, унда биз нимага интилмоқдамиз? Ҳаёт услуги деган тушунчанинг ўзи нимадан иборат?

Ҳаёт услуги борасида ҳар ким ҳар хил фикрда бўлиши мумкин. Бироқ ишончим комилки, эга бўлган нарсамиз эвазига эришганларимиз – бу ҳаёт услуги эмаслиги борасида бир хил фикрдамиз. Ҳаёт услуги – тўлақонли ҳаёт натижаси... фаолроқ яшаш, онглироқ яшаш, қувончлироқ яшаш, тушуниб яшаш. Қанчалик тўлақонли ящасак, шунча кўп ҳаракат қиласиз, шунча кўпга эришамиз. Ҳаёт услуги – астойдил ҳаракатларимиз учун мукофот эмас, балки бу қатъий ҳаракатларимизни янада самаралироқ қилиш, аҳамиятлироқ қилиш, фойдалироқ қилишdir.

### ҲАЁТ УСЛУБИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАЖРИБАДА СИНАШ КЕРАК

Агар бадавлат бўлишни истасак, бойликни ўрганишимиз керак, агар бахтли бўлишни истасак, бахтни ўрганишимиз керак. Бу икки изланиш ўзаро бирлашиб, ҳаёт услубини ташкил қиласиди.

Кўпчилик одамлар баҳт ва бойлиқ ўрганиладиган соҳа эмас деб ҳисоблашади. Улар баҳтнинг ўзи ҳаётларига кириб келиши умиди билан яшашади. Бироқ баҳт - бу санъат, воқелик эмас. Баҳт ўз ўзидан осмондан бошимизга ёғилмайди.

Бизда шундай хато фикрлаш борки, баҳт омадга, муваффакиятга эришганимизда ҳаётимизга кириб келади деб ўйлаймиз. Баҳт нафақат муваффакият натижаси, балки унинг сабабчиси ҳамдир. Ҳозирги вазиятимиз қандай бўлишидан қатъий назар биз баҳтни ҳис қила олишимиз керак.

### МАҚСАДЛАРИНГИЗ ТОМОН ИНТИЛГАН ВАҚТИНГИЗДА БОР НАРСА БИЛАН БАҲТЛИ БЎЛИШНИ ЎРГАНИНГ

Ҳар ким ўзи учун баҳт қасрини қура олади. Биз уни қурамиз ва ҳис қила оламиз. Ниманидир кутишнинг кераги йўқ. Кутиш ҳозирги вазиятимизни янада ёмонлаштиради. Баҳт шундай мӯжизавий туйғуки, қаерда ва қандай яшамайлик, унга қарамайди, у моддийлик билан боғлиқ эмас.

Кўпроққа эга бўлиш – бу баҳтли бўлиш ҳақида эмас. Баҳтли бўлишни билмасангиз, дунё олтинлари-ю жавоҳирлари сизга баҳтли бўлишга ёрдам бера олмайди. Камбағаллик пайтида яхши дўст орттириб, уни сақлаб қолишни уddeлай олмаган бўлсангиз, унда бойиганимизда ҳам баҳтлироқ бўла олмаймиз. Шахсий муносабатларни ҳам кейинга сурин бўлмайди, вафодор турмуш ўртоқ яхши ва ёмон кунда, етишмовчилик ва тўкинчиликда бирга бўлади.

Агар фарзандимизга энг қиммат, энг яхши ўйинчоқни олиб бера олмасак, бу қўрқинчли эмас. Болалар оддий нарсалардан ҳам қувонишни била-

ди. Ўзимиз болалиқда учган велосипедларимизни болаларимиз учираётганини күришнинг ўзи катта баҳт эмасми?

Баҳт – банқдан оладиган пулларимиз эмас. Баҳт бу ҳаётдан ва атрофимиздаги инсонлардан оладиган қувончимиз. Ўзимиз ва оиласизнинг бойишини исташимиизда ёмонлик йўқ. Бироқ бой бўлмасак, ҳаётдан камроқ лаззатланиш ва камроқ баҳтли бўлиш дегани эмас. Кимки бой бўлса, ўшани баҳтлироқ ва омадлироқ деб ҳисоблаш ҳам нотўғри. Агар айни вақтда бор-йўғимиз билан баҳтли бўлишни билмасак, эртага қандай омад кулиб боқмасин, биз баҳтли бўла олмаймиз.

### ҚАЕРДА БЎЛМАНГ, ЎША ЕРДА БЎЛИНГ

Баҳтли бўла олмаслигимиз ва бекиёс ҳаёт услубини топа олмаслигимизга яна бир сабаб биз ўз жойимизда мавжуд бўлишни билмаймиз. Ўйда бўлсак, бутун хаёлимиз ишда бўлади, ишда бўлсак эса аксинча, уйни ўйлаймиз. Ҳар кунимиз шу зайлда ўтади, деярли атрофдагилар нима деяпти, уларни эшитмаймиз. Балки сўзларни эшитармиз, бироқ уларнинг маъносига етмаймиз.

Ҳар кунги ҳаётимизда кўпинча ё ўтмишдаги воқеалар ёки келажақдаги имкониятлар билан миямиз банд бўлади. Биз шунчалик кечаги ва эртанги муаммоларга берилиб кетамизки, бугунги кун қандай ўтиб кетганини билмай қоламиз.

Биз ҳар кунимиздан фойдаланиб қолиш ўрнига, уни ёнимизда ўтказиб юборамиз. Айни вақтда яшашинг ўрнига ҳар қандай жойларда учеб юрамиз.

Ҳаёт услуби қаерда бўлсак, ўша ерда бўлишни, ўша ерда яшаши ўргатади. Ҳаёт услуби диққатни

айни вақтга қаратиб, унинг бор имкониятларидан, тажрибасидан ва ҳиссиётидан фойдаланиб қолишидир. Ҳаёт услуби бу қүёшнинг ботишини кузатиш учун вақт топишдир. Ҳаёт услуби сокинликни тинглашни билишдир. Ҳаёт услуби бизнинг комиллигимиз учун ҳисса қўшиши мумкин бўлган ҳар бир имкониятдан фойдаланиб қолишидир.

Ҳаёт услуби – бу бизнинг қилаётган ишимиз эмас, балки ҳис қилаётгандаримиздир. Токи биз айни вақтда мавжуд бўлишни билмас эканмиз, биз яхши яшашина била олмаймиз.

## ҲАЁТ СИЗНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛСИН

Парижга бориб келиш билан Парижни ҳис қилиш ўртасида катта фарқ бор. Бориб келиш – бу жисмоний ҳаракат, ҳис қилиш эса – бой ҳиссий воқеликдир.

Ҳаётни ҳис қилиш учун унга бизни ўз ичига олиши учун имкон беришимиз керак. Бу фақат яхши ҳодисаларга тегишли эмас. Биз шунингдек, ёмон воқеаларни ўша вақтда ҳис қилишимиз, фам-ғусса ва йўқотишни туйишимиз керак.

Биз ҳаётнинг бекиёслигини ҳис қилишимиз учун биз ўзимиз бекиёс бўлишимиз керак, барча турдаги туйғуларни ҳис қилишимиз керак. Шундагина инсониятнинг тўлақонли ҳаётини кечира оламиз, бизнинг ҳаётимиз реал қадриятлар билан қурилади.

Исталган таракқиёт ҳиссиётдан бошланади. Биз шунчаки орзу қилиш билан яхшироқ ҳаётга эриша олмаймиз, биз бунга эришган инсонлар ҳиссиётини ўрганишимиз лозим. Агар баҳтли бўлишни истасак, худди “баҳтли одамлар”дай ҳис қилишимиз, ўйлашимиз ва ҳаракат қилишимиз керак. Агар бой бўлишни истасак, худди бойлардай ҳис қилишимиз, ўйлашимиз ва ҳаракат қилишимиз керак. Исталган

Оила боши бор имкониятидан келиб чиқиб, оиласини баҳтли қилиши мумкин. Бунинг учун молиявий жиҳатдан бой бўлишини кутиб ўтириши керак эмас. У бор имкониятини ишга солиб, имкониятлари чегарасини кенгайтириши мумкин. У шунчаки ўзи турган даражадан бошлиши керак. У айни вақтда эга бўлган нарсаларнинг қадрига етиб, уларнинг ажойиб томонларини кўра олиши керак.

Ота қизининг туғилган кунига у хоҳлаган концертга билет олиб бериши ва шундан бир олам қувонч олиши мумкин. Бу худди автомобиль сотиб олиш билан бир хил. Ҳаёт услуби – бу имкониятимиз доирасида ҳаётимизни қизиқарли ва баҳтли қилишдир, бу атрофимиздаги инсонларга, яқинларимизга қўлимизда бор воситалардан фойдаланиб, баҳт ва қувонч улашишдир, уларнинг ҳаётларида эсда қоларли ва кутилмаган ҳодисаларни ўюштира олишдир.

Ҳаётимиз янги босқичдаги баҳт ва қувончларни ҳис қилиш учун имкониятларга тўла. Биз шунчаки, фикрлаш тарзимизни ўзгартириб, шу бугундан бошлашга қарор қилишимиз керак. Биз ҳаётимизда дуч келиши мумкин бўлган энг кичик имкониятлардан ҳам фойдаланиб қолишимиз керак, шундагина ҳаётнинг бизга тортиқ этадиган баҳт ва қувончлари биз ўйлаган даражадан ҳам ортиқ бўлади.

## ХУЛОСА

### ТЕЗКОРЛИК ҲИССИНИНГ ЗАРУРАТИ

Мазкур китобда сиз билан баҳамлашган барча фикрларимизга якун ясад, шуни айтиш мумкинки, бизнинг омадли ёки омадсизлигимиз учта фундаментал жиҳатларга боғлиқдир:

Биз нимани биламиз;  
Биз билган нарсаларга қандай муносабатдамиз;  
Биз билган ва биз ҳис қилган нарсалар билан  
нима қиласиз.

Лекин яна бир фундаментал негиз борки, агар ҳақиқатан ҳам ўз ҳаётимизда кескин ўзгаришлар юз беришини ҳохласак, уни эгаллаш лозимдир. Бу сўнгги негиз гўё терма нақш бўлакларини бир-бира гирифтирувчи елим сифатида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, бу китобда кўрсатилган барча тамойилларни қўллаганда ҳам, эҳтимол баъзи одамлар ўзининг охирги мақсадларига эришмай қоладилар. Шахсий фалсафани яхшилаш, муваффақият келтирувчи ҳаётимизга нисбатан позитив муносабатни ишлаб чиқиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўз ҳаёт тарзини бетакрор қилишга уринишлар борасидаги қилинган барча саъй-ҳаракатларига қарамай, улар ўз орзуларини рӯебга чиқаришга эриша олмайдилар.

Нима учун ўз ҳаётига муҳим ўзгаришилар киритишни ният қилганлар ҳанузгача олдинга олға босиши ўрнига бир жойда чархпалак бўлиб айланниб юрибдилар? Нимага ўз уруғини экканлар, бой ҳосил йиға олмадилар?

## ИНСОННИНГ ШИНАМЛИКЛАР МУҲИТИ

Эҳтимол, бу саволларга жавобларнинг бир қисми шундан иборатки, биз айнан кўп нарсага эга бўлганимиз сабабли шунчалик кам нарса билан қониқишига мойилмиз.

Деярли ҳар биримизда уй, телевизор, автомобиль ва муайян даромад манбаи бор. Кийиниш ва қоринни тўйғазишишга ҳам нарсаларимиз бор. Асо-

Сий эҳтиёжларимизнинг қондирилганлиги бизни “шинамлик мухити” деб аталувчи хавфли мухита-га чорлаши мумкин. Бизга ё енгиб бўлмас тушкун-лик, ё ўтириб қолган жойимиздан ҳайдай оладиган ақл бовар қилмайдиган кўтаринки куч етишмайди. Кўпинча каттароқ нарсани истаймиз. Бироқ бизда кўпроқ нарсага эга бўлиш учун на астойдил эҳти-ёж, на ични куйдирадиган хоҳиш бор.

Шинамлик мухитининг энг хавфли жиҳати—бу унинг эштиш қобилиятимизга таъсир ўтказиши-дир. Қанчалик қулай шароитда яшасак, шунчалик соат чиқиллашига бефарқ бўлиб қоламиз. Ҳолбу-ки, бизга олдинда ҳали вақтимиз кўпдек туюлади ва шу боисдан ўйламай-нетмай жорий вақтимиз-ни исроф қиласиз. Бу вақтни ўзимизни тайёрлаш йулида эмас, балки ўйин-кулги билан ўтказамиз.

“Шинам мухит” да яшовчи ўша инсонлар, гүё-ки инсон абадийлиги ҳақида ажаб бир фалсафани яратгандай. “Шахсий муваффақиятимга имкон яра-тиш учун менда хоҳлаганча вақт бор. Менда доимо эртанги кун бор. Доимо келгуси ҳафта, келгуси ой, келгуси йил бор. Менда хавотирлик учун ҳеч қан-дай сабаб йўқ. Ҳозир ўзгаришлар юз бериши учун бирон нима қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Доимо имконият бўлади... келаси йил айни шу пайтда бар-часи тамомила бошқача бўлади”.

Айни пайтда ва бугунги кунда ўз турмуш дара-жасини яхшилаш эзгу ниятида юрган ўша инсон-лар бугунги кундаги аҳволидан қониқиб юрибди-лар. Бугунги кун дам олиш куни ёхуд қандайдир ре-жаларни тузиш, ёки қайсиdir ТВ-кўрсатувларни томоша қилиш, ёки эртага бошланадиган аросат-даги бир ҳолатга тайёргарлик кўриш куни бўлади.

Эзгу ниятили, бироқ мастьулият ҳиссига эга бўлма-  
ган инсон: “Ўз ҳаётимни жиддий ўзгартириш учун

эртага мен барвақт тураман ва кечгача ишлайман, бор истеъдодим ва бор имкониятларимни ишга соламан”—дея тасдиқлайди. Охирги ойда мен учта китобни ўқиб чиқдим, шунинг учун бу ойни ўтказиб юборишим мумкин. Бу ҳафтада мен кўп ишладим, шунинг учун ўйлашимча эртага дам олишим керак. Бугун мен қўнғироқ қилишим керак эди...лекин буни бошқа куни қиласман. Буни эртага қиласман ”.

Ҳар куни ўй-фикрларимизда такрорланадиган қичик хатоликлар...

## БУГУН—БУ КЕЧАГИ КУННИНГ ЭРТАСИДИР

Эртанги кунни кутиш муаммоси шундан иборатки, у ниҳоят кириб келганда “бугун” деб номланади.

Бугун—бу кечаги куннинг эртасидир. Масала шундан ёборатки, ушбу кун тақдим этган имкониятлардан биз қай даражада фойдаланмоғимиз зарур? Биз кечаги кунни ҳам, бугунги кунни ҳам беҳудага ўтказамиз, худди шундай тарзда эртанги кунни ҳам ўтказиб юборамиз.

Биз эришиш мумкин бўлган барча нарсалар бизни хоҳиш истагимизга қарамай, осонгина қўлдан бой берилиши мумкин. Бу ҳолатни биз ишлар бугун бажарилган бўлиши мумкин эди, лекин энди кеч бўлганини фаҳмлай бошлаганимиздан сўнгги на ҳис қиласмиз.

Ҳар биримиз тез-тез ўзимизга соат чиқиллаётганини эслатиб туришимиз лозим. Бу биз дунёга келгандай илк нафас олиш лаҳзаларимиздаги ўша соаттир. Бир кун келиб чиқиллашни якунловчи ўша соаттир.

Вақт—бу бутун инсониятнинг буюк тенглаштирувчисидир. У ҳеч нимага қарамай, энг яхши ва энг ёмон нарсани олиб кетади.

Вақт имконият беради, лекин кечиктирмаслик ҳиссини талаб этади.

## ИККИ ДАҚИҚАЛИК ОГОҲЛАНТИРИШ

Дам олиш кунларидаги футбол командаларининг ўйинларини кузатиш қизиқдир. Одатда ўйиннинг биринчи эллик саккиз дақиқаси улар обдон ўйлаб чиққан ва уларнинг фикрича, ғалабага олиб келиши керак бўлган режага мувофиқ ўтказилади. Сўнгра бир ажойиб ҳолат юз беради. Ҳакам ёрдамчиси майдон ўртасига чиқиб, “икки дақиқалик огоҳлантириш” ни эълон қиласди. Бундан кейинги бир юз йигирма сония давомида ақл бовар қилмайдиган ҳол юз беради. Биз кўпинчча шу икки дақиқада ўйинчиларнинг дастлабки эллик саккиз дақиқада ги ўйинга нисбатан анча жадалроқ, анча гайрат ва фаоллик билан ҳаракатланишини гувоҳи бўламиз.

Нима учун?

Шак-шубҳасиз мағлуб бўлиб қолиш ҳиссининг бирданига пайдо бўлиши ва жавобгарлик ҳиссининг кучайиши юз беради. Ўйинчилар шуни биладиларки, вақт ҳеч кимга устунлик бермайди. Соат нимага мўлжалланган бўлса, ўша вазифани бажаради, яъни ўйин буткул тугамагунча сонияларни санаб туради.

Мағлубият ёқасида турган ўша команда ўзига хос шундай жадаллик ва моҳирлик билан хужумларни уюштирадики, бутун ўйин давомида бундай хужумларни кўрсата олмаган эди.

Команда ўйин бошида ўз рақибларини устидан ғалаба қозониши учун салоҳият ва имкониятга эга бўлади. Бироқ, баъзида ўзининг ҳоҳиш-истакларига қарамай, команда аъзолари ўйин жудаям охирлаб қолган пайтгача яrim кучини ишга солиб ўйнайди. Баъзан икки дақиқалик огоҳлантиришдан дарак берувчи

хуштак овози шунчаки расмиятчилик бўлиб, у эҳти-  
мол даф қилиб бўлмайдиган мағлубиятни англатади.

Айнан шундай ҳол инсоннинг шахсий ҳаёти-  
да ҳам юз беради. Сониялар йиғилиб дақиқаларга,  
дақиқалар соатларга, соатлар кунларга айланади,  
бу шу пайтгача давом этадики, токи бир кун келиб,  
биз эрталаб кўп имкониятларни қўлдан бой бериб  
қўйганимизни пайқаб қоламиз. Биз умримизнинг  
охирги йилларини сарфлар эканмиз, беихтиёр ўз  
орзуласимиз ҳеч қачон ушалмаслиги, бир вақтлар  
орзуласиши учун имкониятлардан фойдала-  
на олмаганлигимиз қалбимизда армон бўлиб қо-  
либ, афсуслар чекамиз.

Умр ўз поёнига бутқул етганда, бизни хатолари-  
мизни тузатишга бир сония ҳам вақт бўлмайди. Умр  
лаҳзаларимизни санаб бораётган соат на голиблар,  
на мағлублар ҳақида қайғурмайди. Уларни ким ют-  
гани-ю, ким ютқазганлиги қизиқтирмайди. Уларни  
оқлаш, адолат ёки тенг ҳуқуқлилик каби нарсалар  
ташвишлантирмайди. Ягона муҳим масала шунда-  
ки, биз ўйинни қандай қилиб ўйнаганлигимизда.

Инсон ёшига қарамасдан, айнан шошилинч за-  
рурият туйғуси уни ҳозир—айнан шу лаҳзада ҳара-  
кат қилишга мажбур қилиши лозим. Биз сезилмай  
ўтиб кетаётган ва шунчалик арзимас деб ҳисобла-  
ган лаҳзаларни—умримизнинг ҳар бир лаҳзасини  
бебаҳо эканлигини доимо ҳис қилишимиз лозим.

Бизда зарур бўлган вақт ҳали мавжуддир. Бизда  
ҳали кўплаб имконият ва умид бор, йиллар бор-  
ки, бирон нима қила олишимизни кўрсата оламиз.  
Орамиздан кўпчиликка эртанги кун, келаси ҳафта,  
келаси ой ва келаси йил келади. Лекин, биз масъу-  
лиятилилк ҳиссини шакллантирасак, шошилиш  
зарурият ҳиссини уйғотмасак, унда қисқа муддат-  
ли вақтимиз ҳам аввалги ҳафталар, ойлар ва йил-

лар сингари беҳудага сарфланиб, исроф бўлади. Бу  
ахир чеки йўқ захира эмаску!

## КЕЛАЖАКДАГИ АҲВОЛНИ ОЛДИНДАН ҚУРА БИЛИШНИ ЎРГАНИНГ

Агар ҳозирги ҳаёт йўлимизни ҳисобга олган ҳолда онгимизда келажагимиз манзарасини тасвирлай олганимизда эди, эҳтимол биз ўз ҳаётимизга анча жиддий ёндошган бўлардик. Шошилинч ҳиссининг йўқлиги оқибатларини қуидаги аянчли бир воқеа мисолида кўриш мумкин.

Кунлардан бир куни бир одам кичик қайиқقا утириб, Ниагара дарёси бўйлаб суза бошлади. Дарё соқин оқиб турибди, шамол эса майин эсиб турибди, булатсиз тиниқ осмон узра қуёш чараклаб турибди. Одам яқиндагина ўз қайигини қирғоқнинг саёз жойидан чиқариб олган эди, ҳозир ҳам ҳали қирғоқдан бир неча фут масофада сузиб кетмоқда. Хавотир бўлишга ҳеч қандай асос йўқ. Одам илмоқни илиб, қармоқни сувга ташлади, унинг ўй-ҳаёллари сув оқими билан шўнғиб кетди.

Худди шундай ҳол унинг қайиги билан ҳам бўлди. Дастлаб ҳаракат оҳиста ва сезилмас даражада эди, бу кучсиз оқимда сузиб юрган ҳар қандай қайиқ билан содир бўладиган одатий ҳол эди. Лекин ҳар қандай оқимда қайиқ маълум бир йўналишда сузади, ва бошқарув мавжуд бўлмаса, уша йўналишда худди бир қандайдир кўринмас ва ажиб бир куч таъсири остида сузиб кетади.

Инсон ўзининг ҳозирги ишлари билан шуғулланар экан, қайиқни ҳаракати тезлашиб қолганини сезмай қолди. Унинг бутун фикр-ҳаёли балиқ овлаш билан банд эди, чунки бутун ҳафта давомида ушбу сафарга тайёргарлик кўриб, фақат шу ҳақи-

да бош қотирди. Жиддий мулоҳаза юритишга ҳали вақт бўлади. Ҳар ҳолда, у маълум бир вақт дам олиш ва ёлғизликдан баҳраманд бўлиши мумкин. У барча турмуш ташвишларини эсдан чиқариб, шу соатда қайиқ сингари сузига ўзига эп кўради.

Тўсатдан, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, унинг ўй-ҳаёллари айни ҳозирги воқеликка қайтди. Назаридан товуш гўёки қаердандир, аввал жуда узоқ масофадан келаётгандек туюлди, лекин кўз очиб юмгунча у кучайиб, қулоқни деярли кар қиладиган даражага етди. Унинг диққат-эътиборини нафақат қаттиқ товуш, балки энди сокин ва тинч бўлмаган оқимда кичкина қайиқнинг шиддатли ҳаракати ҳам ўзига тортиди.

Одам атрофга назар ташлаб, дарёнинг иккала қирғоғи гўё икки тарафга ўз-ўзидан ҳаракатланиб, узоқлашиб кетганини сезиб қолди. Ушбу кичкина қайиқда мотор йўқ эди, у фақат ягона рул эшкаги ёрдамида ҳаракатланиши мумкин эди. Авваллари унда мотор ва эшкакка эга бўлиш зарурияти йўқ эди.

У нима содир бўлганини тушунишга уриниб кўрди: у гўё ўз назоратидаги хавфсиз дунёсидан қутурган гирдобга тушиб қолгандек эди.

Кўп фурсат ўтмай, бутун воқелик унинг олдида яққол намоён бўлди. Гумбур-гумбур овоз, тўлқинланиб кўпираётган сув, қуюқлашиб бораётган туман ва бошқарувсиз қайиқнинг ожизлиги бирданига бу даҳшатли манзарани шакллантирди. У ўзини сувга ташлаб, кичкина қайигини ва Ниагара дарёсини тарқ этди ва оқим уни шаршара остонасига оқизиб келди.

Унинг онгига бир талай фикр ва ҳиссиётлар пайдо бўлди. Қанийди, ғалаёnsиз бу сузига юриши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида бир он бўлса ҳам ўйлай олса эди! Қанийди, у сафар-

га яхшироқ тайёргарлик кўриб, қайиғига мотор ўрнатиш учун ғамхўрлик қилганда эди! Қанийди, агар шу нарсаларни аввал пайқаганда эди, ёки агар у...

Одам ҳозиргина иккала қирғоқ бўйлаб фожеа ёқасида турган қайиқ ҳақидаги хабарни тарқатадиган одамлар тўдасига кўзи тушди. Бундай мудҳиш манзарани гувоҳи бўлган одамлар гўё ёрдам қўлини чўзаётгандек, лекин аслида, умидсиз бу одамни қутқариб қолиш ўзининг ҳаётини ҳам хавфга солиши демакдир. Баъзи одамлар арқон ёки дарахт шоҳларини ташлашга уринишар, лекин кўпчилиги бу фожеани гувоҳлари сифатида донг қотганча туришдан бошқасига қодир эмасдилар.

Бир пайт таҳдид solaётган хавф-хатар уни забт этганлиги—бу унинг бепарволиги учун қасос олинганини ҳис қилди. Унинг барча имкониятлари, маҳорати, барча орзуларини ва ҳаёт-мамотини ҳал қилишга қодир бўлган атроф-теваракдаги вазиятларга бепарво ва беташвиш муносабатда бўлганлик учун фожеа курбонига айланди.

Унинг охирги ўй-ҳаёли шундан иборат бўлдики, агар яна бир имконият бўлганда эди, у барчасини буткул ўзгача қилган бўларди. Ўй-фикрлар юзлаб фут баландликдан тушаётган шаршара сувининг тезлиги сингари жуда тез кўз ўнгидан ўтарди.

Агар унинг пешонасига бошқача тақдир битилганда эди, у фожеани олдиндан кўра оларди. У фожеа ҳақиқатдан содир бўлгунга қадар барча манзарани кўз ўнгига яққол кўра олган бўларди. Ўзининг бепарволиги ва эътиборсизлигининг салбий оқибатларини тахмин қила оларди. Кўпириб тошаётган сув, шовқин solaётган шаршара товуши ва тезлашаётган оқим тезлигини хаёлан кўз олдига келтириб, вақт кеткизмай, зудлик билан хавфсиз қирғоқ томон сузишга мажбур қиласарди.

Қанийди, сув уни ўз қаърига тортмасдан, аксинча, сув устига чиқариб қўйганда эди, у ўз маҳорати, ўзининг имкониятларини ва ўзининг вақтини янгича баҳолаган бўларди. У ҳеч қачон миясига турили хил сафсата ва бемаъни фикрларни эгаллашига йўл қўймаган бўларди. Дам олиш ва ёлғизликдан баҳраманд бўлиш фикридан воз кечиб, жадал меҳнат қилиш ва кўзга кўринган муваффакиятга эришиш фикрлари билан банд бўлишга интиларди.

Лекин, афсуски, унинг вақти поёнига етиб келган эди.

### ХОЗИРГИ ҲАЁТ ОҚИМИНИ ЎРГАНИШ

Бизнинг ҳаётимизда барчаси худди шундай амалга ошади. Биз ҳаммамиз оқим бўйлаб, маълум бир йўналишда сузамиз, хаттоки айни пайтда ҳам. Ягона жиҳати шундан иборатки, бу оқим бизни қаерга бошлаб келишини маълум бир аниқлик билан аниқлашимиз мумкин. Энг мавҳум нарса шуки, бизда ушбу оқимни керакли йўналишда ўзгартиришга етарли вақт бўлармикин.

Баъзи инсонларнинг ўтмишдаги қилмишлари бу гунги ва ҳаттоки келажақдаги ҳаракатларини белгилаб қўйган. Буни устига улар бу оқимга ҳеч қандай ўзгартириш киритишга ва тезкор ҳаракатлар қилишга интилмаяптилар. Ўзининг бепарволиги сабабли жазосиз шу оқимда юришларига имкон бермоқдалар. Ўйин-кулгига интилиш орқали ўқиш ҳохишини сўнишига йўл қўймоқдалар. Изланиш ўрнига ўzlари ғойиб бўлмоқдалар. Улар озгина адашгандиллари, бепарволиги ёки хато ўй-фикрлари катта аҳамиятга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Бу инсонлар ҳаётда барча нарсалар ўзаро боғлиқ эканлиги

ва бугунги ҳаракатлари келажақдаги күн тақдири-  
ни белгилашини англаңылар.

Уларнинг беташвиш ҳатти-ҳаракатлари ва мақсад-  
сиз тентираб юришлари энг муҳим ресурс—вактни  
битказиб туттади. Уларга вакт шундай күпдек ту-  
юладики, улар айрим имкониятларни қўлдан бой  
берилишига йўл қўйиб берадилар.

Бизнинг фалсафамиз келажакнинг қандайдир шарт-  
ларига интилтиради. Бугунги кунда ҳаётга нисбатан  
муносабатларимиз, фаоллик даражамиз ва натижага-  
ларимиз сингари келажақда ҳам ҳаракат қиласми.  
Бизнинг ҳозирги ҳаёт тарзимиз бизни янада чуқур-  
роқ ҳиссиётларга берилишимизга ёки барча нарса-  
ларга эга бўлгунча бир оз кутиб туришга ундейди.

Биз киммиз ва қандай бўлишимиз керак деган  
саволлар нафақат охирги мақсадлар кесимида, бал-  
ки якунланиб бораётган вакт—“соатлар чиқиллаши”  
кесимида ҳам ўрганилиши лозим. Балки бизни их-  
тиёrimизда бор-йўғи бир неча йил қолгандир. Бал-  
ки бор-йўғи бир неча ойлар қолгандир. Бироқ, шу  
қолган ғанимат вакт давомида охирги соат кели-  
шини ожизона кутгандан кўра, бирор бир амалий  
ҳаракатларни рўёбга чиқармоқ афзалроқ эмасми?

### ҲАЁТ-БУ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЭМАС

Ўқиш даври ўтди. Биз ўсиб улғаётган чоғимиз-  
да ўқув дарслари бўлар эди. Биз мактабда бўлгани-  
мизда ўқиш даври эди.

Эндилиқда биз умр зарварақларининг тўлақонли  
иштирокчиларимиз, бизнинг ракиб эса—бу инсон-  
нинг иккиламчилигидир. Обдон ва пухта ўйланган  
фаолиятнинг йўқлигига омадсизлик бегона ўтлари  
ҳамма нарсани, хаттоки ўз куч-ғайратингиз эвази-

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

га эришилган ютуқларни барбод қилиши мумкин.

Бизга “икки дақиқалик огохлантириш” берилиши-ни кутиб ўтиришга ижозат бермаслигимиз керак. Биз ўйлаган режаларимиз рўёбга чиқмаслигини билмоқ учун энг охирги дақиқаларгача кутиб ўтиришга йўл қўймаслигимиз керак. Бизга умр берган имкониятларни жадаллик билан қўллашни бошлаш учун соатнинг охирги дақиқалари уришини кутиб ўтиришга ижозат бермаслигимиз керак.

Биз фикрлашнинг янги даражасига ва ютуқларни янги даражасига эришишга ўзимизни даъват қилишимиз лозим.

Бизни рағбатлантирадиган ва атрофдагиларни илҳомлантирадиган янги тартиб-интизом, янги ҳаётга бўлган муносабатни ўзимизда шакллантиришимиз лозим.

Биз бошимизга жуда зўр имкониятлар ёғилиб тушишини кутиб ўтирмаслигимиз керак. Биз бугунги имкониятларни кўра билиш ва улардан фойдала олишни ўрганишимиз лозим. Биз унга ўзимизнинг маҳорат, куч-ғайрат ва зудлик билан ҳаракат қилиш хиссини бериб, нималарга қодир эканлигимизни на-моён қила билишимиз керак.

Биз ҳар бир имкониятда хавф-хатарга диққат-эътиборимизни қаратишга йўл қўймаслигимиз лозим. Аксинча, биз ҳар бир хавф-хатарга хос бўлган имкониятни қўлга киритишимиз лозим. Баъзан хатар ичига чуқур кириб бориш зарурдир, чунки бу бизни қай даражада узоққа боришимизни англа-етишга имкон беради.

Сиз буни қила оласиз! Сиз ўз ҳаёт тарзингизни ўзгартиришингиз мумкин, ва буни айни вактда, ҳозир амалга оширишингиз мумкин, бунинг учун шунчаки масъулият сезишнинг янги хиссиётини шакллантиришни бошласангиз бўлди.

Ёдда тутинг, вақт кетмоқда. Агар бу жараённи айни ҳозир бошласангиз, Сиз истаган барча нарасага эришишингиз мумкин.

Омад ва баҳтга эришиш—бу осондир. Лекин бунга эришмай қолиш ҳам—жуда осондир.

Сизнинг ҳаётингизни якуний натижаси фикрлашда кўплаб хатоларга йўл қўйганингиз ёки ўз ҳаётингизни оддий қоидаларни ҳар куни бажаришга бағишлишингизга боғлиқдир. Бу қоидалар қуйидагилардир:

Фалсафандизни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш қоидаси;

Ҳаётга нисбатан анча тўғрироқ муносабатни шаклантириш қоидаси;

Анча юқори ютуқларга олиб келувчи жадал ва кетма-кет фаолиятга киришиш қоидаси;

Келажакни объектив баҳолаш учун сизнинг натижаларингизни ўрганиш қоидаси;

Порлоқ келажак учун барча тажрибангиз ва умрингизни янада кўпроқ бағишлиш қоидаси.

Бу Сизнинг маҳорат ва қувватингизни қўллаш имконини берувчи танловдир.

Майли Сизни ҳаётингизнинг айрим лаҳзалари бир-бири билан қўшилиб кетган бўлсин ва сиз ҳаётнинг фундаментал асосларини доимий такомиллашган якуний натижаларингиз билан фахрланиб завқ олишингиз мумкин.

Сизни қилган барча уринишларингиз ва натижаларингиз бир кун келиб Сиз ҳақингизда фақат битта содда жумлани айтишга сабаб бўлсин...

Бекиёс ишларни қилган, меҳрибон ва содик дўстим.

## ДЖИМ РОН

Американинг муваффақият  
назарияси ва амалиёти бўйича  
энг машҳур мутахассисларнинг бири

Жим Рон 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида инсон шахсий ҳаёти ва тадбиркорлик фаолиятига ижобий таъсир қилувчи фундаментал феъл-автор омилларини ўрганиш билан шуғулланиб келмоқда.

Жим Рон – бошқаларга дарс бериш ва йўл кўрса-тишни ўзига касб қиласланлар учун ўрнакдир. У шу кунгача 5000 дан ортиқ чиқиш қиласлан, уни 3 миллиондан ортиқ киши тинглаган. У Европа, Осиё, Австралия ва Африкада, шунингдек, Шимолий Американинг йирик шаҳарларида семинар ва ишчи учрашувларини ўtkазиб келади. У Нотиқлар миллий ассоциацияси аъзоси, нотиқлик санъати борасида кўрсатган маҳорати ва хизмати учун 1985 йил машҳур CPAE мукофотига сазовор бўлган.

Бир қанча йирик бизнес корхоналарини бошқарди. Улардан бири шахс камоли ва менежмент маркетинги, ҳамда савдо-сотиқ техникаси бўйича семинар ўtkазиш ва дарсликларни чиқаришга ихтинослашган Jim Rohn International халқаро кўптармоқли компаниясидир.

“Мен сизга тўлақонли ҳаётни тилайман. Ҳаётингиз бойлик, саломатлик ва баҳтга тўла бўлсин. Ақл-заковатингиз, қатъийлигинги, ўз ўзингизга ишончингиз, орзу қилиш ва албатта уларни рӯёбга чиқара олиш қобилиятингиз орқали ҳаётингиз бекиёнг ёс гўзал ва баҳтли қилишингизни тилаб қоламан”.

Джим РОН

## МУНДАРИЖА

### АҚЛ ВИТАМИНЛАРИ

Муқаддима .....	5
Ҳаракат қилиш вақти келди.....	8
Сиз сұніб бораёттан ният қонунининг қурбони бұлдингиз .....	8
Интизом .....	10
Күп бериладиган саволлар .....	11
Әнг яхши натижалар сари биринчى қадам .....	13
Сабот/қатъият .....	14
Күп бериладиган саволлар .....	14
Ұзғаришлар танловдан бошланади .....	17
Ұзғаришлар/танлов/қарор .....	18
Күп бериладиган саволлар .....	19
Ташаббус ҳаракатсизликдан күра яхшироқ.....	21
Яхшиямки, жараённи тұхтатиш осон .....	22
Ташаббус.....	22
Күп бериладиган саволлар .....	23
Биз тұқнаш келадиган иккى мұқобиллик.....	25
Қадриятлар.....	26
Яхши кузатувчига айланинг .....	27
Завқланиш.....	28
Күп бериладиган саволлар .....	28
Шахсан ривожланиш мұъжизаси .....	29
Шахсан ривожланиш .....	31
Қаерда бұлсангиз ҳам, шу ерда бўлинг.....	32
Вақтни бошқариш.....	33
Асослар/асосий қоидалар .....	36
Күп бериладиган саволлар .....	37
Муносабат – ҳамма нарса.....	38
Ҳақиқат.....	40
Күп бериладиган саволлар .....	41
Ұзини алдашга қарши ҳаракат.....	44
Фаоллик/ меҳнат .....	46

## ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

Хаётингизни ўзгартириб юбора оладиган түрт туйғы .....	47
Хиссиятлар .....	51
Күп бериладиган саволлар .....	52
Китоблар ўқинг .....	54
Китоблар/кутубхона/мутолаа .....	56
Чумоли фалсафаси .....	57
Шахсий фалсафа .....	58
Күп бериладиган саволлар .....	59
Имкониятларни севинг .....	60
Истак/рағбат .....	62
Мотивация ва манипуляция (бошқариш) .....	62
Ўз натижаларингизни кузатиб боринг .....	64
Ишдаги мавқе/бозор .....	66
Күп бериладиган саволлар .....	67
Яхши ҳаёт нима дегани? .....	69
Турмуш тарзи .....	72
Мақсадлар қўйиш .....	73
Кундалик юритиши – ўлимингиздан сўнг сиздан қоладиган учта хазинанинг биридири .....	74
Кундаликлар .....	77
Xxi аср учун маҳорат .....	77
Қўнимкамлар/сотишлар .....	79
Ажойиб ишлар қилиш .....	81
Истак/майл .....	82
Дуг фейербахнинг маҳсус мақоласи .....	83
Тилнинг кучи .....	84
Мулоқот/ишонтириш .....	86
Күп бериладиган саволлар .....	87
Ички душманлар билан кураш .....	88
Салбийликни енгиш .....	91
Чаққонлик билан ҳаракатланинг .....	91
Муваффақият ва омадсизлик .....	95
Ҳаёт берувчини мукофотлашни истайди .....	96
Тарбия/муносабат .....	97
Күп бериладиган саволлар .....	98
Нима эксанг, шуни ўрасан .....	99
Беринг, сахий ва миннатдор бўлинг .....	102
Орзу-умидларингизни амалга оширинг .....	103
Мақсадлар/мақсадни йўлга қўйиш .....	105

## **ЖИМ РОН**

Ақлий-маънавий камолотга қандай эришилади?	106
Молиявий даҳлсизлик/ мустақиллик	108
Болаларга үхашашга ҳаракат қилинг	109
Болалар	112
Кўп бериладиган саволлар	113
Омадсизлик ва муваффақият формуласи	115
Етакчилик	118
Кўп бериладиган саволлар	120
Ўзини тарбиялаш	121
Таълим/ўқиш	124
Моҳир етакчилик белгилари	125
Шахсий жавобгарлик	128
Эътиборни жамлаш	129
Фермер сингари фикрланг	130
Бепарволик	131
Кўп бериладиган саволлар	132
Бугун – бу кечаги эртага	133
Режалаштириш	134
Камбағал бит эффекти	135
Тажриба	138
Ўз атрофингиздаги одамларни қадрланг	139
Таъсир/атрофдагилар	142
Ўз атрофингиздагиларни баҳоланг 2-қисм	143
Қайғудош бўлиш/ғамхўрлик қилиш	145
Кўп бериладиган саволлар	146
Сармоядан ҳам муҳимроқ 9 нарса	148
Муаммоларнинг ечими	152
Муваффақиятли жамоани шакллантириш	152
Натижалар	155
Кўп бериладиган саволлар	155
Ўзгаришлар танловдан бошланади	157
Кечиринг, ишонинг, қарор қабул қилинг	158
Мен ишонаман	159
Хукумат/дебатлар	159
Ҳаёт мавсумлари – 1	161
Фоялар	163
Ҳаёт мавсумлари – 2	164
Бошқарув	165
Ҳаёт мавсумлари – 3	166

Экин ва ўрим .....	168
Шукроналик ҳисси билан яшанг .....	168
Хаёт мавсумлари – 4 .....	170
Уддабуронлик .....	171
Хаёт мавсумлари – 5 .....	173
Шахсий ўсиш .....	175
Даромад маошдан яхширок .....	176
Бандлигингизга қарамай .....	177

## БОЙЛИК ВА БАХТГА ЭРИШИШНИНГ 7 СТРАТЕГИЯСИ

Бутун ҳаётимни ўзгартирган кун .....	180
Бешта асосий сўз .....	183
Асослар .....	183
Беш-олтида асосий компонентлар .....	184
Бойлик .....	185
Бахт .....	186
Интизом .....	187
Ўз-ўзини алдаш ўрнига ҳаракат қилиш .....	190
Муваффақият .....	191
Мақсадларга интилишда нималар туртки бўлади .....	193
Орзунинг кучи .....	194
Аниқ белгиланган мақсадлар кучи .....	195
Сабаблар .....	195
Тўртта улуғ мотиватор .....	196
Майда-чўйда сабаблар .....	198
Мақсадлар белгилаш йўллари .....	199
Узоқ муддатли мақсадлар .....	199
Қисқа муддатли мақсадлар .....	202
Бекарорлик .....	203
Мақсадлар: улар сиз учун ишлаши керак .....	204
Мақсадларнинг асл моҳияти .....	205
Ўзингизни синдиришга йўл қўйманг .....	206
Саволлар бериш қобилияти .....	207
Мақсадларни қўйиш ва вактни бошқариш .....	208
Устиворликлар .....	209
Асосий ва иккинчи даражали ишлар .....	209
Эътиборни жамлаш .....	210
Хаётда ҳамма ўз насибасини олади .....	210

## ЖИМ РОН

Оқилликка йўл .....	211
Билим гавҳарларига эга бўлиш .....	212
Оқил бўлиш йўллари .....	213
Шахсий фикрлар .....	213
Бошқалар ибратидан сабоқ олиш .....	215
Китоб ва кассеталар .....	216
Эшитиш қобилияти .....	218
Кузатиш .....	219
Келажакка сармоя .....	220
Шахс камолоти мўъжизаси .....	221
Қадр-қиммат .....	222
Ҳаёт мавсумлари .....	227
Ўз-ўзини чеклаш .....	231
Ўзингизни ўзгартириш йўллари .....	235
Шахсий камолот сари уч йўналиши .....	235
Маънавий камолот .....	236
Жисмоний камолот .....	236
Ақлий камолот .....	237
Интизом сақлашнинг осон йўли .....	238
Ўз-ўзига мотиватор .....	239
Молиявий эркинликка етишиш йўллари .....	240
Молия патирини тақсимлаш .....	242
Соликлар .....	242
70/30 Қоидаси .....	245
Хайрия .....	246
Маблағ киритиш .....	247
Тежамкорлик .....	248
Иқтисодиёт ва болалар .....	249
Йўл ярмидаги тузатишлар .....	250
Хисобингизни йўқотманг! .....	250
Бойлик ва бахтга муносабат .....	251
Моҳир хўжайин бўлиш йўллари .....	252
Вақт билан муомала қилишдаги тўрт позиция .....	253
Ўзини англаш .....	259
Телефон .....	261
Вақтдан фойдаланишни самарали ташкил этиш .....	263
Тўғри саволлар беришни үрганинг .....	264
Фикрларни қоғозда баён этишнинг тўрт усули .....	265
Суҳбатлашиш тамойили .....	271

Сиздан бойроқ одамнинг турмуш тарзига элтадиган йўл	279
Муҳаббат ва дўстлик	282

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ БЕШ КАЛИТИ

Сўзбоши	284
Кириш	286
Ўзгариш жараёни қандай бошланади	287
Муваффакият ва баҳт қалити	288
Ҳаёт мозаикасининг асосий беш бўлаги	289
Биринчи боб	291
Фалсафа	291
Шахсий фалсафамиз қандай шаклланади	291
Шахсий фалсафа худди елканни шамолга тўғрилашдай	293
Кучли шахсий фалсафани қандай яратиш мумкин	294
Янги ахборот қанчалик муҳим	296
Шахсий тажрибада ўрганинг	297
Бошқаларнинг фикрини инобатга олишни ўрганинг	298
Бошқаларнинг хатоликларидан дарс олинг	299
Бошқаларнинг ютуқларидан ўрганинг	300
Позитив таъсир кучидан фойдаланинг	300
Яхши кузатувчи бўлинг	301
Яхши тингловчи бўл	302
Китоблар ўқинг	303
Шахсий кундалик тутинг	305
Қарор қабул қилиш жараёни	308
Омадсизлик формуласи	309
Муваффакият формуласи	311
Ҳар куни бажарилиши лозим бўлган бир қанча тартиб-интизом қоидалари	311
Ҳар куни бажариладиган оддий тартиб-интизом қоидалари	312
Тартиб-интизом қоидалари кўпайиш табиатига эга	313
Баҳт билан муваффакиятга эришиш қийин эмас	314
Бепарволик хавфи	315
Тўғри овозга кулоқ солишни ўрганинг	316
Иккинчи боб	318
Ҳаётга муносабат	318
Ўтмиш	319

## ЖИМ РОН

Хозирги кун.....	320
Келажак.....	321
Бошлашдан аввал ҳаммаси тугаши лозим.....	322
Ёркин келажакни барпо этиш.....	322
Келажак ҳар доим ўз нархига эга бўлади .....	323
Бир ўзимиз мувваффақиятга эриша олмаймиз .....	324
Ўз қадримизни билиш – юксалишнинг бошидир .....	325
Ўзимизга бўлган муносабатни ўзимиз танлаймиз.....	326
Бошқалар билан мулоқот бизнинг ҳиссиятимизга таъсир қиласи .....	328
Чекланган мулоқот фойдалиги .....	330
Кенгайтирилган мулоқот аҳамияти .....	332
Таъсирнинг янги ва энг яхши манбалари .....	332
Ҳаётга муносабат – бу энг муҳими .....	333
Учинчи боб .....	335
Фаолият .....	335
Нима учун кўпинча биз биринчи қаватда ушланиб қоламиз .....	337
Келажак сиймосидан фойдаланиш .....	339
Фаолият дам олишдан яхши .....	340
Меҳнат ва ҳордиқнинг ўзаро мувофиқлиги.....	341
Мақсадга эришишда қисқароқ йўлни ахтариш хавфи.....	342
Ўзгариш танловдан бошланади .....	344
Пухта ўйланган фаолиятнинг зарурияти .....	345
Фаолиятни режалаштириш керак.....	345
Яхши режа – бу оддий режа.....	346
Фаолиятимиз тартиб-интизомга туширилган бўлиши керак .....	347
Тартиб-интизомга солинган фаолият бошланиш нуқтаси .....	348
Тўртингчи боб .....	351
Натижалар .....	351
Натижаларимизни қандай ўлчаймиз .....	352
Ким бўлишимизга қараб мувваффақиятни жалб қиласи .....	355
Мувваффақият ортидан қувманг, уни жалб қилинг .....	356
Нисбатан кўпроқ камол топган шахс кўпроқ натижаларга эришади.....	356
Келажак мукофоти бизни кутади .....	357

## ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

Маҳоратни ошириш аҳамияти.....	358
Натижаларни яхшилаш йўлида биринчи қадам .....	359
Ким ҳаққини тўласа, ўша мукофотини олади.....	359
Тез-тез натижани текширинг .....	360
Етарлича вақт ичидагизи сезиларли муваффақиятларни амалга ошириш.....	361
Содир бўлаётган воқеалар ҳамманинг бошидан ўтади ....	362
Эътиборсизлик келажакдаги муаммоларни купайтиради.....	363
Ишонч натижаларга таъсир қилади .....	364
Интилишларимиз қанчалик узоқча қаратилган бўлиши керак?.....	366
Танлаш учун икки йўл .....	367
Бешинчи боб .....	369
Ҳаёт услуби.....	369
Ҳаёт услуби – бу бизнинг ҳаётта муносабатимиз ва қадриятларимизнинг кўзгудаги аксиdir .....	370
Ҳаёт услуби – миқдорий тушунча эмас.....	371
Ҳаёт услуби – бу биз кимлигимиз ва қандайлигимизни курсатувчи кўзгудир.....	372
Ҳаёт услуби – бу ноавтоматик мукофотdir .....	373
Ҳаёт услугини ўрганиш ва тажрибада синаш керак .....	374
Мақсадларингиз томон интилган вақтингизда бор нарса билан баҳтли бўлишни ўрганинг.....	375
Қаерда бўлманг, ўша ерда бўлинг .....	376
Ҳаёт сизни ўз ичига олсин .....	377
Хулоса .....	378
Тезкорлик ҳиссининг зарурати.....	378
Инсоннинг шинамликлар мухити .....	379
Бугун – бу кечаги куннинг эртасидир .....	381
Икки дақиқалик огоҳлантириш.....	382
Келажакдаги аҳволни олдиндан кўра билишни ўрганинг .....	384
Ҳозирги ҳаёт оқимиини ўрганиш .....	387
Ҳаёт – бу ўқув машғулотлари эмас .....	388
Джим Рон.....	391

# Жим Рон

(Энг сара асарлари)

Мұхаррир: Ш. Ғуломов

Мусаххих: М. Турсунов

Техник мұхаррир: А. Турсунов

Саҳифаловчи: Ю. Исломов

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 – 04 июль 2013 йил

Теришга берилди 08.05.2018. Босишга рух  
этилди. 23.07.2018. PT Serif гарнитураси

Қоғоз үлчами 84x108<sup>1/32</sup>.

Офсет босма. 25 босма табоқ.

Буюртма № 22. Адади 5000.

Баҳоси келишилган нархда.

**Нашриёт манзили:**

«Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 100027,  
Тошкент шаҳри, Ўқчи кӯчаси, 29-уй.

**Босмахона манзили:**

«ADAD PLYUS» МЧЖда чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кӯчаси, 28-уй.